

Исо Жабборов  
Санжар Жабборов

# ЖАҲОН

## ДИНЛАРИ ТАРИХИ



Исо Жабборов  
Санжар Жабборов

# ЖАХОН ДИНЛАРИ ТАРИХИ




86.2  
№ -13

ИСО ЖАББОРОВ, САНЖАР ЖАББОРОВ

# ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари ҳамда  
ўқитувчилари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ "ЎЗБЕКИСТОН" 2002



86.2  
Ж 13

Масъул муҳаррир:  
академик, фалсафа фанлари  
доктори, профессор М.М.Хайруллаев

Тақризчилар:  
фалсафа фанлари доктори, профессор **Қ.Н.Нажимов**  
тарих фанлари доктори, профессор **К.Н.Норматов**  
тарих фанлари доктори **Қ. Иноятов**  
тарих фанлари номзоди, доцент **Х.Қ.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор И.Жабборов ҳамда ҳуқуқшунос ва диншунос олим, фалсафа фанлари номзоди С.Жабборовнинг ушбу китоби бой ва хилма-хил тарихий, археологик, этнографик ва этноюридик материалларга таянгани ҳолда анча вақтдан бери уқиб келинаётган маҳсус курс ҳамда муаллифлар олиб борган тадқиқотлар асосида ёзилган. Унда мазкур фанлар қўлга киритган сўнгги илмий хулоса ва мулоҳазалар ақидавийлашган "жанговар атеизм"га зид ҳолда янгича талқин қилинган. Китобда ибтидий динларнинг ва илк билимларнинг пайдо булиши, давлатлар юзага келган даврдаги политеистик диний тасаввурлар ва дастлабки хурфиксалийкнинг эволюцияси, монотеистик жаҳон динлари (зардуштийлик, буддизм, христианлик, ислом)дан то ҳозирги динлар ва диний йуналишларгача, тафаккур ва виждан эркинлиги тарихий жараёни, дин ва илм-фан орасидаги мулоқот ва мослашиш муаммолари баён этилган.

Китоб олий ўкув юртлари талабалари ва ўқитувчиларига ҳамда дин ва хурфиксалийк тарихига қизиқувчи барча китобхонларга мулжалланган.

Ж **04010000 - 07**  
**351 (04) 2002** - 2002

ISBN 5-640-02617

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002.

## МУҚАДДИМА

"Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимиёт учун курашга, сиёsat, иқтиодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ булишига йўл қўймаймиз".

*Ислом Каримов*

Жамият пайдо бўлгандан буён инсон ранғ-баранг табиат, турли-туман ҳодисалар ҳамда воқеаларни билишга интилиб келган. Инсон коинотда ўз мавқеини аниқлаш мақсадида яхши-ёмонни, эзгулик ва ёвузликни, ҳақиқат ва сохталикни, муҳаббат ва нафратни фарқлашга, уларнинг моҳияти ва сабабларини тушунишга ҳаракат қилиб, ҳар хил тасаввур ва қарашларни яратган. Аммо бундай ўй-фикр ва дунёқарашлар ҳар доим ҳам тӯғри ва ҳаққоний бўлавермасдан, кўп ҳолларда кишини сохта тасаввурлар орқали нодонлик тўрига илинтирган, уни ғайриилмий тушунчалар доирасига тортиб, кўр-курана итоатгўйликка олиб келган. Шу билан бирга ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланган инсон ўз тафаккури билан оламдаги буюм ва ҳодисалар, ижтимоий воқеалар ва муносабатларнинг ҳақиқий моҳиятини тӯғри идрок қилиб, ижобий билимларга эга бўлган.

Антик даврнинг буюк мутафаккирларидан бири, милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган Гераклит инсон ўз табиати билан оламни ва ўзини билишга, ёшлиқдан фикр юритишга қобил эканлигини алоҳида қайд қилган. Демак, ҳар бир инсон вояга етиб, ақлга эга бўлиши билан теварак-атрофдаги воқелик тұгрисида мулоҳаза юритиб, табиат ва жамиятга оид саволларга жавоб ахтарган, илк фалсафий дунёқараш ва тушунчаларни яратган, ўзи ҳам камол топган. Дастребки илмий билимлар билан сохта

тасаввурлар ўртасидаги мулоқот асли табиат ва жамиятдаги турли қарама-қаршиликнинг ўзига хос ифодаси сифатида намоён бўлган. Бироқ бу мулоқот ҳар бир тарихий даврда турлича ифодаланган. Жамият қолоқ бўлса, дунёқарааш шакллари ҳам шунчалик оддий ва асосан хурофиий тарзда ифодаланган. Инсон тафаккурининг такомиллашиши ва ўсиши натижасида илмий ҳамда хурофиий тасаввурлар ҳам мураккаблашиб, ўз замонасига мослаша борган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов одилона қайд қилганидек, ҳозирги кунда биз танланган мақсадимиз йўлида кўндаланг бўлиб турган муаммоларни аниқ тасаввур қилишни ўрганишимиз лозим. Чунки "бу муаммоларнинг кўпчилигини янги тамойиллар ва улкан воқеа-ҳодисалар келтириб чиқарган. Шу сабабли бизни ўраб, ҳеч ким ўз ҳолича яшай олмайдиган, ҳамма нарса бизга боғлиқ бўлавермайдиган, юксак мақсадларга эришилиш йўлидаги интилишимизга жиддий хавф-хатар солиб турган бу дунёнинг ўзи нимадан иборат эканлигини чуқур тушуниб олиш жуда муҳим".<sup>1</sup> Бу жараённи тўғри тушуниш учун даставвал жамият тарихини яхши билиш зарур.

Халқнинг тарихий онги унинг ижтимоий тафаккури орқали умуминсоний қадриятлар ҳисобланган ватанпарварлик, одамийлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, ахлоқ-одобилик, аҳиллик, меҳр-оқибатлилик каби юксак инсоний фазилатлар ва олий мақсадларга эга жамиятни қуриш билан доимо узвий боғлиқ бўлиб келган.

Инсон камолотга эришгунча бутун тарих давомида ниҳоятда машақватли ва чуқур зиддиятларга тўла оғир йўлни босиб ўтган. Жамият тарихида қанчадан-қанча қудратли давлатлар, империялар пайдо бўлган, кейин емирилган, социал тўқнашувлар оловида бир сулоланинг ҳукмронлиги кулга айланиб, иккинчи сулоланинг ҳокимияти ўрнатилган, ижтимоий оқим тўлқинларида юзага чиққан айрим форя ва тушунчалар пуфакдай ёрилиб, буддизм, христианлик ва ислом каби диний таълимот ва эъти-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари." Т., "Ўзбекистон", 1997, 10—11-бетлар.

қодлар тарих синовидан ўтган, илмий билимлар асрлар оша жаҳснга тарқалган. Улар ҳозиргача жамиятнинг муҳим омиллари сифатида сақланиб келмоқда. Тарихнинг айрим саҳифаларини варақламай туриб, маънавий маданиятнинг таркибий қисмига айланган диний тасаввурларниң ижтиомий моҳияти ва илдизларини, илм-фанга таянган тафаккур эркинлиги ва уларниң ўзаро муносабатини аниқламагунча бу жараённинг сабабларини тушуниш қийин.

Инсоннинг ибтидоий жамоа тузумидан ҳозирги илмий-техника инқилоби давригача бўлган тараққиёти, оддий тош ва ёғоч қуролларидан замонавий автоматика, компьютерлар ва атом энергетикаси, ибтидоий чайлалардан йирик шаҳарларгача, кўчманчи уруф-қабилалардан буюк миллат ва элатларгача, ибтидоий нодонликдан коинот сирларини ўрганувчи космонавтика давригача босиб ўтган тарихи саҳифаларини варақлар экансиз, сонсаноқсиз ижобий ва салбий, эзгулик ва ваҳшийлик, жасурана ва фожиали воқеаларнинг гувоҳи бўласиз.

Ҳозирги даврда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи ва хуқуқини англаған, билим-дон, ўз ватани ва бурчига садоқатли фуқароларсиз ижтиомий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, хулқ-атвори умуминсоний қадриятларга мос келиши энг муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон мавқеи жамият моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолининг асосий манбай жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтиомий муносабатлар тизимида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган. Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини шахснинг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (иймон), **хуқуқ**, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятлар орқали тўғри идрок қилиш мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини ва мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофидаги муҳит (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдидағи бурчи ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари ва виждони орқали чукур тушуниб олса, у ижтиомий тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

Табиийки, биз фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онги қандай булишига бефарқ қарай олмаймиз, келажакда ҳам ҳар томонлама камол топган, билимдон ва ишбилармон, реал ҳаётни туғри идрок қила биладиган, онгли ва фаол эркин шахсни тарбиялашимиз зарур. Эркин шахс яшаш мақсадини ва ўз мавқеини туғри аниқлаб олишга, хурофий тасаввурлардан озод ҳолда, ақл-идроки, куч-файратига ва виждонига таяниб, ҳалол меҳнат ва фаолият билан турмуш шароитини яхшилашга интиладиган булиши керак. Аммо кишилар орасида айрим иродасиз шахслар ҳам борки, улар турмуш қийинчиликлари олдида ожиз бўлиб, ахлоқсизлик ва нодонлик турига тез илинадилар ва оқибатда ижтимоий тараққиётга фов бўладилар.

Бизнинг мустақил республикамиз янги жамият қуришга киришди. Аммо бундай тарихий жараён мураккаб ўтиш даврида пайдо бўлаётган ҳар хил қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу ҳолат собиқ совет республикаларининг деярли ҳамма ерида нафақат иқтисодий ва маънавий қашшоқлик, балки ҳар хил ёвузлик ва тўқнашувлар, зуравонлик ва қон тўкишлар, кутилмаган зиддиятлар ва социал оқибатлар шаклида яққол намоён бўлиб кишилар онгига ўз таъсирини ўтказмоқда. Афсуски, бундай жараён тўлқинида ҳар хил даҳшатли ва хатарли чиқндилар ҳам қалқиб чиқмоқда. Улар орасида айрим пайтларда ўзларининг ёвуз ниятларига етиш, ўз ҳукмини ўтказишга, турли шиорлар ва ниқоблар билан мустақиллик туфайли эришган демократик қонуний давлат шаънига доғ туширишга интилаётганлар ҳам пайдо бўлмоқда, унинг асосий қонуни — Конституцияга қарши чиқмоқдалар. Айниқса, бундай фожиали аҳвол Тожикистон, Грузия, Озарбайжон, Чеченистон, Арманистонда намоён бўлди. Шундай мураккаб бир вазиятда Конституцион давлат ўз кучини кўрсатиши зарур. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, Ўзбекистоннинг мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган ва зуравонликни тарғиб қилувчи, Конституцион тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган шахслар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари булиши

зарур. Зеро, Конституциямизда ҳурфиклилик, виждон ва эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган.

Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий ҳаётимизнинг таркибий қисми ҳисобланган исломнинг хулқ-атворимизни, руҳиятимиз ва турмуш тарзимизни мустаҳкамлашдаги хизматини унутиш мумкин эмас. Аммо, катта сиёsat, давлат ишларида, замонавий ҳалқаро муносабатларни самарали бошқаришда илм-маърифатга ва умуминсоний дунёвий қонун-қоидаларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 31-моддасида: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга", деб ёзиб қўйилган.

Олий Мажлисда янгича қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар" тӯғрисидаги Қонун ҳаммага — ҳукумат идоралари ва давлат арбоблари, диний ташкилотлар ва барча фуқароларга тааллуқли бўлиб, Конституциямизга жуда мос келади. Унга ҳаммамиз чин қалдан ва ҳурмат билан амал қилишимиз зарур. Бутун эл-юрт бу Қонунни шунчаки ҳужакўрсинга эмас, балки чуқур ўрганиб, юраги билан ҳис этса ва тӯғри англай олса, ўлкамизда осойишталик ва тинчлик бўлиши, шубҳасиз.

Афсуски, виждон эркинлиги Қонунига зид ҳолда айрим ақидапарастларнинг дин ниқобида турли-туман хурофий ташвиқотлар билан баъзи кишилар фикрини чалғитиб, уларни маънавий қашшоқлик йўлига чорлаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Йирик дин арбобларидан бири айтганидек, "йўқ ердагини йўндириб, беозор ва беғубор художўлардан сиёsatдонлар ясад, тиник сувни лойқаштириб, балиқ овламоқчи бўлаётган қалбан ва имонан номукаммал кимсалар" борки, бундайларга бепарво қараб бўлмайди. Ҳатто, айрим фундаменталист ақидапарастлар илмий билимларга зид ҳолда жаҳон тарихини фақат ислом асосида ўрганиш зарур, дейдилар. "Исломни чуқур ўрганмасдан туриб, — деб ёзади шундай ақидапарастлардан бири, — ўзбек адабиёти, санъати тарихини, ҳалқимиз табиати ва савиясини, миллий одатларини ва яна муҳими, илму фан, фалсафа ва тафаккур тарихини ўрга-

ниш мумкин эмас". Бундай бирёзлама ёндашиш ёш авлодни тарбиялашга, қолаверса, мамлакатимизнинг истиқболига катта путур етказиши мумкин.

Маданият юксалган ҳозирги замонда ҳам баъзан узоқ ўтмишдаги сингари социал ва миллий низолар турли-туман беъмани foялар ва хурофий тасаввурлар шаклида намоён булиб, минглаб кишиларнинг ёстигини қуритмоқда, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирмоқда. Президентимиз кўрсатганидек, "буғунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбаларини ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлашимиз даркор"<sup>1</sup>. Бунинг учун ҳам ўтмиш сабоқларини билиш, тарих тажрибасини жиддий ўрганиш зарур.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг барча хурофий таълимот ва тушунчалардан озод умуминсоний foялар ва миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган янги жамият қуришга киришди. Бундай масъулиятли тарихий вазифани бажаришда шу янги жамиятга хос, бозор иқтисодига асосланган мафкура руҳидаги эркин, жасур ва билимдон фуқароларни тарбиялаш биринчи даражали вазифа этиб қўйилди. Юқорида қайд қилинганидек, энг қудратли ишлаб чиқарувчи кучлар, илм-маърифат, фан ва техника ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида, ўзлигини таниган ватанпарвар, мустақиллик foяларига содик қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Илк ўрта асрларда яшаган буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний: "Агар илм-фан нур сочиб турмаса, яхшиликни ёмонликдан ва ёмонликни яхшиликдан фарқ этиш мушкул булиб қолур эди", деб бежиз айтмаган. Шарқнинг улуғ сиймоларидан ажойиб файласуф Носир Хисровнинг: "Жаҳолат — ўлимдур, билим — тириклик", деган сўzlари ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди.

Демак, даставвал, мустақил республикамизнинг порлоқ келажаги, ҳалқимизнинг тўқ ва фаровон турмуши ҳам фан-техника ва илм-маърифат билан бевосита боғлиқ.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", 11-бет.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ҳозирги пайтда шахснинг индивидуал белгиларигина эмас, балки унинг тафаккур ва виждан эркинлиги асосида маънавий бойликка, ахлоқий покликка, жисмоний камолотга етказадиган ёки унга тұсқинлик қиласынан барча шарт-шароит, восита ва омилларни билиб олиш ниҳоятда муҳимдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг қатъяян ва одилона күрсатганидек, истиқтолға юз тутган келажаги буюк республикамиз олдида турған "эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, үзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазийиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди"<sup>1</sup>. Бу доно фикрнинг нақадар тўғри эканлигини тарих тажрибаси кўп марта тасдиқлаган.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. "Маънавий тикланиш йўлида". Т., "Ўзбекистон", 1998, 274-бет.

## ИЛМ-ФАН, МАЬНАВИЯТ ВА ЭЪТИҚОД

Антик замон мутафаккирларидан бири инсон учун энг муҳим ва қизиқарли омил инсоннинг ўзи, деган экан. Асрлар давомида киши нафақат теварак-атрофдаги табиатни, балки ўзини ўзи билишга, ўз моҳиятини тушунишга, жамиятда тутган ўрни ва мавқеини аниқлашга, ҳаётида учрайдиган турли муаммолар ҳамда ўз тақдирини тушуниб ҳал қилишга интилиб келган. Ҳозиргача инсон табиатида, унинг ички ҳиссий туйфулари ва тафаккурларида ҳали ўрганилмаган ва ечилмаган жумбоқлар борки, уларни фақат фан, техника ва илмий тадқиқотлар орқали билиш мумкин. Чунки инсон ижтимоий тараққиётнинг бош омили бўлибгина қолмай, шоир айтганидек у дунёдаги энг олий мавжудот ва чексиз коинотнинг бебаҳо ноёб тожидир.

Илк жамияtlар пайдо бўлганидан кейин, айниқса, антик қулдорлик давридан бошлаб, инсон моҳияти ва қадри мутлақо янгича талқин қилина бошлаган. Эрксиз қуллар купчиликни ташкил қиласа-да, улар одам ҳисобланмасдан ишчи ҳайвон даражасига туширилган. Инсон ва инсонпарварлик фақат ҳукмрон табақаларга хос бўлган. Антропологик, яъни одам ҳақидаги муаммолар эркин фуқаролар тақдери, уларнинг ҳис-туйфулари, маънавий ҳаёти ва жисмоний қиёфаси, ахлоқи ва майший турмушини қамраб олган ва барча фалсафий, эстетик, диний таълимотларда ўз ифодасини топган.

Диний мафкура тўлиқ ҳукмронлик қилган ўрта асрларда феодализм тузуми юзага келиши билан инсон эркинлиги ва тафаккури маънавий жиҳатдан ақидавийлик қонун-қоидаларига бўйсундирилган. Масалан, христиан дини илоҳиёти ва фалсафаси инсон муаммоларига ало-

ҳида эътибор беради. Унинг худоси одам шаклида таърифланиб, инсоннинг барча табиати ва фаолияти худо образига бўйсундирилади. Феодал ҳукмронлик қилган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумда шахсни бутунлай қарам қилган крепостной ҳуқуқ асосида итоатгўйлик тартиблари муқаддаслаштирилган эди. Жаҳон динларидаги ягона Парвардигор образи диний таълимотга биноан энг олий даражадаги идеал сифатида намоён бўлади. Ҳар бир тақводор инсон бутун ҳаёти ва фаолиятини ўша идеалга эришишга интилиши шарт ҳисобланади. Бунинг учун киши барча ақл-идроқи ва иродасини худога, яъни илоҳий кучга итоат қилишга бўйсундириши зарур. Марксизм таълимоти ҳам асли ақидавий эътиқодлар даражасига кўтарилиб, кишиларни "порлоқ келажак" гоясига итоат қилишга чорлаб, деярли бир ярим аср давомида миллионларнинг эътиқодига айланди. Жаҳонда социалистик тузум емирилиши туфайли унинг сохта таълимот эканлиги аён бўлди.

Инсон ўз моҳиятини оламни билиш, ўтмиш сирларини ўрганиш, эски хатоларни бартараф қилиш, янги ҳаёт бунёд қилишда тўхтовсиз изланишлар, жиддий курашлар орқали аниқлаб олади. Ўтмиш хотираси маънавий ва маданий тараққиёт учун муҳим омиллардан бири бўлса, асрлар давомида тўпланиб келган тажриба инсоннинг камол топишида энг зарур замин ҳисобланади. Чунки инсон табиат яратган биологик мавжудот бўлибгина қолмай, даставвал, меҳнат фаолияти туфайли муайян табиат ва тафаккурга эга бўлган ижтимоий шахсадир. Узоқ вақт файласуфлар еча олмаган асосий сирли жумбоқ ҳам шундаки, инсоннинг моҳияти унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Инсонни шахс сифатида юзага келтирган, унинг ижтимоий қиёфасини шакллантирган, ўзини-ўзи англашига, ҳаёт мақсадларини ва маънавий дунёсини тушуниб олишига сабаб ҳам унинг ижтимоий меҳнат фаолиятидир.

Демак, инсон моҳияти жамият моҳияти билан узвий боғлиқ, шахс камолининг асосий манбаи ҳам жамиятда, у фаолият кўрсатаётган муайян ижтимоий муносабатлар тузумида. Инсон ўзини шахс сифатида фақат жамият яратган ва ярататиётган моддий ва маънавий бойликлар таъми-

ри остидагина эмас, балки уша муносабатлар мажмуи сифатида, объектив мұхитга фаол таъсир этиш орқали намоён қилади. Шахс муайян тузумга қарам шахс булиб-гина қолмай, меңнати, ақл-идроки, хулқ-атвори, маданий савияси, билим даражаси билан жамиятдаги ўз үрни ни аниқлад өлади.

Маданий бойликларнинг яратилиши киши ва табиат орасидаги муносабатни мустаҳкамлайди ва унинг ижтимоий моҳиятини кучайтиради, ўз навбатида ижтимоий меңнат бунёд этган моддий ва маданий маҳсулотнинг киши томонидан ўзлаштирилиши унинг маънавий дунёсини боийтади. Инсон ўз онги туфайли тұплаган тажрибаси асосида яратган тараққиёт дастурини келажак авлодларга етказади. Киши туғилиб вояга етгач, эсини таниши билан барча үтган аждодлар касб этган моддий-маданий ютуқларга таяниб, уларни амалий ва назарий жиҳатдан ўзлаштирган ҳолда ўзининг маънавий қиёфасини шакллантиради, янги маънавий эҳтиёж, идеал ва орзу-умидларини яратади. Муайян тузум одамни шундай йўл билан тарбиялайдики, айрим шахс бугуннинг ҳаётига қўшилиб кетади, бугун эса замон мағкураси ва фоялари билан ҳар бир шахснинг онгига акс этади.

Инсон ўзининг амалий ва ижодий фаолиятида бир вақтнинг ўзида, жамият маънавий маданиятининг ҳам яратувчиши, ҳам истеъмолчиси сифатида намоён булади. Маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёнида индивид шахс сифатида шаклдана боради, унинг дунёқарашида муайян хулқ-атвор, идеал орзулар, билим ва эътиқод пайдо булади. Шахс ўз моҳияти, ҳаётдаги үрнини аниқлаш билан бирга жамият, теварак-атрофи, яъни ўз жамоаси, оила мұхити олдидаги бурчини ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари ва виждони орқали чуқур тушуниб, унга қаноат ҳосил қилади.

Ҳар қандай жараён ҳам ўз тараққиётида ички ва ташқи томонлари билан боғлиқ ҳолатда рўй беради. Инсон ҳам ибтидоий жамиятдаёқ шахс сифатида шаклдана бошлиған даврдан ўзининг ички олами — ҳиссиети, тафаккури, туйғуларини юзага келтириб, даставвал, меңнат фаолияти ва теварак-атрофдаги мұхит таъсирида энг оддий ҳолатдан юқорилаб, пировардида онгли мураккаб мавжудот сифатида намоён булади. Табиатнинг юксак маҳ-

сулоти ҳисобланган киши онги борлиқнинг инъикоси сифатида пайдо бўлиб, унинг ички дунёсини ифодалайди. Унинг ташқи томони жисмоний тузилиши ва физиологик фаолияти билан боғлиқ объектив ҳолатдан иборат. Инсон табиат бошлаган бунёдкорликни давом эттириб, теварак-атрофида ўзига зарур муҳит — "инсон оламини" яратади. Асрлар давомида тўпланган билимлари, техника ва технология, ижодий меҳнати асосида яратилган "сунъий табиат" дунёси киши билан табиат орасидаги мувозанат ва гармонияни юзага келтиради.

Маълумки, моддий неъматлар яратиш киши фаолиятининг энг муҳим ва биринчи зарурияти ҳисобланади. Чунки кишилар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор ва бошқа моддий буюмларсиз яшай олмайдилар ва бу буюмлар унга табиатда тайёр ҳолда ёки файритабиий куч орқали етказиб берилмайди. Ҳаттоқи киши тайёр текин ҳавони ҳам, буюк мутафаккир Гегель айтганидек, меҳнат орқали истеъмол қиласди, чунки совуқ пайтлари уни қиздириши зарур бўлади. Аммо инсон фақат моддий буюмлар, озиқ-овқат билан тирикчилик қилмайди. Кишилар асрлар давомида ижодий меҳнат асосида ўз дидига маъқул бўладиган турли-туман буюмлардан ташқари, ҳар кунги ҳаётида аста-секин билимини ошириб, табиат сирларини ўрганиб, теварак-атрофдаги гўзалликлардан илҳомланиб, маънавий эҳтиёжларини қондиришига интилиб келган.

Инсон ички дунёсининг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам унинг маънавий озуқага ташналигидир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг "Истиқлол ва маънавият" номли асарида қайд қилганидек, "Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродағи сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқофини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавий чашмасини излайди". У овқатланиш, кийинишдан ташқари яшаш мақсадини билишга, ҳаётнинг моҳиятини аниқлашга интилади. Зарур нарсага эга бўлиш, тўлиқ ва моддий фаровонлик, чинакам ҳаёт учун дастлабки шароит унга моддий замин бўла олади. Чинакам баҳт-саодатга Эришган инсон бўлиш учун одам юксак даражадаги маънавий дунёга эга бўлиши зарур.

Қақиқатга, адолатта, яхшиликка, гузаликка интилиш инсонга хос хусусиятдир. Шахснинг маънавий дунинг билимидан ташқари ахлоқий ва эстетик тасавури билан ҳам ифодаланади. Чунки инсоннинг қиёфа-факкур ва билимдан ташқари ирода, ҳиссиёт, туйфу, завқ, ҳавас каби хусусиятлари билан белгилана-Севиш ёки нафратланиш, ёмон куриш ёки маъкул ўши, умид қилиш ёки бир нарсадан воз кечиш каби ҳолатлар ҳам инсон шахсига хосдир. Ҳатто ининг билимга интилиши ҳам ундаги оддий қизиқувлик билангина эмас, балки муайян эҳтиёжлар, истак иссиётлар асосида пайдо бўлади. Чунки теран бина эга бўлиш учун билимни севиш, унга меҳр қўйиш дидир. Баъзан аксинча ҳам бўлиши мумкин. Чинакам имга эҳтиёж қаҳр-ғазаб туйфуси асосида уйғониши кин. Хуллас, улуф мутафаккир Гегель ибораси билан анда, дунёда ҳеч бир буюк нарса инсондаги буюк завқ, яратилмаган.

Убатта ҳаётнинг ўзи ҳам инсон табиати сингари турдицият ва қарама-қаршиликларга тұла. Асрлар даво-да эзгулик, яхшилик, адолат, ҳақиқат учун кураш ин-қалбини ларзага солиб, унинг бутун ҳис-туйғуларига сир қилиб келган. Шунинг учун бир донишманд айт-идек, кишиларнинг ҳис-туйғуларисиз ҳеч маҳал ки-тарда ҳақиқат қидириш бўлмаган, бўлмайди ва бўли-ҳам мумкин эмас. Илмий тафаккур ва хурофий ту-чалар орасидаги зиддият ҳам ҳақиқат учун кураш Даенида яхшилик ва ёмонлик, адолатлилик ва золим-ростигүйлик ва кazzоблик каби ахлоқ категориялари саи намоён бўлади. Кишининг амалий фаолияти ҳам қарама-қарши бирликдан — лаззат ва қийинчилик, баҳт мусибат, осойишталик ва жиддий кураш, майший омад түрмуш мушкулликлари, хурсандчилик ва хафагарчи-къордан иборатдир.

Кишилар абадулабад эзгуликка эришиш, адолат ва қиқат ўрнатиши, ёвуз ва қабиҳ ниятлардан, ярамас одат-дин қутулиш йўлларини топишга интилиб келганлар. Ўни баъзан қувонади ёки ғазабланади, ёқимли ёки но-ғойдали ёки заарли, гўзал ёки хунук, одобли ёки амб ҳолатда бўлади. Мазкур ҳис-туйғулар ва тушунча-

лар бевосита инсоннинг маънавий дунёси билан боғлиқ бўлган нафосат ва ахлоқий тасаввурлар сифатида тарихий ўзгарувчан характерга эга бўлиб, ҳар даврда замона талабига қараб ўзига хос мазмун касб этади. Кишининг яшаш мақсади ҳам, барча маънавий эҳтиёжлари, эзгу умид-орзулари ҳам даставвал муайян тарихий, ижтимоий-иқтисодий муҳит билан белгиланади.

Ўтмишдаги мутафаккирлар кўпинча яхшилик ва ёмонлик манбанини инсоннинг мавҳум табиатида, унинг ҳузур-ҳаловатида, баҳтга интилишида деб билганлар. Ҳатто баъзи алломалар ахлоқ-одобни, ҳаёт ва муҳит шароити билан боғлиқ яхшилик ва ёмонлик, хайрҳоҳлик ва ёвузлик ҳақида-ги тасаввурларни абадий ва ўзгармас деб таърифлаганлар. Аслида, чинакам қобилият ва ҳаққонийлик ҳам инсоннинг ахлоқий қиёфаси билан боғлиқдир. Пок қалбга ҳақиқат тез ўрнашади ва кенг очилади, ёвуз шахсларга чин ҳақиқат ётдир. Шунинг учун ҳам нодон кишилар учун қадимий ҳалқ ижодиёти ва донишмандларнинг доно фикрлари, эзгулик ва ҳаққонийлик тушунчалари мутлақо бегона. Антик замон мутафаккирлари гўзаллик фақат эзгулика, деб бежиз айтмаганлар. Уйғониш даврининг таниқли адаби машҳур Сервантеснинг "Дон-Кихот" асарида бир аёл "чи-ройли булиш учун нима зарур?" деган саволига, "ахлоқий пок бўлгин!" деб жавоб олади. Улуғ аллома Беруний "Ҳақиқатни билиш учун аввало ўз руҳингни кўпчилик кишиларни йўлдан оздирувчи (ёмон) ҳусусиятлардан, одами-ни ҳақиқат олдida кўр қилиб кўювчи сабаблардан, яъни одат бўлиб қолган кўнилмалар — ҳавас, рақобат, хирсга бўйсуниш, ҳокимлик учун кураш ва шу кабилардан тозалаб олишинг лозим", деб насиҳат қилган эди.

Ҳақиқатни билиш билан ахлоқий идеалга интилиш инсоннинг амалий фаолияти ва ижодида намоён бўлади. Амалиёт (тажриба) ҳақиқатни аниқловчи дастлабки восита бўлса, объективлик уни билишдаги биринчи шарт-шароитdir: ҳақиқат ва эзгулик қўрқув ёки зўрлик билан эмас, онгли равишда эътиқод орқали киши қалбига жо бўлади. Ҳақиқат, адолат, яхшилик кишига доимо завқ, гўзаллик ва ахлоқий қувват бағишлайди, унинг гармоник тарзда шаклланишида ва ахлоқий тараққиётида муҳим омил ва ёрдамчи ҳисобланади.

Буюк Шарқ мутафаккирлари урта асрлар даврида халқ манфаатларини ёқлаб инсон ахлоқи ва унинг баҳти ўз меҳнатида, эркин ижодида эканлигини куйлаганлар. Нариги дунёдаги насия баҳт ўрнига реал ҳаётнинг ўзида жаннат бунёд этишга чорлаган атоқли инсонпарвар олим ва ҳассос шоир Умар Хайём ахлоқий тараққиётнинг марказида доимо инсон тақдири ва камолоти ётади, деб алоҳида қайд қилган эди. "Адолатни оламнинг тожи" деб ҳисоблаган, "ҳақиқат изловчи" номи билан машҳур бўлган Носир Хисрав ўзининг исёнкор шеърларида инсон ақлидрокини, меҳнати, одоби, ижодий қобилияти ва эркини улуғлаган, нодонлик, зулм, ёвузлик ва ижтимоий тенгизлигни аёвсиз қоралаган. Ҳусрав Деҳлавий айтган экан: "Ҳар кимдаки бўлса яхши табиат, одамийлик юксак унда ниҳоят. Яхшиликдир яхши ишлар пояси, яхшиликдир гўзалликнинг мояси".

Албатта, ўрга асрларда адолат, яхшилик, ёмонлик каби тушунчалар қандай шаклда намоён бўлмасин, маънавий жиҳатдан ўз замонасига хизмат қилувчи foялар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ҳатто, Марказий Осиё ҳудудида қулдорлик пайдо бўлган даврда жамиятда табақаларнинг ёрқин ифодаси сифатида ижтимоий-фалсафий фикрлар билан узвий боғлиқ зардустийлик (зороастризм) диний таълимоти ҳукмрон тузумга тўла хизмат қилган. Мазкур таълимотнинг негизида дуалистик тасаввурлар, яъни икки ўзаро қарама-қарши куч — нур ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ётади ҳамда ўша даврнинг foявий курашини ифодалайди. Антик замонда бундай фикрлар билан бир қаторда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик худолари түғрисидаги тасаввурлар ва афсоналар кенг тарқалган, уларнинг образлари тасвиirlанган ажойиб ҳайкал ва расмлар яратилганлиги бизга антик замон тарихидан маълум.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, киши турмуш шароити, моддий ва маънавий ҳаётини ўзгартириш фақат ижтимоий муҳит билангина эмас, инсоннинг мустақил ақлидроки ва иродаси, шахс эркинлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир. "Берганига шукур" қилиб, файритабиий кучлардан мадад кутиб ўтирган нодон киши ҳеч вақт фаол ижодкор шахс бўла олмайди, унинг эрки, иродаси ва фаолият доираси ҳар томонлама чекланган бўлади.

Хаётда яхши орзу-ниятлар, эзгу умидлар тинч, булутсиз баҳтни англатмайди, чинакам баҳт-саодатга инсон фақат онгли меҳнат ва кураши орқали эришади. У қадим даврлардан бўён "Ҳақиқат, хайриҳоҳлик нима?", "Адолат ва фаровонлик нимадан иборат?", "Қандай яшаш керак ва баҳтни қандай топиш мумкин?", "Теварак-атрофдаги ижтиёмий тузум ва социал мұхиттинг, табиаттинг ижобий ва салбий томонларини қандай фарқлаш ва тушуниш мумкин?" каби кўплаб саволларга жавоб кутган. Лекин ибтидоий даврлардан бошлаб мазкур саволларга бериладиган жавоблар кўпинча хурофий тасаввурларга чулғанган, илоҳий афсона ва гоялар билан сугорилган. Шунинг учун қадимги мутафаккирлар илмий билимларни, айниқса, фалсафани илоҳиёт билан боғлаб, икки хил ҳақиқат ҳақида мулоҳаза юргизганлар, улар асрлар давомида ҳатто илмифанни илоҳиёт хизматига қўйишга ҳаракат қилиб келгандар. Аммо илфор тасаввурга эга бўлган айрим мутафаккирлар фалсафани диндан ажратиб, уни бутун фанларнинг онаси, илмий билимларнинг асоси, борлиқни тушуниш синтези, деб ҳисоблаганлар. Ҳатто худони эътироф қилган бундай фикрни қадимги Юнонистоннинг энг машҳур донишманди Аристотель ҳам қўллаб-қувватлаб, фалсафани "илмлар алифбоси", реал борлиқ тўғрисидаги билимларнинг универсал тизими, барча нарса ва буюмларнинг энг олий тамойили ва сабабларини ўрганувчи мantiқий билим, деб ҳисоблаган.

Абадий туганмас сирларга чулғанган борлиқни тўғри идрок қилишга интилиб келаётган инсон ибтидоий даврдан бошлаб ўзининг кундалик, хавф тўла мاشаққатли оғир ҳаётини тўғри аниқ билимлар билан енгиллаштиришга ҳаракат қилган. Билим даражаси ниҳоятда паст бўлган ибтидоий кишилар ҳақиқатни, борлиқ сирларини даставвал мифология, яъни турли-туман афсонавий ҳикоя, эртак ва ривоятлар орқали тушунтиришга интилганлар. Ёзув пайдо бўлгунча тўқилган ривоят ва қўшиқ, эртак ва ҳикоя, афсона ва достонларда халқнинг ижобий тажрибаси, инсоннинг ажойиб фазилатлари, юксак ахлоқий нормаларни ўзида мужассамлаштирган образлар яратилган.

Айрим олимларнинг таърифича, даставвал миф бадиий шаклда ҳар хил эътиқод, урғ ~~одд~~ умид, орзу-ният,

БИБЛIOТЕКА

ТГПИ

одоб ва хулқ-атвор қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Ибтидоий мифлар бир томондан табиат ва инсон тўғрисидаги доно интуиция (ҳақиқатни бевосита пайқаш) билан мистицизм (ғайритабиий кучларга ишониш) тасаввурларининг мураккаб аралашмасидан иборат бўлса, иккинчи томондан, унда маънавий тушунчалар, ахлоқ нормалари, бадиий ижод ва киши тафаккурининг қудрати фантастик шаклда қарор топади. Мифда бир томондан киши ҳаётидаги яхшилик, эзгу ижобий фазилатлар акс эттирилса, иккинчи томондан салбий, ёвуз ниятли, ёмонлик келтирадиган образлар гавдаланади. Унда баъзан инсоннинг табиат устидан эришган дастлабки фалабаси, ўтқир тафаккури или чинакам ҳақиқатни идрок қила билиши билан бир қаторда йўл қўйган даҳшатли хатолари туфайли, бемаъни хурофий тасаввурларга берилиб, ҳар хил бефойда маросимларни бажариши каби қарама-қарши зиддиятлар мавжуддир.

Фалсафий тушунчалар муайян дунёқараш, ижтимоий онгнинг маҳсус шакли сифатида мифологиядан тубдан фарқ қиласи. Фалсафа оламга ва инсонга умумий қараш назарияси, табиат ва жамият ҳодисаларининг келиб чиқиши ва моҳиятини тушунтирувчи илмий тизим сифатида намоён бўлади. Фалсафа тафаккурнинг ташки шакллари тўғрисидаги таълимот эмас, балки "барча моддий, табиий ва руҳий буюмлар" тараққиётининг, яъни дунёнинг бутун конкрет мазмуни ва уни билиш қонунлари тўғрисидаги таълимотдир. Аслида фалсафа фани оламни билиш тарихининг якуни, йиғиндиси ва холосаси сифатида намоён бўлган.

Қадимги Элладада илмий тафаккур тонгининг нурлари, аниқ фанларнинг дастлабки шаклланиши Шарқда авж олган йирик диний ҳаракатлар даврида рўй бера бошлиган. Милоддан олдинги VII-V асрларда Ҳиндистонда янги диний эътиқод — жойнизм, Ўрта Шарқда зардуштийлик заминида пайдо бўлган, янги дин талабига мос дуалистик эътиқодлар, Хитойда буддизм таълимотига янги руҳ киритишга интилган конфуцийчилик шулар жумласидандир. Юнонистонда ҳам бў даврда янги диний оқим — орфизм кенг тарқалган эди. Ярим афсонавий қаҳрамон — шоир Орфей асос соглан мазкур таълимот мазлум аҳолининг дун-

ёқараши — мифологияяга қарама-қарши бўлган. Орфизм таълимотида жон билан жисмнинг мифологияяга хос дастлабки бирлиги бузилган. Инсоннинг билувчилик қобилияти худони мушоҳада қилишга қаратилган эди. Мифологияяда охиратдаги ҳаёт ердаги ҳаётнинг давоми ҳисобланиб, жон қандайдир жисмий вужуд деб қаралган, орфизм эса олами худо яратган деб, охиратдаги ҳаётни роҳат-фарогат билан, ердаги ҳаётни азоб-укубат билан боғлаб, жоннинг жисмдан ажралиб чиқиши тўғрисидаги foяни тарғиб этади. Жисм гуноҳга ботган бўлиб, у үлади, жон эса пок ва абадий яшайди.

Кўп мамлакатларда илк давлатлар пайдо бўлган даврда табиат ва инсон бирлигига асосланган мифология инқизатга учрайди. Илгари оламни диний образлар орқали идрок этган шахс эндиликда борлиқни фалсафий тарзда тушуна бошлайди. Натижада дастлабки афсонавий тасаввурлар оламни идрок қилишдаги янги тасаввурларга зид келади.

Маълумки, "философия" сўзи қадимги Юнонистонда милоддан аввал пайдо бўлиб, иккита сўздан ташкил топган: "фило" /муҳаббат/ ва "софия" /донишмандлик ёки донолик/. Унинг маъноси "донишмандликка муҳаббат" ёки "доноликни севиш" демакдир. Ўзбек классик адабиётида "донишманд" сўзи "файласуф" маъносида ишлатилади. "Философ" атамасини донишмандлик мухлиси маъносида Гераклит киритган. Унинг таърифича, "табиат сирли бўлишни истайди". Кимки шу сирни очса ўша файласуф, яъни донишмандлик дўстидир. Гераклит табиатни толмай ўрганишни васият қилиб, "фалсафа билан шуғулланувчи кишилар кўп нарсани билишлари зарур", деб айтган эди. Шунинг учун ўша даврларда билимга ҳавасманд, ҳар хил мамлакат ва ҳалқлар ҳаётини ўрганувчи зеҳнли сайёҳларни "файласуф" деб атаганлар, одам тўғрисидаги барча билимлар мажмуига "фалсафа" деб ном берганлар.

Илоҳиёт ҳиссиётга мурожаат қиласи, кўр-курана, бемулоҳаза итоатчиликни талаб этади ва эвазига нариги дунёда мукофот тарзида жаннатни ваъда қиласи, фалсафа эса ақлга, мантиққа мурожаат қилишга чақиради, шубҳани текшириб куришни талаб қиласи, ҳақиқатдан

бошқа ҳеч нарсаны ваъда қилмайди. Янги замон фалсафаси барча буюмларни даставвал ўрганиб, кейин хулоса қилади, илоҳиёт эса буюмлар тўғрисида, уларни ўрганмасдан мулоҳаза қилади. Илмий фалсафа ғайритабиий кучларга ҳар қандай ишонишни мутлақо рад қилган ҳолда борлик сирларини ва муаммоларини илмий тафаккур орқали ҳал қилиш йўлларини ахтаради ва шу асосда рационал тавсиялар кўрсатишга интилади.

Дин ҳам бошқа таълимот ва назариялар сингари ҳаёт масалалари, жумладан, инсон моҳияти, унинг мавқеи, яшави каби муаммоларга ўзича жавоб беради. Дин инсон эътиқоди, маънавий дунёси, ҳис-туйғулари, ахлоқий ва эстетик тасаввурлари билан боғлиқ мураккаб дунёқарашиб бўлиб, у ўзича ҳаёт муаммоларини ечади ва жавоб беради. Динни оддий ҳаёлий афсона ва тоат-ибодатгина деб таърифлаб бўлмайди. Худо тушунчаси муайян эҳтиёж сифатида кишиларни бириклириш, уларни қонун-қоида ва тартибга ўргатиш, ҳис-туйғулари ва дидини қаноатлантириш воситаси сифатида юзага келган. Диний таълимот ўтмишда киши маънавий эҳтиёжларини қондириб, табиат оламидаги ва ижтимоий ҳаётдаги хилма-хил ҳодисаларни, фантастик равишда бўлса-да, тушунтириб беришга интилган. Ҳозир ҳам барча динлар инсон олдида турган турли муаммоларни замонага мослашган ҳолда талқин қилади.

Элшунос ва диншунос олим С.А.Токарев таъкидлага-нидек, барча динлар фоний дунё ёвузликларидан қутулиш, яхшиликка интилиш гоялари билан сугорилган. "Диний таълимотлар, — деб ёзади у, — ниҳоятда турли туман шаклдаги эътиқодларга, ҳар хил диний — мифологик намуналарига қарамай, аслида, бир катта муаммони ҳал қиласи: кишилар ҳаётидаги ёмон (ёвуз)лик ва жабру жафолар қаердан пайдо бўлган ва улардан қандай қутулиш мумкин? Жавоблар ҳар хил бўлсада, мазмуни бир хил". Жаҳон динларининг ҳаммаси ҳаёт, яшаш таълимоти сифатида юзага келган, барча муқаддас китоблар (Авесто, Забур, Таврот, Инжил, Қуръон)да мазкур ахлоқий-тарбиявий масалалар асосий ўринни эгаллайди. Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой ҳар бир инсон учун дин бош масала, уни ҳаёт мақсадларига беришган жавоб, деб таърифлайди. Ф.М.Достоевский эса ҳар бир халққа хос диний

эътиқоднинг асосий моҳияти яхшилик ва ёмонликни ажратишда, деб ҳисоблайди.

Жаҳон динларининг яшовчанлиги аслида унинг умуминсоний қадриятларга таяниб, инсон ахлоқий ва руҳий камолотига зўр таъсир ўтказиб келганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2000 йил сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган диндорларнинг халқаро анжумани иштирокчиларига табрикномасида динга шундай баҳо берилган: "Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади."<sup>1</sup> Бунга мамлакатимиз тарихида диннинг тутган ўрни яққол далил бўла олади.

Ўзбекистон азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Бизнинг кўп миллатли ўлкамизда бугунги кунда мусулмонлар билан бир қаторда кўплаб диний конфессия вакиллари ёнма-ён, аҳилликда, ҳамкорлик қилиб яшаб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва яхшиликка хизмат қилишдан иборат эканлигининг тасдидидир. Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, мустақиллик ва демократияни мустаҳкамлаб янги жамият барпо этишда елкадош бўлиб, ҳамкорликда меҳнат қилаётгани барчага аёндир.

Диний дунёқарашиборлар орқали инсон асрлар давомида ноҳақлик, адолатсизлик каби ҳукмрон тартибларга қарши норозилигини билдирган, аммо шу билан бирга "бағри тош дунёга" нисбатан үзича итоаттўйликни сингдириб келган. Айрим кишилар борлиқ олдида ожизлиги туфайли файритабиий кучга итоат қилиш, гўёки абадий яратилган илоҳий тартиб-қоидаларга бўйсунишни зарурият деб тушунганлар. Улар турмуш шароитига фаол таъсир ўтказиш ўрнига бутун маънавий дунёси ва хулқ-атворини барча маҳлуқлар устидан ҳукмрон ҳисобланган олий мавжудотга мослаштирган.

<sup>1</sup> "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2000 йил 15 сентябр.

Диний таълим оламни иккига бўлади: бир томонда — гўёки парвардигор яратган ҳар кунги турмуш муҳити ва инсон ҳаёт фаолияти, иккинчи томонда — қандайдир илоҳий куч — худо ва у билан боғлиқ ҳар хил инс-жинслар мавжудлиги ва уларга бемулоҳаза итоат қилиш зарурлиги. Диний таълимотларга қараганда итоатгўйлик "худонинг қудрати" билан пайдо бўлган. Барча динларнинг руҳонийлари яқдиллик билан табиатда ва жамиятда рўй берадиган турли даҳшатли мавхум ҳодисаларни худо қудрати билан боғлаб, кишиларнинг файритабиий куч олдида ожиз эканлигини таъкидлаб, унга ҳар томонлама итоат қилиш керак, деб тарғиб қиласидилар.

Илмий билимлар кўр-кўрона итоатгўйликни инкор қиласиди. Албатта, киши учун ишонч ниҳоятда зарурдир. Лекин кишининг ишончи кўр-кўрона эмас, балки чуқур билим асосида, яъни бир нарса ёки ҳодисанинг чинлигини ва унинг моҳиятини аниқлаб, тушуниб олиш асосида пайдо бўлса ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир қиласиди.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, диний эътиқодлар худо, пайғамбар, фаришта, иблис, авлиё, арвоҳ ва бошқа хил инс-жинслар билан боғлиқ тушунчаларгина бўлиб қолмай, балки асрлар давомида шаклланиб келган турли урф-одатлар, ижтимоий ва оиласавий турмуш нормаларини белгилаб берувчи қонун-қоида ва ахлоқ кодекси ҳамдир. Дин кўп мамлакатларда узоқ давр қонунчилик, суд ишига ва ҳатто ҳалқаро муносабатларга ҳам аралашиб, ўз таъсирини ўтказиб келган ва келмоқда. У билан айрим кишилар, яъни руҳонийлар бутун онгли фаолиятини, истеъоди ва умрини боғлаб келганлар. Ҳозирги даврда айрим мамлакатларда диний партиялар, диний касаба ташкилотлари ва бирикмалари ҳам мавжуд.

Диний тасаввурларда асрлар оша авлодма-авлод ўтиб шаклланиб келган миллий урф-одатлар, ижтимоий ва оиласавий турмуш анъаналари ҳам ўз аксини топган. Одат кишининг иккинчи табиати ҳисобланади ва шунинг учун ҳам у зўр консерватив кучга эга. Баъзан диний тусга кирган ижобий урф-одатларни эскирган салбий дастурлардан ажратиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам айрим кишилар ҳануз сақланиб келаётган баъзи хурофий дастурларнинг моҳиятини тушуна олмай, уларни миллий анъаналар

билин аралаштириб юборадилар. Диний эътиқод ва дастурларнинг келиб чиқиши ва моҳиятини тўлиқ тушуниш учун кишиларнинг турмуш шароити, оламни билиш қобилияти, тафаккурини, яъни диний эътиқодларнинг ижтимоий ва гносеологик илдизларини ҳам ўрганиш зарур.

Юқорида қайд қилганимиздек, дин ўзига яраша дунё-қараш сифатида табиат оламидаги ва ижтимоий турмушдаги хилма-хил ҳодисаларни илоҳиёт билан боғлаб фантастик равишда бўлса-да тушунтириб беришга интилади. У муайян таълимотлар тизими шаклида табиий ҳодисаларни, турмуш масалаларини, ижтимоий ўзгаришларни ўзича ечади ва бу таълимотларга кўр-кўронга ишонишни ва итоат қилишни талаб этади.

Албатта, дин ҳукмрон бўлган қадимги ва ўрта асрлар даврида Шарқ ҳалқлари ўзларининг азалий орзу-умидларини, инсонпарварлик, яхшилик, тенглик, биродарлик foяларини муайян ижтимоий муҳит таъсири остида диний шаклда ифодалаганлар. Ҳаттоқи муқаддас китобларда ҳам бирталай файритабиий, хомхаёл ривоятлар ичida ҳалқ ижоди яратган зўр бадиий образлар, ажойиб ҳикматли сўзлар, дурдона фикрлар кўп учрайди. Шунинг учун ҳам муқаддас китоблар ҳозиргacha ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Авесто, Таврот, Инжил, Куръон ва ҳадисларда ҳам дунёвий муҳаббатни, ҳақиқатни, инсоний фазилатларни улуғловчи ривоятлар, умуминсоний қадриятлар ва қонун-қоидалар кўп учрайди. Бу жиҳатдан Тавротдаги Ездранинг иккинчи китобида фольклордан олинган битта ривоят диққатга сазовор. Унда дунёда нима энг кучли — шаробми, подшоми, аёлми ёки ҳақиқатми, деган мавзуда баҳс кетади. Ривоятда шундай ҳикоя қилинади:

"Эрон подшоси Доронинг ётоқхонасини қўриқловчи тўртта ўспирин йигит ўзаро баҳслашиб, ким ҳақлигини аниқлаш учун подшонинг олдига борадилар. Доро бутун Эрон ва Мидиядаги катта амалдорлар ва донишманларни тўплаб йигитлар кўтарган муаммога жавоб беришни буюради. Биринчи йигит қўйидагicha мурожаат қиласди: "Эй, улуғ арбоблар! Шароб қандай қудратли? У барча кишиларнинг кайфиятини кўтаради ёки бузиб фамга солади. Mast киши дуст-биродарларини унутиб, баъзан уларга қарши қиличини қинидан чиқаради. Лекин эс-хушига келгач,

қилган ишларидан ўзи уялади, ғам чекади. Кишини шундай аҳволга соладиган шароб энг қудратли эмасми?". Иккинчи йигит эса: "Эй, улуғ арбоблар! Ҳаммани ўзига бўйсундирган энг кучли подшо эмасми?", дейди. Учинчи йигит сўзга чиқиб: "Эй, улуғ зотлар! Барча буюк подшолар ва эрлар ҳукмронлик қиласидан шаробдан ҳам қудратли ким? Хотин эмасми? Аёл подшоларни ва барча кишиларни туққан ... . Киши хотинсиз яшай олмайди. Агар киши олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошларни тўплаб бойлик орттираса ҳам чиройли, гўзал аёлни учратса ҳеч қандай бойлик унинг кўзига кўринмайди. Подшонинг маъшуқаси унинг ўнг томонида ўтириб нозу карашмалар билан шох тожини олиб, ўз бошига кийиб, бетига шапалоқ уриб эркалаганини ўзим кўрганман. Шундай бўлса ҳам подшо маъшуқасидан кўзини айирмай, кулса кулиб, хафа бўлса суйиб эркалатган. Демак, хотиндан зўр куч борми? Тўртинчи йигит эътиroz қилиб бундай дейди: "Ҳамма нарсадан ҳақиқат буюк ва қудратли. Бутун олам ҳақиқатга интилади .... На харом шароб, на подшо ва на аёл, итоатгўй тақвадордирлар, инсоният фарзандларининг бари адолатсиз, уларнинг ишлари ҳам шундай, уларда ҳақиқат йўқ, шунинг учун улар ноҳақлиқдан ҳалок бўладилар. Ҳақиқат эса энг қудратли куч, абадулабад яшайди ва ҳукмронлик қиласиди. Унда юз-хотир қилиш ва кишиларни табақалаш йўқ, аммо у доимо одиллик тарафдори, адолатсизлик ва ёвузликни рад этади, уни ҳамма маъкуллайди. Унда ҳеч қандай мунофиқлик йўқ. Ҳақиқатда ҳам қудрат, ҳам подшолик, ҳам ҳокимлик, ҳам улуғворлик мужассамлашган". Шунда тўпланган амалдорлар баланд овоз билан: "Ҳақиқат буюк тантана ва ҳамма нарсадан кучли", деб хитоб қилишиди".

Ҳақиқат учун кураш асрлар давомида инсон қалби ва тафаккури, ижобий фазилатлари, адолат ва яхшилик учун кураш билан бевосита боғлиқ бўлиб келди, унинг йўлида қанча-қанча машҳур шахслар қурбон бўлди. Ҳақиқат тушиунчалиси фалсафада ва ҳалқ тилида бир хил маънога эга эмас. Фалсафий нуқтаи назардан бу атама объектив ва субъектив, абсолют ва нисбий ҳақиқатларга бўлиб ўрганилади. Ҳақиқат воқеликнинг фикрдаги чинакам инъинкоси, у кишиларнинг иродаси ва хоҳишига қараб тузилади.

майди, балки акс эттирилган объектнинг мазмуни билан белгиланади. Чин ҳақиқат кўр-кўрона итоат асосида эмас, балки турмуш муаммоларини тўғри ҳал қилиш, аниқ исботлаш, жиддий мантиқий далиллар асосида ишонтириш йули билан аниқланади. Шундагина ҳақиқат киши онгига, қалбига ва ҳиссиётига сингиб, унинг камол топишига ижобий таъсир ўтказади.

Фан фақат муайян талабларга таянган ҳолда ҳақиқатни билиш ва тушуниш истагидан бошланади, айрим шахсларнинг фикри ёки обрўйи билан эмас, балки ҳар томонлама текширилган, жиддий исботланган илмий холосалардан ва танқидий анализдан иборатdir. Илмий тафаккур мослашишни билмайди, у фақат амалда аниқланган далилларга асосланади, унга енгилтаклик, итоатгўйлик, кўр-кўрона эътиқод ва тахминийлик ётдир. Фаннинг ички тараққиёт қонуни ҳам аслида ҳақиқатни билиш ва ўрганиш эҳтиёжидан ва танқидий изланишлардан ташкил топади. Олим учун ҳақиқат муайян буюм ёки ҳодисани ўрганишдаги билим манбаи ва таянчdir. Шу туфайли илм ахли доимо буюм ва ҳодисаларни юзаки ўрганмасдан, яна ҳам чуқурроқ, кенгроқ ва ҳар томонлама ўрганишга, ҳақиқатни тўлиқ аниқлашга интилади. Кишининг виж-донлилиги ҳам ҳақиқатга бўлган муносабати билан белгиланади. Ҳақиқат қанча аччиқ бўлмасин, кишига доимо чинакам гўзаллик ва ахлоқий кудрат бағишлайди, унинг ҳар томонлама шаклланишида ва ахлоқий тараққиётида муҳим омил ва ёрдамчи ҳисобланади. Кишилар абадулабад яхшиликка эришиш, адолат ва ҳақиқат ўрнатиш, ёвуз ва қабиҳ ниятлардан, ярамас одатлардан кутулиш йўлларини топишга интилиб келганлар. Уларнинг бу йўлдаги изланишлари, юксак foялари, азалий орзуумидлари оғзаки ижодда, ҳар хил таълимот ва назарияларда ўз ифодасини топган.

Фалсафа нуқтаи назаридан муайян жамият ҳаёти муайян шароитнинг маҳсули ва унинг тақлид қилишга лойиқ ёки қораланиши лозим деб топилган яхшилик ва ёмонлик категориялари — кишиларнинг ижтимоий тарихий эҳтиёжларини қондириши ва шу эҳтиёжларни ифодаловчи илгор кучларнинг манфаатларига ёрдам бериши ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган тушунчалардан иборат. Мазкур

тушунчалар ҳам тарихий ўзгарувчан характерга эга булиб, ҳар даврда замонасига қараб ўзига хос мазмун касб этади. Антик давр файласуфлари қўпинча яхшилик ва ёмонликнинг манбанинг мавҳум табиатида, унинг ҳузур-ҳаловатга, баҳтга интилишида деб билганлар. Ҳатто ахлоқодобни ҳаёт ва муҳит шароити билан боғлиқ деб қаровчилар ҳам яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақидаги тасаввурларни абадий ва ўзгармас деб эълон қилганлар. Илоҳиётчилар эса мазкур категорияларни худонинг иродаси ёки абсолют руҳда деб билганлар. Буюк Шарқ мутафаккирлари, юқорида айтилганидек, ҳалқ манфаатларини ёқлаб, инсоннинг ахлоқи илоҳиёт билан боғлиқ эмаслиги, унинг баҳти ўз меҳнатида, эркин ижодида эканлигини куйлаганлар.

Киши турмушининг тараққиёти аслида эзгу орзу-ниятларга таянган инсон эркинлигининг ўсиши, ҳар хил объектив, субъектив ғовларни енгиги чиқиши орқали рўй беради. Ҳаётда яхши орзу-ниятлар тинч, беғубор баҳтни англатмайди, инсон баҳти фақат эзгулик йўлидаги ҳарарат орқали рўёбга чиқади. Социал зиддиятни, турмуш қийинчиликларини кўр-кўрона итоат ва тақдирга тан бериш йўли билан енгиги бўлмайди. Турмушдаги баҳт-саодат, яхшилик, адолат, ҳақиқат ва инсон эркинлиги учун кураш орқали ўрнатилади, уларсиз турмуш тараққиёти ва шахснинг камолоти ҳам бўлиши мумкин эмас. Юртбошимиз Ислом Каримов қайд қилганидек, чинакам демократияга нафақат тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат орқали, балки ҳаётнинг аччик-чучугуни тотиб, қийин, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошидан кечириб, оғир синов ва курашларга бардош берибгина эришиш мумкин. Киши қанча эрксиз ва иродасиз бўлса, у хурофий тушунча ва тасаввурлар тўрига щунчалик чулғаниб, ҳаётнинг барча қийинчиликлари олдида ожизлик қиласди.

Хилма-хил воқеаларга бой давримизни, кун сайин ўзгариб бораётган турмушимизни, замонамизнинг барча гўзалликларини илмий тафаккурнинг қудратли ва ижодкор нурларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсон нимани яратмасин — моддий неъматлар, автоматика ва телемеханикага асосланган ҳар хил завод ва фабрикалар, узоқ йўлни яқин қилувчи турли транспорт ва алоқа воситалари, гуллаб-яшнаётган катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар, дабдабали ин-

шоотлар ва ранг-баранг бофу бўстонларнинг пайдо бўлишида ҳар томонлама тараққий қилган фан ва техниканинг самарали ҳиссаси бор. Илмий тафаккур кишининг билим даражасини ниҳоятда кенгайтириб, табиатнинг янги ва янги сирларини очишга, чексиз коинотни забт қилишга, материянинг энг майда заррачалар оламини ўрганишга, борлик ва тараққиётнинг қонунларини кашф этиб, даҳшатли табиат кучларини жиловлашга, асрлар оша узоқ ўтмишга саёҳат қилишга ва ҳозирги давр ижтимоий воқеаларини чуқур ўрганиб, келажакни олдиндан кўришга имкон беради.

Албатта, фан ҳамма нарсани бирданига ва охиригача била олмайди. Лекин инсон тафаккурининг билиш имконияти чексиз: бугун биз кечагига нисбатан кўпроқ биламиз, эртага эса билимимиз бугунга нисбатан яна ҳам ошади. Улуғ мутафаккир шоир Абулқосим Фирдавсий ёзганидек:

Ҳар илмдан эшитсанг бир сўз,  
Ўрган уни кечаю кундуз,  
Бир шуъласи дилга тушган он  
Билурсенким, илм белоён.

Ўрта асрларда диний таълимотни, Куръон ва ҳадисларни билиш ҳам илм ҳисобланган. Ҳатто дунёвий билимларни ҳам баъзилар Аллоҳни қалбга жо қилиш, унинг сифатларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш воситаси деб билганлар. Айрим илоҳиётчилар Аллоҳ таълимотини ҳақиқий илм сифатида тан олганлар.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари илм-фанни юксак даражага кўтариб, унинг инсон учун энг муҳим омил эканлигини ўзларининг асарларида қайд қилганлар. Туркий адабиётнинг бизга маълум бўлган илк намуналаридан бири саналган "Хибат ул-Хақойик" асарининг муаллифи Аҳмад Юнакий (VII аср) туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга, илмий-билимларни ўрганишга чорлаган. Буни даставвал достондаги боб сарлавҳаларидан ҳам англаш мумкин. Масалан, ундаги биринчи боб ("Аннавъул-аввал") — "Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида" деб аталган. Маълумки, Куръондаги илк нозил бўлган оятлар "Икра!", яъни "Ўқи!" деб бошланади. Илмга ташвиқ этиш

ислом маънавиятининг энг муҳим асосларидан бири эканлиги Аҳмад Юғнакий асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур асар. Муҳаммад пайғамбарнинг "Илм Чин элида бўлса ҳам ўрганинг" деган ҳадислари араб тилида келтирилган ва ушбу фоя туркий тўртликлар шаклида шарҳланган. Муаллифнинг таърифича, "Саодат йўли билим билан билинади. Билим эгаси вафот этганда ҳам унинг номи боқий қолади, аммо билимсиз киши тиригига ҳам ўликтан фарқи йўқ", деб хулоса қиласди у. Шоир билим эгаси бўлган аёл кишини эрлар қаторида қуради, билимсиз эркакни эса аёлдан ҳам заиф билади.

Аҳмад Юғнакий билимсизликни қоралаб, яна Расуллоро ҳадисларидан: "Тангри ҳеч қачон жоҳилларни азиз қилган эмас", деган фикрни келтириб, илм қадрига фақат маърифатли одам етади, нодонга эса насиҳат бефойдадир, дейди. Унинг таърифича, билим туганмас бойлиkdir. У фақир кишини бой этади, илм аҳлини эса араб ҳам, ажам ҳам олқишлийди. XI-XII асрларда туркий тилда ижод этган Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий ва бошқа ислом оламининг буюк алломалари ижодига Аҳмад Юғнакийнинг таъсири зўр бўлган.

Айниқса Юсуф Хос Хожиб ўзининг "Кутадфу билик" ("Бахтга элтувчи билим") номли ажойиб асарининг бош қаҳрамони — ислом маънавиятининг бош тимсоллари ҳисобланган Ақл ва Билимни эл-юрт, ҳалқ фаровонлиги йўлида хизмат қиласиган энг асосий омил деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши қўлида доимо турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўринини боса олади.

Илк Ўрта аср маданиятининг буюк намояндларидан Маҳмуд Кошғарий асарларида ҳам илм ўрганиш ташвиқ этилади, жаҳолат, кибру ҳаво қораланади, саҳоват ва ҳиммат, инсонпарварлик ва билимдонлик улуғланади, илм аҳлига хурмат, мардлик ва ҳущёрлик ҳақидаги байтлари янграйди. Унинг машҳур "Девони"да инсонни илм-хунарга чорлайдиган сатрлар мавжуд:

Олим киши сузидан олгил ўғит,  
Эзгу сўзни эшитсанг дилга сингар.  
Илм-ҳикмат ўргангин, бўлма қайсар,  
Ҳиммати йўқ мақтанчоқ йўл йўқотар.

Улуғ мутафаккир Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳиятига кўра илоҳиёт қаломидан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилганлигини тадқиқотчилар қайд қилганлар. Унинг асарларида, айниқса, "Илм ва санъатнинг фазилатлари" рисоласида илм, билиш ва ақл ҳақидаги таълимот анча изчил ва мукаммал тадқиқ этилган. Мазкур фикрлар унинг инсон ҳақидаги таълимотлари учун хизмат қиласи ва унга бўйсундирилади.

Носир Хисрав таърифича, илм ва ақл одамни ҳақиқий инсон рутбасига эриштираса, нодонлик эса уни одамийлик даражасидан четлантиради. Унинг "илм" тушунчаси фақат диний ақидалар билан чекланиб қолмай, балки бутун дунёвий билимларни ўз ичига олади. Носир Хисравнинг фикрича "Кишилар орасида ақдиллари ақдий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади.Faқат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқори-роқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ," — деб ёзади у "Зод ул-мусофирин" ("Сафар қилувчиilar йўл анжоми") номли китобида.

Маълумки, моддий неъматлар яратиш киши фаолиятининг энг муҳим ва биринчи зарурияти ҳисобланади. Кишилар асрлар давомида ижодий меҳнат асосида астасекин билимини ошириб, табиат сирларини ўрганиб, инсон учун зарур бўлган хилма-хил буюмларни яратганлар. Сўнгги юз йилдан ошиқ давр ичida олимлар сунъий йўл билан тахминан бир миллион табиий химиявий бирикмаларни ҳосил қилганлар ва икки миллионга яқин табиатда аслида бўлмаган моддаларни яратганлар. Ҳозир шундай пластмассалар мавжудки, улар қаттиқлиги жиҳатдан жез, чўян, баъзан ҳатто пўлатдан қолишмайди, шу билан бирга мазкур металлардан тўрт-беш марта енгил. Инсоният пайдо бўлганидан бери биология фанининг ривожланиши туфайли муҳит ва шароитни ўзгартириш, сунъий танланиш ва урчиши йўли билан ўсимликларнинг бир неча минг янги навлари ва 400 дан ошиқ қорамол, 150 хил от ва 250 га яқин кўй турлари яратилган. Агар қадимги Юнонистонда олманинг атиги икки хил нави бор деб ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда биргина республика-миз ҳудудида мингдан ортиқ олма нави мавжуд.

Фан ва техниканинг гуркираб ўсиши туфайли инсон оғир жисмоний меҳнатдан қутулиб, янада равнақ топмоқда. Юз йил муқаддам инсон фойдаланадиган энергиянинг етмиш фоизи уй ҳайвонларидан, ўн беш фоизи инсон кучидан, олти фоизи сув, шамол ва кўмирдан олинган бўлса, эндиликда энергиянинг фақат уч фоизи инсон кучидан, бир фоизи ҳайвон кучидан, қолган 96 фоизи кўмир, газ, нефть, шамол, ер ости қайнар сувлари, сув оқими ва ҳоказолардан олинмоқда.

Табиат ва жамиятни эркин равишда тадқиқ қилишдаги ютуқлар ўтмишда асрлар давомида ҳукм сурган хурофот ва нодонлик билан муросасиз ва жиддий кураш натижасида қўлга киритилган эди. Фаннинг объектив борлиқни тўғри ўрганувчи ва ижтимоий тараққиётга ёрдам берувчи билимлар тизими сифатида танилиши учун ниҳоятда узоқ вақт керак бўлди.

Албатта, ҳозирги даврдаги кишилик жамиятини ўтган даврлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Замонамиз ниҳоятда мураккаб ва хилма-хил сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришларга бой. Йирик ижтимоий тўнтаришлар ва ҳозирги илмий-техника инқилобининг таъсири остида неча юз миллионлаб кишиларнинг турмуш тарзи, онги тубдан ўзгариб кетди. Ҳозирги жамият ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда ҳам улкан ва қарама-қарши динамик тузумдан иборатdir.

Табийки, бундай мураккаб ва зиддиятли жамиятни бошқариш ва тўғри ижтимоий тараққиёт йўлидан йўналтиришга уни фақат ҳар томонлама илмий ўрганиш натижасида эришилади. Бундай оғир ва масъулиятли вазифани барча ижтимоий фанларнинг, шу жумладан, социология фанининг ютуқларига асосланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Замонавий илм-фан ва маърифатнинг энг ажойиб ҳислатларидан бири унинг инсонпарварлигидадир. Ижтимоий тараққиёт умумий қонунларининг ишлаш механизмини ўрганиш, жамиятни илмий бошқариш учун зарур амалий таклифларни ишлаб чиқиш, ижтимоий ўзгаришларни илмий асосда таснифлаш ва режалаштириш каби аниқ тадқиқотлар мавхум мақсадлар ёки илоҳиёт, охијат, нариги дунё тушунчалари билан боғлиқ эмас, балки

киши тириклигига инсон учун, унинг эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиб, уни баҳт-саодатли қилиш учун хизмат қиласи. Масалан, биз мустақил тараққиёт йўлига ўтиб янги жамият бунёд қилишга киришдик. Республикаизда миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий баркамол ва тараққий этган демократик ҳуқуқий давлат яратмоқдамиз. Президентимиз курсатганидек, ҳозирги даврда "мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфратузилмани ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга". Чунки илм-фан ва техника Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бу олижаноб режаларни амалга оширишнинг ўзи қандай социал оқибатларга олиб келиши, янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Бизда қандай моддий бойликлар, қандай техника яратилмасин, биринчи галда, унинг инсонга ва ижтимоий муносабатларга таъсири кўзда тутилиши шарт. Жамият тараққиётининг иқтисодий қонунлари кишига бевосита эмас, балки билвосита, ҳар хил моддий, маънавий омил ва шаклларда намоён бўлувчи ижтимоий қонунлар тизими орқали таъсир қилишини унутмаслигимиз керак.

Айрим шахснинг индивидуал белгиларигина эмас, балки шу шахсни маънавий бойликка, ахлоқий покликка ва жисмоний камолотга етказадиган ёки унга тўсқинлик қиласидиган барча шарт-шароит, восита ва омиллар ижтимоий фанлар диққат марказида ҳам туради. Шахснинг шаклланишини бошқариш учун унинг тараққиётини белгиловчи умумий шарт-шароитни аниқлабгина қолмай, шахсни камолотга етказишга бевосита таъсир кўрсатадиган барча омилларни муфассал ўрганиш зарур.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиётининг асосий омили инсон эканлигини эътироф қилсак, жамият ва ҳокимият мавқеи ҳам инсонга бўлган муносабат, юксак гуманистик ғояларни амалга ошириш билан белгиланади. Мустақил республикамиз ўзининг ички ва ташқи сиёсати, барча амалий фаолиятида кенг омманинг, ҳар бир шахснинг фаровон, тинч ва осойишта турмуш кечириши, эр-

кин, тұқ өсімдіктерге яшаши учун имкон яратишини бош вазифа қилиб қўймоқда.

Афсуски, шундай мураккаб, масъулиятли бир даврда, бозор иқтисодиёти энди шакланаётган бир пайтда, Президентимиз қайд қилганидек, айрим кишилардаги бепарвонлик, Ватан ва Миллат манфаатларига бефарқ қарашиб, бугунги ва келгуси авлодлар тақдиди учун масъулиятсизлик ҳоллари уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли содир бўлмоқда. Ҳозирги мураккаб вазиятда Конституцион давлат ўз кучини кўрсатиши зарур. Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида айтганидек, Ўзбекистоннинг мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига рахна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, зўравонликни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг демократик эркинликлари, маънавиятга тажовуз қиласиган шахслар, жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари булиши зарур. Конституциямизда ҳурфиксиклик, виждан ва эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилганлиги бежиз эмас. Юқорида номи зикр этилган асарда: "Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш, миллий уйғониш тоғасини рӯёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади", деб алоҳида қайд қилинган.

## ДИННИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ИЛК ШАКЛЛАРИ

Ҳозирги замон фани кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг шаклланиши тарихини анча аниқ ва ишончли тасвирилаш имкониятига эгадир. Асримиз қўлга киритган илмий тафаккур ютуқлари нафақат ижтимоий-иктисодий тараққиётни, балки узоқ ўтмишдан шаклланиб келган маданий ва маънавий жараённи қайта тиклаш ва уни даврма-давр варақлашга, барча тарихий ва ижтимоий воқеаларни ҳаққоний таърифлашга қодир.

Одамнинг келиб чиқиши ва унинг онги ҳамда тафаккурининг шаклланиш жараёни анча мураккаб ва зиддијатларга тұла муаммодир. Бу муаммони ечиш, унга тұғри жавоб бериш мақсадида күплаб мутафаккирлар бош қотирғанлар, турли таълимот ва қарашларни яратғанлар. Мазкур муаммо ибтидоий жамоа давридан бошлаб куртак отиб, илмий тафаккур ва диний тасаввурлар орасидаги турли шаклдаги қарама-қарши фикр ва мулоҳазаларга сабаб бўлиб келган.

Кейинги бир неча аср давомида олимлар орасида илмий ижобий билимлар олдин пайдо бўлганми ёки диний хурофий тасаввурлар, санъат олдин юзага келганми ёки диний мифология каби саволлар атрофида жиддий тортишувлар давом этиб келмоқда. Ҳозирги файриилмий таълимотга берилган Farb алломалари ва айниқса илоҳиётчилар гүёки диний тасаввурлар инсон пайдо бўлиши билан унинг қалби ва онгига сингдирилган, яъни тугма қарашлар деб исботлашга харакат қилиб келмоқдалар. Уларнинг фикрича, иймон, диний эътиқод, илоҳиёт масалалари одамзот тушуна олмайдиган, қандайдир файридан келган ҳис-туйғулардир.

Фарб тарихчилари сұнгги икки аср давомида диннинг дастлабки шакллари ва ибодатлар тұғрисида мұхокама ва мулоҳаза юргизиб келмоқдалар. Диннинг тарихи ва назариясига оид чет әл адабиётида эңг кенг тарқалған умумий ғоя: "дин бутун даврларга ва барча халқларга хос универсал институт (ташкилот)дир". Демек, бундан хулоса қилиб айтиш мүмкінки, дин инсон билан пайдо бўлган ва у билан абадулабад яшайди. Фарб тадқиқотчилари дастлабки диний эътиқодлар қандай, қайси шаклда намоён бўлган ва қандай белгилари асосий ҳисобланган, деган саволларга жавоб беришга интилиб, ҳар хил файрийлмий назариялар, йўналишлар ва мазҳабларни яратганлар.

Албатта, ҳар бир дин, шу жумладан ислом ҳам, маҳсус диний фалсафа ва назарияларга таяниб, ўзини эңг асл ва ҳаққоний деб ҳисоблайди. Бироқ, шунга қарамасдан, тарихда айрим шахслар диний ҳақиқат ва у ёки бу диннинг келиб чиқиши инсон табиати ва руҳияти билан боғлиқ эмаслигини исботлаш учун тажриба ҳам ўтказиб кўрганлар. Масалан, тарихий маълумотларга қараганда, буюк аждодимиз Бобурнинг набираси, XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ҳиндистоннинг "энг доно ҳукмдорларидан" Ақбаршоҳ, гарчи файриинсоний бўлса-да, ғалати бир тажриба ўтказган. Атоқли давлат арбоби Жавоҳарлал Неру таърифлаганидек, ҳинд халқининг фаровонлиги учун қўп куч сарф қилган, "ҳинд миллатчилигининг отаси" деб танилган бу улуғ подшо ҳар хил диндаги кишилар билан диний мавзуда баҳс ва суҳбатлар ўтказиб келган. Бу баҳслар,— деб ёзади Неру, одатда, Ақбарни ўз динига киритишга интилган бошқа дин вакиллари ҳисобланган энг зўр уламоларнинг мағлубияти билан тугаган ва улар ўз мақсадига эриша олмаганлар.

Мусулмон ҳисобланган Ақбаршоҳ ҳиндуйзм дини вакилига уйланиб, сиёсий фаолиятида виждон эркинлиги тарафдори бўлган. Ўз сиёсатининг тұғри эканлигини тажрибада исботлаш мақсадида ҳар хил мустабид халқ ва динга мансуб кишиларнинг энди туғилган 12 та фарзандини тортиб олиб, уларга қараб турувчи гунг энагалари билан бирга баланд деворлик айрим қасрға қамаб қўйишини буюради. Шу тариха маҳбуслар ташқи дунёдан мутлақо ажратилган ҳолда 12 йил давомида қаср ичиде яшайди-

лар. Болалар 12 ёшга тұлғач, шоқ ҳузурига турли ирқдаги ва диндаги машхур олимұ уламолар тұпланишади. Бу ерда ҳозир бұлғанларнинг деярлы ҳаммаси диний ҳақиқат туғма, инсон мұайян динга мансуб бўлиб туғилади, деган фикрни уртага ташлаганлар. Акбаршоҳ бу фикрга қарши чиқиб, инсон камолотида дин ёки ирқ әмас, даставвал таълимтарбия ҳал қилувчи омил эканлигини айтади ва гунглар тарбиясида бұлған маҳбус болаларни келтиришни буоради. 12 йил мобайніда жамиятдан мутлақо ажратиб қўйилган болалар на бир тилни, на бир динни билмаганлар. Улар қандайdir ноаниқ товушлар чиқариб, ўз фикрини имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қилғанлар.

Бундай тажрибалар гарчи дин инсон психикасининг туғма хусусияти әмаслигини күрсатса-да, умуман диннинг моҳияти ва келиб чиқишини илмий жиҳатдан исботлаб берса олмаган. Бу мураккаб жумбоқни фақат кейинги йилларда үтказилған илмий тадқиқотлар асосида замонавий фан ўзича ҳал қилған. Аслида бевосита диннинг келиб чиқиши масаласига келганды, илмий нуқтаи назардан қайси тасаввурлар — объектив ҳаётнинг кузатилиши ёки хато ва хурофий қарашлар олдин пайдо бўлған деган фикр әмас, балки у ёки бу диний тушунчалар, ҳиссиёт ва ибодатлар қаҷон ва қандай тарихий шароитда дунёга келғанлигини аниқлаш энг мұхим вазифа ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, дин абадий ва туғма, доимо зарур ҳодиса бўлмасдан, уни мұайян даврда жамият яратгандир, деган foя илмий диншуносликнинг асосий тамойилидир. Жаҳонда турли даврда пайдо бўлған юзлаб дин шакллари мавжуд бўлиб, улар дунёқараш сифатида ўз динини хақ деб биладилар. Файридиний тасаввурларни рад қиладилар.

Диннинг умумий тарихини фақат уни яхлит, мұайян қонун-қоидаларга бўйсунган, ҳар хил зиддият ва қарама-қаршиликлар жараёни билан боғлиқ, аслида ижтимоий иқтисодий тузум билан белгиланувчи ижтимоий онг шакли деб қараган ҳолда ўрганиш мумкин. Бу дегани ҳар бир динни унинг келиб чиқиши, тараққиёти, уни пайдо қилған конкрет тарихий шароит ва у яшаётган жамиятни ўрганиш ҳам демакдир.

Умуман олганда дин тарихини уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи давр — ибтидоий жамоа тузуми

шароитида диннинг келиб чиқиши ва шаклланиши. Бу даврда асосан кишининг табиат кучлари томонидан эзилганлиги натижасида унинг онгидаги сохта тасаввурлар пайдо бўлади. **Иккинчи давр** — социал табақаланиш ва давлат тузуми шароитида дин тўлиқ тараққий қилган бўлиб, эндиликда инсон фақат табиат кучлари олдида эзилибигина қолмай, тенгсизлик, социал зулм таъсирида унинг онгига қўшимча иллюзиялар пайдо бўлади. **Учинчи даврда** — илмий-техника тараққиёти таъсирида диндан қайтиш (секуляризация) жараёни кучайиб, диннинг оммавий таъсири бир оз сусаяди ва илм-маърифат устун турба бошлайди.

Биринчи даврни ўрганишда антропология, археология, этнография, тилшунослик ва фольклор қўлга киритган ажойиб каашфиётлар асосий манба ҳисобланади. Палеантропология ва археология фанларининг маълумотларига қараганда инсоният тарихида ниҳоятда узоқ давр давомида энг қадимги ибтидоий аждодларимиз — австралопитек, зинжантроп, питекантроп, синантроплар ҳеч қандай диний тасаввурларни билмаганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср ўрталаригача археолог олимлар дунёнинг ҳар ерида — Осиёнинг ва Европанинг жанубий қисмларида, Африканинг кўп жойларида қазишмалар ўtkазиб, энг қадимги одамлар суюгининг жуда кўп қолдиқларини топганлар. Тадқиқотлар натижасида бу одамлар тахминан неча йил муқаддам, қайси даврда яшаганлиги аниқланди. Уларнинг маконларидан қазиб олинган ҳар хил буюмлар, меҳнат қуроллари, ибтидоий одамлар ов қилган ҳайвонларнинг суюклари ўрганилган.

1925 йилда Африкада австралопитек (лотинча "Австралис" — жанубий, "питекос" — маймун) деган ном берилган одамсимон маймуннинг суюқ қолдиқлари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, австралопитек ва бошқа антропоидлар бир неча юз минг йиллар давомида шаклланиб, ҳозирги онгли одам (гомо сапиенс)га яқин бўлган.

Кейинги йилларда Африкада ўtkазилган тадқиқотларга асосланиб, олимлар одамнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқа бошлаш жараёни икки — уч, балки уч яром миллион йил муқаддам рўй берган, деган фикрга келган-

лар. Чунончи, 1959—1960 йилларда Танганьика улкаси-даги Олувай горида инглиз антропологи Луис Лики энг қадимги одамсизмөн махлукнинг тошга айланган сүяк қолдиқларини топган эди. Зинжантроп деб аталган бу маймунсимон одам (мия қутисининг ҳажми  $530 \text{ см}^3$ ) тахминан 1 миллион 750 минг йил муқаддам яшаган. Антропологларнинг фикрича, зинжантроп дараҳтдан тушиб, ердаги ҳаётта ўтган, тош ва ёғочдан оддий қуроллар ясаш қобилиятига эга бўлган ва асосан ўсимлик таомларини истеъмол қилган.

Зинжантроп топилган жойнинг яқинида кашф қилинган бошқа бир одамсизмөн мавжудоднинг сүяги, унинг теварагидаги тош қуроллар ва ҳайвонларнинг сүяк қолдиқлари анча тараққий қилган ва тахминан икки миллион йил илгари яшаган махлукларга оид эканлиги аниқланган. 1960—1970 йилларда Африканинг Хадар, Омо дарёси водийси ва Рудольф кўли бўйида топилган "ишбилиармон одам" (гомо габилис) сүяги қолдиқлари ва тош қуролларини тадқиқ қилиб, улар тахминан 2—2,5 миллион йил муқаддам яшаган, деб фараз қиласидар.

Чинакам одамсизмөн махлукларга, шубҳасиз, ўзи оддий ишлаб чиқариш қуролларини ясай биладиган питекантроп (юононча "питекос" — маймун, "антропос" — одам)-ни киритиш мумкинлиги исботланган. Унинг қолдиқлари дастлаб голландиялик олим Эжен Дюбуа томонидан 1891—1892 йилларда Ява оролидаги Соло дарёси атрофида ўтказилган қазишиналар натижасида топилган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, питекантропнинг мия ҳажми тахминан  $940 \text{ см}^3$  экан. Миясининг ҳажмига кўра питекантроп ҳозирги одам (мия ҳажми  $1200—1500 \text{ см}^3$ ) билан олдин ўтган одамсизмөн махлук ( $600 \text{ см}^3$ ) ўртасида туради. Қазишиналарда топилган буюмларга қарагандা, питекантроп энг оддий, кўпол тош қуролларни ишлаб чиқсан, аммо оловни билмаган. Калла суюгининг ички томонини тадқиқ қилиш натижасида питекантроп миясининг нутқни бошқарадиган қисми анча ривожланганлиги аниқланди, яъни улар гапира билганлар. Питекантропнинг асосий машғулоти теримчилик, емишли илдизларни йиғиш ва майда ҳайвонларни ов қилишдан иборат бўлиб, тахминан 900 минг йил муқаддам яшаган.

Энг қадимги одамлар тараққиётидаги кейинги босқични күрсатувчи зур қашфиётлардан бири 1927—1937 йиллар давомида Хитойнинг Пекин шаҳри яқинидаги синантроп ("хитой одами") ҳисобланади. Қазишмалар натижасида 40 га яқин эркак, хотин, қари-ёш одамларнинг сүяқ қолдиқларининг топилиши синантропнинг тулиқ қиёфасини тиклашга имкон берди. Ташиқи қуринишидан пите-кантропга үхшашроқ бўлса-да, унинг мия ҳажми 850-1300 см<sup>3</sup> орасида, яъни ҳозирги одамлар миясига яқинлашган. Синантроплар оқтош (кварц) ва чақмоқ тошдан қуроллар ясаганлар, кийик, ёвойи от, антилопа каби ҳайвонларни овлаганлар, оловдан фойдалана билганлар. Ниҳоятда қалин кул қатламларига (кул қатлами баъзан 6 метргача боради) қараганда чўғни учирмасдан узоқ саклаганлар, яъни олов чиқаришни билмаганлар. Синантроп типидаги одамлар Европада ҳам топилган. Бундай одамларнинг суюги 1907 йилда Германиянинг Гейдельберг шаҳри яқинидаги топилган. Синантроп ва гейдельберг одамлари оловдан фойдаланишгани учун анча бақувват бўлишган.

Кейинги ўн йилликларда Марказий Осиёда ўтказилган археологик тадқиқотлар бу ҳудудда ҳам одамзотнинг дастлабки маконлари илк тош даврида — милоддан аввалги тахминан бир миллион икки юз минг йиллар муқаддам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Фарғона водийиси Селунгур горида ёш боланинг елка суюги ва кишиларнинг тишлари топилган. Шунинг учун ҳам қадимги аждодларимиз фанда фарғонантроплар деб номланган.

Инсоният тарихининг кейинги босқичида ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиши билан инсон тафаккурида мавҳум тушунчалар куртак ота бошлайди, дастлабки диний тасаввурларнинг айрим белгилари пайдо бўлади. 1856 йилда Германиянинг Дюссельдорф шаҳри яқинидаги Неандерталь водийисида ер қазиш ишлари вақтида тахминан 150-85 минг йиллар муқаддам яшаган қадимги одам суюкларининг қолдиқлари топилган эди. Неандерталь деб аталган бу одамнинг сүяқ қолдиқлари ва яшаган маконлари кейинчалик жуда кўп жойларда учратилди. Неандерталь маконлари Франция, Фаластин, Англия, Испания, Чехословакия, Африка ва Жанубий Осиёда ҳам мавжуд эди. Неандерталь суюги ва маданияти қолдиқлари

археолог Г.А.Бонч-Осмоловский томонидан 1924 йилда Кримдаги Қийик-куба горида ва Жанубий Ўзбекистоннинг (Сурхондарё вилояти) Тешиктош горида 1938 йили атоқли тадқиқотчи А.П.Окладников томонидан топилди. Илк тош асри маконлари ва манзиллари Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистонда кўплаб учратилган. Бу ерга одамлар таҳминан бир миллион йиллар муқаддам келиб жойлашган. Жуда кенг ҳудудга тарқалган неандерталь одамлари, гарчи бир-биридан (табиий шароитга қараб) меҳнат фаолияти, маънавий маданияти, баъзан антропологик тузилишига кўра фарқ қиласа ҳам, буларнинг ҳаммаси бир одамнинг туридир.

Диний тасаввурлар киши онгига бирорнинг буйруғи билан бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Бу мураккаб жараён ниҳоятда узоқ даврлар давомида муайян тарихий шароитда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам неандерталь маданиятига оид гуруҳларнинг баъзи бирлари динни мутлақо билмаганлар, баъзиларида диний тасаввурлар энди куртак ота бошлаган. Олимлар орасида мазкур масалада ҳамон тортишувлар мавжуд. Неандерталь одамнинг суюқ қолдиқлари ва у ишлатган бошқа топилмаларнинг кўплиги туфайли унинг антропологик тузилиши ва моддий маданияти анча тўлиқ тикланган. Неандерталь кишиси умуман ҳозирги замон одамига яқин: унинг бўйи 150-165 сантиметр, гавдалироқ, қадди анча тик, куз косаси устидаги қабариқ йўқолган, пешона текисланиб ияк пайдо бўлган, миянинг ривожланиши натижасида бош суюқ ҳажми катталашган. У горларда яшаган, оловдан фойдаланиш ва олов чиқаришни билган, нисбатан мураккаб тош қуроллари, уй-жой ва буюмлар ясаган. Бу даврда тил ва тафаккур ҳам коллектив равишда олиб борилаётган меҳнат билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади. Меҳнат жараёнида кузатиш ва тажриба асосида муайян хуласалар, тушунча ва тасаввурлар, яъни мантиқий тафаккур пайдо бўла бошлайди. Мантиқий тафаккурсиз такомиллашган меҳнат қуролларини яратиш мумкин эмас эди. Учи ўткирланган тошлар учига ўткир қиррали тош ўрнатилган найзалар ва суюқдан ясалган ҳар хил ўткир учли майда қуролларнинг топилиши бу даврда инсон тафаккурининг ўсганлигидан далолат беради.

Неандерталь маконларидан одатда йирик ҳайвонларнинг, кўпинча мамонтнинг, сўнгра каркидон, фор айифи, шимол буғуси, ёввойи от ва бошқа ҳайвонларнинг суюклари кўп миқдорда топилган. Бу ерда кўпинча гулхан қолдиқлари ҳам учрайди. Неандерталь одамларнинг турмуши ниҳоятда оғир кечган. Улар ўзларининг тош, суюк ва ёрочдан ясалган қўпол қуроллари билан даҳшатли табиат кучлари олдида ожиз эдилар. Уларнинг умри қисқа бўлган. Археологик тадқиқотларга кўра, неандерталь эркакларнинг умри ўртача 30 ёшдан ошмаганини, хотинлар эса ундан ҳам кам яшаганини аниқланган. Албатта, неандерталь одам ижобий билимлар билан бир қаторда "табиатга қарши курашишдаги ожизлигидан" бир қатор нотўғри, хаёлий тасаввурлар яратиши ҳам мумкин бўлган. Балки шундай тасаввурлар асосида баъзи неандерталь маконларида ўликларни муайян бир тартибда кўмгандирлар. Шунга асосланиб, айрим олимлар, неандерталь одамларда дастлабки диний эътиқод пайдо бўла бошлаган, деган фикрга келганлар.

Бундай мулоҳазаларнинг пайдо бўлишига иккита кашфиёт сабаб бўлди. Биринчиси — 1908 йилда Франциянинг Безер дарёси яқинидаги Ле Мустье горидан топилган жasad қолдиқлари. Жasad унча чуқур бўлмаган гўрга ўнг қўлини бошига ёстиқ қилиб, чап қўлини олдинга чўзган ҳолда кўмилган. Гўрда тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ўтда куйдирилган ҳайвон суюклари ҳам топилган. Айрим олимларнинг фикрича, жasad қандайдир маросим асосида кўмилган: эҳтимол, ўша вақтда охират ва ўлмас жон тўғрисида баъзи бир ноаниқ тасаввурлар ҳам бўлган бўлиши мумкин. Демак, дастлабки диний тушунчалар неандерталь яшаган даврда, яъни 150-100 минг йиллар муқаддам пайдо бўлган, деб фараз қилинади.

Иккинчи археологик кашфиёт — жанубий Ўзбекистондаги Тешиктош горида кўмилган 8-10 яшар неандерталь бола жасадининг суюклари ва бошқа топилмалар. Бу мақонда ҳам жasad муайян ҳолатда дафн қилинган, ўликнинг бош суюги теварагида эчки шохлари ерга тиқилган, қисқа муддат ёқилган олов изи мавжуд. Балки олов ибодат билан боғлиқ маросим ўtkазиш мақсадида ёқилгандир. Ле Мустье ва Тешиктошда кўмилган жasad буқла-

ниб, ёнбошлаб ухлаётган кишини эслатади. Унинг оёқ-кули боғланган булиши ҳам мумкин. Мазкур кўмиш маросими айрим қолоқ халқларда ҳозиргача сақланиб келган. Масалан, Янги Гвинея папуаслари ўлик қайтиб келиб уруғдошларига зарар етказмасин, деб жасаднинг қул-оёғини боғлаб дафн қиласдилар.

Археологик тадқиқотлар натижасида неандерталь одамларнинг айрим гуруҳларида овчилик билан боғлиқ баъзи магик тасаввурлар бўлғанлиги ҳам аниқланди. Швейцаријанинг Драхенлоҳ горида, Германиянинг Петерхел горида айиқ бош сүяклари муайян тартибда жойлаштирилган омборлар топилган. Олимлар айрим шимолий халқларда ҳозиргача сақланиб келаётган айиқ ибодати маросимларига киёсан, неандерталликларда ҳам мазкур тасаввурлар мавжуд бўлгандир, деб фараз қиласдилар. Форларда истиқомат қилган ибтидоий кишиларда айиқ сүякларини маҳсус жойларда сақлаш бу ҳайвонларнинг кўпайишига ёрдам беради, деган тасаввур бўлган булиши мумкин. Неандерталь овчилари ҳар муваффақиятли овдан сўнг айиқнинг бош сүякларини маҳсус тош шкафларига тахлаб қўйиб, айрим маросимлар ҳам ўтказганлар.

Болқон ярим оролининг шимоли-тарбий қисмидаги форларда жойлашган илгари унча маълум бўлмаган Крапина шаҳарчасининг номи ўтган асрнинг охирларида илм оламида машҳур бўлган эди. Бу ерда археологик қазишмалар ўтказилганда учинчи ва тўртинчи маданий қатламда 300 га яқин неандерталь одам суюгининг бўлаклари топилган. Кейинчалик, 1905 йилда яна 200 дан ошиқ одамнинг сүяқ қолдиқлари, тош қуроллари ва ҳайвон сүяклари гулхан ёнган жойдан топилган. Шуниси қизиқки, топилган одам сүякларининг бир қисми майдаланган ва куйдирилган. Кашфиётчилар бу ерда макон қилган неандерталликлар тудаси одамхўрлик (каннибализм) билан ҳам шуғулланганлар, деган фикрга келганлар. Улар одам гўштини гулханда пишириб, бош суюгини янчиб, мияси ни "деликатес" сифатида истеъмол қилганлар. Бундай ваҳшийлик Европанинг бошқа ерида учрамайди. Осиёда эса Ява оролида 1931—1932 йилларда ўтказилган қазишмаларда одамнинг 12 та миясиз бош суюги топилган, бу ҳам олимларни мазкур факт каннибализм билан боғлиқ маросим қолдиқларидир, деган фикрга олиб келган.

Илк палеолит даврининг охирларига келиб, тахминан 70 минг йиллар муқаддам, неандерталь маконларида ҳёт сұна бошлайды. Бу даврдан бошлаб ҳозирги замон кишилари типидаги одамларнинг шаклланиши, яғни антропогенез жараёни ниҳоясига етиб, инсоният тарихида яна бир муҳим ҳодиса — ирқлар пайдо була бошлайды. Үтган аср охирларидан Вазера дарёси воҳаси (Франция)даги Кро-Маньон горида ва Италиядаги Гrimальди горида топилған янги одамнинг типик вакилларининг сүяқ қолдиқлари бунга яққол мисол бўла олади. Скелет ва бош суюкларининг умумий тузилиши жиҳатдан кроманьон билан гrimальди одами ўзаро ӯхаш бўлса ҳам, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос жисмоний хусусиятларга эга бўлган. Бундай маконлар Европанинг анча қисмida, шу жумладан, собиқ иттифоқ ҳудудида ҳам жуда кўп топилған. Тарихга кроманьон номи билан кирган бу одамлар неандерталликларга нисбатан анча тараққий этган, ундан кўп жиҳатдан фарқ қилган ва ўзининг барча жисмоний белгилари билан типик гомо сапиенс ("онгли одам") вакили эканлиги аниқланган. Унинг бўйи баланд (180 смга яқин), мускули кучли, гавдаси тик, кўз косаси устида қабариқ йўқ, пешонаси тўғри, ияги олдинга чиққан ва бош суяги кутисининг ҳажми катта (тахминан 1560 см<sup>3</sup>). Гrimальди одамда бир оз негроид белгилари бор.

Кроманьонларнинг моддий маданиятида ҳам анча юксалишлар рўй берган. Даставвал тош қуроллар такомиллашган, илгари кенг тарқалган жуда оддий парчалаш ёки синдириб олиш усули билан бирга, тош қуролга анча аниқ ва муфассал шакллар берувчи қисиб синдириш усули кенг қўлланилган, сүяқ ва тош қуролларнинг баъзи бирлари ёғочга ўрнатилган. Бир неча қисмдан ясалган қуролларнинг пайдо бўлиши, ҳар хил буюмларнинг кўп миқдорда топилиши ибтидоий техниканинг тараққий қилганлигидан, инсон тафаккурининг анча ривожланганлигидан дарак беради. Кроманьон маконларида илгариги умумий икки хусусиятга эга бўлган мустъе даврига оид тош қурол турлари ўрнида бир неча хил ва ихтисослашган қуроллар тўпламыни, аввалдан ишлаб келинган оғир тош кескичдан ташқари, тош пичоқ, найза ва найзачалар, турли хил кескичлар, қирғичлар, суюқдан ясалган

бигиз игналар ва қармоқни учратамиз. Баъзан муайян турдаги ҳайвонларнинг -- мамонт, ёввойи от, шимол буғуси каби йирик жониворлар сүякларининг жуда кўп (баъзан минггача етади) топилиши бу даврда одамлар кўпчилик бўлиб овлашга ўрганганлигидан далолат беради. Шубҳасиз, улар қурол ишлатишдан ташқари ўраб олиб, қувиб қамаш, тузоқ қўйиш каби такомиллашган ов усуларидан ҳам кенг фойдаланганлар.

Демак, одамлар овчилик билан шуғулланиб, аста-секин ўтроқлика ўта бошлаган. Энди улар форларда эмас, балки қоялар билан тўсилган очиқ майдонларда истиқомат қила бошлаган. Доимий тураржойларнинг пайдо бўлиши ҳар хил чайла ва ертўлаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Россия ва Марказий Осиёда кўп топилган палеолит даври маконларида атрофи тошлар билан мустаҳкамланган, шоҳлар ва терилар билан ёпилган конос шаклидаги ярим ертўлаларда фақат гулханларнинг қолдиқларигина эмас, ўзоқ ва печкаларнинг излари ҳам учрайди. Нина бигизларнинг топилиши бу даврда кийим-кечак ва тикувчилик юзага келганлигидан дарақ беради. Қазишмаларда топилган жуда кўп тасвирий санъат намуналари, безак буюмлари бу даврда инсон тафаккурининг анча ривожланганлигини, мавҳум тасаввурларнинг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Ниҳоятда кенг ҳудудда кашф қилинган кроманьон маданияти тахминан 40-20 минг йиллар муқаддам ибтидоий жамиятнинг мустаҳкам шакли — уруғчилик тузуми пайдо бўлганлигидан дарақ берибгина қолмай, мана шу даврда яшаган одамларда дастлабки диний эътиқод ҳам шаклана бошлаганлигини аниқ тасдиқлайди. Кроманьон одамлари жасадларини ҳар хил тартибда кўмганлар, баъзан ўzlари турган жойга дафн қилиб кўчиб кетганлар, баъзан куйдирганлар. Ўлик маҳсус қазилган гўрларга буқланган ҳолда, баъзан оёқ-қўлини боғлаб, жасаднинг ўзини ёки калласини қизил рангга бўяб кўмишган. Гўрга ҳар хил буюмлар: безаклар, тош қуроллар, таомлар қўйилган. Баъзан жасадни оғир тошлар билан бостириб кўмганлар. Қазишмаларда топилган ҳар хил ҳайкалчалар, фор деворларига ясалган фалати фигуralар, ҳайвон шаклида ниқобланган овчилар, қандайдир ўйинлар тасвири муайян

диний ва магик тасаввурлар мавжудлигидан дарак беради. Тасвирий санъат асарлари ичиде сеҳргарлик маросимини адо этаётган, ҳайвон терисидан тикилган кийим кийган жодугарларнинг расмлари, ярим одам, ярим ҳайвон шаклидаги маҳлуқларнинг тасвиirlари, шубҳасиз, диний эътиқод маънавий маданиятда ҳам урин олганлигини ва унинг ижтимоий онг шаклига кираётганлигини курсатади. Диний мазмундаги тасвирий санъатнинг айрим намуналари Испания, Франция ва Саҳройи Кабир (Африка)даги қоя тошларда, Сибирь, Карелия, Ўзбекистоннинг кўп жойларида ҳозиргача сакланиб келган.

Кейинги босқич — неолит (янги тош асри) даврида инсоният тарихида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Европа ва Яқин Шарқнинг кўп қисмида деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлади. Жамоа ички ҳаётида тенгсизлик вужудга келади, аммо ижтимоий табақаланиш сезилмайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари анча ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий онг шакллари, шу жумладан диний тасаввурлarda ҳам ўз аксини топади. Дағн қилиш маросимлари дин билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Қазилиб текширилган неолит гўристонларида ҳар хил майший буюмлар, куроласлача, овқат солинган идишлар ва ранг-баранг безаклар учрайди. Демак, кишиларда нариги дунё, охират тўғрисидаги тасаввурлар анча шаклланган.

Шундай қилиб, археологик кашфиётлар туфайли диннинг қайси вақтларда пайдо бўлганлиги, унинг ilk шакллари тўғрисида баъзи маълумотларга эга бўламиз. Аммо тилсиз археологик материаллар ниҳоятда кам ва сийрак, уларни гапиртириш ва тўлдириш учун этнографик маълумотларга мурожаат қилишга тўғри келади. Диннинг ilk тарихи ва шакллари тўғрисидаги ниҳоятда бой ва хилма-хил фактик материаллар қолоқ халқ ва элатларни этнографик жиҳатдан ўрганиш натижасида қўлга киритилган.

**Тотемизм.** Юқорида қайд қилганимиздек, кейинги бир — икки аср давомида фанда қилинган ажойиб кашфиётлар туфайли диннинг ilk шакллари бундан 30-40 минг, балки юз минг йиллар муқаддам келиб чиқсанлиги исботланибгина қолмай, ҳатто ҳозирги даврда яшаётган

айрим қолоқ халқлар турмушкида уларнинг ҳамон сақла-ниб келаётганлиги аниқланганди.

Атоқли диншунос олим С.А.Токарев таклиф қилган таснифга кўра, ибтидоий диннинг энг қадимги шакллари-дан бири тотемизм булиб, у юқори палеолит, яъни ilk уруғчилик жамияти даврида пайдо булган. "Totem" ёки "ото-тем" аслида Шимолий Америкада яшовчи туб аҳолининг алгонкин қабила тилидан олинган сўз булиб, "унинг уруғи" деган маънони англатади. Тотемизм тушунчаси айрим шахснинг ёки бир гуруҳ кишиларнинг, уруғ ёки қабила-нинг кўпинча қандайдир бир ҳайвон ёки ўсимлик билан, баъзан жонсиз моддий буюм ёки табиат ҳодисалари билан файритабиий яқинлиги, ҳатто қон-қариндошлиқ алоқаси бор деган эътиқодни англатади. Бу динга сифинувчилар узи ёки уруғдошларининг барча аъзоларини муайян ҳай-вон, ўсимлик ва бошқа бир нарсадан келиб чиқсан, деган тасаввурга таянади. Масалан, денгиз қирғоқларида яшов-чи австралия қабилаларининг 60 фоизи тотемлари балиқ ва денгиз ҳайвонларидан иборат. Дехқончилик билан шу-фулланаётган меланезия ва полинезияликларда тотемис-тик тасаввурлар кам сақланган. Этнограф А.М.Золотарев-нинг таърифича, "тотемизм қариндошлиқ муносабатларини диний англашнинг дастлабки шаклидир".

Агар уруғ ўзини бир тотемдан келиб чиқсан деб ҳисоб-ласа, шу уруғнинг барча аъзолари тотемни ўзининг қарин-доши деб тасаввур қилган. Тотемизмнинг асл ватани ҳисоб-ланган Австралияда, масалан, бир уруғ кенгуру тотемига тегишли бўлса, унинг аъзолари кенгуруни "бу менинг акам", "менинг отам" ёки "биродарим", деб таърифлайди. Австра-лияликларда ҳар бир қабила бир неча тотем гуруҳларга ёки уруғларга (10 тадан 30 тагача) бўлинади ва тотем номи билан, масалан, түякуш уруғи, илон уруғи, бургут уруғи, қурбақа уруғи деб аталади. Уруғ аъзоларига тотем ҳисоб-ланган ҳайвон ёки ўсимликни ўлдириш ёки нобуд қилиш ёки таомга ишлатиш ман қилинган. Бу одатга табу дейи-лади. Кейинчалик бу тақиқлар аста-секин йўқола боради ва тотемнинг фақат баъзи бир қисмларини (калласи, буй-раги ёки жигарини) истеъмол қилиш тақиқланади. Тотем ҳайвонни сўйиш вақтида ундан узр сўраганлар, гуноҳини соқит қилишга уринганлар. Шу муносабат билан ҳар хил

хурофий маросимлар ўтказилган. Бу маросимларда қон чиқариш, танани тош билан суйкалаш, ёғ суртиш ёхуд сариқ ёки қизил охра билан бүяш, ҳар хил дуолар ўқиши каби магик (сехрли) иримларга риоя қилингандай. Ибтидоййи мифологияда ҳам қабила аъзоларининг пайдо булиши маълум бир ҳайвонга, табиат ҳодисасига ва бошқаларга боғланади. Бундай афсонанинг кейинги вариантиларида одамни қандайдир бир тотем ҳайвон ердан, лойдан ва бошқа нарсалардан ўзига уҳшатиб ясаган, деб исботланади.

Мазкур тасаввурлар илк уруғчилик жамиятида қарор топган қон-қариндошлик муносабатларининг моҳиятини тушунмаслик натижасида пайдо бўлган. Тадқиқотчилар (Леви-Брюль, Д.Е.Хайтун, С.А.Токарев) Европадаги фор деворларига ясалган илк палеолит даврига оид "буғуодам" ва ҳар хил ҳайвон шаклида ниқобланган, ўйинга тушаётган кишиларнинг тасвири муайян тотемистик аждодларнинг образлари, ўйинлари эса қандайдир диний маросимлар билан боғлик дея фараз қиласидар. Ибтидоййи одам ўзини табиатдан ажратмаган, ўзини табиат кучлари ва ҳодисалари билан айнан бир нарса деб, ўзи ва уни ўраб олган борлик орасида қон-қариндошлик мавжуд деб тасаввур қилган. Шунинг учун ҳам ибтидоййи овчи жамоаларининг турмуш шароити онгсиз, фантастик равишда тотемистик дин формасида намоён бўлади.

Анча мураккаб уруғ-қабилавий тузумга ўтиш жараёнида бундай тасаввурлар аста-секин инқирозга учрайди ва йўқола боради. Лекин унинг қолдиқлари узоқ даврларгача сақланиб келади. Тотемистик тасаввурлар Океания халқларининг купчилигига, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка халқларида, Россиянинг асосан Сибирь халқларида сўнгги давргача сарқит сифатида сақланган. Тотемизм элементларини ҳатто жаҳон динларидан ҳам учратамиз. Худо образини яратувчини ота (парвардигор) деб билиш, айрим ҳайвонларни ёки буюмларни ҳалол ва ҳаромга ажратиш, христиан динидаги причащение маросимида маҳсус нон пишириб, нонни худонинг жисми, винони худонинг қони деб истеъмол қилиши ана шундай сарқитлардандир. Айрим тотемистик элементларни Ўрта Осиё халқларининг урф-одатларида ҳам учратиш мумкин. Отга сифиниш ва унинг гўштини истеъмол

қилишдаги айрим иримлар, муқаддас ҳисобланган баъзи ҳайвон ва қушларнинг суяқ қисми, тирноғи, пати ва ҳоказоларни тумор шаклида ишлатиш кабиларни асли то-темистик тасаввурларнинг қолдиқлари эканлигини тад-қиқотчилар қайд қилганлар.

**Фетишизм.** Африка ва қисман Австралия халқлари-нинг кўпчилигига, Фарбий Африканинг негр қабилала-рида ҳар хил жонсиз буюмларга сифиниш кенг тарқалган. Бундай диний тасаввурлар фанда фетишизм (португал тилида — "фейтишо" — тумор, сехрланган буюм, деган маънони англатади) деб аталиб, энг қадимги ибтидоий дин шаклларидан бири ҳисобланади. Фетишизм ниҳоят-да хилма-хил шаклда намоён бўлади ва дин тараққиёти-нинг барча поғоналарида ибодатнинг муҳим қисми си-фатида дастлабки оддий динлардан то ҳозирги мураккаб дунё динларигача ҳаммасида учрайди. Аммо қайси давр-да ва қандай формада намоён бўлмасин, фетишизмнинг моҳияти бир: даҳшатли табиат кучлари олдида ожизлик қилган одам хурофий қўрқинч туйғулари асосида қан-дайдир файритабиий кучдан мадад кутади, унинг ҳимоя-сига умид боғлайди.

Албатта, ибтидоий кишилар моддий имкониятлари-нинг чекланганлиги, ишлаб чиқаришнинг жуда паст ри-вожланганлиги, меҳнат қуролларининг камлиги, маъна-вий қашшоқлик ва билимнинг пастлиги одамни табиат кучлари олдида ожиз қилган, амалий фаолиятда қатор нотўғри хаёлий тасаввурларни, шу жумладан фетишизм-ни пайдо этган асосий сабабдир. Фетиш, одатда, хуро-фотга берилган кишини жуда ҳайратда қолдирган ҳар қан-дай буюм — тош, ёгоч, ҳайвон ёки дарахтнинг бир қисми ва бошқа нарсалардан ташкил топган. Ибтидоий одам-лар мазкур буюм — фетишлиарнинг мӯъжизали ва ўзлари-нинг ҳаётига таъсир қилиш қобилиятига эга эканлигига ишонганлар, ундан мадад ва ёрдам кутганлар. Кўп афри-калик овчилар омад келтирадиган буюм (фетиш)сиз овни бошламаганлар ёки саёҳатга чиққанда кишини ҳаяжонга солган фетиш унинг йўлдоши бўлган. Ўтган асрда бир африка жодугари 20 миннга яқин фетиш тўплаган. Унинг айтишича, ўтган аждодлардан қолган мазкур буюмлар ўз вақтида омад келтирган.

Ҳозирги замондаги барча динларда ҳам фетишизм элементлари сақланиб қолган. Христианликда қотиб қолған мурдаларга авлиё деб сифиниш ва икона (худо тасвири)га чүқиниш, айрим диндор кишиларнинг "муқаддас" дараҳт ва тошлар, авлиё-анбиёларга сифиниши, ҳар хил тумор ва дуолардан мадад исташи, шунингдек, буддизмда санам, бут ва бошқа буюмларни муқаддаслаштириш кабилар ҳам фетишизм билан боғлиқ тасаввурлар эканлиги исботланган.

**Магия.** Тотемистик тасаввурлар ва фетишизм билан боғлиқ, ниҳоятда кенг тарқалған ибтидоий динларнинг яна бир тури магия (сөхграрлик) уруғчилик тузуми даврида мұхим роль үйнаган. Сөхграрлик ибтидоий одамларнинг маشاққатли оғир ҳәётини нотұғри, соxта йүл билан бұлса-да енгиллаштиришга ёки ёзулыкнинг олдини олишга қаратылған тасаввурлардир. Магия ёлғон ва күзға күрінмайдиган сөхрли алоқа ва таъсирларнинг табиатда мавжудлігіга ишонтириш, айрим ҳолларда одам билан табиат орасидаги мұносабатларга ҳам ұзаро таъсир үтказиш, бир одамнинг иккінчи бир шахсга таъсир қила билиш қобилятига әга эканлигини үқтиришдан иборат диний әътиқоддир.

Бундай әътиқод асосида ибтидоий одамлар мұайян усул ва воситалар орқали табиатга ва бошқа одамларга үзи истаганича фойда ёки зарар етказиши мүмкін, деган түшүнчә ҳосил қылғанлар. Иккінчи томондан, шу әътиқоддан келиб чиқадиган тегишли ҳаракатлар сөхргар шахс ёки гурух орқали амалға оширилған. Оқибатда ибтидоий диннинг бу икки хусусияти ривожлана бориб, сөхграрлик кучига ишониш әътиқодға, маxsus мақсаддаги турли ҳаракатлар ибодатга айланади.

Сөхграрлик йўли билан кўпинча хавф-хатардан сақланиш ёки душманга зарар етказиш мақсадида узоқ масоғ фадан бұлса-да, жисмоний ҳам, ножисмоний ҳам таъсир үтказишга ҳаракат қилинган. Магия кучига әътиқод үзина қарши қандайдир сөхграрлик ҳаракатлари қилингандығыни билиб қолса, сөхграрликка ишонганидан үзини үзій үлімга гирифтөр қылғанлиги түғрисида баъзи этнографик маълумотларни учратиш мүмкін. Ибтидоий одамларнинг

сөхграрлик кучига ишончи уларга касаллик, ўлим ва бошқа ҳақиқий сабаби номаълум ҳодисаларни ўзича тушунтириб ҳам беради. Буюм ва ҳодисаларнинг афсонавий кучга эга эканлигига ишониш баҳт келтирувчи ёки балодан сақловчи ҳар хил тумор ва тилсимларнинг пайдо бўлишига, яхшилик ва ёмонликдан иборат турли ирим ва ҳаракатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бирор кишига қарши қилинаётган хатти-ҳаракатда ўша шахсга тегишли бўлган нарсалар (унинг сочи, тирноғи, кийими ва ҳоказолар) устида афсун қилиш, масалан, куйдириш ва бошқа иримлар жуда самарали натижа беради деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳозиргача айrim хурофтотга берилган кишилар ўзларининг соchlари ёки тирноқларини ҳеч вақт ташламайдилар, балки муайян жойда яширин сақладайдилар.

Сөхграрлик билан табиий ҳодисаларни ўзига бўйсундириш мақсадида ўтказиладиган хатти-ҳаракатлар шу кунгача сақланиб келган. Сөхграрлик эътиқоди ибтидоий даврда пайдо бўлиб, мухим элемент сифатида барча динларга кирган. Ҳозирги руҳонийлар қадимги сөхграрлик усулларидан кенг фойдаланадилар. Масалан, христиан динидаги чўқинтириш ибодати шайтонни ҳайдаш, зарарли руҳлардан сақланиш мақсадида ўтказиладиган ҳар хил магик хатти-ҳаракатлардан иборат. Барча динлардаги дуо, фотиха ўқишилар ҳам аслида сўзнинг сөхграрлик кучига эга эканлигига ишониш билан боғлиқ эътиқоддир.

С.А.Токаревнинг таснифига кўра, сөхграр мақсадига кўра куйидаги магия турлари фарқланади: даволаш, ёмон ёки ёвузликдан қўриқлаш, жинсий таъсири (мафтун қилдириш ёки совутиш), зарар етказиш, ҳарбий мақсадларга қаратилган сөхграрлик, касб-хунар (овчилик, балиқчилик, чорвачилик, дехқончилик ва ҳоказо), метеорологик (об-ҳавога таъсири қилиш) мақсадларида ўтказиладиган сөхграрликлар. Масалан, даволаш сөхграрлиги муайян иримлар, хатти-ҳаракатлар, жоду қилиш, аврашлар ва кейинчалик пайдо бўлган диж ўқишилар орқали кишини касалдан ёки ўлимдан қутқаштиш мақсадида ўтказилган. Дастлаб ибтидоий одам ўз "биммига" ва имкониятига чуқур ишонган ҳолда сөхграрлик билан шуғулланган. Масалан, ҳар бир австралиялик овга чиқиши олдидан ўтказиладиган магик ҳаракатларининг овда натижа беришига ҳеч шубҳа қилмаган.

Аммо тажриба ортиши ва амалий билимлар тұпланиши билан киши үз нодонлигини ва ожизлигини англай бошлайды. Шу билан бирга одамда күзға күринмайдиган, унга бўйсунмайдиган қандайдир илохий кучлар борлиги ҳақида тасаввурлар пайдо бўлади ва аста-секин шакланади. Одам ҳамон ўша файритабиий, хаёлий тасаввурлар таъсири остида қолган ҳолда шу кучларни ҳам ўзига итоат эттиришга ҳаракат қиласи, сеҳргарлик маҳоратини оширишга, янги зўроқ таъсир этувчи восита ва усууларни топишга уринади. Натижада уруғ жамоа аъзолари ичидаги зўр истеъодли, сеҳргарлик сирларини ва воситаларини яхшироқ "биладиган" ва гўё кўзға кўринмайдиган файритабиий кучлар билан яқин бўлган алоҳида шахслар ажralиб чиқсан. Бундай ўзига хос мутахассислар — жодугарлар, азайимхонлар, фолбиннлар, дуохонлар, баҳшилар ибтидоий диннинг ривожланишида ва такомиллашишида муҳим роль ўйнаганлар ва уруғчилик жамиятида катта ўринни эгаллаганлар.

Ҳатто ҳозирги илмий-техника тараққиёти замонида ҳам сеҳргарлик билан кишиларни даволаш, тақдирига таъсир қилиш мумкин деган тасаввурларга эга бўлган, фолбинлик, дуогўйлик билан шуфулланувчи шахсларни учратамиз. АҚШда энг машҳур мунахжим Карл Райтер сайёralар орқали киши тақдирини олдиндан айтиб беришга, ҳар хил афсун ўқишига қодир эканлигини ҳар куни 369 газетада эълон қиласи. Унинг маслаҳатига атоқли киноюлдузлар, миллионерлар ва ҳатто сиёсий арбоблар муҳтож. Райтернинг ўн мингдан ортиқ доимий мижози бор. Ҳозир Farb мамлакатларида, шу жумладан АҚШда, магия, хиромантия, спиритизм, окультизм каби сеҳргарлик турларига қизиқиш оммавий тус олган. Миллионлаб америкаликлар ҳалиям "балодан сақловчи", "омад келтирувчи" сеҳрли қуён оёғини олиб юради. Farbий Германияда эса машиналарда тумор осиш шунчалик кенг тарқалганки, ҳукумат уни ман қилишига мажбур бўлган, чунки туморлар ҳайдовчига халақит бериб, аварияларга сабабчи бўлган. Калифорния университетининг профессори Нэнд ҳозирги инсоннинг диний эътиқоди, хурофий тасаввурлари ва нодонлигига оид луғат тузишига киришган. У хурофот ва нодонликка бағишланган 400 мингдан ошиқ мақола ва хабарлар тайёрлаган.

Тўй ва ўлим маросимида риоя қилинадиган кўп иримлар аслида сеҳргарлик билан боғлиқдир. Деярли барча соҳаларда турли магик ҳаракатлар амалга оширилган. Масалан, дехқонлар қургоқчилик йилларида ёмғир ёғдириш мақсадида ҳар хил диний маросимлар ўтказгандар. Узбеклар яшайдиган лалмикор ерларда сунгги вақтлар гача ходага ёки белкуракка хотин кишининг кийимини илиб, "сув хотин" деган сеҳргарлик маросими ўтказиб келинган. Аёл кийимини кутариб, ҳовлима-ҳовли юриб: "Сув хотин, сувсиз хотин, ҳавони ёғдирган хотин, буғдойни бўлдирган хотин, элни тўйдирган хотин", деган ашулани айтиб келган кишиларга сув сепишган, баъзи инъом-эҳсонлар беришган. Баъзи жойларда ёмғир ёғдириш учун тошбақаларни тўнтариб қўйганлар, ҳосилни кўпайтириш учун соchlарини ёйганлар. Ҳар хил касалликлардан, ёмон кўздан сақланиш учун болаларга ва бешикка тақиладиган тумор, мунчоқ ва ҳар хил безаклар ҳам ибтидоий сеҳргарлик тасаввурлари билан боғлиқ.

Айrim қишлоқларда томорқадаги ток, мевали дараҳтлар ва экинларга кўз тегмасин деб қўй-қўчқорнинг шохи ёки калла суюгини, тумор, исириқ ёки қора тўп тикон осиб қўйилганини учратиш мумкин. Дехқончилик ва чорвачилик ишларида баъзан ҳар хил иримларга амал қилинади. Баъзи жойларда молларга касал тегмасин деб "Чўпон ота" га садақа қилиб, қўй-эчки атайдилар, молларга тумор осадилар, исириқ тутатадилар. Буларнинг ҳаммаси магия билан боғлиқ иримлардир. Даволаш магияси ёки дуохонлик асосида пайдо бўлган ва кейинчалик жаҳон динларида кенг тарқалган шифокор худолар ёки авлиёлар, христиан динидаги крест (салб), ислом ва иудаизм динларида Куръон ва Таврот сўзлари ёзилган ҳар хил туморлар дастлабки диний тушунчалардан ўтган бўлиб, диндор кишининг эътиқодига айланган.

Кейинчалик, табиатга тобе бўлган ибтидоий одамнинг меҳнат ва хўжалик тажрибаси, унинг табиат ва жамият кучлари ҳақидаги умумий тасаввурлари илоҳий тушунчалар ва иримларни касб этишга олиб келади. Фойдали ва зарарли, яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз кучлар таъсири остида одам ўзининг ожизлигини англаб, қўрқув туйғулари таъсирида ҳар хил йўллар билан барча табиат кучларини

хурматлашга, уларнинг "жаҳлини чиқармасликка", раҳмидил қилишга, ўз томонига оғдиришга ҳаракат қиласи. Натижада эзгу ва ёвуз кучларга хайр-эҳсонлар бериш, курбонлик қилиш каби маросимлар орқали табиатга сифиниш пайдо бўлади. Тотемистик тасавурлар янги тусга кириб, эндиликда тотем уругининг алоҳида ҳомийси ва ҳимоясига айланади. Кейинги тараққиёт дин тарихида сеҳргарлик, сифиниш ва ибодат сифатида, тотемизм эса одамга ҳомийлик қилувчи кучларни улуғлаш ва унга итоат қилиш сифатида ривожланади.

**Анимизм.** Ибтидоий диннинг табиатга сифиниш ва итоатгўйлик шаклидаги тараққиёти илк дин шаклларидан бири ҳисобланган анимизмнинг ривожланиши асосида рўй берган. Инглиз этнографи Эдуард Тэйлор томонидан киритилган бу ном (лотинча "анима" — "жон", "руҳ" дегани) ўз моҳияти жиҳатидан анча чекланган ва, Тэйлор таърифлаганидек, анимистик тушунча энг илк дин шакли ҳисобланмайди, чунки дин тараққиётининг дастлабки босқичида жон ҳақида одам алоҳида тасаввурга эга бўлмаган. Одамни ва барча табиатни "жон"лантириш ва "руҳ"лантириш ҳақидаги бир-биридан фарқ қилинмаган бошлангич тушунча иккига бўлинади. Дастреб, жон ва таннинг алоҳидалиги ва жоннинг мустақил яшashi мумкинлиги тўғрисидаги оддий тасаввурлар пайдо бўлади. Ибтидоий одамлар ўз таналари тузилишини, киши ўлиши ва жасади билан боғлиқ ҳодисаларни тушуна олмай, жонни мавжуд бир нарса деб билиб, сояга, баъзан моддий буюмларга ўхшатиб тасаввур қилганлар. Баъзи халқлар (тасманияликлар, алгонкин, зуллус, басурлар) да "жон" сўзи "соя" маъносини англатади. Қадимги яхудийлар, араблар, папуасларда "жон" тушунчаси "қон" билан бир маънода ишлатилади. Ўзбек халқининг энг эски масалларидан бирида "қулнинг қони чиқса, жони чиқади", дейилади. Шубҳасиз, бу ибора ҳам ибтидоий анимистик тасаввурлар билан боғлиқ. Гренландия эскимослари тасаввuriда семиз одамларнинг жони семиз, ориқлариники ўзларига ўхшаш ориқ бўлар эмиш.

Жон ҳаётнинг тимсоли, унинг маҳсус жойи (жигар, юрак, кўз ва ҳ.к.) мавжуд, кишининг нафас олишдан тўхташи, яъни ўлиши билан унинг жони чиқиб, бошқа жойга

күчіб кетади, деган тасаввурлар пайдо бұлған. Ибтидоий одамлар уйқуни жоннинг танани вақтінча ташлаб кетиши, тушни эса киши ухлаб ётганица бошқа узоқ жойдаги жонларнинг ёки үлган кишиларнинг жони қайтиб келиб учраши, деб тушунгандар. Киши жони одам үлгандан кейин бошқа ерга күчіб, мустақил моҳиятта эга булиши (кейинчалик ҳар хил жин-арвоҳлар ва парилар мазкур тасаввурлар асосида пайдо бұлған), үлкін одамнинг жони ҳайвон танасига үтиши мумкин, деган ишонч жуда кенг тарқалған тоғемистик тасаввурлар билан бөглиқ. Бундай тасаввурлар айрим жойларда ҳозиргача сақланиб қолған. Масалан, ҳиндлар қорамолни ва умуман жониворларни үлдиришни катта гуноҳ, деб ҳисобладылар, чунки уларнинг танида илгари үтган аждодларнинг жонлари жойлашған әмиш.

Анимистик дин тотемизм, магия ва табиатта сифиниш каби эътиқодларни үзіда мужассамлаштириб, барча буюмларни, табиат кучи ва ҳодисаларни жонлантиради. Шу билан бирга, файритабиий куч ва, ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳам ривожланади. Одам бу рухларни үзига яқинлаштириш учун уларга шакл берган, яъни муайян буюмлар (бут, фетиш, санамлар) яратған ва уларга сажда қилған. Арвоҳлар келиб сайр қиласынан айрим тұқайзор, чангалзор, тоғ ва горлар мұқаддаслаштирилиб, бу жойларға сифинилған. Үз навбатида киши үлганидан кейин уннинг танаси яшамайды, бироқ жони яшашда давом этади, деган тасаввурлар бир қатор ғояларни, шунингдек маросим ва урф-одатларни ҳам юзага келтирған. Арвоҳлар ғазабини келтирмаслик ва уларни хайрихоҳликтек чақириш мақсадида ҳар хил қурбонлар берилған. Табиат күчларидан құрққан айрим халқтарда одамлар ҳам қурбон қилинған. Масалан, қадимги Перуда ҳар йили табиат рухларига атаб үн яшар үғил ё қызы болалар қурбон қилинған. Этнографик маълумотларға күра, Үрта Осиёда асrimiz бошларигача, тошқын вақтида қишлоқтарни сув босиши хавфидан сақлаш имконияти бұлмаса, нодонликка берилған аждодларимиз эңг сүнгги чорани қўришған: тұғон остига Турғун, Турсун ёки Тұхта исмли бир кишини тутиб келиб, қурбонлик деб тириклай сувга чўқтириб юборишиган.

Үлим дастлаб ҳеч уйғонмайдыған уйқу деб тасаввур қилинған (ҳозиргача ишлатилады "мангу уйқуда ёт" де-

ган ибора ўша даврдан қолган) ва "ухлаганнинг" қавму қариндошлари унга ғамхўрлик қилиб, ҳар хил расм-руsum ва иримларга риоя қила бошлашган. Жасаднинг чириб кетиш сабабларини тушуна олмаган ибтидоий одамлар — ўликни дафн қилишнинг турли-туман урф-одат ва шаклларини ўйлаб топганлар. Сўнгги даврларгача қолоқ ҳалқларда куйидагича ибтидоий тарзда дафн қилишлар сақлашиб келган: ўликка бир оз овқат тежами ва энг зарур буюмларни қолдириб, устини чала-чулпа ёпиб кетишган, кемага солиб денгизга оқизиб юборишган, ерга кўмишган, дараҳт шоҳлари устига ёки "кўтарма"га чиқарип кўйишган (бу усул "очиқ ерга дафн этиш" деб аталади), куйидириб кулинни совуришган ёки маҳсус идишда сақлашган, тутунда дудлаганлар ёки гўштдан тозаланган жасаднинг барча суюкларини ёки бир қисмини сақлаганлар. Дастрлаб якка, кейинчалик коллектив мозорлар пайдо бўлган. Ўртаосиё-ликларнинг қадимги аждодлари ҳам ўликларни турли тарзда дафн қилишган. Археологик кашфиётларга қараганда қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтриядаги ўтроқ аҳоли, даштили сак, массагет ва бошқа қабилалар ўликларни дастрлаб овқат тежамлаб, зарур қурол ва буюмлар билан, ҳар хил усулда ерга кўмганлар, баъзан куйдирганлар, жасад суюкларини маҳсус идиш (оссуарий)ларга солиб дафн қилганлар, сафана куриб жойлаштирганлар.

Этнографик тадқиқотларга қараганда, дастрлабки диний тасаввурлар мифология билан боғлиқ бўлиб, у диннинг бошлангич манбаи шаклида намоён бўлади. Шунинг учун ибтидоий жамиятнинг илк даврида жон тўғрисидаги тасаввурлар ҳар хил афсоналар билан чулғанган. Масалан, австралиялик туб аҳоли жон ва руҳларни тўлиқ ажратса олмаган, уларда охират ҳақидаги тасаввурлар шаклланмаган. Уларнинг фикрича, одам ўлиши билан жони ҳам ўлади. Нисбатан тараққий қилган қўшни меланезия-ликларда файритабиий кучлар тўғрисидаги тушунчалар анча такомиллашган, нариги дунё тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Янги Гвинея қабилаларида ўликларнинг жонлари одам шаклида Дигул дарёсининг Қуий оқимида ҳеч нарса ўсмайдиган ҳаётсиз ботқоқликларда истиқомат қиласи, деган тасаввур мавжуд. Улар кечалари осмонга учиб, ўзарининг экин далаларига келиб, за-

рур озиқ-овқат ва ичимликлар олиб кетар, у ерда яшовчи ёш ўликлар ўйин-кулги ва майшатда кун кечирап, қарилари эса сүяклари парчалангунча пальма дараҳтига таяниб умр ўтказар эмиш. Океания оролларида яшовчи халқлар охират узокда, денгизнинг гарбий орқасидаги оролларнинг бирида жойлашган деб тасаввур қилғанлар. Сувга дафн қилиш (баъзан жасадни қайиққа солиб денгизга оқизиб юборганлар) шу тасаввур билан боғлиқ бўлса керак. Янги Каледония, Бисмарк архипелаги ва Маркиз оролларида яшовчи халқларда охират сув тагида жойлашган деган тасаввур бор, улар ҳам ўликни сувга дафн қилалиар. Баъзи муаллифларнинг фикрича, ўликни ерга ёки форга дафн қилиш расми охират ер тагида жойлашган деган тасаввурлардан келиб чиққан.

Кўп халқлар нариги дунёда ўликларнинг жонлари эгасининг тириклигидаги мавқеига қараб жойлашади, деб тасаввур қилғанлар. Қабила одатларига риоя қилиб, одоб сақлаган кишиларнинг жонлари яхши жойларга тушар эмиш. Океания халқларининг кўпчилиги (Гавайя, Маркиз ороллари, Таити ва ҳоказолар)да уруғ, қабила раҳбарлари ўлгандан кейин уларнинг жонлари осмонга, оддий кишиларники — ер ёки сув тагига кўчади, деган тушунча бор. Кўп халқлардаги тушунчаларга кўра жонлар охиратда жавоб берармиш, уни маҳсус жондор ёки даҳшатли маҳлуқ эшик олдида кутиб олиб, тутган мавқеига қараб ичкарига ўтказар, ёмон бўлса еб қўяр эмиш.

Жаноза вақтида, маъракаларда амал қилинадиган жуда кўп иримлар, юқорида қайд қилинганидек, мозор бошига у-бу пишириб олиб бориш, авлиёларга қурбонлик аташ, домла-имом ва ювичга бериладиган пул ва бошқа худойиларнинг ҳаммаси марҳумнинг арвоҳини хурсанд қилиш мақсадида ўтказиладиган анимистик урф-одатлардир.

Ривожланган уруғчилик тузуми даврида жоннинг ўлмаслиги ва бошқа жойга кўчиб яшаш ғояси (кейинчалик, охират, дўзах ва жаннат тушунчалари ҳам шундан келиб чиққан ва жаҳон динлари ақидасига айланган), раҳбарни ёки аждодлар руҳини ҳурматлаш ва хотирлаш, жонларнинг гавдаланиши ва ўликдан қолган шахсий буюмларда яшашни давом эттириши, улар қандайdir моддий тасвирга ўтиб олиши мумкин деган тасаввурлар ва улар билан боғлиқ

ҳар хил маросимлар яна ҳам такомиллашади. Бу тасаввурлар асосида ҳаётлигиде жамиятда салмоқли роль ййнаган уруғ аъзолари, уруғ-қабила бошлиқлари, жасур жангчилар руҳини муқаддаслаштириш натижасида аждодларга сифинишнинг мураккаб тури вужудга келади. Бундай аждодларнинг арвоҳи кўпинча ўзининг тирик қавм-қариндош ва уруғдошларининг ҳомийси ва ҳимоячиси ҳисобланган, уларнинг мозорлари эса кейинчалик авлиё-анбиёлар дарражасига қутарилган. Ўтган аждодлар арвоҳига сажда қилиш, уларни хотирлаш, табиатга ва табиат кучларига сифиниш натижасида дунёнинг турли бурчагида муқаддас жойлар ва авлиёларнинг қабрлари вужудга келган.

**Муқаддас жойлар.** Шарқ мамлакатларининг кўпчилигигида, шу жумладан Ўрта Осиёда кенг тарқалган анимистик тасаввурлар билан узвий боғланган авлиё-анбиё, "муқаддас" жойлар, табиат ва аждодларга сифинишлар ибтидоий диннинг мураккаб шакли бўлиб, улар кейинчалик жаҳон динларининг таркибий қисмига айланган. Бизнинг ўлкамизда учрайдиган, одатда, "мозор" ёки "авлиё" номи билан донғи чиққан муқаддас жойлар турли замонларга тааллукли бўлиб, ҳар хил диний тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган синкетик (аралаш, қурама) характеристидаги диний эътиқодлар билан боғлиқдир.

Мозор сўзининг ўзи аслида зиёратгоҳ маъносини англатади. Энг қадимги ибтидоий даврга оид табиат кучларига сифиниш билан боғлиқ бўлган, ҳамма ёғига турли латталар осилган якка дарахтни ҳозиргача тоғли ерларда, баъзан чўл жойларда учратиш мумкин. Барча вилоятларда учрайдиган файритабииш шаклдаги тоғ тешиги ва тошлар, ғалати қоялар ва горлар, шифобахш булоқлар ва кекса дарахтлар ҳам зиёратгоҳларга айланган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги "Чилон ота", "Чинор бобо", "Анжир ота", "Мурч бобо" каби авлиё дарахтлар ёки Бойсун тоғидаги "муқаддас" балиқли булоқлар, Фарғона водийсидаги "Тахти Шоҳимардон" ва анча масофага чўзилган ёриқ фор, Ургутдаги катта мозор ҳисобланган бутун бир чинорзор, Қорақалпоғистондаги Султон Увайс тоғи этакларида жойлашган "муқаддас" тош қоялари, Бухородаги Лесак ҳовузи, Жалолободдаги "Чашма Айюб" номли иссиқ булоқ ва ҳоказолар табиатга сифинишнинг ёрқин далилидир.

Аждодларга сиғиниш эътиқоди билан боғлиқ зиёрат-гоҳлар ичиди машхур тарихий шахслар ва йирик дин арбоблари номи билан аталган, кенг шуҳрат қозонган мозорлар билан бир қаторда айрим маҳаллий қишлоқ аҳолисининг зиёратгоҳи ҳисобланган кичик авлиёлар ёки номаълум мозорлар ҳам мавжуд. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, авлиёларни зиёрат қилувчиларнинг бутун хатти-ҳаракати (курбонлик сўйиш, ёғоч ёки дараҳтларга латта осиш, дуо ўқитиш кабилар) да исломгача мавжуд бўлган ибтидоий фетишизм, анимизм, магия (сехргарлик), ҳатто табиат ва аждодларга сиғиниш каби диний эътиқодларнинг элементлари муҳим ўринни эгаллади.

Уруф жамоачилик муносабатларининг кейинги тараққиётида, матриархат (она уруғи) даврида дин табиатга сиғиниш йўлидан ривожланади. Бу даврда деҳқончилик, айниқса, ривож топади ва шу асосда Она-ерга, Қуёшга, Ойга ва бошқа табиат ҳодисаларига сиғиниш кучаяди. Табиат кучлари ва айрим элементлар аёллар образи сифатида гавдаланади ва шунга мувоғиқ руҳларнинг кўпчилиги аёллар номи билан аталади. Жамоада ва хўжаликда ҳукмронлик қилаётган аёллар диний масалаларда ҳам етакчи роль ўйнайди. Эркак ва аёллар ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти туфайли шу босқичда хўжалик ва жамиятда аёллар мавқеининг кўтарилиши бунинг сабабидир. Лекин патриархал (ота уруғи) муносабатларнинг пайдо бўлиши аста-секин бутун жамият усткурмасида эркакларнинг ролинни кўтарди. Натижада диний тасаввурларда ҳам ўзгаришлар рўй беради. Эркаклар образидаги худо ва руҳлар аёл руҳларни ва худоларни сиқиб чиқаради. Моногом патриархал оила пайдо бўлиши билан эрининг оиласига кўчиб ўтишга мажбур бўлган аёл дастлабки вақтларда ўз ибодатига риоя қилган, кейинчалик эрининг динига ўтган ва унинг худосига сиғинган. Бу даврда табиатга ва аждодларга сиғиниш яна ҳам ривожланади, оила жамоасининг ўсиши билан уруф аъзолари ўз уйига, ўчоғига кўпроқ сиғина бошлайдилар, яъни "үчоқ ибодати" кучаяди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққиёти натижасида уруф-жамоа тузуми емирила бошлайди ва жамият аста-секин табақаланиб, янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлади. Янги жами-

ятга ўтиш даврида диний эътиқод ва иборалар ҳам анча мураккаблашади ва уларнинг турлари кўпаяди. С.А.Токарев типологиясига кўра, ибтидоий жамоа тузуми инқизозга учраб, синфий жамиятга ўтиш даврида ўша жараённи ўзида акс эттирувчи қўйидаги диний эътиқод ва тасаввурлар пайдо бўлади: ҳар хил илк қабила ибодатлари (инициация, яъни үспириналарни уруф қабила аъзолигига қабул қилиш маросими ва ҳоказолар), касб-хунар соҳаларига оид ҳомий худоларга сифиниш, уруф-оила муносабатларини бошқарувчи ҳомийлар ва муқаддас буюмлар ибодати, фолбинликнинг энг тарқалган ва дин шаклига кирган тури — шаманизм, шахсий руҳ-ҳомийлар ибодатини ифодаловчи нагуализм, ҳар хил пинҳоний иттифоқлар ибодати, оқсоқолларга, раҳбарларга, қабилавий худоларга сифиниш, дехқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ ҳар хил диний ибодатлар ва ҳоказолар.

Ибтидоий динларнинг синфий жамият динларига ўтиш жараёни даставвал жамоа аъзолари ичидан мустақил коҳинлар ажralиб чиқишида, маҳсус ибодатлар ва диний ташкилотларнинг пайдо бўлишида ёрқин ифодасини топган. Уруф-қабила бошлиқларини илоҳийлаштириш, куршкан қабилавий худоларнинг пайдо бўлиши, энди куртак отаётган хусусий мулкчилик ва қулдорлик муносабатларини муқаддаслаштириш, коҳинликнинг маҳсус касб сифатида табақаланиши каби муҳим ўзгаришларни ибтидоий жамоа тузумининг охирги босқичида турган барча халқлар (масалан, Полинезия ва Марказий Африка халқлари) ҳаётида аниқ кузатиш мумкин. Кишилар уруғчилик тузуми емирилиши билан фақат табиат кучларигина эмас, ижтимоий муносабатларнинг стихияли кучлари олдида ҳам ожизлигини сеза бошлайди. Натижада уруғ қабила бошлиқлари, буюк аждодлар илоҳийлаштирилайди, илгари номсиз, маҳфий ҳисобланган арвоҳлар табакалашиб, муайян хўжалик фаолиятининг ҳомийси сифатида худолар образига кира бошлайди.

**Политеизм.** Қабилалар иттифоқининг пайдо бўлиши фойиб худо бошчилигига кўп худолик (политеизм) ни вужудга келтиради. Мулкий тенгсизлик, яъни бой-камбағаллик нариги дунё, охират тўғрисидаги тасаввурларда ҳам ёрқин намоён бўлади. Кишининг ўлгандан кейинги

ҳаёти фоний дунё ҳаётининг давоми деган тасаввурлар асосида дабдабали маросимлар ўтказиш, катта қурбонликлар ва у дунёда зарур бўлиши таҳминланган оддий ёки қимматбаҳо буюмлар, қурол-аслаҳалар билан дафн қилиш синфий жамиятнинг пайдо бўлишидан дарак берувчи эътиқодлардир. Бундай диний тасаввурлар Европа ва Осиёнning кўп қисмида ўтказилган археологик қазишмалар туфайли ҳам яққол намоён бўлади. Демак, бу даврда табиат кучлари билан бир қаторда ижтимоий кучлар ҳам майдонга чиқади, одамга қарши турувчи бу кучлар ҳам унга ёт, тушунарсиз бўлади ва табиат кучлари сингари зоҳирӣ зарурият сифатида ожиз инсон устидан ҳукмронлик қиласди. Даастлабки вақтларда табиатнинг сирли кучларинигина акс эттирган фантастик образлар эндиликда ижтимоий атрибултарга ҳам эга бўлиб, тарихий кучларнинг намояндалари бўлиб қолади. Албатта, бу жараён ниҳоятда мураккаб ва узоқ даврни ўз ичига қамраб олади. Оқибатда ривожланган қулдорлик жамиятига келиб, дин маҳсус мағкуравий қурол сифатида ўртага чиқади.

Ишлаб чиқариш фаолияти ва ижтимоий муносабатлар тизими такомиллашган сари кишилар онгидаги табиий дунё билан файритабиий дунё орасидаги тафовут анча ёрқинлаша борди. Ибтидоий жамоа тузумининг охирги босқичида, синфий жамият ва давлат энди пайдо бўлаётган бир даврда яшаган полинезияликлар бунга мисол бўла олади. Тадқиқотчилар қайд қилганидек, европаликларнинг келиши арафасида полинезияликлар ҳаётида фақат руҳлар тизимигина эмас, олий худолар пантеони ҳам мавжуд бўлган. Уларда космогония анча ривожланган ва мифлар мукаммаллаштирилган. Полинезияликлар тасаввуррида даастлаб дунё тухум шаклида бўлиб, коинот икки қисм: ўн қават "юқори" ва ўн қават "пастки" қисмдан иборат. Шуларнинг бир қаватида (одатда иккинчи қавати ер ҳисобланган) одамлар, яна бир қаватида аждодлар жони яшайди. Полинезия қабилаларида бош худо (Ту, Тане, Тангароа ва Ронго) лардан ташқари жуда кўп маҳаллий худолар, шу жумладан биринчи одамлар — Тики ва Хину ҳам бўлган. Шуниси қизиқки, уларнинг афсоналарида қадимги Юнонистон мифологиясидаги сингари жуда кўп афсонавий қаҳрамонлар образларини учратамиз.

Шундай қилиб, археологик кашфиётлар ва этнографик тадқиқотлар туфайли диннинг келиб чиққан даври, унинг илк шакллари ва ибтидоий даврдаги тараққиёт жараёнини тасаввур қилиш имкониятига эга бўлдик. Мазкур тадқиқотлар ибтидоий кишилар фақат нодон бўлган, хурофтда яшатан, теварак-атрофи қўркувдан иборат эди, деган файриилмий фикрларни инкор қиласди. Жуда бой археологик ва этнографик маълумотлар ибтидоий жамият пайдо бўлган даврдан бошлаб одам ўз фаолиятининг барча соҳалари бўйича ҳар хил билимлар тўплаганидан далолат беради. Ибтидоий одам диний тасаввурлардан асар ҳам бўлмаган даврда, яъни одам шаклига келгандан бошлаб бир неча юз минг йиллар давомида тафаккур, нутқ ва бошқа усуслар орқали ўзаро ва жамоада фикр алмашиб, тажриба ва кузатишлар натижасида сабаб ва оқибатни ажратса билишни ва бир-бирига боғлашни, хулосалар чиқаришни ўрганиб, кейинчалик түғридан-тўғри тажриба ўтказиш йўли билан жуда кўп ижобий билимлар орттирган. Бу билимлар табиатдан фойдаланишга, жуда кўп ажойиб кашфиётлар ва янгиликлар очишга имконият берган эди.

**Илк билимлар.** Ибтидоий одамга хос бўлган ўткир кузатувчилик ва унинг табиат билан яқиндан чуқур танишиши инсонни туганмас табиат китобининг баъзи сирли варақларини ўқий билиш даражасига кутарган. Албаттга, мазкур ижобий билимлар тўпланмаганда инсоният ўзининг гўдаклик давридан чиқа олмас, умуман ривожланиш бўлмас эди. Унинг йўлида учраган ва доимоғов бўлиб келган нотўғри, тескари хаёлий тасаввурлар қанчалик кўп бўлмасин, ижтимоий ва маънавий тараққиётни ҳеч вақт тўхтата олмаган. Аксинча, ижобий билимлар ўзидан кейин пайдо бўлган илмий тафаккурнинг ашаддий рақиби ҳисобланган диний тасаввурлар билан муросасиз курашда шаклланиб, бу кураш жараённида тўпланган билимларнинг қанчалик ҳақиқий эканлиги аниқланган. Шубҳасиз, мазкур жараён ниҳоятда узоқ ва машаққатли тараққиётдан иборат.

Дунёни ижобий билимлар туфайли тўғри идрок этиш ибтидоий одамларнинг шафқатсиз табиат билан курашда қўлга киритган дастлабки ғалабаларидан, ишлаб чиқариш

тажрибаси орқали топган фан ва техника куртакларидан бошланади. Кишиларнинг меҳнат фаолияти, чунончи, ҳар хил қурол-аслаҳа ва зарур буюмлар ишлаб чиқариш, овчиллик ва балиқчилик, кейинчалик пайдо бўлган дәхқончилик ва чорвачилик куртак отаётган илмий билимларнинг тўпланишидаги дастлабки шарт-шароитдир. Инсоннинг ҳайвондан фарқ қиласиган энг характерли хусусиятларидан бири унинг билимга бўлган иштиёқидир. Антик даврнинг буюк мутафаккири Аристотель "Барча кишилар ўз табиати билан билимга интиладилар", деб бежиз айтмаган.

Маданият тарихини ўрганувчи олимлар ибтидоий одамларни оловни ҳосил қилишларида баъзи жиҳатдан физик, озиқ-овқат тайёрлашда — химик, даволашда ва яраларни боғлашда — хирург, теварак-атрофдаги муҳитни, дарё ва тоғларни билишда — географ, бармоқ ҳисобида — математик, тошболта ва ўқ ёйини ясашда — ихтирочи механик деб таърифлаганлар. Узоқ ўтмишга қанча чуқур назар ташласак, унинг сирли саҳифаларини варақласак, бу фикр түғри эканлиги исботланади. Илмнинг ilk шакли одамнинг меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдалана билиш қобилиятидан бошланган эди. Палахмон, қопқон, бумеранг ва ўқ-ёй каби ибтидоий қуролларни кашф этиш учун, албатта, бошлангич механика қонунларини билиш зарур бўлган. Макон, замон, ўлчов, тезлик каби физикавий тушунчалар ҳам қадимги одамларнинг кундалик ҳаётидан олинган.

Меҳнат жараённида одам буюмларнинг ҳар хил хусусиятларини, уларнинг қаттиқ-юмшоқлигини, узгарувчанлигини ва моҳиятини билишга интилган. Ибтидоий одамларнинг урадиган, санчадиган ва кесадиган қурол-яроғлар тайёрлашида зарур материаллар — чақмоқтош, кварцит, чиганок, мармартош каби жинслардан фойдаланиши уларнинг дастлабки минералогия билимларидан хабардор бўлганлигини кўрсатади. Бундай билимлар Австралияning кўп қабила ва қавмлари, Американинг баъзи туб элатлари, масалан, эскимослар, Осиёнинг айрим қолоқ ҳалқлари орасида сўнгги давларгача кенг тарқалганлиги, уларнинг ушатиш, синдириш ёки куч билан кўчириш, силлиқлаш ва пармалаш йўли билан тошни мукаммалроқ

ишлиш техникасига эга эканлиги фанга маълумдир. Меланезия оролларининг бирида ҳозирда ҳам қўлланиладиган тошни пармалаб тешиш усули кузатувчанлик ва ихтирочиликнинг ажойиб намунасиdir.

Ибтидоий техника тарихида олов ёндира билишнинг кашф этилиши ниҳоягда катта аҳамиятга эга бўлган инқиlobий ҳодиса эди. Бу буюк кашфиётнинг инсон тафаккурининг ривожига тасири энг муҳим аҳамиятга эга бўлди. Оловни ҳосил қилиш, уни сақлаш, кўчириш ва фойдаланиш каби муайян билимлар кузатиш ва тажриба асосида пайдо бўлган. Олов кашфиёти, даставвал, чақмоқ тошни ишлиш вақтида учқун чиқишини, ёғочни тараашлаш, рандалаш ёки арралаш вақтида иссиқликнинг пайдо бўлишини ҳамда ёниб кетишини кузатишнинг маҳсулидир. Олов чиқаришнинг мавжуд усуллари ҳам ишқалаш, пармалаш, арралаш, тошларни бир-бирига уришдан иборат. Турли-туман асбоблар билан олов чиқара билиш маҳсус малака ва зўр маҳорат талаб қиласи. Немис тадқиқотчи профессор Карл Вейлс ўз асарларидан бирида талабалар билан ўзи кузатиб таърифлаган усуллар асосида пармалаб олов чиқаришга бир неча марта уриниб кўрганини, барча куч ва уринишларга қарамай, ҳеч қандай натижага чиқаролмаганини ҳикоя қиласи. Ваҳоланки, ибтидоий одамлар маҳсус асбоблар билан оловни бир неча секундда ҳосил қила билганлар.

Этнографик маълумотларга қараганда, илгари кўчманчи бўлган қозоқ, қирғиз ва туркман қабилалари орасида ҳам саводсиз, аммо ўз ватанининг ботаника ва зоологиясини асосли равишда эгаллаган, ҳайвон изларини яхши биладиган шахслар кўп бўлган. Моҳир туркман изчилари ҳаттоқи ота ёки онанинг изини билса, болаларнинг изига қараб кимнинг боласи ўтганлигини айтиб бера олган. Агар у ургочи түянинг изини билиб олса, кейинчалик унинг бўталоқларининг изини ҳам билган, бўталоқнинг қайси түядан тарқалганини ҳам айтиб бера олган. Эски-мослар ёғочдан бўрттирилган карта ясайдилар. Полинезияликлар эса энг кучли шамол ва денгиз оқимлари кўрсатилган қамишдан ясалган харитага эга бўлганлар. Австралийликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчганда оёқлари билан қумга чизиқ ўтказадилар ва чизиқнинг учига ҳивич

лар. Чизиқнинг йўналиши ва унинг узунлигига қайси томонга ва қанча масофага кетсурсатади. Бундай "сигналлар тили" ҳозирги арча қабилалар ва халқларда (айниқса Шиканинг туб аҳолиси ва негрлар орасида) кенг либ, у дастлабки топографик билим куртак-ак беради.

Мги даврлардан бошлаб Куёш, Ой, юлдузлар оат вазифасини бажарган. Бир тадқиқотчи ибораси билан айтганда, одамни ҳайвон-диган белгиларидан бири, унинг баъзан боиб осмонга қарашининг асосий сабаби иш юлдузларнинг ҳаракатлари ва сонлари узгаб белгилаш заруриятидадир. Масалан, папуанинг юришига қараб ишни бошлаш ва туганини қабуллаштиришни аниқлаганлар, Арабистонда яшовчи кўчманлар учун жазирама иссиқдан қочиб, кечалари ларида Ой доимо йўлчи бўлган. Шунинг учун пайдо бўлган ислом динининг муқаддас алоғойдир. Кўп халқларда ҳозиргача йил ҳисоби ига асосланган.

Одамлар илк тош давридан ойни тўрт фаза-р ҳафта етти кундан иборат деган тушунчага оро. Археологик кашфиётларга асосланиб, олим-имини тош даврида пайдо бўлган деб фараз Папуаслар ўз хўжалик ишларини ой тақвими н белгилаганлар. Кўп халқларда дастлаб ос-злар илоҳийлаштирилмаган. Уларнинг афсо-ёш билан Ой эр-хотин, ака-сингил образида иди. Папуаслар кеч тушиши билан осмонда ишган Чўлпон (Венера) юлдузини ишдан қай-т қизга ўхшатадилар.

Арча қабилаларда юлдузларни ҳайвон исми би-одат бўлган. Масалан, африкалик бушменлар узни тошбақа, калтакесак, тоғ эчкиси ва ҳока-ми билан атаганлар. Туб австралияликлар жа-рини кенгуру деб атайдилар. Уларнинг ўйла-и овчилари тутиб ейиш учун бу кенгурунинг эмиш, осмондаги сомон йўли эса ўша овчи-и гулханнинг осмонга кутарилган тутуни эмиш.

Эскимослар юлдузларни тулен овлашга чиқиб, осмонда йул тополмай адашиб юрган овчилар деб таърифлайдилар. Мұғуллар ва турклар йилни 12 ойга бұлиб, ҳар ойни бир ҳайвон (сичқон, бузоқ, арслон, қүён, наңанг, илон, от, құй, маймун, товук, ит ва чүчқа) номи билан атаганлар. Бу йил ҳисобини құшни Осиё мамлакатлари, шу жумладан Үрта Осиё халқлари ҳам қабул қылған. Қадимги Шарқда кенг тарқалған яна бир (Қүёшнинг йиллик ҳаракати доирасыдағи 12 нұқтада жойлашған бурж — зодиак юлдузлар туркумiga асосланған) календарда ҳам сайёralарнинг күпчилиги ҳайвон (күзічоқ, бузоқ, қысқиңбақа, шер, чаён, тоғ әчкиси, балиқ) номи билан аталған.

Мазкур ой номлари ҳар бир халқнинг машғулоти, меҳнат фаолияти, турмуш тарзининг үзига хос хусусиятларини объектив равищда ифодаловчи муҳим далиллардир. Масалан, зодиак (буржий) йил ҳисобида ойнинг Бузоқ юлдузлар туркумининг ёнида жойлашған вақт апрель-майға тұғри келади ва үша вақтда далага мол (бузоқ) ларни ҳайдаб чиқарғанлар. Камон ойи (ноябрь-декабрь) ов қилиш даврига, сунбула (арабча "бошоқ") ойи (август-сентябрь) йилнинг деҳқончилиқда ҳосил берадиган энг гүзал ўрим-терим вақтига тұғри келади. Агар мөвий само овчи қабилалар тасаввурида овчилар қувлаган ҳайвонлар билан тұлса, чорва халқларида уй ҳайвонлари ва подачилари билан, деҳқонларда ҳар хил деҳқончилик курол-асбоблари билан тұла. Масалан, славянлар юлдузлар туркумини омоч, мола, ҳаскаш, chalfi, обкаш деб атаганлар. Албатта, ибтидоий одамларнинг юлдузлар, Ой ва Қуёш билан боғлиқ түшунчаларыда ҳар хил тотемистик тасаввурлар ҳам маълум ўринни әгаллаган. Ҳозиргача қоронғи осмонда метеорит күчса, бирорнинг үлими билан боғлаб, унинг "юлдузи үчди" дейилиши бежиз әмас.

Ибтидоий медицина ва фармакология тұплаган баъзи билимлар ҳозиргача замондошларимизни ҳайратда қолдиради. Медицина тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг фикрича, ибтидоий овчилар маълум даражада амалий анатомия соҳасыда улардан бир неча минг йил кейин (Үрта асрларда) яшаган врачларға нисбатан анча чуқур билимларға эга бўлганлар. Үрта асрларда жасадларни ёриб очиш тақиқланған бўлса, ибтидоий табиблар энг мурак-

каб хиругия йўли билан бош суягини кесиш (трепанация қилиш) йўлларини яхши билганлар. Агар ўтган асрнинг бошларида медицина фани асосида бош суяги трепанация қилинган кишиларнинг 90 фоизи ҳалок бўлган бўлса, бир неча асрлардан бери Шимолий Африка қабилаларидаги табиблар амалга ошириб келаётган бош суягини кесиш операциясидан деярли ҳеч ким ўлмаган. Лекин шу билан бир қаторда ибтидоий қабилаларда ваҳшиёна хурофий усуllibар ҳам қўлланилган. Масалан, баъзи қабилаларда дори-дармон ва массаж билан бош оғриқ тўхтамаса, трепанация усули билан ёки беморнинг манглайини тешиб "даволаганлар". Бадандаги ортиқча ўсимталарни олиб ташлаш, синган жойларни тузатиш, қон оқишини тўхтатиш каби хиругия усуllibари зўр маҳорат билан бажарилган.

Ибтидоий австралияликлар суяк синганда "шина"дан фойдаланишни, ўргимчак уяси ва кул босиб қон оқишини тўхтатишни, ични сурдиришни ва қустирадиган воситаларни яхши билганлар. Кўп қабилалар заҳардан балиқни карахт қилиш, ўқ-ёйни заҳарлаш ҳамда баъзан даволаш мақсадида фойдаланганлар. Жанубий америкалик индешлар баъзи заҳарли ўсимликларни заҳарсизлантириб, истеъмол қилиш йўлларини ҳам билганлар. Улар каучук дараҳтидан клизма қиласидиган асбоб ихтиро қилганлар, санитария ва шахсий гигиена, иссиқ ва совуқ гидротерапия усуllibарига ҳам, парҳез сақлашга ҳам аҳамият берганлар. Деярли ҳар бир қишлоқда тепалик ёнбағрига ўйилган форда ёки ерда усти тери билан ёпилган буғ ҳаммоми бўлган, барча шимолий индеец қабилалари умумий қоида буйича тез-тез ҳаммомда чўмилганлар. Лекин сувдан кўрқадиган ва мутлақо чўмилмайдиган қабилалар (масалан, кубе қабиласи) ҳам учрайди.

Жодугарлик, фолбинлик ва сеҳргарлик қанча кенг тарқалмасин, ибтидоий одамлар жуда кўп ўсимликларнинг, ҳайвон ва минерал моддаларнинг даволаш хусусиятини ҳам яхши билганлар. Перунинг қадимги аҳолиси ёввойи ҳолда ўсадиган хина дараҳтининг пўстлоғидан безгак қасалини даволайдиган дори (хинин) ни кашф этган. Улар тамаки чекишни ҳам даволаш воситаси деб ҳисоблаганлар, ҳар хил заҳар ва наркотиклардан оғриқни босиш ва даволаш учун фойдаланганлар. Қадимги боливияликлар

ёввойи ҳолда ўсадиган кока номли маҳаллий бутани экиб күпайтирганлар ва унинг баргидан оғриқни босувчи дори сифатида фойдаланганлар. Ундан наркотик ичимлик ҳам тайёрланган (ҳозирги машхур кока-кола ва кокаин дорисининг ихтиорчиси қадимги Боливиянинг қабилаларидир). Туб австралияликлар қирқقا яқин ҳар хил даволайдиган ўсимликларни билганлар. Ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлган табиблар, жодугарлар ва дуохонлар фақат сеҳргарлик, авраш билан чекланиб қолмасдан, балки ибтидоий фармакология қўлга киритган барча доридармонлардан ҳам моҳирона фойдаланганлар.

Чорвачилик ва дәҳқончиликнинг пайдо бўлиши ибтидоий даврда табиатшунослик куртакларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Тахминан беш-ўн минг йиллар муқаддам одамлар ҳар хил ҳайвонларни хонакилаштиришга бошлаганлар. Чунки улар гўшт ва бошқа озиқ-овқатларга, кийим-кечак учун жун ва терига, юк ташиш ва кейинчалик ҳайдаш учун иш ҳайвонига муҳтож эдилар. Шуниси диққатга сазоворки, юқори маданият яратган кейинги авлодлар ибтидоий одамлар хонакилаштирган от, қорамол, қўй, эчки, тuya, товуқ, курка каби уй ҳайвон-паррандаларидан бошқа бирорта ҳайвонни хонакилаштирганлар. Чорва молларининг ўсиши, дәҳқончиликда ер ва ҳосил ўтчаш зарурияти ибтидоий даврдан бошлаб ҳисоблаш, узунлик ва оғирлик ўлчови каби тушунчаларни пайдо қилган эди.

Фақат ўткир кузатувчилик ва табиат билан яқиндан танишиш натижасида ибтидоий одамлар ёввойи ҳолда ўсаётган дон ва полиз экинларини, мева дарахтларини сунъий ўстириш имкониятига эга бўлдилар. Масалан, меланезияликлар ўн хил нон дарахтини, 52 та банан турини ўстиришни билганлар. Америкадаги қабилалар эса ўн бир хил маис (макка) турини парвариш қилганлар. Ҳозирги даврда экиладиган бошоқли экинлардан буғдой, тариқ, арпа ва шоли энг қадимдан (неолит давридан) ва жуда кўп жойда парвариш қилина бошлаган ўсимликлардир.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда инсоният истеъмол қилаётган ва хўжаликда фойдаланилаётган маданий ўсимликларнинг деярли ҳаммаси қадимги замонларда турли мамлакатларда турли қабила ва элатлар томонидан маҳал-

лий ёввойи турларидан етиштирилган. Беҳисоб ёввойи үсимликлар орасидан инсон учун фойдали турларини танлаб олиш, уларни парвариш қилиш усулларини ўйлаб топиш ва заарли ўтлардан қўриқлаш учун узоқ вақт давомида ибтидоий одамлар қанча сабот-матонат ва меҳнат сарф қилганлар. Ибтидоий кашфиётларнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, инсон кўп асрлик ишлаб чиқариш тажрибаси ва ибтидоий билимлар асосида теварак-атрофни ва ўз табиатини тўғри объектив идрок қила бошлаган, рационалистик (ижобий) билимлар ибтидоий одамларнинг онгига дастлабки ижобий тўғри тушунчаларнинг сингишида муҳим замин бўлган. Кишилар ўз билимларини тажрибада текшириб, ҳар гал аста-секин табиат тўғрисида анча аниқ ва объектив маълумотларга эга бўлиб борганлар. Буюк демократ А.И.Герценнинг образли ибораси билан айтганда, "Ёзилган нарсани болта билан кесиб бўлмагандай, тажриба орқали олинган билимни олов билан кўйдириб бўлмайди".

Ибтидоий жамиятда дастлабки илмий билимлар инсон онгини чулгаб олган хурофий туман ичидан куртак отиб чиқишига доимо интилиб келган. Юқорида қайд қилганимиздек, баъзи ибтидоий қабилалар нариги дунё (охират), жоннинг тандан ажралиб чиқиб абадий яшаши тўғрисидаги тасаввурга эга бўлмаганлар. Африкалик готентотлар охират ҳақида ҳеч нима билмаганлар, улар одам ўлиши билан унинг жони ҳам ӯлади, деганлар. Ибтидоий одамларда гайритабиий кучлар, арвоҳларга сифиниш мавжуд бўлмаса-да, баъзан уларнинг қудратига шубҳа билан қараш, оғир турмушда ёрдам бермаганлиги учун норози бўлиш ёки ҳақорат қилиш каби ҳодисалар ҳам бўлган. Этнографлар эскимослар орасида руҳларнинг борлигига, шамаларнинг мұъжизаларига ишонмайдиган скептикларни учратганлигини ҳикоя қиласидилар. Шимолий Канадада яшовчи эскимос қабилаларидан бирида агар руҳ фойда келтирмаса, уни ҳақорат қилиб "ҳайдаганлар". Шимолий Осиё халқларининг оғзаки ижодида руҳларни таҳқирлаш кўп учрайди. Уларда ерни, воҳаларни, тоғу дарёларни, одамни яратган ва унга тақдим қилган буюк Қарға масхара қилинади. Коряқ ва чукчилар Қарға-шаман осмон ва ерни яратувчи, қабиланинг ҳомийиси бўлса-да, уни калака қилиб, қизғанчик, ўғри ва муттаҳам куш деб таърифлай-

дилар. Атоқли сайёх олим С.П.Крашенинников камчадаллар ер ва барча мавжудотларни яратган муқаддас Кутху қарғани энг нодон деб масхара қилғанликлари, унга ниҳоятда беҳурматлик билан қараганликлари ва ундан ҳеч нима тилемаганликлари тұғрисида ҳикоя қиласы. Сибирь ёқутлари ҳам үзларининг яратувчи Қарғасини мазах қиласылар. Шимолий Африка қабилаларида яратувчи ҳайвонлар, одатда, нафрат ва кулги құзғайдиган ожиз ва құрқоқ руҳлар образида таърифланади. Африка қабилаларида руҳ ва худоларга нисбатан нафратнинг пайдо бўлиши — уларда дунёдаги барча ёвузыларни файритабиий кучлар яратган деган тасаввурлар билан боғлиқ.

Килиманжаро тоги этагида яшовчи жангга қабиласи тұғрисида африкалик этнограф Мзандо қуидаги ҳикоя қиласы: "Менинг қабиладошларим шундай дейдилар: "Ҳар ким тирик экан, айш-ишратда яшасин. Киши ўлғандан кейин ҳеч қандай яхшилик бўлмайди. Руҳлар дунёсидан яхшилик кутма ... . Руҳлар ниҳоятда қизғанчиқ ва очкўз, уларни ҳеч түйдириб бўлмайди. Ўҳ, агар бирор мени руҳлар маконига бошлаб борса, уларнинг ҳаммасини қилич билан чопиб, қириб ташлар эдим. Биз уларга ҳар гал янги қурбонликлар берамиз, улар ҳеч қандай ёрдам бермайдилар". Этнографлар африкаликларнинг ўз аждод-худоларига: "Эй худолар, сизлар ҳеч нимага ярамайсизлар, бизларга фақат ёмонлик келтирасизлар. Бизлар сизларга шунча озиқ-овқат берамиз, сизлардан ҳеч қандай ёрдам йўқ", деб мурожаат қилғанларни күп эшитганлар.

Баъзан руҳ ва худолардан қаттиқ ғазабланиб, ибодатхона ва бутларни йўқ қилған, коҳин ва жодугарларни ўлдириган ибтидоий қабилалар тұғрисида ҳам этнографик маълумотлар мавжуд. Д.Лёббок берган маълумотларга қараганда, Гавайя оролларида яшовчи қабилалар худоларга қурбонлик бериш учун коҳинларни ҳайдаганлар. Ўтган асрнинг бошларида ўзини ҳосилдорлик ва ёмғир худоси деб гавдалантирган Гавайя қироли Камеамеа II бут ва ибодатхоналарни йўқотишга қарор қилған. Халқ унинг қарорига бўйсунишга мажбур бўлган, аммо ўз санамларини ўрмонларда яшириб, ўшаерда ибодат қилишни давом эттирган. Ҳамма руҳ ва худоларидан кечган гавайяликларни мустамлакачи ва миссионерлар келиб, христиан динига ўтказ-

ган. Тонга оролида яшовчи полинезияларнинг бошлиғи Финоу 1837 йилда барча худоларни йўқотишга қарор қилган. Унинг таърифика, худолар разил душман, уларни одамлар фақат бошига бир мусибат тушса эслайдилар, улар кишиларни одамхўрлик каби энг ёмон ёвузлика үргатган, урушда эса фақат кучли кўшинга эга бўлганлар тарафидан. Шунинг учун Финоу худо олдида қўрқиб, ибодатгўйликни тарғиб қўйувчи барча коҳинларни ўлдиришга чакирган. Бундай сиёсатдан чўчиган коҳинлар унинг ўзини заҳарлаб ўлдирганлар.

Шуниси қизиқки, жодугар ва коҳинларга қарши кураш асосида қабила ва халқлар мифологиясида худоларга, осмон әгаларига қарши курашадиган қаҳрамонлар образи ҳам пайдо бўлган. Суматра оролида яшовчи даяклар ўртасида шундай ҳикоя мавжуд. Эмишки, қадим замонларда ер юзида жасур ва қудратли кишилар яшаган. Улар худоларни йўқотиш мақсадида баланд тоққа кўтарилиганлар ва шу баландликдан осмонга ёйдан ўқ ота бошлаганлар. Ривоятларга биноан, ярадор бўлиб ерга тушган худоларни чўқмор-таёқ билан уриб ўлдирганлар. Африканинг банту, ашанти ва бошқа халқларида одамларнинг осмонда яшовчи руҳ ва худолар ҳукмронлигидан қутулиш ва уларнинг таъзирини бериш учун мовий самога етадиган минора ёки нарвон қурганликлари тўғрисида афсоналар мавжуд. Бундай афсоналар тибет-бирма қабилаларида ҳам учрайди. Мазкур ривоятларнинг бальзи варианatlари кейинчалик Инжил ва Тавротда "Бобил минараси" тўғрисидаги афсонада намоён бўлади.

Шундай қилиб, инқизозга учраётган ибтидоий жамоа тузуми ўрнида янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида янги жамият ва унинг усткурмаси бунёд этила бошлиайди. Оқибатда ибтидоий жамоа тузуми ўрнида мустабидликка асосланган қулдорлик тузуми ва давлати пайдо бўлади. Руҳлар худоларга айланади, олий ва паст худолар иерархияси саф тортади, дунёвий ҳоким эса шу олий худонинг ердаги авлоди, вакили ёки ноиби сифатида ҳукмронлик қила бошлайди. Мазкур диний тасаввурлар билан бир вақтда инсон ўзининг кундалик ҳаёти ва меҳнат фаолияти асосида ижобий билимларни ҳам тўплаб камол топа бошлиайди.

## МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ДИНЛАРИ, ХУРФИКРИЛИК ВА ДаҲРИЙЛИК

Ҳар бир давр ўзига хос дунёқараши, фоя, мафкура ва эътиқодларни яратади. Тарих саҳнасига ижтимоий табакаланган жамият пайдо була бошлиши билан ижтимоий онг шаклларида табиат кучларига сифиниш билан бирга, ижтимоий кучларни илоҳийлаштириш биринчи даражага кутарила бошлайди. Даставвал, янги тузум ўрнатилиб, жамиятда рўй берган табакаланиш билан бир қаторда файритабии олам ҳам табакаланади: сон-саноқсиз руҳлар ичидан олий имтиёзли файритабии мавжудотлар — худолар табакаси ажралиб чиқа бошлайди. Агар руҳлар айримликни ифодалаган бўлса, худолар умумийликни ифодалайди.

Янги жамиятда пайдо бўлган политеизм (кўп худолик) диний тараққиётнинг муҳим босқичи булиб, худолар теварак-атрофдаги чексиз борлиқнинг ҳамма томонини эгаллаб, ўз назоратини ўрнатади. Мазкур политеистик тасаввурлар жараёни, яъни диний ифодалашга яккалиқдан умумийликка ўтиш ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ижтимоий муҳит негизида рўй бериши мумкин эди. Асли политеизм қулдорлик жамияти негизида ва шу жамият манфаатига хизмат қилувчи ақидавий қарашлар сифатида пайдо бўлган ижтимоий онг шакли эди. Унинг мумтоз намунаси энг ривожланган ва юқори даражага кутарилган қулдорлик давлатларида, айниқса, қадимги Юнонистон ва Римда очиқ намоён бўлади. Гуё Олимп тоғларида истиқомат қиласидан Зевс бошчилигидаги худолар асдида юон жамияти ижтимоий структурасининг акси эди.

Қулдорлик жамиятининг диний эътиқоди икки катта гурӯҳга бўлинган: бир томонда — расмий ибодат, иккин-

чи томонда — күп ирқ ва қавмли қуллар орасида тарқалган хилма-хил диний тасаввурлар. Буларнинг бир-бирига ҳеч яқинлиги бўлмаган. Ҳукмрон қулдорлар ва қарам қуллар орасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни мафкуравий жиҳатдан бошқариш эҳтиёжи бўлмаганлиги туфайли диннинг ижтимоий роли ва таъсири доираси анча чекланган. Юқори табақалар орасида тафаккур эркинлиги кучли бўлган.

Энг ривожланган классик қулдорлик мамлакатларида — қадимги Рим ва Юнонистонда (асосан эркин фуқароларга мулжалланган) динлар ва коҳинларнинг ижтимоий турмушдаги таъсири нисбатан суст бўлган. Дин ўзининг ижтимоий бошқариш функциясини биринчи галда майда ишлаб чиқарувчига нисбатан адо этиб, ижтимоий турмушда мустаҳкам ўринни эгаллаган. Қишлоқ жамоасига бириккан майда ишлаб чиқарувчи деҳқонлар меҳнатидан фойдаланилган қадимги Шарқда дин ва коҳинларнинг тутган ўрни ва ижтимоий тузумга таъсири ниҳоятда зўр бўлган.

Қадимги политеистик динларнинг яна бир хусусияти — уларнинг муайян этник гуруҳларга хослигидир, ҳар бир халқ ўз динига эга бўлиб, олдинги дин шакллари билан анча яқин турган. Политеизмнинг қулдорлик жамиятида ҳукмронлиги мазлум табақалар, яъни қулларнинг ташқаридан, бошқа халқлар ҳисобига тўлдирилишига ҳам боғлиқ. Шу боисдан ҳам қулдорлик жамияти яхлит этник бирликка эга бўлмаган. Қулларга бўлган нафрат ҳукмрон табақанинг динига ҳам ўтган. Диний онгда ташқи файри дин вакилларидан қуллар олиб келинадиган манба учун кураш акс этиб, у ҳил этник гуруҳларнинг миллий туйгуларига ўз таъсирини ўтказган.

Илк синфлар пайдо бўлган даврда диннинг одамларни бир-бирига яқинлаштириш, бириктириш (интеграция) ёки қарама-қарши кўйиш (сегрегация) функцияси алоҳида намоён бўлади. Дин тарихи аслида ижтимоий тараққиёт жараёнида одамлар орасидаги муносабатларнинг ижтимоий онг шаклларида, жумладан диний онгда акс эттирилиши тарихидан иборат. Агар ибтидоий жамоа тузуми даврида кишилар муайян тотем, яъни уруғ-қабиланинг келиб чиқиши жиҳатидан ёки бошқа этник гуруҳлардан фарқ қилган бўлса, синфий жамият пайдо бўлиши билан политеистик тасаввурлар асосида миллий-давлат

динлари байроби остида бириккан ёки фарқ қилганлар. Ҳозиргача күп халқларда, шу жумладан, ӯзбекларда ҳам дин ва миллат тушунчалари чатишиб, баъзан бир маънода тасаввур этилиши диннинг интеграция ва сегрегация роли билан бевосита боғлиқдир. Илк қулдорлик жамиятида пайдо бўлган динларнинг моҳияти ҳам ўша жараён билан боғлиқ. Бу жараён кенг омма ва ҳудудни ўз ичига олган уруғ-қабилавий динларнинг бирикиши ва умумлаштирилиши натижасида умуммиллат ёки умумдавлат пантеонини ҳосил қиласи. Қадимги Шарқ динларининг тарихи бунга ёрқин далил бўла олади.

Қадимги Шарқ халқлари, айниқса, Миср ва Месопотамия қулай табиий-жуғрофий шароит туфайли бошқа халқларга нисбатан олдинроқ синфий тараққиёт ва юксак маданият яратиш йўлига ўтган эди. Аммо ҳали етилмаган қулдорлик, ниҳоятда мустаҳкам ва турғун қишлоқ жамоаси, ерга хусусий мулкчиликнинг йўқлиги каби баъзи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзига хос сиёсий тузум ва мафкуравий олам яратган. Шарқ жамияти мафкурасида ибтидоий жамоа диний тасаввурларининг таъсири ниҳоятда кучли эди. Ўша даврда инсон тафаккури қадимги анъаналар занжирига банд қилинган, тараққиёт эса диний таълимотлар чизигидан чиқолмас эди. Инсон онги ва қалбини тўлиқ эгаллаб олган дин қадимги Шарқда бошқа мустақил ижтимоий онг шаклларининг пайдо булишига йўл қўймаган. Бу жараённинг зўрлигини алоҳида қайд қилган мутафаккирлардан бири "Шарқ тарихи дин тарихи тусини олади", деб тўғри ёзган эди. Шарқ мамлакатларида қадимги давларда фалсафа мифология, диний таълимотлар билан чатишиб кетганлигининг сабаби ҳам шунда. Қадимги Миср ва Бобилда фалсафий тафаккур умуман диний қобиқдан чиқолмаган, мустақил ижтимоий онг шаклида намоён бўлмаган.Faқат қадимги Юнонистон, қисман Ҳиндистон ва Хитойда фалсафа маҳсус ижтимоий онг шакли сифатида мустақил пайдо бўлган эди.

**Қадимги Миср.** Диннинг санъат, адабиёт, сиёсий foялар ва ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан фарқ қиласидиган муҳим хусусияти шундан иборатки, у бир даврдан иккинчи даврга ўзи яралган шароитни ташлаб ўтиш ва янги даврга мослашиш қобилиятига эга бўлган. Шу-

нинг учун ҳам энг ибтидоий дин шаклларидан (уларни яратган ижтимоий ва гносеологик илдизлар йўқолиб кетган бўлса-да) кўпчилиги кейинги юксак маданиятли жамиятларда ҳам сақланиб, муҳим ўринни эгаллаган. Буни қадимги Миср ва Месопотамия халқларининг тарихидан кўриш мумкин.

Кўхна Нилнинг серунум тупроқли воҳасида яшовчи халқларнинг ҳаётида неолит даврдан то юқори қулдорлик маданияти давригача диннинг хилма-хил шакллари намоён бўлган. Неча минг йиллар давомида қадимги Мисрда фиръавнларнинг чексиз ҳокимиютини илоҳийлаштирган, подшони тангри даражасига кўтарган диний эътиқодлар тизими билан бир қаторда энг оддий ибтидоий дин шакллари ёнма-ён турган. Ижтимоий тузумнинг ва умуман бутун маданиятнинг ниҳоят даражада секин ривожланганлиги туфайли Миср тарихининг ҳамма даврларида тотемизм, фетишизм, ҳайвонларга ва табиатга сифиниш каби ибтидоий диний эътиқодлар кенг тарқалган ва давлат миқёсида муқаддаслаштирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мисрликларнинг энг илк динлари шаҳар, вилоят (нўм) ларнинг ҳомийси ҳисобланган маҳаллий (аслида қадимги қабилавий) худолар ибодати билан боғлиқ. Қадимги подшолик даврида ёқ, деспотик ҳокимиётга эга бўлган курдатли фиръавнларнинг илоҳийлаштирилган образлари вужудга келтирилган. Ҳар бир нўм (вилоят) ўзининг худосига эга бўлган, унинг ҳокими худонинг бевосита меросхури ва ўғли сифатида тасвирланган. Қайси бир нўм ҳокими мамлакатни бириктириб, ўз ҳокимлигини ўрнатса, ўша нўмнинг ҳокими подшо, худоси эса энг олий бош худо ҳисобланган, яъни умумдавлат парвардигори даражасига кўтарилиган.

Шуниси ҳам қизиқки, қадимги мисрликларнинг илгари мустақил жамоага эга бўлган ҳар бир шаҳри ўзининг худолар системасига эга бўлиб, шу системага уч худолик (учлик) бош бўлган: Ота-худо, Она-худо, Бола-худо. Масалан, Мемфисда Цта-Сўхмет-Нефертум учлиги, Фива шаҳрида Омўн-Мут-Хўнсу учлиги олий худо ҳисобланган. Шундай қилиб, умумий Миср худолар пантеони ташкил топган.

Мазкур жараённинг оқибати сифатида ҳайвон ва табиатга сифиниш кенг тарқалган: бу тотемистик тасав-

вурлар чуқур илдиз қолдирғанлигидан далолат беради. Қадимги Мисрнинг деярли барча худолари ҳайвон шаклида тасвириланган. Масалан, худо Гүр лочин шаклида, маъбуда Сұхмет — ургочи шер, худо Хнум — құчқор, Мемфисдаги Хани ёки Опис — ҳұқыз, Отүн — бузоқ, Омұн ёки Ұсирис — құчқор, Онибис — шақал, Нехебит — калхат, Сет — илон, Шебет (Субека) — тимсоҳ ва бошқа ҳайвонлар шаклида тасвириланган. Бутун мамлакатда фуқаролар мушук, қирғий, шер, буқа, әчки каби ҳайвонларга сифинганлар. Күп жойда муқаддас буқа гүё табиатдан ҳам устун турувчи кучга эга бўлган. Подшо шер образи билан қушилиб кетган, кўпинча подшонинг үзи одам бошли забардаст шер (сфинкс) шаклида тасвириланган. Муқаддас ҳайвонлардан илон, калхат, лочин ва асалари азалдан подшо ҳокимиютигининг ҳомийлари ҳисобланган: уларга сифиниш ҳатто подшонинг эътиқодида ва унвонларида акс этган. Мисрни юнонлар босиб олгандан кейин мамлакатда саёҳат қилган атоқли географ Страбон таажжубланиб, ҳалқ оммасида ҳайвонларга сифиниш кун сайин ва ҳаммаёқда кучайиб боряпти, деб ёзган эди.

Табиатнинг даҳшатли кучлари олдида тиз чўккан мисрликлар қадим замонлардан муқаддас қоя ва тоғу тошларга, ер ва сувларга ҳам сифинганлар. Мамлакат экономикасининг асосини қишлоқ ҳужалиги ташкил этганлиги туфайли ҳар хил деҳқончилик маъбудалари жуда кенг тарқалган. Улар сувни бутун табиатнинг асоси деб тушуниб, серсув улуғ Нилни улуғлаштирганлар, уни худо Ұсирис билан тенглаштириб, "худоларнинг каттаси, ҳамма нарсани яратган, одамларга ҳаёт бахш этиш учун тошиб турдиган Нил", деб атаганлар. Муқаддас сувга сифиниш одати фиръавнлар бошлилигига барча коҳинлар томонидан худога атаб ичкиликлар ҳадя қилиш ва гуноҳларидан тозаланиш маросимини адо этишда ўз ифодасини топган. Нил дарёси бўйида дараҳтлар кам бўлса-да, хурмо ва миср анжири муқаддаслаштирилган, бутун ӯсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳар хия руҳлар, маъбудалар ва худоларнинг номлари билан тўлган.

Табиат ҳодисалари ва кучларини илоҳийлаштириб, ҳамиша тирилиб турдиган табиатнинг абадийлигини ифодаловчи мотам-маърака маросимининг марказий сий-

мосига айланган Ўсирис ва унинг рафиқаси Исида образлари диққатга сазовор. Қадимги подшолик давридан бошлаб давлат дини томонидан тан олинган Ўсирис ўлувчи ва тириувчи табиатнинг худоси сифатида намоён бўлади. Қадимги мисрликлар Ўсирисни ўсимлик ва сув худоси деб тасаввур қилиб, ўзининг бу дунёдаги ҳаёти ҳам унга боғлиқ деб билганлар. Улар мазкур сув ва ўсимлик худосининг тирилиши кишининг янги ҳаётга қайтиши учун гаров, деб тасаввур қилганлар.

Қадимги Миср динларида дағн қилиш ибодати муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жасадни мўмиёлаштириш техникаси ниҳоятда ривожланган ва мураккаб дағн қилиш маросими хилма-хил диний-сехргарлик тасаввурларига чулғанган. Одам жонининг ўлгандан кейинги тақдири билан боғлиқ дағн маросимлари ранг-баранг бадиий афсона ва ривоятларда, худо ва подшоларга бағишлиланган диний ваъда ҳамда гимнларда куйланган. Мисрликлар тасаввурида ҳар бир кишида Бо деб аталган жон бўлиб, у одам бошли қуш шаклида тасвиrlenган. Ўрта подшолик давридан бошлаб охират, яъни нариги дунё, ўлганларнинг жонини суд қилиш foяси ҳам пайдо бўлади. Охиратда жонларни Ўсирис 42 нўм худолари ёрдамида суроқ қилар эмиш.

Милоддан аввалги V минг йилликка оид энг қадимги обидалар киши ўлгандан кейин ҳам дунёвий ҳаётдаги сингари моддий ва бошқа эҳтиёжларни қондиради деган тасаввурлар ҳукм сурғанинги кўрсатади. Жасадни квадрат шаклидаги гўрга ҳар хил озиқ-овқат, ичимликлар солинган тош ёки сопол идишлар, қурол-аслаҳа, уй буюмлари, баъзан уй ҳайвонлари ва хизматкорлар тасвиrlenган ҳайкалчалар билан дағн қилганлар. Энг қадимги даврларда ўликни чиптага, терига ёки матога ўраб, гўё у ухлаб ётгандай бир томонга қаратиб букчайтириб ётқизиб, квадрат сағаналарга кўмганлар. Кейинчалик мазкур ер ости сағаналарининг деворлари тошдан қурилган ва устига ёғоч ёпилган. Мурда яхши сақланиши учун унинг бутун ичак-чавоқларини тозалаб, маҳсус каноп идишларга солиб, ўликни туз эритмаси ва смола билан мураккаб усулда мўмиёлаштириб, бир неча қават зифирпоя газламасига қаттиқ ураганлар. Тобутнинг бош қисмига офтоб нурлари тушиб турсин деб, кўзи тўғрисида иккита те-

шикча қолдирилган. Албатта, ҳоким ва бой кишилар шу тариқа дағн қилинганд. Подшолар қабри устида эса ниҳоятда дабдабали мақбара (эхром)лар қад күтарган.

Мисрликлар тасаввурда охиратда худолар фақат подшо ва бой зодагонларни қабул қиласы әмиш, коинот эшиги фақат фиръавнлар учун очилар әмиш. Оддий кишилар эса охиратда ҳам Нил дельтасига үхашаш қамишзор дала-ларда жойлашиб, ҳаётдагидек бу афсонавий серунум үлкада деңқончилик билан шугулланар эканлар. Қадимги Мисрда халқ орасыда гүё үлкни күмганды алоҳида мотам-маърака маросимларини бажариш ва ҳар хил сеҳргарлик одатларини үташ орқали одамлар у дунёда ҳам ўз мол-мұлқини, подшо марҳамати билан ато этилган имтиёзларини сақлаб қоладилар, деган тасаввурлар кенг тарқалған. Мархұм нариги дунёда ҳам хотиржам бұлсинга учун қавму қариндошлари жуда күп қурбонликлар қилғанлар. Мазкур қадимги дағн маросимлари узун папирус ўрамига ёзилған "Уліктар китоби" да ва бошқа жуда күп диний түпламларда, шунингдек охират суди, нариги дунёдаги роҳат ва фароғат түғрисидаги афсоналар үлкен солинадиган тобут-кутилар ва сафана деворларига битилған ёзувларда батағсил баён этилади.

Аммо фирмәвнларнинг деспотик ҳокимияти билан чирмашыб кетған диннинг халқ ҳаётіда шундай катта роль үйнашига, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари орқали диний таълимотнинг инсон қалбига зүр таъсир қилиши-га қарамай, тафаккур әркинлиги бутунлай бүгілмаган эди. Ёзма манбаларға қараганда қадимги Миср мағкураси ҳар хил шубҳаларнинг ғояларидан тұла фориғ бүлмаган. Бунга масалан, "Арфа چалувчи құшиғи" ва "Хаётдан күнгли совиган одамнинг ўз рухи билан суҳбати" каби баъзи поэтик асарлар ёрқын далил бұла олади. Инсоният тарихидеги бундай дастлабки бадий асарларда охиратта ишон-маслиқ, у дунё ҳаётига шубҳа оқанғлары янграйди, уни яратған муаллифлар киши ҳаётлигіда бу дунёнинг барча лаззат ва ноз-неъматларидан тұла баҳра олишга чақира-дилар. Милоддан аввалғи XXII-XXI асрларда, яғни бундан тұрт минг йиллар мұқаддам ёзилған "Арфа چалувчи құшиғи" асарида диний таълимот ваъда берған охиратдан ҳеч ким қайтиб келмаган, шунинг учун у дунё түғри-

сида ҳеч ким ҳеч нарса айта олмайди деган фикрлар баён этилади. "Худолар, ҳимматли ва олижаноб кишилар мўмиё ҳолатда эҳромларда дафн қилингандар, аммо уларнинг ҳолати не бўлди — ҳеч ким билмас экан, — дейилади қадимги бир ашулада, — уларнинг кетидан боргунча, кунингни шодликда ўтказ, танга ором бер, қалбинг ҳукми ила истакларингни бажо эт, ёмонлик орқангда қолсин. Жимжитлик, сукунат ҳукм сурган ўлка бир куни сенинг ҳам ётоғинг бўлгай. Ўша кун келгунча ишрат қил, ҳамиша ўйнагил-кулгил, кўнглинг шод ўлгай".

Иккинчи асарда тафаккур эркинлиги янада ёрқин на-моён булади. "Суҳбат" аслида фалсафий руҳдаги шеърий диалог услубида ёзилган асардир. Унда яшашдан мақсад нимада, деган саволга жавоб ахтариб, ўша даврнинг бутун ҳаёт тартибларидан норозилик изҳор қилинади, ҳаётда фам-фуссадан бошқа нарса кўрмаган муаллиф азоб-уқубатдан қутилишнинг йули фақат ўлимда, дея foят пессимилик туйгуларни изҳор қиласи. Дунёвий ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган киши фалақдан дод-фарёд деб, уни ҳақорат қиласи, охират ва абадий ҳаётнинг борлигига шубҳаланиб, ишонч билан айтадики, "ўлим ҳамма учун, бойлар ва кам-бағаллар учун ҳам баб-баробар, ҳамманинг ҳам қисмати бир хил — ҳамма ҳам жазира мағнитида офтоб нурлари остида ёки Энг қудратли бўлган сувнинг кучи билан йўқ бўлиб кетади... . Сени уйдан олиб чиқиб, турга ташлайдилар. Сен ҳеч қачон ундан қайтиб чиқолмайсан ва қуёш нурини кўролмайсан. Метиндан мустаҳкам қасрлар курдирган кишилар ҳам бўм-бўш курбонгоҳларни кўрдилар. Сол устида ўлиб кетган ва фарзанди ҳам қолмаган кишиларнинг қисмати нима бўлса, ўша қасрларни курдирганларнинг ҳам қисмати шу бўлди". У дунёда яшашга ишонмаган киши жуда катта чиқимлар талаб қиласиган дабдабали мотам-маъракалар ўтказиш ва катта курбонликлар бериш билан охиратда абадий, фароғатли ҳаёт кечириш мумкин, деган афсонавий гапларга ҳам ишонмай қўяди. "Суҳбат"да шахсий норозилик эмас, балки зиддиятларга тўла ижтимоий табақаланган жамиятнинг исканжасида эзилган инсоннинг дод-фарёди ва қалб фигони изҳор қилингандир.

Азалдан анъана бўлиб келган диний тасаввурларга зид фикрлар, яъни охират ва нариги дунёдаги абадий ҳаётга

шубҳа қилишнинг намуналари халқ ижодининг айрим жанрларида ҳам учрайди. Кўпгина насиҳатномаларда ва бошқа асарларда камбағаллар бойларга ҳавас қилмайди, чунки киши умри қисқа, ўлим ҳаммани тенг қиласди, деган foялар мавжуд. Насиҳатларда одоб нуқтаи назаридан: "Кишини ота мулкидан маҳрум қилмаслик, хизматкорларни ҳайдамаслик" кераклиги айтилади. Подшо Охтуй "Насиҳатнома" сида курсатилган мазкур одоб қоидаларини бузиш охиратда даҳшатли жазоларга рўпара қиласди, деган foялар, албатта, нариги дунё таълимоти ҳам социал характерга эга эканлигини исботлайди. Кулдорлик мафкурачилари фоний дунёдаги хурсандчилик ва шухликларга охиратдаги абадий яшовчи жоннинг тинч ҳузур-ҳаловатини ва кайф-сафоли ҳаётини қарама-қарши кўядилар.

Аммо подшо ҳокимияти ва коҳинлар зуравонлигидан норози бўлган оқсуяк зодагонлар охират тўғрисидаги таълимотни танқид этиб, уни беҳуда умидлар деб, бу дунё лаззатларидан фойдаланишни насиҳат қилганлар. Герадотнинг ёзишича, мисрликлар базмига келган меҳмонларга ёғочдан ясалган ўлик тасвири қутини бир-бир кўрсатиб: "Буни кўр, шундан кейин ич, уйин-кулги қил, чунки ўлганингдан кейин сен ҳам шунга ўхшайсан", дейиш одат бўлган. Битта қабрга ёзилган хатда хотинининг ўз эрига мурожаати келтирилган: "Эй биродарим, рафиқим, дўстим, ичиш-еийишдан чарчама, ичгил ва муҳаббат лаззатини тотгил, байрам қил, кеча-кундуз қалбинг тилагини қондир. Бутун Farb — машаққат тўла уйқу ўлкаси: бу ер ўз мўмиёларида абадий уйкуда ётганлар жойи, улар ўз биродарлари, ўз ота-оналарини куриш учун энди уйғонмайдилар, кўнгил на хотин, на болаларни истамайди!"

Милоддан аввалги XII асрга оид папируслардан бирида, эҳром абадийлик келтирмайди, кишиларга фойда келтирадиган буюк асарлар мангум яшайди, дейилади. Доно китобларнинг муаллифлари абадий, чунки уларни авлодлар ўқиыйди, ўрганади ва ўз устозларини доимо эслайдилар. Улар темир қабрли мис эҳромларни курдирмаганлар. Насиҳат китблари уларнинг эҳромлари. Қабрдан, мустаҳкам урилган девордан китоб фойдали. Инсон улгач, жасади тупроққа айланади, унинг барча яқинлари ҳам улади, аммо асарлар уқувчилар оғзидан тушмайди, курил-

ган уй, мудофаалаштирилган қурғон, ибодатга аталған тош плитасига нисбатан абадий яшайды. Оқтүй насиҳатларида китоб ва таълимнинг фойдасини таърифловчи "Китобни онангдан ҳам күпроқ сев", "Китобдан буюк нарса йўқ" деган фикрлар кўп учрайди. Умуман қадимги Миср бадиий ижодида диний тасаввурларга зид ҳолда инсонга муҳаббатни изҳор қилувчи гуманистик гоялар мағрур жаранглайди.

Қадимги Миср маданиятини анча ривожланган илмий билимларсиз тасаввур қилиш қийин. Киши табиатни тӯғри идрок этишга ва унинг сирларини билиб олишга доимо интилади. Қадимги мисрликлар ҳам кундалик хўжалик ҳаётида, айниқса, суғоришга асосланган дәхқончилиқда ва дабдабали иншоотлар қуришда эркин тафаккурига таянган аниқ билимларга муҳтоҷ бўлганлар. Тўрт-беш минг йиллар муқаддам ёзилган "Насиҳатнома"ларнинг бирида билимга юксак баҳо бериб шундай дейилади: "Агар сен билимдон одам бўлсанг, айтганинг-айтган, деганинг деган бўлади. Ёзиш-ӯқиши чуқур эгаллаб, кўнглингга маҳкам жо қилиб ол, ана шунда ҳар бир айтган гапинг ҳаммага манзур бўлади". Қаттиқ интизомга таянган маҳсус мактабларда зодагон қулдорлар, бой-амалдорларнинг болалари таълим-тарбия олган. Ҳаттоқи олий типдаги "турмуш уйи" деб аталган "мирзалар мактаби" ҳам бўлган.

Албатта, кундалик ҳаётдаги амалий эҳтиёжларни қондириш, сув дәхқон хўжалиги, савдо, бинокорлик ва монументал санъатнинг ривожланиши учун математика, геометрия, астрономия каби аниқ билимлар зарур эди. Қадимги Миср донишмандлари 300 дан ортиқ ўсимлик, күшлар ва ҳайвонлар рўйхатини тузганлар, ветеринария дарслигини ёзганлар, ҳатто инкубаторни кашф этганлар. Подшо мақбаралари ва ибодатхоналарида топилган схематик харита ва чизмалар, ҳисоб жадваллари ва геометрик тўпламлар, юлдузларнинг жойлашиш жадвали ва осмон харитаси, медицина ва ветеринарияга оид бир қанча матнлар ўз замонаси ҳаётининг ҳар томонларини реалистик тасвирлаш санъати инсон тафаккурида дин хукмронлик қилган даврда ҳам ривожланганлигидан далолат беради.

**Қадимги Месопотамия.** Қадимги Миср билан бир даврда Энг қўҳна юксак маданият яратган Дажла (Тигр) ва

Фот (Евфрат) дарёлари воҳаси — Месопотамияни баъзи тадқиқотчилар қадимги дунё динларининг бешиги деб атаганлар. Аслида бу ҳақиқатдан узоқ фикр бўлса-да, аммо унда ҳам жон бор. Чунки икки дунё — Шарқ ва Фарб цивилизацияси оралиғида яшаган қадимги шумерлар, аккадлар, суряликлар ва бобилликлар яратган ажойиб маданият ва уларнинг динлари қўшни мамлакатларга зўр таъсир кўрсатган. Милоддан аввалги даврда ўзининг сиёсий ва маданий ҳукмронлигини ўрнатган шумер ва аккад ҳалқлари қашф қилган миҳхат ёзуви Кавказ чўққиларидан то Нил дарёси воҳасигача кенг ҳудудда яшаган ҳалқлар маданиятининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган эди. Ҳатто месопотамияликларнинг қадимги тили қўшни ҳалқларнинг дини, қонуншунослиги ва адабиётига зўр таъсир ўтказиб, асрлар давомида (худди Европадаги лотин тили сингари) коҳин ва зодагонларнинг расмий тили сифатида (уларга семитик жиҳатдан анча ёт бўлса ҳам) узоқ даврлар сақланиб келган.

Қадимги Шарқ ҳалқларининг маданияти сингари кўхна Месопотамия маданияти ҳам ҳар хил диний тасаввурлар билан аралашиб, ибтидоий диний-сехргарлик эътиқодлари билан суғорилган. Уларда табиат кучларига ва айниқса сувга сифиниш кенг тарқалган. Худолар одамсизмон маҳлуқ шаклида тасвиirlанганлиги тотемистик тасаввурларнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради. Месопотамияда суғориладиган деҳқончилик асосий хўжалик фаолияти бўлганлиги туфайли ҳосилдорлик ва сув худолари олий даражали ҳисобланган. Жанубий Месопотамияда энг қадимги даврларда даҳшатли табиат стихияси — сув тӯфони худолари Апсу ва Тиамат тўғрисида ҳам ҳар хил афсоналар пайдо бўлган.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида икки дарё ўртаси бирлаштирилиши билан донишмандлик худоси — балиқ думли ёки гардани балиқникига ухшатиб тасвиirlанган Эа одамларни ҳар хил касб-хунарга, санъа ва билимга ўргатувчи илоҳий қудрат деб танилган. Унин "үғли ва образи" бўлмиш Таммуз ҳам сув худоси ҳисланган ва "мамлакат ўсимликларининг ҳукмдори" деб атсан. Уни баъзан ҳаётбахш қўёш худолари даврасига киритганлар, табиатни тирилтирувчи ва унинг ишлаб чиқа-

рувчи кучлари худоси қиёфасида тасвирилаганлар. Табиатни туғдирувчи ва ҳаёт худоси Иштар күпинча танасидан шох-бutoқлар ўсиб чиққан хотин образида тасаввур қилинган ҳамда "осмон ва ернинг порлоқ машъали" бўлмиш "Зухра юлдузи" сифатида мужассамлаштирилган. Момақалдироқ худоси ва Бобилнинг энг олий ҳомийси Мардук афсонавий аждарҳо ёки ярим илон, ярим қуш қиёфасида тасвириланган.

Бобил давлатининг энг гуллаган даврида Мардук худолар ўртасида биринчи ўринга кўтарилилган. Аммо қадимда осмон худоси Ану "худолар подшоси" ва "отаси" ҳисобланган. У етти қават осмоннинг энг юқори қаватида таҳт ўрнатиб, бутун оламга ҳукмронлик қилган. Унинг рафиқаси ҳисобланган Иштар бир вақтлар она маъбуда қиёфасида тасвириланган бўлса, деспотик давлат пайдо булиши билан даҳшатли жангчи, осмон маликаси ва подшо ҳокимииятининг ҳомийсига айлантирилган. Қадимги деҳқончилик худоси "фаровонлик, бойлик ва ҳосил ҳомийси" Мардук эса Бобил кўтарилиши билан "улуг ҳукмдор" га, "осмон ва ер ҳукмдори"га, қудратли жангчи, олий давлат худосига айлантирилган. Күёш худоси Шамаш адолат ва ҳаққоният худосига, ердаги подшонинг осмондаги ҳомийси даражасига кўтарилиган.

Шундай қилиб, қулдорлик жамияти ривожланиши билан қадимги табиат худолари аста-секин ҳокимият ва ҳукмдорлик худоларига, адолат ва куч тимсоли сифатида самовий қози ва даҳшатли подшоларга айлантирилган. Худолар пантеонида мансаблар бўлинган. Учала худо — осмон худоси Ану, ер худоси Энлил ва донишмандлик худоси Эа олий худолар гуруҳини ташкил қилган. Улардан бир поғона пастда ой худоси Син ва унинг фарзанди (қадимги шумерлар тасаввурига қўра кундуз кечадан туғилган) Күёш худоси Шамаш, момақалдироқ худоси Адад ва табиатни тирилтирувчи худо Таммузнинг хотини Иштар етти қават төсмоннинг пастки қисмларида жойлашган.

Бу даврда диний тасаввурлар анча мураккаблашган, —орли-туман маросимлар ўтказилган ва уларни бошқа-тириш учун коҳинлар табақаси пайдо бўлган. Ердаги ҳокимлар ҳам илоҳийлаштирилиб, подшолар халқ оғзаки ижодида, адабиёт ва санъатда худолар қиёфасида тасвирилан-

ган. Бутун адабиёт диний мақсадларга хизмат қилған, улар диний афсоналар ва ривоятлар, диний ақидалар ва ғояларни ифодаловчи восита ролини үйнаган, холос. Ҳатто илмий билимлар ҳам дин хизматига қўйилган. Диний ва дунёвий билимларни фақат коҳинлар билиши мумкин дейилган, диний таълимот эса ҳамма нарсани тушунтира оладиган илми ғойиб деб билинган. Бош коҳин вазифасини ҳоким ва подшолар эгаллаган, улар ўзларини дин соҳасида энг билимдан деб ҳисоблаганлар. Бунга қадимиғи Урук подшоси Гильгамеш мисол бўла олади. Мазкур подшо тўғрисида яратилган достон диққатга сазовор. Унда "учдан икки бўлаги худо ва бир бўлаги одам" шаклидаги Гильгамешнинг қадимги Урук шаҳрида қандай подшолик қилганлиги, катта иншоотлар ва худоларга атаб ибодатхоналар қуриш учун ҳалқни әзиб, унга зулм қилганлиги ҳикоя қилинади. Ҳалқ эса оғир қисматга чидомлай, золим подшо устидан худоларга арз қилганлиги, худолар афсонавий кучга эга Энкиду номли баҳодирни яратиб, уни Гильгамешга рўпара қилганлиги ва улар орасида кураш бўлиб, оқибатда teng кучли паҳлавонлар дўст-биордарликка эришганлиги бадиий бўёқлар билан тасвиранган. Улар биргаликда қўп қаҳрамонликлар қўрсатган.

Энкидунинг обиҳаёт ахтариб бошидан кечирган ҳар хил саргузаштлари баён қилинган бу ривоят қадимги диний афсоналар ва мифлар билан бойитилган. Достонда киши қандай қаҳрамонликлар кўрсатмасин, ўлимдан қочиб кутула олмаслиги, ўлим муқаррар эканлиги ва уни ҳеч қандай куч енга олмаслиги жуда зўр маҳорат билан, ёрқин ифодаланган. Бош қаҳрамон Гильгамеш ҳам ўзининг худо насабидан бўлишига қарамай, худоларнинг олий марҳаматига етиша олмаган, абадий ҳаётга мусассар бўлмаган. Гильгамеш марҳум дўсти Энкидунинг арвоҳи билан учрашиб ундан одам ўлгандан кейин у дунёда нима ҳол кечишини сўрайди. Бу ибтидоий анимистик тасаввурлар билан боғлиқдир.

Қадимги шумер-бобил достонларида ҳикоя қилинган дунё тўфони ва одамнинг яратилиши ҳақидаги афсоналар кейинчалик жаҳон динларига ҳам ўтган. "Гильгамеш тўғрисидаги достон"да қаҳрамон абадий яшаш йўлини қидириб, обиҳаёт ичған бобоси ўт-Напиштам яшаган ерга

борган ва ундан обиҳаётни қаердан олганлигини сўра-  
ган. Бобоси унга қадим ўтмишда жаҳлдор худолар қилган  
гуноҳлари учун одамларни жазолаш мақсадида ерга даҳ-  
шатли тӯфон юборган ва бутун дунёни сув босиб, катта  
ҳалокат бошлангани, бу ҳалокатдан фақат унинг ўзи танг-  
ри Эа маслаҳати билан ясаган қайигига миниб, "дунё-  
нинг жами жониворлари"нинг уруғини солиб, кутилиб  
қолганини ҳикоя қилиб беради. Тӯфондан омон қолган  
Ўт-Напиштамга ва унинг хотинига худолар абадий ҳаёт  
бахш этган эмиш. Бундай афсоналар кўп ҳалқларда ҳар  
хил баён қилинади. Улар минг йиллар кейинроқ айрим  
муқаддас китобларда — Таврот, Инжил ва Қуръонда ҳам  
уз аксини топган.

Қадимги Месопотамия диний афсоналаридан яна  
бири — йилнинг фаслларга бўлинниб, табиатнинг ўзгариб  
туришини ўзича талқин қилувчи худо Таммуз ҳақидаги  
афсона ҳам диққатга сазовор. Ривоятларга кўра табиат ху-  
доси Таммуз вафот этгандан сўнг унинг садоқатли рафи-  
қаси Иштар эри кетидан ер ости дунёсига тушган. У ерда-  
ги етти дарвозанинг ҳар бир қўриқчисига ўзининг бебаҳо  
зебу зийнатларидан биттасини қолдириб, севимли эрини  
топади ва нариги дунёда биргаликда бандиликда яшай  
бошлайди. Аммо табиат ҳомийлари ҳисобланган мазкур  
худоларнинг ер юзидан кетиши фоний дунё ҳаётини тұхта-  
тиб кўяди. Бу ҳолат бошқа худоларни Таммуз ва Иштарни  
ер ости дунёсидан озод қилишга мажбур этади. Мазкур  
ривоят асосида Таммузнинг ўлими ва қайта тирилишига  
бағишиланган жуда катта тантана ва маросимлар ўтказил-  
ган. Кичик Осиёда кенг тарқалган ҳосилдорлик маъбуда-  
си Мо, Рея ёки Кибела ҳам табиатнинг ўлиши ва қайта  
тирилишини ифодаловчи худолардан бўлиб, у ҳам Иштар  
сингари ўз севимли эри Аттисни тирилтирган. Бу воқеага  
бағишиланган катта байрамлар баҳорда март ойида зур тан-  
таналар билан ўтказилган. Кейинчалик христианлар худо-  
си Иисус — Исо пайғамбар образининг шаклланишига  
афсоналарга бой шундай маросимлар таъсир қилган.

Милоддан аввалги VII асрға оид Бобил ёзувларидан  
бирида бу афсонанинг янги бир нусхаси топилган бўлиб,  
унда табиат худоси Таммуз ўрнига Бобилнинг бош худо-  
си Мардук образи тасвирланган. Афсонага кўра Мардук

ер ости дунёсида жуда күп азоб-уқубатларни бошидан кечиради, уни уриб суроқ қиласылар, тоғдаги зинданга қамаб, қаттиқ қийнайдилар. Улуғ тангрининг кулфат чекаётганидан ғазабланган халойиқ ғалаён күтариб, унинг қисматини енгиллаштиришга ҳаракат қиласы. Мардукни озод қылган маъбуда унинг "найза санчилган юрагидан чиқаётган қонни құли билан артади" ва худолар ёрдамида қайтадан тирилтиради. Бу воқеага бағишлоңган янги йил (күкламда кеча-кундуз баравар бұлған кунда) байрамлари ниҳоятта тантанавор нишонланған ва катта диний маросимлар үтказилған. Ана шу тантанали маросимда подшонинг ўзи қатнашиши шарт бұлған.

Маросимларда коҳинлар ўзига хос поэтик шаклдаги афсунлар, кароматли дуолар ва суралар ўқиганлар. Худоларни улуғлайдиган дуо, гимнлар, афсан ва кароматлар өлімнен көзін сақтаған мұнгли товушлари остида янграган. Христиан динидеги пасха байрами маросимларига үхшаган бу тантаналар табиат худосининг ўлеми ва тирилишини ифодалаган. Бобилда үтказиладиган бу катта маросимга мамлакатнинг ҳамма ёғидан вакиллар келған, маросим иштирокчилари Мардук бөш ибодатхонасидан чиқиб, шаҳар чеккасидаги муқаддас жойға тұпланғанлар. Тұрт кун давомида дуохонлик ва қурбонликтар қилинған, бешинчи куни құй сүйиб, унинг гүштини дарёға улоқтирганлар. Шу билан халқнинг барча гуноҳлари дарёдаги сұнда ювилар эмиш. Олтінчи куни маросимнинг энг Олий нұқтасида подшо Мардукка тақыдан тиз чұкиб, ўзини жафокаш қилиб құрсатиши лозим бұлған. Коҳинлар подшони муқаддас деб тасвиrlаб, у худонинг ердаги вакили (ноиби), деган таълимот асосида құлдорлық ҳокимиятини илохийлаштирганлар. Бундай маросимлар кейинчалик юнән-рим динларida ҳам ўз аксина топған.

Академик Б.А.Тұраев ибораси билан айтганда, бутун қадимги дунёга "ҳам географик, ҳам хронологик" жиҳатдан зұр таъсир үтказған Бобил маданияти тафаккур әркінлеги билан ҳам намуна бұлған. Олам ибтидои хосдан келиб чиқсан, деган тасаввур даставвал Бобилда пайдо бұлған. Дабдабали иншоотларнинг тикланиши қадимги бобилліктердә ҳам, мисрликтар сингари, диний-идеалистик тасаввурларға зид ҳолда содда материалистик тушун-

ча куртакларини яратган эди. Бу ерда ҳам инсон бахтсизлигининг асосий сабаби — унинг гуноҳга ботиши билан боғлиқ деган тасаввурлар кенг тарқалган. Бу гуноҳларига иқорор бўлган шахснинг тавба қилиб, худога ноласи баён этилган қадимги ёзувлар диний эътиқоднинг кишилар онигига нақадар сингиб кетганлигидан дарак беради. Аммо бундай ёзувларда ҳам дин ва охиратга шубҳа туйгулари мавжуд. Бунга "Жафокаш тақводор қиссаси" ва "Хўжайнинг қул билан сұхбати" асарлари мисол бўла олади.

Биринчи асарда муаллиф ўзининг оғир қисматидан, ҳамма вақт бахтсизлик кетидан бахтсизлик келишидан шикоят қилиб, унинг сабабларини билишга интилади. У ўз ҳаётини таҳлил этиб, на худолар ва подшолар, на коҳинлар олдида биронта ҳам жиноят қилмаганлигини ва ўзини тамоман бегуноҳ деб сезишини, диний мажбуриятларини доимо "саҳоват" билан адо этишига қарамай, азоб-уқубат ва қийинчиликдан боши чиқмаганлигини баён қиласди. Муаллиф унинг ибодат ва саждаларига эътибор қилмайдиган худоларнинг адолатлигига ва диний ақидаларнинг ҳақлигига шубҳа қилиб дейди: "Ҳар кун ҳўрсишиш, ҳар кеча кўз ёши, ҳар ой — дод-фарёд, ҳар йили fam-fusca: мен чақирдим ўз худойимни, лекин кўрсатмади у менга юзин. Ўз маъбудамга қилсан-да сажда, боқмади у менга кўрсатиб кўзин... Қандай ноҳақ бу дунё! Подшога ҳурмат — олий ҳиммат деб бердим мен таълим. Аммо худога не манзур — била олмадим. Чунки инсон маъқул деб билган нарса худога қабиҳ сезилади, киши кўнглини ранжитган нарсани парвардигор хайриҳоҳлик деб билади. Осмондаги худолар эркини ким билади? Фойиб қисмати — қоронгулик, уни ҳеч ким билармикан? Биз, бандалари, қандай қилиб, худо йўлини тушунамиз?" Мазкур сатрларда, бир томондан, худога садоқат, унинг насиҳатларига риоя қилишга тайёр туриш, подшо ва бошқа ҳокимларни ҳурмат қилиш, иккинчи томондан, худо образининг ноаниклигини, худонинг шафқатли ва хайр-саҳоватли эканлигига шубҳа мотивлари ифодаланган.

"Хўжайнинг қул билан сұхбати" бундан ҳам пессимистик руҳдаги асардир. Ўзига хос услугда ёзилган бу диалогда хўжайнинг буйруқларига ва ҳар хил истакларига қул ҳар гал итоатгўйлик билан "хўп", деб жавоб бе-

ради. Хўжайнинг бетайин саволларига қулнинг жавоблари фақат қуруқ тасдиқ эмас, балки бу — хўжайнинг хатти-ҳаракатларига берилган баҳо ҳамдир.

Хўжайн подшо саройига бориш фикрини айтади, қул "бундай садоқат учун бойликка эришиш мумкин", дейди; хўжайн бу ниятидан айниганида, қул бундай ҳаракатни ҳам маъқуллайди, аммо унинг номаълум жойга сургун қилиниб, жафо чекишини айтади; хўжайн худога курбонлик беришни ўйлади, қул бундай савоб иш учун унинг тақдирланиши мумкинлигини айтади, хўжайн курбонлик бериш фикридан қайтади, хизматкор бу фикри ҳам тасдиқлаб, очиқдан-очиқ даҳрийларча жавоб беради: "Курбонлик қилма, хўжайн, қилма! Сен худони номоз ўқиш ёки бошқа синов билан итдек кетингдан эргаштиарман деб ўйлама!" Хўжайн ватани учун хайр-саховатли ишлар қилишини айтади, қул "бу ниятлар эвазига фақат яхшилик кўриш мумкин", дейди; хўжайн бу эзгу ниятидан қайтади, шунда қул: "Саховат қилма, хўжайним, харобага айланган шаҳарлар тепасига чиқиб, теварак-атрофга кўз ташла, кўхна харобаларни сайр қил ва илгари ўтган кишиларнинг жасад суякларига назар ташла, қайси бири золим подшо бўлган ва қайси бири хайру саховат эгаси — уларни фарқлаш мумкин эмас!", дейди.

Шундай қилиб, ўз хўжайнинидан ҳам ахлоқий, ҳам интеллектуал жиҳатдан баланд турган қул доно ва истеҳзоли жавоблари билан диққатни тортади, у баъзан даҳрийлик руҳида мулоҳаза юргизади. Ҳаётдан қўнгли ранжиган хўжайнинг қарама-қарши ва бир-бирига зид фикрларини тасдиқловчи қул аслида борлиқнинг нақадар мураккаб ва чалкаш эканлигини қайд қиласди. У ҳаётда ҳамма нарса узвий боғлиқ ва ўзаро муносабатда, доимий ва турғун ҳақиқат йўқ, деган фикри илгари суради. Кулнинг мантиқий изчил ва аниқ жавобларидан, унинг ҳаёт ҳодисаларини ақл-идрок билан баҳолашидан подшонинг одиллигига, худонинг шафқати ва ёрдамига, охиратдаги хузур-ҳаловатга умид боғлаш асоссиз, деган хулоса узўзидан келиб чиқади.

Қадимги Миср ва Бобилдаги ҳурфикрлилик ғояларининг моҳияти ижтимоий ҳарактерга эга. Инсоннинг ердаги ҳаёти ниҳоятда оғир. Агар қудратли ва сахий худо-

лар мавжуд бўлса, нега улар одамларга ёрдам бермайди? Нима учун улар ўзлари яратган дунёдаги адолатсизлик ва жафоларга бефарқ қарайдилар? Коҳинлар тарғиб қилаётган худолар мавжуд бўлса, нима учун уларни ҳеч ким кўрмаган, битта одам йўқки, уларни тўғри тасвиirlаб берса? Нима учун нариги дунёдан ҳозиргача ҳеч ким қайтиб келмаган, коҳинлар тасвиirlаган жаннат ва дўзахдан ҳеч қандай дарак йўқ? каби шубҳали саволлар бизга етиб келган ҳар хил фольклор ва бадиий асарларда кўп учрайди.

Ахлоқ мавзуига оид қадимги Шарқ, жумладан Миср адабиётларида инсоннинг хулқ-автори фойибдан белгиланган эмас, унинг ўз иродасига, тарбиясига боғлиқ дейилади. Одоб насиҳатлари файритабиий кучларга таянмасдан, инсоннинг ўз тажрибаси ва амалий фаолияти мисолида асослаб берилади. Жуда кўп халқ мақоллари ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган. Уларда инсоннинг ажойиб фазилатлари, ижодкор меҳнати, тафаккур эркинлиги акс этади. Масалан, "Бой йиртқич бўлгандан, вижонли инсон бўлган яхши", "Тилингни ёмон гапдан тий, шунда кишилар муҳаббатига эришасан", "Бирорга ёмонлик қилиш ниятида ҳеч вақт қадам ташлама". Милоддан аввалги XXVII асрга оид баъзи шумер мақоллари исёнкор руҳга эга: "Ҳамма камбағал оиласалар ҳам итоатгўй эмас", "Сен эҳтиёткор бўлсанг — худойинг сен билан, эҳтиёткор бўлмасанг, худойинг юз ўгиради". Шу муносабат билан ўзбек халқининг "худо ҳам сақлаганни сақлайди", деган афоризми буларга яқинлигини эслатиш мумкин.

Қадимги Шарқда худонинг хизматкори ҳисобланган подшога бўйсунмаслик "худосизлик" деб баҳоланган. Шумер мақолларидан бирида "Подшо — худонинг ойнаси," дейилади, яъни осмон ва ердаги ҳокимлар ўзаро яқин, демак, ердаги ҳокимга қарши чиқиш — худога қарши чиқиш, худога қарши исён кўтариш билан тенг, деган фоя илгари сурилади. Албатта, қадимги Шарқ одобномасида рационализм ва мистицизм диний руҳда намоён бўлган, мазлум аҳли ўзининг этик дунёқарашини фақат диний шаклда ифодалаган.

**Қадимги Ҳиндистон.** Тафаккур эркинлиги асосида пайдо бўлган диний танқид намуналари, айниқса, қадимги Ҳиндистон ва Хитойда ривож топган. Аммо энг қадимги

ҳинд динлари тұғрисида маълумотлар жуда оз. Милоддан аввалы II минг ийлік үрталарда шимоли-тарбия Ҳиндистонда ижтимоий табақаланиш кескинлашгани, мустаҳкам ҳокимияттың мавжудлиги, үзиге хос юксак моддий ва маънавий маданият, чуончи, суратлы ёзув, санъат ва дин формалари бұлғанлиги аниқланған. Қохинжа-Дорода Хараппада үтказилған археологик тадқиқоттар буни тасдиқлайды. Бу даврдаги ҳинд маданиятини қадимги шумер ва аккад маданиятлари билан тенглаштириш мүмкін ва шу асосда бу иккі мамлакат орасыда үзаро маданий ва савдо алоқалари бұлған деб фараз қилинади.

Ҳиндистоннинг узоқ шимоли-тарбадан келған орий қабилалари истилосидан кейинги даврдаги ижтимоий түзүмі, маданияти ва динларини қадимги ёзма манбалар, даставвал қонун ва диний түплем (веда)лар асосида тасаввур қилиш мүмкін. Веда динлари билан бир қаторда ўша даврда ҳар хил тотемистик тасаввурлар, табиатта, айниқса, космик ҳодисаларга сиғиниш каби ибтидой дин шакллари ҳам мавжудлиги аниқланған. Бундан ташқари илк синфий жамиятларга хос бұлған ҳомий түрли худоларга сиғинилған. Мифларга қараганда, худолар дүнёning яратилишида иштирек қылғанлар, аммо бунёдкорлик ролини үйнамаганлар. Веда худолари пантеонида осмон худоси Воруна, қүёш худоси Сурьё, тонг худоси Умос, мамақалдироқ ва яшин худоси Индра, шамол худоси Вайю, олов худоси Огни, охират худоси Ема, ҳосилдорлик худоси Одити энг муҳим худолардан ҳисобланған. Илк веда даврида бу худолар ичіда ёмғир ёғдирувчи, ҳаёт бағищловчи, ҳосилдорлик маъбудаси Индра ва үйнинг муқаддас ҳомийси, худолар билан инсон орасидаги восиетчи ҳисобланған олов худоси Огни энг обрулған. Ҳиндлар бу даврда ибодатхоналар қурмаганлар, худо образини тасвирловчи ҳайкал ва расмлар яратмаганлар.

Дастлабки даврда кохинлар ҳали табақа бұлған ажralмаган, барча худойилар ва ибодат маросимлари оддий тақводорлар томонидан адо этилған. Аждодлар руҳига сиғиниш эътиқодининг энг кейинги ва мұраккаб шакллари ҳали пайдо булмаган. Қадимги ҳинд динларидаги патриархал ойла ҳаёттіни ва жамоачилик мұносабатларини ифодаловчи отовға ва аждодларга сиғиниш Ману

қонунларида үз аксини топган. Унда айтилишича, "отабеболар дастлабки худолардир, улар газабдан холи бұлғанлар, мутлақо пок, доимо бекаму күст, низодан юз үгірадиган ва катта фазилатлар әгаси" бұлғанлар. Аслида патриархал оиласлар бошлиғи бұлған бой зодагонларни бундай улуғлаш ва илоҳийлаштириш қулдорлик җокимиюти ва жамииятни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Веда китобларида, диний мадҳияларда ҳам аждодлар руҳига сиғи ниш муҳим үринни әгаллайди.

Хинд жамиятия тараққиётининг кейинги босқичида ижтимоий табақаланиш кучайиб, мамлакатнинг күп жойларида айрим қулдорлик давлатлари ва ҳатто империялар пайдо бұлади, янги динлар юзага келади. Диний тасаввурларнинг үзгаришида жамият аъзоларининг варна ва касталарга, ижтимоий табақалар ва касб-хунар гурухларга бұлинниши муҳим роль үйнаган. Асосий варналар: брахманлар — профессионал коқынлар; кшатриялар — ҳарбийлар; вайшилар — деңқонлар, савдогар ва хунармандар; шудралар — хизматкорлар, камбағаллар ва қуллар, яғни қуи-қарам табақадан иборат бұлған. Мазкур табақаланиш тизими Ману қонунлари ва диний ақидаларда илоҳийлаштирилген.

4. Варналар ичиде энг құдратлиси ва таъсирчани брахманлар бұлиб, улар қулдорлик тузумини муқаддаслаштирувчи диний мағкура ва ибодатлар тизимини яратгандар. Брахманизм айрим худоларга аталған ниҳоятда мұраккаб қурбонлик ибодати, ҳар хил маросимлар ва қаттық адаб тартибидан ташкил топған. Бу дин асосчиси Яжнага аталған маросимларда дастлабки даврларда ҳатто асирға түшганд одамларни олов худоси Огнига қурбон қылғандар. Кейинчалик, одамлар үрнига ҳайвонларни қурбон қыладиган бұлишган, асиrlар эса қулларга айлантирилған. Худолар пантеонида ҳам муайян тартиб үрнатилади. Унда эса веда мәйбұдалари янги худолар билан бирикиб, энг олий уч худо: оламни яратған — Браhma, уни құриқловчи Вишну, емирувчи ва қайта тикловчы — Шива юқори поғонани әгаллаган. Уларнинг ҳар биттасига бүйсунған иккінчи даражали бир тұда худолар мажмуаси мавжуд бұлған. Уларга атаб дабдабали ибодатхоналар қурилған, тошдан, металлдан ва ёғочдан ажойиб ҳайкаллар яратил-

ган, ранг-баранг тўй ва дафн маросимларида, диний байрамлар ва ибодатхоналарда сон-саноқсиз коҳинлар хизмат қилган.

Социал табақаланган жамиятнинг маҳсули сифатида брахманизм подшо ҳокимиятини, ижтимоий тенгиззликни, жамият аъзоларининг варна ва касталарга бўлинишини худо номи билан қонунлаштирган. Мазкур диний-малий қонун-қоидалар тизими асосида қулдорлар билан қуллар, бойлар билан камбағаллар, ҳукмрон табақа билан мазлум аҳли, teng ҳуқуқли билан ҳуқуқсиз қуллар орасида жуда катта фарқ мавжуд, улар ўзаро мутлақо яқинлашиши мумкин эмас, деган ғоялар оммага сингдирилган. Ҳатто ажойиб ҳинд эпоси "Махабхарат" да варналарнинг қўшилиб кетиши қонунсизликнинг энг учига чиққан намунаси, деб таърифланади. Бу ғояларни диний жиҳатдан оқлаш учун драхма, яъни ҳар варна аъзолари вазифасини белгиловчи таълимот яратилган бўлиб, у кейинчалик буддизм ва ҳиндуизмнинг энг муҳим ақидаларидан бирига айланади. Асрлар давомида драхма меҳнаткаш оммага итоаттўйлик ва пассивлик туйғуларини сингдириб келган. Ведаларнинг туғилиш доирасида (сансара), яъни барча нарсалар бир ҳолатдан иккинчисига ўтиб, қайтадан туғилиши ва ажрини бериш (карма), яъни фоний дунёдаги ҳаракатига яраша ўлганидан кейин таҳқирланиши ҳақидаги таълимот ҳам шу мақсадларга хизмат қилган.

Каста тизимига ва брахманизмга қарши чиққан буддизм ва ҳиндуизм таълимотида инсон азоб-уқубатлардан қутулиш ва туғилиш истиқболига ижтимоий муҳитни ўзgartириш ёки табиат кучларини енгиш учун кураш ўюли билан эмас, балки тарқидунё қилиб, нирвана (рўшнолик) орқали эришиши мумкин эмиш. Бу таълимотга биноан, киши ўлганидан кейин унинг жони бир туғилаётган жониворга кўчар эмиш. Агар киши ҳаётда тақводор, одоб-икромли бўлса, унинг жони ўлганидан кейин олий мавжудот, юқори даражадаги инсон ёки муқаддас ҳайвон шаклида қайтадан туғилади; агар беадаб бўлса, каста тартибларини бузиб, ахлоқсиз яшаса, унинг жони энг хунук, ҳаром маҳлуқ ёки ҳайвон образига ўтармиш. Ҳозиргача Ҳиндистонда жонли маҳлуқни ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланади. Чунки ҳар бир ҳайвонда илгари ўтган аж-

додларнинг жони яшайди, деган тасаввур шу кунгача сақланиб келмоқда. Мазкур таълимот кейин пайдо бўлган ҳинд динларида ҳам асосий ўринни эгаллади. Илк ўрта асрларга келиб буддизм ва жойнизмни янги диний таълимот — ҳиндуизм сиқиб чиқаради ва у давлат динига айланади.

Аммо ведаларда, қадимги ҳинд эпоси ва адабиётида диний тасаввурларга мутлақо зид материалистик фоялар ҳам учрайди. Тарихда чарваклар деб аталган (ҳинчча "чарвак" — "материалист" деб таржима қилинади) фалсафий таълимот бунга ёрқин далил бўла олади. Қадимги Ҳиндистон анъанавий фалсафа мактабларининг еттитасидан биттаси ҳисобланган чарвакага милоддан олдинги III асрда ярим афсонавий донишманд Брихаспати асос солган. Чарваклар брахманизм, буддизм, ҳиндуизм динларининг асосий ақидаларига қарши жиддий кураш олиб борганлар. Шунинг учун улар доимо қаттиқ қувфинда бўлганлар, уларнинг асарлари куйдирилиб йўқотилган. Чарваклар олий файритабии яратувчи кучларни инкор қилиб, оламнинг моддийлигини, унинг кишилар онгига боғлик бўлмаган ҳолда мавжудлигини эътироф этганлар. Улар бутун коинот, шу жумладан одам ҳам тўрт унсурдан: тупроқ, олов, сув ва ҳаводан ташкил топган, деган фикрни тасдиқлашга ҳаракат қилганлар. Ҳар бир унсурга ўзгармайдиган, йўқ қилиб бўлмайдиган абадий мавжуд атомларнинг ўзига хос тури тўғри келади. Чарваклар тирик вужуд ўлганидан кейин унинг жони яшайди, деган фояни мутлоқ инкор қилиб, тан билан жон бир, уларни бирбиридан ажратиб бўлмайди, деб тасдиқлайдилар. Уларнинг фикрича, кишининг онги, ақли ва сезги органлари ҳам атомларнинг қўшилиши натижасида пайдо бўлади, одам ўлганидан кейин унинг бутун вужуди унсурларга бўлинниб кетади ва улар, ўз навбатида, тегишли турнинг жонсиз табиатда мавжуд бўлган атомларига бирлашади.

Қадимги ҳинд материалисти Ожиста Кешакамбалин фикрича, одам ҳам тўрт унсурдан яратилган. Одам ўлганда унинг тупроқдан ясалган ва бошқа қисмлари тупроқقا, суюқ қисми сувга, иссиқлиги ўтга, нафаси ҳавога қайтиб қўшилади, онги эса фазога кўтарилади. Унинг таърифи-ча, киши ўлгандан кейин марҳум арвоҳини хурсанд қилиш

учун худойилик бериш бемаънилик, чунки умуман оламни у дунё, бу дунёга бўлишнинг ўзи нодонликдир. Бу таълимот қадимги ҳинд динларининг асосий ақидаси ҳисобланган сансара ва карма тўғрисидаги таълимот мутлақо уйдирма, ёлғон деган фикрга олиб келади. Демак, муаллифнинг таърифича, жон абадий яшамас экан, охират, жаннат ва дўзах тўғрисидаги ақидалар ҳам асоссиз, худонинг борлигига ишониш ҳам, уни ҳамма нарсанинг сабабчиси, дунёning яратувчиси, деб айтиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Чарваклар инсоннинг дунёни билиш имкониятини ҳам материалистча ҳал қилганлар. Улар диний ақидалар сингари ҳар қандай воситали билимнинг ишончли эканлигини инкор этиб, инсоннинг сезгилари билишнинг бирдан-бир реал манбаи деб эътироф қиласилар. Чарвакларнинг этикаси ҳам актив кураш руҳи билан сугорилган. Бу таълимотга биноан, инсон ўзининг амалий фаолиятида завқ-сафоли ҳаёт кечириш ва энг кам азоб-уқубат тортиши зарур. Яхши ҳаёт деганда хузур-ҳаловатли турмуш, яхшилик қилиш деганда бирорга роҳат ва лаззат баҳш этиш, ёмонлик деганда кишига жафо келтириш тушунилади. Аммо яхши ҳаёт учун кураш хафагарчилик, дардаламдан кутулиш деган тушунчани англатмайди. Инсон ҳаёти қарама-қаршиликлар бирлигидан — хузур-ҳаловат ва жафо, осойишталик ва курашдан иборат. Ҳаётдан мақсад аслида барча ғовларни енгиб, баҳтга эришиш учун курашдир, деган исёнкор гоялар чарваклар фалсафасининг асосий гоясидир.

Халқижоди намуналарида ҳам даҳрийлик руҳидаги фоялар сақланиб қолган. "Панчантантра" ("Бешта макр") номли халқ эртак ва масаллари тўпламида брахманларнинг ҳийла-найранглари фош қилинади. Унда эркин тафаккурни ифодаловчи мақоллар бор. Масалан, "Ой брахмансиз ҳам чиқаверади", "Үғрини йўтал фош қилса, брахманни нафси ҳалок қиласи", "Қарға Ганг дарёсида чўмилгани билан оққуш бўлармиди" кабилар хурофотга қарши қаратилган фольклор намуналаридандир.

Бироқ умуман, қадимти Шарқда, шу жумладан Ҳиндистонда ҳам илм ва фалсафа асосан диний қобиқда на-моён бўлган. Шунинг учун ҳукмдор қулдорлар синфига

хизмат қилювчи илоҳиёт руҳидаги фалсафий илмлар мажмуми ҳисобланган илми нужум — астрология (юонча "астрон" — юлдуз ва "логос" — таълимот, яъни юлдузлар тӯғрисидаги таълимот) жуда кенг тарқалган. Унинг негизида, даставвал, қулдорлик жамиятининг савдо-сотик, деҳқончилик хўжалигининг амалий эҳтиёжларини қондириш ётади. Энг қадимги ҳинд астрономияси жуда зўр кашфиётлар қилган бўлса-да (27 юлдузнинг аниқланган рўйхати маълум бўлган), у нафақат ижобий, балки сохта файриилмий астрология таъсири остида бўлган. Ҳинд жамоасида ижобий билимларга эга йил ҳисобини биладиган брахман бўлган, у экиш, ўриш ва бошқа ҳар хил деҳқончилик ишлари билан боғлиқ қулай вактни белгилаб берадиган мунахжимлик вазифасини бажарган. Ҳатто, ҳозиргача тақводор ҳиндуистлар мунахжимлар насиҳатига риоя қиласидар, баҳтли ва баҳтсиз дақиқа, соат, кун ва ҳоказоларни белгилайдиган иримларга ишонадилар.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки (бу тасодифан бўлмаса керак), энг тараққий қилган Farbий Европа ва Америка мамлакатларида ҳам астрология шу бугунгача катта обрўга эга. Масалан, Францияда ҳозирги вақтда 30 мингдан ошик, Италияда 10 мингдан кўпроқ мунахжим мавжуд. АҚШда 30 минг мунахжимни бирлаштирган маҳсус Америка астрология федерацияси ташкил қилинган. АҚШ нинг жуда кўп газеталари ҳар куни сайёralарнинг жойлашишига қараб киши тақдирини кўрсатиб берадиган жадвал — гороскоплар босиб чиқаради. 1962 йил баҳорда Ҳиндистанда мунахжимлар яқинда охир замон бўлишини айтиб, миллионлаб кишиларни қаттиқ ваҳимага солган эди. Ҳар бир янги туғилган гўдак болага гороскоп тузилади, у ҳозиргача ҳиндуистларнинг туғилиш гувоҳномаси вазифасини адо этади.

Бутун Шарқда қадимги даврлардан фақат киши ҳаёти, йил алмашинуви, об-ҳаво ўзгариши, шамол ва ёмғир, ҳосилдорлик ва қурғоқчиликкина эмас, балки ижтимоий ҳодисалар жараёни ҳам осмондаги ёритқичларга қараб белгиланган. Уларга қараб айрим шахсларнинг тақдери, омади ва толеи, туғилиши ва ўлими, касал-соғлиғи ва турмуш баҳтини айтиб бериш мумкин эмиш. Осмон ўтмиш ва келажакнинг буюк китоби бўлиб, унинг саҳифаларида бўла-

жак тарих баён этилар, доимо ўрнини ўзгартыриб турған юлдузларга қараб худо иродасини таърифлаш мүмкін әмиш. Осмондаги иккита худо кишиларнинг хатти-ҳаракатини ёзиб борар әмиш: бири "яхши ишлар тахтасига" инсоннинг барча фазилатларини, иккінчіси унинг ёмонликларини туширап экан. Кейинчалик, бир неча асрлардан сұнг бу қадимий афсона Инжил, Таврот ва Қуръонга ҳам күчирилған. Масалан, исломда кишининг иккі елкасида икки фаришта үтириб, доимо унинг яхши-ёмон қилмешларини ёзиб боради, деб ҳикоя қилинади.

Қадимги ҳиндларнинг инсоният тарихини тұхтосиз доирасымон ҳаракатта үхшатиш тасаввури ҳам йил фасллари айланишини кузатиш натижасида пайдо бўлган. Мамлакатда ҳар йили сув тошқинларининг булиб туриши, у баъзан келтирадиган даҳшатли оғат, йил мавсумларининг давраси катта түфон билан тугайди, деган афсоналарни яратган. Осмон жисмлари ҳаракатини кузатиш, йил, кун ва кечанинг навбатма-навбат алмашинувини кузатиш натижасида коинотда "ягона оламий тартиб" — "рита" ("ри" сўзидан олинган, ҳаракат қилиш, йўл, деган маънени англатади) мавжуд деган ғоя пайдо бўлган. Ведалардаги ри-воятларга қараганда, худоларни яратган ҳам рита, у бутун борлиқнинг отаси, бутун коинот, ер осмон рита қонунлари асосида ҳаракат қиласи. "Рита бу бутун дунёга сингган қонун, унга барча худолар ва одамлар бўйсунади ... Рита бизнинг ахлоқ тартибимизни курсатиб берган. У — буюмларнинг умумий моҳияти" — дейилади ведаларда. Осмондаги ёритқичларнинг ҳаракатини белгилаб берадиган риталар барча худолардан олдин пайдо бўлган, деган эътиқод ҳозиргача сақланиб келади.

Милоддан аввалги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда каста тузумини илоҳийлаштирган брахманизмга қарши омма норозилиги кучаяди. Бу норозилик ахлоққа доир ҳар хил бидъатчи мазҳабларда намоён бўлади ва будда динида ёрқин ифодасини топади. Буддистлар, даставвал, барча кишилар учун, уларнинг қайси кастага тегишли бўлишидан қатъи назар, нажот қидиришга ваъда берадилар. "Ҳамма одамларнинг териси, гўшти, суяги ва калласи бир, уларни фақат безаклари ва бош кийими билан ажратиш мүмкін" — деб таълим берган улар. Миллион-

лаб кишиларни каста зулми ва қашшоқлиқдан, ҳар хил қурбонликлар ва мураккаб ибодатдан қутқариш, маънавий тенглик ўрнатиш ваъдаси билан чиққан буддизм жуда тез орада катта обру қозонган. Бу янги диннинг асосчиси Будда (дили равшан) лақабли Сиддаҳартқа брахманизм муқаддаслаштирган касталарга булинишига, худоларга сифиниш ва қурбонлик қилиш каби мураккаб маросимларга қарши чиқибгина қолмай, азоб-уқубатли ҳаётни тарк этиб, нирванага (рўшноликка) фарқ бўлиш йўли билан ахлоқий камолотга етиш мумкин, деган таълимотни тарғиб қилган.

Дастлабки Будда таълимотида буддистлар яратувчи худоларни инкор қилганлар, чунки уларга фикр эркинлигининг таъсири бўлган. Уларнинг таърифига кўра, худо ҳамма нарсага қодир, қудратли, бунёдкор бўлганида дунё бунча дард-алам билан тўлмаган, у, албатта, оламни баҳтсизлик ва жабр-зулмдан қутқарган бўлур эди. Агар одамини худо яратган бўлса, унда њеч нарса ўзгармасди ва ҳалок бўлмасди, муқаддаслик ва номуқаддаслик, яхши ва ёмон, адолат ва золимлик кабилар бўлмас эди. Аммо буддистлар объектив борлиқни инкор қилганлар.

Будда таълимотининг асосий моҳияти жабр-зулмдан қутулиш чорасини "кашф" этишдан иборат. Унинг таърифича, најжоткорлик вазифасини адо этувчи "тўртта буюк ҳақиқат" мавжуд. Биринчи "ҳақиқат" — бу ўткинчи дунё фам-фуссага тўла, ҳар бир маҳлук ўлганидан кейин бошқа бир жисм (одам, ҳайвон ва ҳоказо) шаклида қайта тирилади; борлиқ — жабр-зулм демакдир; яшаш — жабр чекиш, йўқлик — эзгулик. Иккинчи "ҳақиқат" — жабр-зулмнинг сабаби ҳаётга ташналик, орзу-истак, кайф-сафо, ҳавас туйғулари; ҳар бир истак ва интилиш актив фаолият талаб этади, фаол ҳаракат янги азоб-уқубат келтиради. Шунинг учун буддист севги-муҳаббат, раҳмдиллик, афв этиш каби фаолият уйғотувчи туйғулардан холи бўлиши шарт. Учинчи "ҳақиқат" — жабр-зулмдан фақат барча истак, орзу-ният ва завқ-сафодан кечиш орқали қутулиш мумкин. Будда "сенинг руҳингни эркалатадиган, ишқ-ҳавас уйғотадиган барча нарсалардан ўзингни тий", деб таълим беради. Тўртинчи "ҳақиқат" — чархи фалак яратган қайта тирилиш доирасидан рўшнолик (нирвана) орқали қутулиб, абадий

йүқолиб кетиш, рұшноликка эришиш учун "тұғри үйлаш, тұғри гапириш, тұғри ҳаракат, тұғри турмуш тарзи, тұғри ният, тұғри диққат-эътибор, тұғри разм солиш" зарур ҳисобланади. Бунда, даставвал, ҳаётга муҳабbat, кайф-сафо, орзуният, нафрат, фурур каби барча түйгулардан бутунлай кечиш талаб қилинади. Хуллас, буддизм ёвузылкка қаршилик күрсатмаслик, итоатгүйлик, ҳар қандай қурашдан возкечиш, ташқи дунё билан муносабатни узиш, борлиққа бефарқ булиш каби жақолатпаратлик ғояларини ўзида мұжассамлаштирган. Бундай таълимот құлликни ва жабрзулмни илохийлаштириб, уларни ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қиласы. Шунинг учун ҳам милоддан аввалги III асрда ҳинд подшоси Ашока буддизмни давлат дини деб әйлон қиласы. Тоғ қояларидан, имораттарнинг устунларидан ҳокимиятга бўйсуниш, барча орзу-истак ва ниятларни тийишни талаб қилувчи таълим ёзувлари ҳозиргача сақланиб қолган.

**Қадимги Хитой.** Қадимги Хитой маданияти ҳам күхна Миср, Бобил ва Ҳиндистон сингари құлдорлик ишлаб чиқариши заминида пайдо бўлган ва ўзига хос диний тасаввурларни яратган. Дастреки құлдорлик жамиятлари ташкил топиб ривожлана бошлаган (милоддан аввалги II-I минг йилліклар) давомида Хитойда энг кенг тарқалган диний тасаввурлар — аждодлар ва табиат "руҳлари" га сифиниш билан боғлиқ тотемистик эътиқодлардир. Антропоморф, яъни одам шаклидаги арвоҳлар бутун табиатда тарқалган бўлиб, улар осмон ёритқичлари, ёмғир, шамол ва бошқа ҳодиса ва маҳлуқларни бошқариб турар эмиш. Осмон руҳларидан Шан-ди табиат ҳодисалари ва инсон ҳаётининг барча томонига катта таъсири билан ажралиб туради. Ердаги руҳлар ичиде тоғ ва дарё руҳларига кўпроқ сифинганлар. Ердаги энг қудратли руҳ — Хоу-ту мамлакатдаги барча ерларга хўжайин ҳисобланган. "Осмон фарзанди" бўлган император мамлакатни бошқариш ҳуқуқини Шан-дидан олган эмиш. Афсоналарга кўра, Шан-дини осмонда хизматкор "руҳлар" ва ўлган ҳокимларнинг жонлари ўраб олган ва улар ёрдами билан буюк руҳ халқни бошқарар экан. Шан-ди бошчилигидаги руҳлар иерархияси асли ердаги құлдорлик уруғи зодагонлари иерархиясининг әкси эди. Подшолар осмон ва ер руҳ-

ларига, маҳаллий ҳокимлар төғ ва дарёларнинг майдада руҳларига, оддий жамият аъзолари эса ўз аждодлари руҳларига қурбонлик берганлар.

Қадимги Хитой динларида моҳир коҳинлар ва маҳсус ибодатхоналар бўлмаган. Диний маросимлар очиқ майдонда ўтказилган. Осмон ва ер руҳларига аталган ибодатхоналар кейинроқ қурилган. Қурбонлик маросимларида ашула айтилган ва дуолар ўқилган, унда аждодлардан маслаҳатлар сўраганлар, қилган муҳим ишлари ҳақида ҳисбот берганлар. Зодагонлар ўз аждодлари арвоҳларига атаб дабдабали ибодатхоналар қурдирганлар. Меҳнаткаш омма эса, ўз аждодлари номи ёзилган маҳсус жадвалларни сақлаган, холос. Ҳар хил сеҳргарлик ва дуохонлик, афсунгарлик ва "авлиё" лар ҳам кенг тарқалган.

Мазкур табиатга сифиниш ва айниқса аждодлар арвоҳига сифиниш каби тасавурлар кейинги Хитой динлари — даосизм, конфуцийчилик, буддизм каби диний системаларга ўтиб, хукмдорларнинг муҳим мафкуравий куролига айланган. Бу диний тизимлар орқали қулдорлар, зодагонлар киши табиатига ва онгига ҳамиша юмшоқлик, итоатгўйлик, ўзидан катталар ва ҳокимларга бўйсунишга тайёр туриш каби қуллик фояларини сингдиришга интилганлар.

Милоддан аввалги VI-V асрларда ижтимоий ва сиёсий инқирозлар даврида пайдо бўлган фалсафий таълимот — конфуцийчилик етакчи фоявий оқим сифатида шакланиб, кейинчалик милоднинг бошларига келиб, хукмрон феодал синфи манфаатини ифодаловчи динга айланган. Унга асос солган Кун-цзи (Конфуций)нинг фикрича, ҳар бир инсон жамиятда ўзининг тутган ўринини билиши керак. "Подшо — подшолик қилиши, хизматкор — хизматкорлик, ота — оталик, ўғил — ўғиллик қилиши зарур". Инсон тақдирини "осмон" белгилайди, одамларнинг "нажиб" ва "паст" кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун кичик каттага, пастда турувчи юқорида турувчига сўзсиз итоат қилиши лозим. Конфуцийчилик қадимги Хитой динларида табиатга, қаҳрамонларга ва аждодлар арвоҳига сифинишни қабул қилган; унда осмон олий худо (шанди) деб таърифланади, инсон ўз баҳтини таъмин қилиши учун бутун фаолиятини "осмон" билан келишган ҳолда олиб бориши зарур, дейилади. Чунки Кун-цзи айтгани-

дек, "ўлим ва туғилиш осмоннинг ҳукми, бойлик ва фаровонлик унинг иродасига боғлиқ". Кун-цзи издошлари ижтимоий тенгсизликни ҳам "осмон" иродасига боғлаб изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, инсон буюмларнинг қонуnlари (дао)ни билиб олгач, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоғи лозим. Милоддан олдинги II асрга келиб Кун-цзини илоҳийлаштириб, унга итоат қила бошлаганлар, қурбонликлар берганлар, ибодатхоналар қурила бошлаган. Милоднинг III асрода конфуцийчилик давлат дини деб эълон қилинади, император "осмон ўғли" ва бош кочин деб танилади.

Конфуцийчиликнинг ахлоқий таълимотидаги асосий тушунча жэнь (инсонпарварлик) ҳам зодагонлар ҳокимиyатини мустаҳкамлашга қаратилган. Фақат зодагонларга хос инсонпарварлик, унинг таърифича, даставвал, ота-она ҳурмати ва катталарга бўйсунишдан иборат. Давлатни катта оиласа ўҳшатган конфуцийчилик инсонпарварлик тушунчasi асосида "осмон ўғли — подшони ота-онадек ҳурмат қилишни, унга итоат қилишни олий бурч", деб билади. Кишининг ҳаёт мақсади амалдорга, подшога хизмат қилишdir. Кўп асрлар давомида бу янги дин Хитойда ҳукмрон тузумни оқлайдиган ва ҳалқ оммасини маънавий кулликда сақлайдиган восита бўлиб келган.

Иккинчи диний-фалсафий таълимот ҳам ўша даврларда Дао-цзи номли ярим афсонавий донишманд томонидан асос солинган даосизмдир. Бу таълимот сеҳргарлик, шаманлик, астрология ва алхимия аралашмаларидан ташкил топган. "Дао" дегани абадий ўзгариб турадиган нарсалар ва одамлар дунёсининг "йўли" маъносини англатади. Бу "йўл" на худо, на одамга боғлиқ эмас, унинг ўзгарувчанлиги табиий қонун. Доасизм одамлардан шу табиий қонундан чекинмасликни (амалиятсизликни, фаолиятсиз ҳолатни — увэйни) талаб қиласиди. Кейинчалик буддизм таъсири остида бу ғоя актив фаолиятдан воз кечиши, пассив булишни тарғиб қила бошлаган. Шу асосда даосизм ҳулқ-атвордаги олий таомил — пассивлик, ҳар ким ўз иродасини ва фаолиятини чеклашга ҳаракат қилиши зарур, деб таълим беради.

Даосизм ҳукмронлик ва зулмга қарши чиқиб, ибтидой жамоа ҳаётiga қайтишни даъват этади. Унда ҳамма

нарсалар ўз "йўли" ("дао") туфайли доимо ўзгариб, ўз қарама-қаршилигиға айланади, деган содда диалектика унсурлари мавжуд. "Баъзи нарсалар йўқолиб кетади, баъзилари қайтиб келади, баъзилари гуллайди, бошқалари сұлади, айримлари мустаҳкамланади, бошқалари ожизланади, баъзилари туғилади, айримлари емирилади". Даосизм тарғиб қилаётган "амалиятсизлик" ва пассивлик, ёвузылника қаршилик кўрсатмаслик тоялари ҳукмрон синфларга қўл келган. "Дунёдаги энг кучлилар энг кучсизларни енгади. Йўқлик ҳамма ерга кира олади. Дунёда амалиятсиз (фаолиятсиз)ликнинг фойдаси билан тенглашадиган нарса йўқ", — дейилади даосизм таълимотида. Бу тоя буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстойга жуда маъқул тушган ва унинг мақолаларида ўз ифодасини топган.

Қадимги Хитойда илмий тафаккурнинг ўсиши натижасида оддий табиат фалсафаси тасаввурлари ҳам пайдо бўлган. Кенг тарқалган қарашлардан бирида дунё "бешта бошланғич унсурдан" — ёғоч, металл, сув, олов ва тупроқдан ташкил топган дейилади. Шу унсурларнинг ўзаро қўшилувчи таъсири натижасида ранг-баранг воқелик пайдо бўлади. Бундай илмий дунёқарашнинг ёрқин ифодаси файласуф-материалист Ван-чун асарларида намоён бўлади. У узининг "Танқидий мулоҳазалар"ида ҳамма нарсага қодир бўлган "осмон" таълимотига қатъиян қарши чиқади. Унинг таърифика, барча нарсалар ҳаёт кучига эга бўлган бошланғич моддий унсур "ци"дан ташкил топган. Осмон, ер, жонли табиат, шу жумладан одам ҳам худо томонидан эмас, мазкур моддий унсур туфайли яратилган. Ван-чун мистицизм ва идеализмни инкор қилиб, табиат ривожланиши тамойилини, дунёнинг бирлигини эътироф этади. У инсоннинг ҳиссий идрок ва сезгиларини объектив оламни билиш жараёнининг бошланғич пайти деб, "түфма" билимни инкор қиласди. У ҳаёт ва ўлимга ҳам материалистик нуқтаи назардан ёндашган. "Инсон жонли маҳлуқ — дейди Ван-чун,— у ким булишидан қатъи назар, бойми, подшоми, князми бари бир бошқа маҳлуқларга ўхшаш табиатга эга. Осмон ҳодисалари ҳеч кимнинг иродасига боғлиқ эмас... Агар кишилар ўлгандан кейин уларнинг руҳлари тирик бўлганда ҳар бир қадамда руҳларни учратар эдик, улар хоналарни, саройларни,

сүқмоқларни, йўлларни тўлдириб юборарди, руҳлар кўплигидан жонли кишиларни кўриб бўлмас эди". Ван-чун фикрича, ҳамма жонли нарса ўлади, ўлим нарсаларнинг емирилиши ва уларнинг дастлабки ҳолат — "ци"га қайтишидир. У абадий ҳаёт, охират тушунчаларини куруқ фантазия деб, қурбонлик, "жон", "арвоҳ" ва аждодларга сифи ниш каби диний одат ва тасаввурлар устидан кулган.

Кенг халқ оммаси орасида ҳам баъзи илмий руҳдаги фикрлар тарқалган. Улар ўз ҳаёт тажрибасида зулм ва қулликдан худо қутқара олмаслигига ишонч ҳосил қилганлар. Қадимги Хитой асарларида учрайдиган "осмон адолатсиз", "осмон бераҳм", "осмон жаҳлдор ва даҳшатли", "у биз учун ғамхўрлик қилмайди", "осмоннинг буйруғига ишониб бўлмайди, шунинг учун ҳам одам ўзига ишониши, бегам бўлмаслиги керак", деган фикрлар ўша давр кишиларининг тафаккур эркинлигидан далолат беради. Қадимги хитойликларнинг айримлари ҳатто ердаги ҳаётни бошқарувчи "осмон подшолиги"ни инкор қилганлар, улар "бузуклик осмондан эмас, кишиларнинг ўзидан", "осмон яхши одамларга узоқ умр ато эта олмайди", деб мулоҳаза юргизишган.

Донишмандлар табиат ва жамият ҳодисаларини тушуниришда осмонга, олий ҳокимга, руҳларга мурожаат этишдан қайтганлар, "халқни тинглаган мамлакат яшайди, руҳларни тинглаган — ҳалок бўлади", "осмонга хизмат қилгандан халқقا хизмат қилган афзал", деб насиҳат қилганлар. Ян Чжу номли донишманд "осмондан мадад кутма", деб худо ғазабини инкор қилган. У ўлимни кўп ўйламаслик, чинакам ҳаётдан лаззатланиш кераклигини айтиб, "ўлгандан кейин ҳамма teng, бари мурдага айлануб бузилади, чирийди ва йўқолади", деб таълим берган.

Қадимги Хитойдаги этик тушунчалар ҳам содда илмий материалистик қарашлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг таълимотида юқорида қайд қилинган олам бешта стихия — сув, олов, ер, ёғоч ва металлдан ташкил топган, деган фикр тасдиқланади. Бу бешта табиат стихияси кишининг бешта фазилати: донолик, инсонпарварлик, садоқат, катталарга хурмат, мардликни ифодалайди. "Ўзгаришлар китоби"да қишиларнинг ахлоқий сифатини белгиловчи саккизта бошланғич унсур — осмон, ер, сув, олов,

күл, шамол, тоғ, мамақалдироқ күрсатилади. Бу китобда яхшилик ва ёмонлик орасидаги ўзаро муносабат ёруғлик (ян) ва қоронгулик (инъ) ўртасидаги кураш сифатида тасвирланади. Шуниси ҳам қизиқки, зодагонлар осмон ва офтобга, оддий кишилар — қоронгулик ва тупроққа үхшатилган. Шундай қилиб, қадимги Хитойда диний ва фалсафий таълимот ва илоҳий қараашлар ижтимоий тенгсизликни ифодалаб, күп йиллар давомида хукмрон синflарга хизмат қилиб келган.

Албатта, конфуцийчилик ва даосизм ҳозирги даврда ўз таъсирини анча йўқотган. Аммо 50-йиллардан бошлаб конфуций таълимоти кенг ҳалқ оммаси дунёқарашига катта таъсир кўрсата бошлади ва ҳатто ҳозиргача ҳам унинг мавқеи анча кучли. Даосизмнинг таъсирчанлик доираси жуда камайган бўлса-да, янгича таълимот — неодаосизм шаклида намоён бўлмоқда.

Японияда илк феодализм (VI-VII асрлар) даврида конфуцийчилик, даосизм, буддизм таъсирида турли уруғқабилавий ақидалар, урф-одат ва маросимлар асосида тоғемизм, анимизм, сехргарлик, табиатга ва аждодларга сиғиниш каби илк динларнинг аралашмасидан ташкил топган синтоизм дини анъанавий миллий диний таълимотга айланган. Бу атама "синто" — "худолар йули" сўзидан олинган булиб, ҳозир японларнинг миллий дини деб қабул қилинган. Синтоизмдаги қурамачилик (синкремтизм) балки япон миллатининг динга унча берилмаслигига ва улар орасида ҳар хил динга итоат қилишга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Аммо синтоизм динида миллий руҳ ниҳоятда кучли, уларнинг тасавурида синто худолари фақат японияликларни яратган. Синтоизм таълимотида жуда кўп худолар ва руҳлар мавжуд булиб, олий худо қуёш маъбудаси Аматэрасу императорлар сулоласининг ҳомийси, император олий мавжудот яратган одам-худо ҳисобланган, авомни гўёки иккинчи разрядли руҳлар — "ками" (аждодлар худоси, қаҳрамонлар, руҳлар) яратган деб, ўзларини эса худо фарзандлари сифатида таърифлайдилар. Синтоистларда ақидавий муқаддас китоблар йўқ, аммо ҳар хил афсоналар, ривоятлар маҳсус мифологик солнома — "Кодзики" номли тўпламда сақланмоқда. Синтоизмнинг аждодларга сиғиниш, анъанавий турмуш тарзига риоя қилиш,

айниңса, сиёсий тартибларга фарзандлик садоқатини билдириш ҳозирги давр талабига мослашган.

1868 йил синтоизм давлат дини деб эълон қилинган. Диннинг тузилишини бир оз үзгаришиб, у сулолавий, ибодатхонавий, оиласвий (уй-рўзгор тартиботи) турларга бўлинган. Ўша даврдан мамлакатда ибодатхоналар қурилиши кучайди, уларда синтоистик ва буддистлар байрамлари низомланадиган бўлди. Иккинчи жаҳон урушида Япония мағлубиятга учрагандан сунг (1947 йилда қабул қилинган Конституция асосида) синто давлатдан ажратилган. Ўтган асрнинг охирларидан мамлакатда бир қанча неосинтоизм мазҳаблари пайдо бўла бошлиди. Ҳозирги пайтда Япония аҳолисининг ярмидан кўпик иккала динга — буддизм ва синтоизмга амал қиладилар, қолганлари турли мазҳаблар ва бошқа жаҳон динларига итоат қиладилар.

**Иудаизм.** Энг қадимий миллий-давлат динларидан иудаизм (яхудийлик) Яқин Шарқда пайдо бўлиб, кейинги жаҳон динлари — христианлик ва исломга ўз ақидалари билан, айниңса, муқаддас китобларда тўпланган мифологияси билан улкан таъсир утказган. Иудаизм милоддан аввалги иккинчи минг йилларда Арабистон ярим оролида яшаган семит қабилалари орасида шаклланиб юзага келган.

Турли афсона ва ривоятларга бой қўҳна Осиё ҳозиргача ўз бағрида жуда кўп ечилмаган сирли жумбоқларни сақлаб келмоқда. Ярим аср муқаддам рўй берган тасодифий бир воқеа асримизнинг буюк қашфиётларидан бирига сабаб бўлган эди. 1947 йилнинг баҳор фаслида Арабистон ярим оролида Ўлик денгиз соҳилларининг шимоли-ғарбий қисмидаги Води-Қумрон номли одамсиз дашти-биёбонда подачи бадавий бола Мұхаммад ад-Диб подадан ажralган эчкисини ахтариб қоя тоғ этагида дам олишга тўхтайди. Турган жойида теварак-атрофига назар ташлаб, олдида одам бўйли баландликда фор тешигига кузи тушади. Йўқолган эчки кирганмикан деб тешикка тош отганда, зарбдан куза жаранглаб сингани эшитилади. Бола қўрқа-қўрқа жарга кириб қараса, қандайдир ғалати ёзуви терилар ўраб тиқилган сирли кўзаларни топади. Маълум булишича, топилган кўзалар энг қадимий ноёб қўлёзмалар архиви бўлиб, кейинчалик милоддан аввалги I асрда яшаган яхудийлар

мазҳабига оид эканлиги аниқланди. "Күмрон құлёзмалари" деб тарихга кирған бу ажойиб ёзувлар дарров илм олами дикқатини үзиге жалб қылди. Чунки ilk бор Фаластинда топилған бу қадимий құлёзмалар жаһондаги эңг йирик дин — христианликнинг келиб чиқиши, унинг муқаддас китоби Иңжил ва бошқа диний таълимотлар ва мазҳаблар тұғрисидеги тарихнинг күп ноаниқ саҳифаларини ёритишга күмак берди. Олимларнинг илгари кенг тарқалған фикрича, Фаластиннинг табиий иқлими туфайли бу ерда умуман қадимий құлёзмалар сақланиши мүмкін эмас, деган тасаввурлар ҳам мазкур кашфиёт туфайли пучга чиқди. Агар 1960 йилларда "Ұлык денгиз құлёзмалари" нинг бир жилди нашр қилинган бўлса, 1982 йилга келиб бу туркумга оид асарлар етти жилдни ташкил қылди.

Тадқиқотлар шуни курсатадики, топилған құлёзмалар милоддан аввалги I асрларда құдратли Рим империясига кирған, оғир жабру жағоларга чидаш бера олмай, Води-Күмрон дашту биёбонига яшириңган яхудийлар жамоаси арблари томонидан ижод қилинган асарлар экан. Хуш, асли яхудийлар кимлар ва уларнинг диний тасаввурлари нимадан иборат бўлган? Яхудийлик (иудаизм) ва христианлик динларининг бир-бирига нима алоқаси бор? Улар қачон пайдо бўлган?

Шуниси жуда қизиқки, Күмрон водийси яхудийларининг диний эътиқодлари дастлабки христианларнинг эътиқодларига үхшаб кетади. Улар ўзларининг таълимотларини "Янги васият" ("Инжил") деб номлаганлар, худо фотиҳа берган (пешонасига "муқаддас" ёф суртилған) "тақводор устоз" ининг муртад коҳинлар ҳукми билан жазоланганиллигига ишонганлар. Охир замонда қиёмат бошланганда "халоскор устоз" ерга қайтиб, ҳаммани суроқ қилармиш, устознинг күп васиятлари Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг таълимотига жуда яқин. У ҳам, Христос сингари итоатгўйликка, "худо иродаси" билан ўрнатилған ҳокимликка бўйсунишга ва "ёвузликка қаршилик қилмасликка" чақиради. Аммо Күмрон ёзувларида таърифланган "тақводор устоз" милоддан аввалги I аср бошларида яшаган. Исо пайғамбарнинг ҳаёти эса милоднинг I асри ўрталарида ўтган. Лекин Исо қиёфаси яхудийларнинг афсоналари асосида пайдо бўлган "тақводор устоз"

Олд Осиё худоларининг умумлаштирилган образи ва улар билан боғлиқ ақида ҳамда ибодатларни ўзида мужассамлаштирганлиги шубҳасиз.

Ягона худога эътиқод қилишга асосланган монотеизм анча мураккаблашган, юқори даражага кўтарилиган диний таълимот бўлиб, у табақалашган жамиятларда ягона мустабид ҳокимиятларнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келади. Асли политеистик динлар заминида юзага келган монотеистик диний тасаввурлар — иудаизм, христианлик ва ислом бир замонда генетик жиҳатдан ва моҳиятан ўзаро узвий боғлиқ эътиқодлардир. Шулардан энг қадимийси ва кейинги жаҳон динларига анча таъсир қилгани яхудийларнинг дини — иудаизмдир.

Қадимги яхудийлар ва уларнинг диний тасаввурлари тарихи асосан Таврот ва Библиядан маълум. Бизга етиб келган Таврот матни яхудийларнинг Бобил қулигидан қутилиб, ватанига қайтган даври, яъни милоддан аввалги VI-IV асрларда коҳинлар томонидан тамомила таҳрир қилиб битказилган. Унинг муаллифлари асли ҳалқ тарихини мақсад қилмай, балки фақат васиятнома ижод қилган ва ўз васиятларида тарихий воқеалардан фойдаланганлар, холос. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Таврот муаллифлари муқаддас китобни яратишда асл нусха ижод қилмасдан, фақат қадимий матнлардан фойдаланиб таҳрир қилганлар. Иудаизм ўзининг асосий ақидаларининг ҳаммасини деярли бевосита қадимий политеистик динлардан олган.

Милоддан аввалги II минг йилликларда яхудийлар, Арабистон ва Фаластиндаги бошқа семит ҳалқлари сингари, ҳар хил худоларга ва арвоҳларга сифинишган, турли ҳайвонларга ва бошқа ҳалқларнинг маъбудаларига ҳам итоат қилишган. Мисрликлардаги каби айрим шаҳарнинг ёки этник бирликларнинг кўп худолари ичидан бош худо ажралган. Тавротда шундай дейилади: "Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларнинг шаҳарлари ҳам шунчадир". Маҳаллий авлиё ҳисобланган Иисус Навин, Аврам, Иаков, Исаак кабилар кўп худолик даврида бош худо шаклида кўтарилиган маъбудалардир. Шулардан энг обрўли ва кучли бўлиб танилган Яхве даставвал қадимий яхудий ҳалқи авлодининг бир маъбудаси сифатида намоён бўлиб, кейинчалик бош даражасига кўтарилади.

Афсоналарга кўра, яхудийлар ва арабларнинг ота-боболари бир бўлиб, Иаков (Ёкуб) пайғамбардан тарқаган ва у гўё, монотеистик тасаввурларга асос солган. Иаковдан туғилган 12 ўғил (яхудий халқининг 12 бўғин авлоди) унинг бош патриарҳлари бўлиб танилган. Иаковнинг ўғли Иосиф (Юсуф) Мисрда фиръавн хизматида бўлганида яхудийлар Нил водийсига кўчиб боргандар. Иосиф ва унинг укалари вафотидан кейин яхудийларнинг 12 бўғин авлоди бир неча асрдан сўнг кўтарилиб, она юргита кўчиб келади.

Археологик кашфиётлар туфайли Авраам авлодининг эътиқодлари Месопотамия ва қўшни жойларнинг энг қадимий динлари билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Аммо "Миср асирияни" да яхудийларнинг аҳволи жуда оғир кечган. Фақат Левия авлодидан чиққан Моисей (Мусо) туғилиб, уларга бош бўлгандан кейин, чинакам халоскор Яхве яхудийларни асирийлардан кутқаради ва уларни "орзу қилган ерларига", яъни Ханаан номли ўлка (Фаластин) га кўчириб ўрнаштиради. Қонунчи ҳоким сифатида Моисей Яхве буйруғи билан машҳур ўн васиятни ёзib қолдиради. Ривоятларда Моисей турли мұъжизалар кўрсатган: бир ҳаракат билан денгиз сувини қайтариб, юртдошларини куруқ ердан ўтказган; қувиб келган мисрликларни эса қайтадан сувни юбориб чўктирган; ҳассаси билан қояни тешиб дашти биёбонда булоқ чиқарган; осмондан атала ёғдириб, ўз халқини очликдан қутқарган ва ҳоказо. Шунинг учун Моисей яхудийлар динининг отаси деб ном олган.

Тарихий маълумотларга биноан, яхудийларнинг Кўхна Фаластинда (Ханаан)да пайдо бўлиши милоддан аввалги XIV-XII асрларга тўғри келади. Улар янги "орзу қилган ерни" зўрлик билан босиб олиб, Тавротда таърифланган идек, Яхве фотиҳаси билан маҳаллий аҳолига қирғин келтирадилар, шаҳарларни харобага айлантирадилар, серунум ерларни талон-тарож қиладилар. Яхудийлар ўтрок ҳолатда деҳқончилик турмуш тарзига ўтадилар ва ўзларининг давлатини ташкил қиладилар. Милоддан аввалги XI-X асрлар давомида ҳукмронлик қилган биринчи подшолар Саул, Давид ва Соломонлар мамлакатни бириктирганлар, аммо қудратли давлат яратса олмаганлар. Оқибатда Соломон вафотидан кейин давлат иккига — шимолда Исройл ва жанубда Иудеяга бўлиниб кетган.

Икки подшоликда ҳам ҳокимият жуда бүш булган, аммо Иерусалим ибодатхонасининг коҳинлари, ҳар хил "худо хизматкорлари", назариётчи ("муқаддас") кишилар ва пайғамбарларнинг обруси ва таъсири зур булган. Улар адолатсизликни ва ижтимоий тенгсизликни қаттиқ танқид қилиб, буюк Яхве ибодатини юксак адо этишга, унинг иродаси ва илтифтига ишонишга чақирганлар. Амалда барча ҳокимликни қўлга олган Иерусалим ибодатхонаси коҳинлари Бобил асоратидан кейин, айниқса, Эрон подшоси Кир истилосидан сўнг жуда бойиб кетиб, эски политеистик (кўп худолик) сарқитларига қарши курашни кучайтириб, ягона ва қудратли Яхве ибодатини тула урнатишига интилганлар.

Хуш, кейинчалик христианлик ва ислом динларида ҳам тилга олинган шахслар, авлиё ва пайғамбар даражасига кўтарилиб таърифланган, айниқса, Ўрта асрларда, Ўйғониш даврида буюк рассомлар ва ҳайкалтарошлар тасвирлаган ажойиб образларда, улмас бадиий асарларда ва ҳалқ ижодида қўйланган Авраам, Моисей, Давид, Соломон кабилар афсонавийми ёки тарихий шахсларми? Маълумки, ҳозиргача бутун Шарқда, шу жумладан Ўрта Осиёда ҳам, айниқса, Авраам (Иброҳим), Давид (Довуд), Соломон (Сулаймон) каби Таврот номлари билан боғлиқ муқаддас жойлар ва ҳар хил ривоятлар жуда кўп учрайди. Бу шахслар қайси даврда яшаган?

Библия ва Тавротда ҳикоя қилинган воқеалар ва образларнинг кўпчилиги аслида қадимий яхудийлар ижод қилган асл нарса эмаслиги ва унинг бир қисми Месопотамия билан боғлиқ эканлиги фанда аниқланган. Яқин даврларгача Европа маданияти фақат қадимий Юнонистон маданиятининг меросхўри деб ҳисобланар эди. Энг янги кашфиётлар инсоният маданиятининг дастлабки куртаклари беш минг йиллар муқаддам яшаган шумер ва аккад ҳалқининг буюк қобилияти билан боғлиқ эканлигини исботлади.

Абадулабад алмашиб турган қудратли тарих оқимида айрим маданиятлар ва ҳалқлар юзага келиб, сўнгра йўқолиб кетган. Уларниң тарихий тажрибаси кейинги авлодларга ўтиб, янги юксак маданиятларни яратишда иштирок қилган. Бу ўзаро узвий боғлиқ тараққиёт қонуни

ятидан яхудийлар истисно бўлмаган, албатта. Уларнинг маданий анъаналари илдизи Месопотамия тупроғи билан боғлиқ бўлиб, асрлар давомида Тигр ва Евфрат соҳилларида шаклланиб келган тасавурлар, урф-одат ва диний афсоналар Таврот ва Инжил саҳифаларида ўз ифодасини топган. Ханаан (Фаластин)га кучиб жойлашган яхудийлар аста-секин Месопотамия таъсиридан озод бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган афсона ривоятларни талқин қилиб, ўзгартириб юборганлар. Коҳинлар эса қадимий матнларни таҳрир қилиб, энг қадимий қисмida (милоддан аввалги IX асрларга оид) муаллифлар худо сўзини "Элоҳим" (ўзбек тилида ҳам "Илоҳим" сўзи худо маъносида ишлатилади) деган сўз билан ифодалайди.Faқат бир аср кейинроқ худо Яхве номи билан тилга олинади.

Яхудийларнинг китобида таърифланган энг қизиқарли, драматик саргузаштларга тўла патриархларнинг ҳаёти аслида ибтидоий жамиятдаги уруғ-қабила бошлиқлари фаолиятини эслатади. Масалан, Авраам қабиласининг тасвири типик партиархал муносабатларни ифодалайди. У бой қулдор, бадавий қабиласининг бошлиғи сифатида намоён бўлади. Авраамнинг турмуш тарзи Ханаандаги кўчманчи чорва қабилалар ҳаётига ўхшайди, муайян фаслда у ёки бу шаҳар деворлари ёнида чодирлар тикиб, ўз кўчманчиларига хос моллари (сут, жун, тери)ни шаҳар маҳсулотига алмаштириб савдо қилган. Бу вақтинча тикланган қароргоҳда аёллар жун или йигириб ашула айтганлар. Қабила бошлиғи Авраамнинг катта чодири қароргоҳ марказида қад кўтарган. Патриарх Авраам асли Месопотамиядан Ханаанга кучиб келган қабила номини ифодаловчи афсонавий образдир. Буни археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Масалан, Сурияда топилган қадимий ёзувларда битилган айрим шаҳарларнинг номлари Авраам авлоди исмларига тўғри келади, уларда Авам-рам, Иакоб-эль номли қабилалар ҳам тилга олинган. Милоддан аввалги XVII асрга оид бу миххатли ёзувлар архиви 33600 тахтадан иборат бўлган.

Демак, топилган ҳужжатларни Библия образлари билан қиёс қилсан, патриархларнинг номлари (айниқса, Ав-

раам авлодига оид) яхудийлар босиб олган ёки жойлашган қабила ва шаҳарларнинг номига, яъни топонимикасига тӯғри келади. Шунга биноан Авраам ҳам Месопотамиядан Ханаанг кўчиб келган қадимий қабилалардан бирининг номини афсонавий жиҳатдан ўзида мужассамлаштирган образдир. Агар янги динга асос солган Авраам тарихий шахс деб қабул қиласак, унинг Ефрат соҳилларидағи Харран шаҳридан (улар, қадимий Бобил ёзувларига қараганда, Ой худосига итоат қилганлар) ўз қабиласи билан Харранга кучишига маҳаллий файри диндаги аҳоли қувфи ни сабаб бўлган, деган фикр туғилади. Бунга ўхшаш воқеа илк пайғамбар Зардушт фаолиятида, кейинчалик, исломга асос солган Муҳаммад пайғамбар ҳаётида ҳам рўй берган. Масалан, Муҳаммад ўз таълимотига қарши чиққан жуда кўп душманларидан қочиб, Маккадан Мадинага кўчишига мажбур бўлган. Аслида монотеист Авраам ўз қабилавий ягона худоси Элоҳимга итоат қилишни афзал кўриб, уни маҳаллий Ой худоси эътиқодига алмаштиришга қарши чиққанлиги учун Месопотамияни тарк қилган.

Авраамнинг ўз диний эътиқодига нақадар содиқ эканлиги кейинги жаҳон динларига, жумладан исломга тўлиқ кўчирилганини Исаак афсонаси тасдиқлайди. Унда шундай ҳикоя қилинади. Худо Авраамни синаш учун ўзининг ягона севимли ўғли Исаакни сўйдириб қурбон қилишга буюради. Итоатгўй Авраам фарзандини худо ҳукмини адо этишга қарор қилиб, онаси Саррадан яширин ҳолда қоронғи кечаси ўғлини олиб чиқади. Уч кун йўл юриб, битта тоғ этагига етиб, ўғлининг қўлини ва кўзини боғлаб, қурбонгоҳ тошга ўтиналарни йифиб, бoshини қўйиб энди бўғзига пичоқ солмоқчи бўлганда фаришталар келиб худонинг янги амри билан Исаак ўлимдан қутулади. Ўз бандасидан миннатдор бўлган худо Авраамга осмондаги юлдузлар, денгиз соҳилидаги кум заррачалари каби сон-саноқсиз авлод ато этишини ваъда қиласди. Бундан хурсанд бўлган бандаси ўша ерда адашиб юрган қўйни худо йўлига Исаак ўрнига сўйиб қурбон қиласди. Ислом динидаги Иброҳим ҳам севимли ўғли Исмоилни қурбон қилишга рози бўлиб, кейин худо амри билан унинг ўрнига қўй қурбонликка сўйилади. Бу патриархлар томонидан тўқилган қадимий афсонанинг асосий моҳи-

яти диний эътиқодга итоатгўйликни, худога садоқатни тарбиялашга қаратилган илоҳий фоядан иборат.

Бундай фожиали афсона Тавротда лирик бўёклар билан ниҳоятда ҳаяжонли қилиб бадиий тасвирланиши кишида қайфу-ҳасрат, итоатгўйлик, умидсизлик туйфуларини уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Бундай сермазмун ривоятлардаги буюк оддийлик, қисқа ва аниқлик, киши қалбига таъсир қиласидиган диний руҳдаги жўшқинлик ўтмишда қанча истеъдодли шоирлар, рассомлар, бастакорларга буюк асарлар яратишда илҳом бағишилаган.

﴿ Масалан, яна Таврот ва Библия қаҳрамонлари Давид (Довуд пайғамбар) ёки Соломон (Сулаймон пайғамбар) образларини олсак, аслида иккаласи ҳам яхудийлар давлатининг бириккан, гуллаган даврида ҳукмронлик қилган тарихий шахслардир. Давид милоддан аввалги 1012-972 йиллар, ундан сўнг Соломон 972-932 йиллар подшолик қилганлар. Соломон подшолиги тугагандан кейин ўнга яқин шимолий қабилалар ажralиб чиқади ва икки қисмга — Иudeя ва Исроилга бўлиниб, улар орасида доимо кураш бўлиб келган. Мазкур подшолар образи Библия ва Куръон каби муқаддас китобларда куйланибгина қолмай, жуда кўп ҳалқларнинг оғзаки ижодида, афсона ва ривоятларда, буюк шоир ва рассомлар асарларида тасвирланган.

Иудея подшоси Иосия ҳукмронлик қилган вақтдан бошлаб (милоддан аввалги 62 йил) маҳсус ислоҳот билан Яҳве ягона худо деб танилади, бошқа қабила худолари ва маҳаллий ханаан маъбудалари ҳамда ибодатлари маън қилинади. Иерусалим марказий ва ягона ибодатхонага айланади. Коҳинлар эндиликда фақат Яҳвени улуғлайдилар. Ягона худони жуда кўп пайғамбарлар ҳам дуолар ўқиб, тарғиб қилганлар, уларнинг ваъз ва таълимлари ҳатто Тавротга кирган. Коҳинлар ва пайғамбарлар 586 йилда Иерусалим бобилликлар томонидан босиб олингандан кейин кўп ватандушлари билан асир қилиб олиб кетилган. Милоддан илгари X асрда Соломон ёғочдан қурдирган дабдабали муқаддас ибодатхона куйдириб юборилган. Шу воқеа билан "Биринчи ибодатхона" деб аталган яхудийларнинг беш юз йиллик тарихий даври тутатилади, кейин милоддан аввалги 538 йил Бобилни Эрон подшоси Кир босиб олган, яхудийларга Иерусалимга қай-

тишга рухсат берилиб, "Иккинчи ибодатхона" даври бошланади. Уша даврда кўп худолик сарқитларидан анча озод бўлган ягона ва қудратли Яҳве ибодати ва коҳинлар ҳокимилиги яна ҳам кучаяди.

Библияниң энг қадимий қисмлари милоддан аввалги XIV-XII асрларда маълум булса ҳам, унинг асосий матнлари ва умумий таҳрири "Иккинчи ибодатхона" даврида амалга оширилган. Унинг энг эски Таврот деб аталган қисмлари бир неча китобдан иборат. Шулардан ривоятларга биноан Моисей (Мусо) яратган машхур Бешкитоблик номли муқаддас асарнинг биринчи китобида коинот, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яратилиши, жаҳонни сув босиб кетиши, биринчи яҳудий пайғамбарлари ва Иосиф (Юсуф) пайғамбарнинг асирикдаги ҳаёти тӯғрисида ҳикоя қилинади. Иккинчи китобда яҳудийларнинг Миср асиригидан қайтиши, Моисей (Мусо) ва унинг васиятлари, Яҳве ибодатининг ташкил қилиниши тӯғрисида баён этилган. Учинчи китоб асосан турли ақидалар, қонун-қоидалар ва расм-удумлардан иборат. Тұртнчи ва бешинчи китоблар яҳудийларнинг Миср асиригидан кейинги тарихига бағишлиланган. Яҳудийларда Торо деб аталмиш охирги китоб — Бешкитоблик эски васиятнома-нинг энг азим қисми ҳисобланади. Кейинчалик Торо изоҳлари асосида кўп жилдли Таврот пайдо бўлиб, у барча яҳудийлар жамоасини диний жиҳатдан бошқарувчи руҳоний (раввин)лар фаолияти асосини ташкил қилган.

Эски васиятномада яҳудийлар Яҳве олдида итоатгўй бўлиш, унга ва унинг номидан гапирадиган пайғамбарларга, коҳинларга тўла бўйсуниш талаб қилинади. Аммо Тавротда яхлит бутун Библиядагидек олам ва коинот, борлиқ ва унинг асоси, ҳаёт ва одамлар орасидаги муносабатлар, ахлоқ нормалари ва турмуш мақсадлари каби ҳаётий масалалар тӯғрисида чукур мулоҳазалар ва васиятлар мұхим ўринни эгаллади.

Тавротнинг асосий моҳияти худо истаги билан ҳамма учун бир парвардигор ҳисобланган буюк Яҳвени ягона деб тан олиш, аммо қудратли Яҳве фақат яҳудийларни барча халқлардан ажратиб, уларга алоҳида ҳомийлик қилали, деган foядан иборат. Яҳве марҳаматига мұяссар бўлган яҳудийларнинг отаси Авраам бошчилигига танланган бу

халқ буюк маъбуданинг доимо диққат марказида. Шуниси мұхимки, "Иккинчи ибодатхона" давридан, айниңса, тахминан милоддан аввалги II асрлардан бошлаб Иерусалим кохинлари ўз халқини пок сақлаш мақсадида ҳар томонлама тадбирлар күра бошлаган. Масалан, бошқа халқлардан ажралиб туриш учун гұдак ўғил болаларни саккиз кунликдан суннат қилғанлар, файри элатлар билан никох ўтказиш тақиқланған.

Иудаизмга хос хусусиятлардан бири ниҳоятда итоат-гүйлик ва Яхве құдратининг зўрлигига эътиқоднинг жуда кучли эканлигига. Бу ҳақда Библиядаги (кейинчалик христианлик ва айниңса ислом динларига ўтган) бир афсона диққатга сазовор. Иова қисмида шу исмдаги бош қаҳрамон авлиёни Яхве катта синовдан ўтказади. Худонинг амри билан Иова барча бойлиги ва фарзандларидан маҳрум этилиб, оғир касалликка дучор этилади, унинг бутун баданини күрт босиб кетади. Бераҳм Яхве шундай жабр-жағолар билан ўз бандасининг сабр-тоқати ва эътиқодини синамоқчи бўлган. Узоқ вақт чўзилған касаллик туфайли оғир азобларга бардош бера олмай, улиш даражасига етган Иова дод-фарёд қиласди. Бундай иродасизлик ва эътиқодсизликни сезган олий мавжудот норози бандасини қаттиқ койиган. Құдратли худо таъзиридан уялган Иова тавба қиласди ва шу кунига шукур қилған ҳолда Яхвега эътиқоди зўрлигини билдиради. Фазабидан қайтган парвардигор итоатгўй бандасига соғлиғини ва бойлигини қайтариб беради, хотини эса унга ўнта фарзанд туғиб, худо амри билан узоқ умр куради.

Мазкур афсонанинг энг мұхим фояси кишиларда итоатгўйликни, мұмиинлик, сабр-тоқатлик, ноумид бўлмасликни ва құдратли худога шукур қилиб, унга нисбатан чуқур эътиқодни тарбиялашга қаратилгандир. Шундай фоя ҳар доим ҳукмрон табақалар қулида меҳнаткаш оммани итоатгўйликда сақлаш учун жуда зур маънавий қурол вазифасини бажариб келган. Ҳозир ҳам иудаизм фояларидан ҳукмдор табақалар ва сиёсатчилар кенг халқ оммасини итоатгўйликда сақлаш, уларда миллатчилик туйғуларини уйғотиш, сионистик фояларни сингдириш мақсадида фойдаланмоқдалар.

Тавротда яхудийларни худо томонидан сараланган халқ деб тан олиш фояси мавжуд булиб, улар ўзларини Яҳве марҳамати билан ягона, бошқалардан фарқли миллат деб биладилар, бу эса мазкур халқнинг тарихий тақдирига катта таъсир қилиб келган.

Айниқса, икки эра оралиғида, яъни яхудийлар давлатининг тұла барбод бұлганидан бошлаб аҳолининг күпчилиги бутун жаҳонга тарқалиб кетади, борган мамлакат ва үлкаларида маҳаллий шароит ва давлатта мослашиб, кун кечиришга мажбур бұлади. Уларнинг мусофирилек ҳәётидеги оғир вазиятларга бардош беришида ва миллатнинг турли ақидалар орқали мустаҳкам булишида ҳамда пок сақланишида ҳам ягона худо фояси муҳим роль ййнаган.

Фаластиндаги ибодатхонанинг 70-йилларда емирилиши ва 133-йилга келиб қадимги яхудий давлатининг бутунлай тугатилиши, бу ҳудуднинг Рим империяси томонидан босиб олиниб, бутун халқ ниҳоятда қаттиқ зулм остида қолиши яхудийларни бошқа юртларга күчіб кетишга мажбур қылған эди. Қолган аҳоли орасида эса чексиз жабр-зулмлар туфайли бир неча марта құзғолонлар күтариған, аммо уларнинг ҳаммаси рум лашкарлари томонидан шафқатсиз бостирилған. Оқибатда истилочилар томонидан эзилған барча халқлар, шу жумладан яхудийлар орасида турли диний тасаввурлар (христианликнинг пайдо булишига ҳам шу вазият сабаб бұлған эди), мессионизм (халоскорлик) фоялари кенг тарқалған. Мазлум халқларнинг бутун ишончи, умид-орзулари гайритабиий кучларга, қандайдир халоскор шахс пайдо булишига қартилған. Коҳинлар мессионизм фояларини ҳар томонлама тарғиб қылғанлар, жабрланған омма эса үз халоскорининг келишига тұла ишонған.

## ЖАҲОН ДИНЛАРИ ВА ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ

Құхна Осиё үзининг гұзал ва ранг-баранг табиати, серуnum тупрорғи, хилма-хил этник қиёфаси билан ажралиб туради. Айниқса, узоқ үтмишда ниҳоятда ривожланган Farbий ва Марказий Осиё бутун жаҳон маданиятининг пойдеворига жуда ҳам катта ҳисса күшгаң үлка ва элаттарнинг ватанидир. Бу ерда маданиятнинг энг муҳим омилі — дастлабки ёзув ва илм куртаклари, ажойиб меъморчиллик ва санъат обидалари, турли-туман диний тасаввурлар ва инсон тафаккурининг дурдоналари яратылған. Кейинчалик бошқа қытъаларга тарқалған, ҳозиргача бир неча юз миллионлаб кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаган монотеистик диний таълимитлар — буддизм, христианлик ва исломнинг, ҳозиргача миллий-давлат дини деб қабул қылинған иудаизм ва синтоизмнинг, шу кунгача бутун жаҳонда ахлоқ қоидаси ва ижтимоий-сиёсий рисола (устав) вазифасини бажарып келаётган Таврот, Инжил, Библия ва Қуръоннинг ватани ҳам Осиёнинг муқаддас тупроғидир.

**Зардыштийлик.** Яқын даврларгача фанда қабул қылинған тизим асосида жаҳон динлари факат уч дин — буддизм, христианлик ва ислом деб ҳисоблаб келинған. Асли чуқур тадқиқотлар шуни күрсатадыки, дастлабки жаҳон дини, турли ирқ ва элатлар орасида тарқалиб, бир неча давлатларда асосий ұхымрон мағкура деб қабул қылинған таълимот зардыштийлик (зороастризм)дир. Афсуски, барча дарсلىкларда ва күп тарихий тадқиқотларда ҳам мазкур дин тұғрисида жуда кам маълумотлар көлтирилған, ұттю Зардыштийнинг ватани тұғрисида ҳам мужмал мулоҳазалар, мунозарали фикрлар мавжуд. Үрта Осиё, айниқса, Хоразмда ўтказилған күп йиллик археологик тад-

қиқотлар, мұқаддас "Авесто" китобининг 2700 йиллик юбилейининг жағон миқёсида нишонланиши мазкур мұаммога анча аниқликлар киритишга ёрдам берди.

Әнг қадимги маданият үчокларидан ҳисобланган Урта Осиё ва Эронда, біншінде Евроосиё даشتларида милоддан аввалғы III минг йилликта ҳиндевропа ва қисман туркий тил түркүмінің оид тилларда сұзлашған жуда күп күчманчы ва утрақ қабила, әлаттар яшаган. Урал тоғларидан Ҳинд дарёсигача бұлған кенг ҳудудда яшаган бу қабила ва әлаттар фақат тили жиҳатиданғина әмас, хужалик фаолияти, маданияти, келиб чиқиши жиҳатидан ҳам умумий бирликка әга бұлғанлығы аникланды. Бу қабилаларнинг үша даврда үзларини "арий" (яғни бир уруғ одамлари) деб аталған қисмлари күшни халқтар тарихида муҳим роль үйнаган. Дарё қырғоқларидан яшовчи "арийлар" деңқончилик, тош, мис ва жез куроллар ишлаб чиқариш билан шуғулланған бұлса, күчманчы "арийлар" чорвачилик билан шуғулланғанлар.

Милоддан аввалғы III минг йиллик охирларida фанда скиф-сармат, сак-массагет номи билан машхұр бұлған күчманчы ва ярим утрақ ҳинд-эрон қабилаларининг бир қисми Қозоғистонға, Урта Осиёнинг шимолий қысмінде жойлашиб, үзігі хос юксак маданият яратғанлар. Кейинчалик, күхна Хоразм, Марғиёна, Сүғдиёна ва Бақтриядада яшовчи үтрок, сугориладиган деңқончилик билан шуғулланувчи, эроний (форсий) тилда гапируды халқтар билан яқын алоқада бўлған сак-массагетлар бутун Яқин ва Урта Шарқни ларзага келтириб турған. Геродот ва бошқа қупгина қадимги юнон муаллифлари таърифлаган, буюк Фирдавсийнинг улмас "Шоҳнома"сыда куйланған, жағон маданиятининг ажойиб дурданаларидан бири "Роланд ҳақида қушиқ" номли француз эпосида тилга олинған" ...дашту биёбон Оссиана юрттинг ҳудога ишонмаган лаънати қабиласи" асрлар давомида Машриқдан Мағрибгача күшни давлатларға уз таъсирини ўтказиб келган. Достонда таърифланғанидек,

Уларнинг ҳар бирининг сийнаси  
Пұлатдан ҳам мустаҳкам,  
Тошдан ҳам метин эди!  
Уларга на дубулға, на совут эди даркор.  
Уларнинг мардлігін галаба ҳам эди ёр.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида сакмассагет қабилалари металдан ҳар хил меҳнат қуроллари ва яроғ-аслаҳалар — ханжар, болта, найза, ўқ-ёй учи, хилма-хил бадиий безаклар, катта фидирекли уч-тўрт от қўшиладиган оғир аравалар ва ҳарбий юришларда ишлатиладиган енгил аравалар ясаганлар. Бу даврда "арийлар" янги чидамли от турларини парвариш қилганлар, илфор уруш тактикасига эга бўлганлар, аравали лашкарлар эса айрим табақага ажратилган. Бепоён Евроосиё даштларида у ер-бу ерда учрайдиган жуда кўп тепаликларда дафн қилинган бой қабила бошлиқлари ва ҳарбийларнинг дабдабали қабрларини қазиб текшириш натижасида скиф-сак қабилаларининг юксак маданиятга ва қудратли ҳарбий кучга эга бўлганлиги исботланди. Қабрларда жасад билан кўмилган турли ҳарбий қуроллар, безакка бой юган ва эгарли от-аравалар, ажойиб нақшли сопол буюмлар, гузал ҳайкалчалар, қимматбаҳо тош ва металлардан ясалган афсонавий безаклар бунга ёрқин далиллар.

Шуниси қизикки, сак ва скиф-сарматлар ўтган тепаликлардан топилган бадиий буюмлар, от-арава, тuya, кўчкор, илон ва бошқа афсонавий маҳлуқлар тасвиrlанган расм ва ҳайкаллар ўтган асрнинг охирларида жанубий Тожикистонда кашф этилган машхур "Амударё хазинаси" буюм ва безакларига, кейинги Аҳмоний, македониялик Искандар ва Кушан давлати даврига оид топилмаларга ўхшаб кетади. Жанубий Қозогистон тог ёнбағирлари ва Ўзбекистоннинг кўп жойларидаги қоятошларга ясалган ибтидоий расмларда ҳам от-tuya қўшилган аравалар, ҳар хил ҳайвонлар — тuya, тоғ эчкиси, кўчкор ва бошқа ғалати маҳлуқларнинг тасвиrlаниши узоқ ўтмишда ўртаосиёликларнинг маънавий маданияти билан Евроосиё даштларида яшаган қабилалар маданиятида қандайдир умумийлик, яқинлик мавжудлигидан далолат беради. Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий қисмида топилган Жайтун маданияти, Қоратепа, Олтинтепа, Айиртом, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Холчаён, Намозгоҳтепа, Ялангочтепа ва бошқа ёдгорликларда ўтказилган ажойиб кашфиётлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қазишмаларда топилган буюм ва безакларда кўп учрайдиган афсонавий тасвиrlар, айрим худоларнинг об-

разини ифодаловчи ҳайкал ва расмлар узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари тўғрисида мулоҳаза қилишга имкон беради. Ҳар хил идишлар, ханжар ва пичоқ дасталари, билагузук ва исиргалар, тўғноғич ва тўқаларга ясалган эчки ва қўйлар, қанотли кўчқорсимон ёки отсимон маҳлуқлар, ярим одам, ярим илон ёки шер шаклидаги афсонавий образлар, тамга ва муҳрлардаги ҳар хил күш ва ҳайвонларнинг тасвири оддий санъат намунаси бўлибгина қолмай, балки илк дин шакллари, чунончи тотемизм билан боғлиқ тасавурлар маҳсулидир. Асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи ўртаосиёликлар милоддан олдинги III-II минг йилликларда яратган хилма-хил ҳайвон ва қушларнинг образлари (қадимги Месопотамия, Элом ва Эрондаги сингари), албатта, муайян зооморф, яъни ҳайвонсимон тасвиirlар мавзуига боғлиқ дунёқарашибнинг аксиdir.

Тарихий маълумотларга қараганда Евроосиё даштларида яшовчи ҳинд-эрон аҳолисининг ҳўжалик, ҳарбий ва маданий ҳаётида милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб жиддий ўзгаришлар рўй беради. Табиат ўзгариши (ҳавонинг совуши) ва бошқа бъязи бир сабабларга кўра ўша даврда сон-саноқсиз дашт қабилалари ҳаракатга келган. Юқорида қайд қилинган "арийлар" номи билан маълум ҳинд-эрон жамоаси иккига бўлиниб, катта бир қисми Кавказ тоғлари устидан Олд Осиёга кўчиб ўтади. Бу ерда улар маҳаллий элатларга отни парвариш этиш ва аравада жанг қилиш тактикасини ўргатиб, ўзлари туб аҳоли билан аралашиб, тарих саҳнасидан йўқолиб кетганлар. Уларнинг Ўрта Осиёning шимолида яшаган иккинчи қисми милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Тоҷикистон тоф довонларидан аста-секин ошиб, шимоли-фарбий Ҳинди斯顿, Гўмал, Сват ва Гандхарага кўчиб жойлашганлар. Бу "буюк кўчиш" натижасида мазкур қадимий этник гуруҳлар босиб ўтган йўлда ҳозиргача қадимий скиф қабристонлари, отлар дафн қилинган мозорлар, аравалар сурати солинган қоялар учрайди.

Ҳозиргача Шимолий Ҳинди斯顿 аҳолиси орасида Европадаги илк ватан тўғрисида афсона ва ривоятлар сақланиб келади. Милоддан аввалги II ва I минг йилликлар

ўртасида пайдо бўлган зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ҳам ҳинд-эрон қабилаларининг илк ватанидан жанубга бир неча марта кетма-кет тўлқин бўлиб кўчганлиги ҳикоя қилинади.

Зардуштийлик дини Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, Эронга, Озарбайжонга тарқалган. У I минг йилликнинг бошлирида давлат динига айланган. Зардуштийлик ёки зороастризм номи бу динга асос соглан афсонавий пайғамбар Заратуштра (Зороастра) исми билан боғлиқ. Аммо у фанда бошқа ном билан ҳам аталади: унга бош худо Ахурамазда исми билан маздаизм, бош муқаддас китоб "Авесто" номи билан авестоизм, асосий эътиқод оловга сифиниш бўлганлиги туфайли оташпараматлик ёки кейинги давларда худо Митра исми билан митраизм деб ном берилган. Бу диннинг асосий асари — "Авесто" Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатларнинг (милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларидан I минг йилликнинг кейинги асрларигача бўлган даврни қамраб олган) тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим ёзма манба бўлиб хизмат қиласди.

"Авесто" ривоятларидан бирида афсонавий биринчи одам ва эронийларнинг биринчи подшоси Йима осмон худоси Ахурамазда унга берган ерларни кенгайтирганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Йима уч юз қиши ҳукмронлик қилган. Шу давр ичидаги унинг ерида ўсимликлар, кушлар, ҳайвонлар, чорва ва одамлар шунчалик кўпайиб кетганки, туаржой ҳам қолмаган, ерга ҳам оғирлик тушган. Кейин Йима ўз одамларини янги макон излаб, қуёш йўли билан жанубга бошлаган ва у ерда 600 йил ҳукмронлик қилган. Яна аҳоли кўпайиб зич бўлганлигидан, Йима ўз кишиларини 900 йил давомида аста-секин жануб томон кўчириб олиб кетади ва охирида орзу қилган ўлкаси Арианам Ваэжога етади. Бу ерда улар фаровон, тўқ ҳаёт кечира бошлайдилар. Йилнинг етти ойи илиқ, беш ойи файзли гўзал ёз билан ўтган. Аммо ёвуз Анҳра Майню (Ахримон) келиб, бу серунум сахий ўлкани сув билан таъмин қилиб турган дарёни "қирғин келтирадиган улуф илон — қаҳратон қиши билан тўлдирган". Энди ўн ой қиши фақат икки ой ёз бўлиб қолган.

Айрим олимларнинг фикрича, бу афсонавий ўлка муқаддас дарёning қути оқимида жойлашган кўхна Хоразм

ҳисобланади. Археологик кашфиётлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Беруний берган маълумотларга қараганда, Хоразмга афсонавий қаҳрамон Сиёвуш келиб, дастлаб давлатга асос солган даври хоразмча йил ҳисобининг бошланиш санаси "буюк күчиш"лар даврига тұғри келиши диққатта сазовордир.

Әрамизнинг X асрига қадар ҳукмронлик қылган мазкур афсонавий Сиёвушлар сулоласининг асосчиси "Авесто"да Сиёваршон номи билан тилга олинади, унинг образи халқ эпосида, афсоналарда ярим худо қиёфасида гавдаланади. Йима эса буюк Фирдавсийнинг үлмас эпоси "Шоҳнома"да Жамшид образида намоён булади. Жам (йим) киши исми, шид — нуроний деган маънени англатади. "Нуроний"нинг подшолик қылган даври ёруғлик зулмат устидан, адолат ёвузык устидан, инсонлар девлар устидан узил-кесил ғалаба қылган, ҳатто улим енгилган, ҳар бир дардга даво топилган замон сифатида таърифланади ва эронийларнинг афсонавий тарихида "олтин давр" ҳисобланади. "Шоҳнома"даги бир афсонага кура, Жамшид авлоди Ҳушанг Прометей сингари оловни кашф этиб, сада байрамида кишиларга үргатиб, уни муқаддаслаштиради. Мазкур афсонада зардыштийлик динининг асосий эътиқоди оловга сиғинишнинг пайдо булиши ҳикоя қилинади.

Бу диннинг эң мұхим белгиси унинг дуалистик характерга эга эканлигидадир. Үнда ёруғлик, әзгулик худоси Ахурамазда (Ормузд) ва қоронгулик, ёвузык худоси Анҳра Майню (Ахримон) орасидаги доимий жиddий курашғояси ётади. Бириңчиси — деңқончилик, үтрең ахоли-нинг, иккінччиси — жанговор, урушқоқ күчманчи қаби-лаларнинг, йиртқич ҳайвонларнинг ҳомийси, деб таърифланади.

Зардыштийлик таълимотига биноан келажақда Ахурамазда Ахримон устидан ғалаба қозонади, бутун инсоният бирикиб, ягона давлат ва ягона тил үрнатилади. Бундай демократик ғоялар зардыштийликнинг узоқ давр халқ орасида сақланиб кедишига сабаб булған. Кейинчалик зардыштийликдан христиан ва ислом динлари қабул қылған охират таълимоти ва одамларнинг нариги дунёда худо олдида тенг булиши ғоялари уша даврда Үрта Шарқни ларзага келтирған, руҳонийлар ва зодагонларга қарши

қаратилған маздакизм номли халқ ҳаракатида үз ифодасини топган эди. Манихой коғини Маздак бошчилигига диний ниқобда бошланған бу ҳаракатнинг тоғаси "Шоҳнома"да оташин сатрларда күйланади:

Маздак оддий халққа фикр этиб изҳор,  
Дерди: "Бою гадо — баробар зинҳор,  
Кам-ортиқ бұлмасин ҳеч кимнинг моли,  
Бир бұлсın ўриш ва арқоқ мисоли.  
Бойлик, бечоралик бұлмасин, токим  
Тенглик бұлсın жаҳон мулкіда хоким.  
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой.  
Қашшоқда ҳам бұлсın оила, уй-жой.  
Ушбу эътиқодим менинг динимдир.  
Ёвузликка қарши йўл — оинимдир.  
Бу диндан юзини ўғирса ҳар ким  
Уни жазолагай албатта, тангirim".  
Маздакка сифинди барча кекса-ёш,  
Дарвишу бечора булиб маслақдош.

Албатта, бундай демократик тоғаларнинг пайдо булишида "Авесто"нинг энг қадимий қисми "Гаталар" китобида изҳор қилинған ибтидои жамоа тузуми анъанарапининг таъсири, чунончи, меҳнатни улуғлаш, хусусий мулкни ва бойликни инкор қилиш зарурлиги тұғрисидаги фикрлар мұхим роль ййнаган булиши мүмкін. Шуниси мұхимки, "Авесто"дагидек ижтимоий утопия тоғалари биринчи марта Европада әмас, Шарқда зардыштыйликтағылмоти ва "Шоҳнома"да янграйди.

Энди зардыштыйликнинг ilk ватани Хоразмга қайтайлик. "Авесто"нинг дастлабки каёнийлар билан боғлиқ бұлған қиссалари Фирдавсий асарларыда ҳам тилга олинған. Сиёваршон ва Хусрав курсатған қаҳрамонліклар билан боғлиқ қиссалардаги воқеалар Урва (Урганч) яқинидеги құлларга бой үлкада, Верукаш (Орол) денгизи атрофларыда ҳамда даҳлар ва сарматлар (Волга бүйі даштлари) мамлакатида рүй беради. Шу ерда, Верукаш денгизига яқын жойда Ардви (Амударё) ирмоклари пайдо қылған оролларда "еттита киршвор" аҳоли яшаган энг қадимги вилоятлар юзага келған. Бу ерга Сасраок номли муқаддас хұқизға минған дастлабки авлодлар муқаддас маздакий оловини келтиради. Шу оловнинг энг қадимийси ва

энг қадрлисини Йима (Жамшид) Хоразм тоғларидан бирининг чўққисига ўрнатади.

Милоддан аввалги IV-I асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу даврга оид ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида бунёд этилган. Амударёнинг ўнг томонидан шарқдан гарбга бирин-кетин чўзилган Кангақалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Кўрғошинқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа, Бурлиқалъа ва Тупроққалъа сугориш иншоотларининг этагида бир-бирла-рига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир тарҳга асосланган мудофаа тизими ва тараққий қилган улкан сугориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг қудратли марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади.

Бу қалъалардан Кангақалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъада топилган буюмлар ва бошқа ноёб топилмалар қадимги хоразмликларнинг диний эътиқодларини аниқлаш имконини беради. Жонбасқалъа марказий кўчаси охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш на-тижасида бу бино маҳаллий аҳолининг ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супачага қурилган ўчоқда муқаддас ўт доим ёниб турган. Ибодатхона-нинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлиари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада то-пилган кўплаб суяқ қолдиқлари унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради.

Ўрта Осиёдаги халқлар илк феодализм даврида ҳам жамоа тўпланган пайтларда умумий маросим таомлари-ни пиширганликлари, одамлар тўпланиши учун маҳсус уйлар бўлгани, бу уйлардаги ўчоқларда доимо олов ёниб тургани ҳақида Беруний ва бошқа муаллифлар ёзib қол-дирганлар. Маълумки, яқин вақтгача айрим тоғли ерларда маҳсус оташхонали уйлар мавжуд бўлиб, бу ерда эр-каклар тўпланишиб гап берганлар. Ўзбекларнинг айрим тўй ва бошқа маросимларида гулхан ёқиши одати ҳали ҳам учрайди. Бутун антик даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган зардушт (зороастризм) динига биноан, шунинг-

дек эски урф-одатларга эътиқод қилувчиларнинг тушун-  
часига қараганда, ўтга сифиниш турли фалокат ва инс-  
жинслардан сақлар, турмушда баҳт ва муваффақиятлар  
келтирап эмиш.

Жонбосқалъя ва бошқа ёдгорликларда ҳам жуда кўп  
учрайдиган ҳайкалчалар (археологлар тилида терракота-  
лар), идишларга солинган отнинг расмлари қадимги хо-  
размликларда зардушт динидан ташқари табиат кучлари-  
га, ҳайвонлар, чунончи, отга сифиниш эътиқоди ҳам  
бўлганилигини кўрсатади. Тарихий манбаларда ҳам мас-  
сагетларнинг отга сифинганлиги тўғрисида фикр бор.  
Серҳашам кийимли аслзода кишини тасвиrlовчи жуда  
кўп ҳайкалчалар унумдорлик худоси, сув ва суфориш ин-  
шоотларининг ҳомийси Анахита образи билан боғлиқли-  
гига ҳеч шубҳа йўқ. Наршаҳийнинг ёзишича, зардушт  
динидаги бухороликлар ҳар йили наврӯз байрамида бо-  
зордан лойдан ясалган худо ҳайкалчаларини олиб, эски-  
сини синдирап эканлар. Ёдгорликларда топилган ҳайкал-  
чаларнинг деярли ҳаммаси синдирилганлиги бу фикрни  
исботлайди. Беруний асарларида ҳам Наршаҳий ҳикоя-  
сига ўхшаш маълумотлар, ривоятлар мавжуд.

Тасвирий санъат намуналари ичида жимжимали қилиб  
ясалган оссуарийлар алоҳида ўринни эгаллайди. Юқори-  
да айтганимиздай, бу даврда бутун Ўрта Осиёда, Эронда,  
Озарбайжонда зардустийлик дини ривож топган эди. Зар-  
дустийлик динига биноан, ўликларни ерга кўмиш, сувга  
ташлаш гуноҳ ҳисобланиб, жасадни ё куйдирганлар ёки  
гушти ва терисини йиртқич ҳайвон, қушларга едириб,  
суюкларини маҳсус сопол қути (оссуарий) ларга солиб,  
айрим биноларда сақлаганлар. Шундай қутиларни Ўрта  
Осиёнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Мана шу ва  
бошқа фактларга асосланиб, кўп олимлар Зардустнинг  
ватани Ўрта Осиё деб ҳисоблайдилар.

Қўйқирилганқалъя теварагида кўп учрайдиган оссуа-  
рийлар хилма-хил бўлиб, қопқоқларининг кўпчилигига  
ҳайкалчалар ясалган. Мазкур обидадан тахминан бир ярим  
чақирим шимолда қумтепалар орасидан топилган квад-  
рат шаклдаги оссуарийнинг қопқофидаги чордона куриб  
үтирган эркакнинг ҳайкали жуда ажойибдир. У калта  
мўйловли, соқоли хоразмча қилиб қўйилган, кийими

нақшдор қилиб тұқылған, камари учида қүй бошини тас-виirlовчى bezak бор. Оссуарийлар ичидә от шаклида ясалғанлари ҳам учрайди. "Шоҳнома" да учрайдиган айрим қаҳрамонларнинг номи (Лухрасп, Гуштасп, Аржасп ёки Хоразмдаги Ҳазорасп қалъаси) от (асп) билан боғлиқ экан-лигини эътиборга олганда, бу тасвиirlар муайян диний эътиқодлар билан боғлиқ дейиш мумкин.

Қалъалиқирда сұнгги йилларда топилған құмтошдан, лойдан ва ганчдан, шунингдек сополдан ясалған турли типдаги оссуарийлар ичидан юмaloқ қопқоғида қуш тас-вири туширилған квадрат оссуарийлар алоҳида ажралиб туради. Уларнинг тотемизмга тегишли эканлиги шубҳа-сиз. Антрапоморф, яни одамсімон ҳайкаллар ва расмлар бир неча археологик қазишиларда топилған. Қуёш худоси Митрага бағишилаб ҳар йили маҳсус байрамлар (митраган) нишонланған. Бу юнонлардаги ўсимлик маъ-будаси Дионисга бағишиланған вакханалия байрамига үхашаш кузда, йигим-терим вақтида үтказиладиган таби-ат ҳосилдорлигига бағишиланған хушчақчақ байрам ҳисобланған. Қадимги Парфия пойтахти Нисада топилған мар-мардан ясалған ниҳоятда гүзал Родогунда ҳайкали му-ҳаббат түйгуси, гүзаллик ва мафтунлик худоси ҳисобланған Афродита образини эслатади. Машхур "Амударё хазина-си"га тегишли жуда күп олтин буюм ва безаклардаги бур-гут бошли, шер гавдали ва қанотли баҳайбат маҳлуқ ва бошқа образлар қадимги Шарқ худоларига үхшайди.

Юнон-бақтрия күмуш тангаларидә тасвиirlанған бир томонда маҳаллий подшоларнинг қиёфаси ва иккинчи томонда қанотли отлар, юнон худолари тасвирига үхашаш ҳомий маъбуналар образи бу даврда синкретизм диний тасаввурларининг кенг тарқалғанлигидан далолат беради. Кейинги Күшон империяси даврида бу жараён кучаяди ва чуқурлашади. Бақтрияни емириб, унинг харобала-ри ўрнида пайдо бўлған күшонлар империяси жуда қисқа муддат ичидә курдатли давлатга айланади. Император Канишка (78-123 йиллар) хукмронлик қилған давр охирларида Күшон давлати ғуз ҳудудини ниҳоятда кенгайтиради ва замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда туради. Янги империянинг че-гараси Фарбда Орол ва Каспий денгизи бўйларигача,

Жанубда Ҳинд дарёсининг қуи оқимигача, Шарқда эса Синцзяннинг Ҳутан шаҳридан Ганг бўйларидағи Бано-расгача чўзилган.

Канишка ғолибона юришлардан ташқари катта қурилишлар ҳам барпо қилди. Унинг даврида Шимолий Ҳиндистондан бутун Марказий Осиёгача анча шаҳарларга асос солинган. Ҳозиргача шу шаҳарларнинг бири унинг номи билан юритилади. Бу даврда кўп мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар яхшиланади. Милоднинг 99 йилида Кушон элчиларининг Римга келиши ва Ҳутан ҳудудида жуда кўп рим тангаларининг топилиши бунга далил була олади. Канишканинг дин соҳасидаги сиёсати натижасида Кушон империясида, жумладан Ўрта Осиёда ҳам то араб истилосигача буддизм дини кенг тарқала бошлаган. Ҳаттоқи Хитойга ҳам буддизм Кушон империяси орқали тарқалган. Буддизмнинг энг муҳим асарларидан бири — "Амитаба Сутра" Кушон мамлакатидан Хитойга 147 йилда олиб келтирилганлиги тўғрисида Хитой солномалари хабар беради.

Марказий Осиёда буддизм нақадар муҳим ўринни эгаллаганлигини кейинги йилларда ўтказилган археологик қазишмалар ҳам тасдиқлайди. Жанубий Ўзбекистон, Туркманистон ва Афғонистонда археологлар кашф этган будда ибодатхоналарининг ҳаробалари, айниқса, улкан маҳорат билан ясалган катта-кичик будда ҳайкаллари бунинг ёрқин далилидир. Қадимги Термиз ҳаробаларидан топиб текширилган йирик ибодат маркази (унда 20-25 та будда комплекси борлиги аниқланган) диққатга сазовор. Ажойиб санъат ва архитектура намунаси бўлган кушон зодагонининг қасри ҳисобланган Ҳолчаёнда будда иншоотлари кашф этилган. Айритом, Болаликтепа, Далварзинтепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари мажмуи, марказий будда ибодатхонаси жойлашган Қоратепада топилган археологик материалылар ўша даврдаги истеъоддли аждодларимизнинг юксак моддий маданияти, диний тасаввурлари, умуман дунёқарashi ва урф-одатларини кенг тасаввур қилишга имкон беради.

Мазкур обидаларни текшириш Марказий Осиё ҳалқларининг Кушон даврига оид моддий ва маънавий маданиятида, шу жумладан диний тасаввурларида ҳам антик

маданий анъаналар билан бир қаторда янги анъаналар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, сопол идишларида тасвиirlанган ҳайвонлар (асосан от, қўй, қўчқорлар, маймун ва фил) кушонликларнинг диний тушунчаларида, бир томондан, Шимолий Қора денгиз бўйларида, Шарқий Европа ва Қозоғистон даштларида яшаган қабилаларининг таъсири борлиги, иккинчи томондан, Хиндистон халқлари диний мафкурасининг таъсири (маймун ва фил образи) борлиги сезилади. Топилган буюмларнинг кўпчилиги бу даврда зороастризм ва буддизмдан ташқари ҳар хил тотемистик ва сеҳргарлик (магия) диний тасаввурлари муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, бутун антик даврда қадимий Ўрта Осиё ва кўшни Эрон халқларининг ҳаётида милоддан аввалги II минг йиллик охирларида пайдо бўлган ва кейинчалик давлат дини деб танилган зороастризм билан бир қаторда буддизм ва илк ибтидоий дин шаклларидан тотемизм, магия, анимизм, табиатга сигиниш кабилар ҳам кенг тарқалган. Турли даврларда пайдо бўлган хилма-хил этник групкалар диний тасаввурларининг ўзаро таъсири остида антик даврдаги аждодларимизнинг динлари мураккаб синкретик характер касб этган ва бу жараён узоқ даврларгача сақланиб қолган.

**Христианлик.** Жаҳондаги энг тараққий қилган ва энг йирик дин ҳисобланган христианликнинг пайдо бўлиши ҳам мана шундай мураккаб, турли воқеаларга бой даврга тўғри келади. Христиан дини ўз илдизлари билан қадимий Шарққа, унинг поэтик афсона ва ақидавий ибодат ҳамда урф-одатларига бориб тақалади. Қадимий динларга нисбатан анча ривожланган кескин ижтимоий, иқтисодий, сиёсий зиддиятларга тўла жамиятда пайдо бўлган янги диний таълимот ўз даврининг долзарб ва мураккаб масалаларига асосли жавоб бериши ва жабр-зулмда эзилиб келаётган миллионлаб кишиларга йўл-йўриқ кўрсатиши зарур эди. Янги дин турли тиллардаги ҳар хил элатларга ва барча табақаларга хаёлий бўлсада, тенг мададкор бўлиши шарт эди. Христиан динининг пайдо бўлишида ва қисқа муддат ичида турли ирқ ва элатлар орасида кенг тарқалишидаги асосий омиллардан бири шундан иборат. Янги диний таълимотнинг шаклланишида

Энг муҳим роль үйнаган зороастризмдан куртак отиб чиқкан митраизм үша даврда бутун Рим империясида энг машхур шарқий динлардан бири эди. Шубҳасиз, унинг шаклланишида гоявий манбалардан Платон (Афлотун) идеалистик фалсафасининг диний таълимоти ҳам муҳим роль үйнаган.

Демак, христиан дини бутун Яқин Шарқ ва Үрта дениз дунёсини бириттирган, турли миллатлар устидан ҳукмронлик үрнатган Рим империяси чегарасида миллатлар ва элатлар манфаатидан устун турган "жаҳон" диний тизими сифатида юзага келган. Аммо у дастлаб қудратли империядан чеккада, қадимий маданият ўчоқлари ва ниҳоятда ўзаро таъсири кучли фоялар ва турли диний таълимотлар чорраҳасида пайдо бўлган эди. Унинг таълимоти яхудийлар мазҳаби, юнон-рим фалсафаси ва Шарқ динлари таъсирида шаклланган. Буни жуда бой антик давр манбалари ва айниқса машхур Қумрон ёзувлари тасдиқлади.

Янги ва эски эра оралиғидаги даврда Рим империяси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан танг аҳволга тушган. Давлат бу ҳолни кенг ҳалқ оммасини эзиш ва жабр-жафоларни кучайтириш орқали ўзгартишга интилган. Барча мусибат моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум бўлган миллионлаб қулларнинг гарданига тушган. Ниҳоятда оғир жисмоний меҳнат ва унинг маҳсулотидан асло ўзи фойдалана олмаслик қулларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини сусайтириб қўйган. Қулдорларнинг чексиз жабр-зулмлари, даҳшатли жазолари ҳам қуллар меҳнати унумини оширолмаган. Аксинча, ваҳшиёна золимлик ва ноинсоний азоблар меҳнаткаш омманинг ғазабини қўзғатиб, уларнинг исён кўтаришига сабаб бўлган. Оқибатда қулдорлик жамиятининг бойликлари яна ҳам камайиб, ҳатто ҳуқмдор табақалар орасида ҳам умидсизлик, нажоткорлик ҳиссиётлари кучаяди. Бир неча миллион издошлирига эга бўлган яхудий дини ҳам оғир аҳволдан қутилиш йўлини кўрсата олмай, турли мазҳабларни (форисейлар, саддукеилар, зелотлар, эссенлар) юзага келтирган ҳамма аҳоли қандайдир ғайри қудратли халоскор шахс — масиҳни кутаётган эди. Бундай шахс Иисус Христос (юнонча мас-

сия, қадимги яхудийларнинг "масиҳ", яъни халоскор сўзидан олинган) образида пайдо бўлиб, империянинг турли жойида намоён бўлган.

Янги христиан динининг асосчиси ҳисобланган Иисус Христос Библияниң чор китобида ҳар хил афсонавий мўъжизаларга қодир илоҳий халоскор шахс сифатида ба-тафсил тасвирланган. Ислом динига Исо пайғамбар номи билан кирган Христос, ривоятларга кўра, яхудийлар подшоси Давид сулоласига тегишли иффатли қиз Мария (мусулмонлар Мариям дейишади)дан туғилган. Шунинг учун уни отасиз, худо нури билан дунёга келган халоскор подшо сифатида "Давиднинг меросхўр ўғли" деб ҳам атаганлар. Дунёвий шахс сифатида эса Мариямнинг унаштирилган куёви Иосиф (Юсуф пайғамбар) Христос, яъни Исонинг отаси деб танилган.

Христос муқаддас китобларда баён этилганидек, шимолий Фаластиндаги Галилея номли шаҳарнинг Вифлем деган жойида молхона ўрнида ишлатилаётган бир форда туғилган. Саккиз кун ўтгач, гудакни суннат қилиб, унга Иисус деб ном кўйилади ва қирқ кундан кейин яхудийлар оиласининг тунгичи сифатида Иерусалим ибодатхонасига келтириб, худога бағишланган ибодатдан ўtkазадилар. Коҳинлар томонидан "халоскор" деб танилган гудакнинг ота-онаси Мария ва Иосиф яхудийлар подшоси Ирод фазабидан қўрқиб Мисрга қочадилар. Ирод ва-фотидан кейин вояга етган Иисус онасининг шаҳри Назоратга қайтади.

Эски одатга биноан 12 ёшга етган ўспиринни Иерусалимга зиёрат қилишга олиб келадилар. У ибодатхонада устозлар билан баҳслашади ва ҳаммасини ўз ақл-идроқи билан қойил қолдиради. Ривоятларга кўра, гўёки Христоснинг назари тушган муқаддас бутлар эриб, кулга айланади. Унинг амри билан мевали дараҳтлар онаси Мария олдида эгиладилар, ваҳший ҳайвонлар унга таъзим қиладилар. У саҳрода ташна қолганларга булоқдан сув чиқарип беради, ўликни тирилтиради ва бошқа мўъжизаларни намойиш қиласди.

Христос афсонавий ўн икки шогирди билан Фаластинда ўз таълимими тарғиб қиласди, у ерда ҳам турли мўъжизалар кўрсатади. Масалан, бир катта тўйда ички-

лик етмай қолганида сувни шаробга айлантиради, кучли буронни тұхтатади, мингга яқин кишини беш-олти нон билан түйдирди, асаб касалини ва бошқа касалликка чалинган бетобларни даволайды, сув устида юради ва ҳоказо. Аммо уни она ватанида ҳеч ким құллаб-қувватламайди, аксинча, у қувғин ва қаршиликка учрайди. Үз шогирдлари билан пасха байрамида Иерусалимга келганды, уни жуда катта тантаналар билан кутиб оладилар. Бундай обруға эга бұлаётган Христосни яхудий оқсоқоллари Рим давлати хукмдорларига ифво қилиб, исёнкор сифатида топширадилар. Сотқин Иуда бошчилигіда бир гурух қуролланған яхудийлар халоскорни алдаб Рим судига келтириб, уни үз халоскорлык мақсадларига иқрор эканлигига ишонч ҳосил бўлгач, ўлим жазосига ҳукм қиласидилар.

Христосни ўша вақтдаги энг даҳшатли жазо — аввал қаттиқ калтаклаб, сұнг оёқ-құлини крест (бут)га михлаб қўйғанлар. Халоскор олти соатлик азобдан кейин вафот этади. Унинг ўлеми вақтида қуёш тутилиб олам қоронфулашади, ер қимирлайды, катта ибодатхонадаги пардалар йиртилади. Христоснинг ўлғанлигини билиш учун лашкарлардан бири унинг ўнг биқинига найза тиқади. Жасадни дўстлари тош тобутга солиб форга дағн қиласидилар ва форни катта тошлар билан бекитадилар. Аммо Христос қабрида тирилиб арши аълога кўтарилади. Шундай қилиб, афсоналарга чулғангандан худо Иисус Христоснинг дунёвий ҳәёти тугайди.

Тадқиқотчилар орасида Иисус Христос тўғрисида яқин давргача жиддий тортишувлар бўлиб келган. Бир гурух олимлар (мифология мактаби вакиллари) уни фақат афсонавий шахс, тарихда унинг прототипи ҳам бўлмаган, деб тасдиқлайдилар. Христос, Шарқда кенг тарқалган афсонага кўра, ўлиб тириладиган худолар, мұъжизалар яратувчи ва бошқа турли афсоналарни үзида мужассамлаштирган образ. Иккинчи гурух тарафдорлари кўпчиликни ташкил қиласиди. Улар Библиядаги воқеалар ва Иисус Христос образи аслида тарихда мавжуд бўлган қандайдир умумийликка эга воқеа ва шахслар билан боғлиқ деган фикрни құллаб-қувватлайдилар. Масалан, яхудийлардаги Иешуа исмли жаҳонгашта тарғиботчи Иисус типидаги пайғамбарлардан бири бўлиши мумкин. Аммо

Води-Кумрон ёзувлари бу масалага бир оз аниқлик киригтан. Ундаги эссенлар мазҳабига оид насиҳатлар ва рисолаларда Давид уруғидан чиққан қандайдир ҳалоскор шахс, охир замон ва гуноҳкорлар тӯғрисида ҳикоя қилинди. Расмий иудаизм динига қарши чиққан эссенлар "адолат устози" ҳисобланган ҳалоскор образи ва шу асосдаги таълимоти билан дастлабки христианликни эслатади.

Христианлик дастлаб илгари ўтган қадимий Шарқ динлари ва таълимотлари, айниқса иудаизм, митраизм ва уларнинг урф-одат ва ибодатлари тизимиға асосланган бўлса, кейинчалик эллинистик фалсафа, айниқса, стоиклар таълимотини, Сократ ва Платон ғояларини қабул қиласди. Император Нероннинг тарбиячиси, стоитицизмнинг йирик вакили Сенека ахлоқий тамойиллари христианлик мағкурасини ишлаб чиқишига катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун янги дин тарихини жиҳдий ўрганганд Ф.Энгельс Сенекани "христианликнинг амакиси" деб атаган эди.

Янги диний таълимотнинг бош гояси иудаизмда пишиб етилган яккахудолик, гуноҳга ботиш ва ундан ҳалос бўлиш ақидаларидир. Одамлар худо олдида гуноҳкор, яҳудийми ё юонон, римлики ё варвар, қулми ё эркин фуқаро, бойми ё камбағал — барчаси "худонинг бандаси", барчаси гуноҳга ботган. Бандаси ўз гуноҳини худога, буюк ҳалоскорига чуқур эътиқод ҳосил қилиш орқали ювади. Иисус Христос бутун одамизот гуноҳини ювиш учун қанча азоблар чекиб, бандаларига ўрнак бўлсин деб ўзини қурбон этади. Муқаддас учлик (Ота-худо, Ўғилхудо, яъни Иисус ва Муқаддас руҳ)га ишонган, тавба қилган, охиратдаги яхши ҳаётга умид боғлаган тақводор — камбағалми ё бой, қулми ё подшо — тӯғри жаннатга бориши мумкин. Аксинча, бетавфиқ гуноҳкор ва таъмагир дўзах оловида қовурилади. Христианликнинг Муқаддас учлиги ва Иисуснинг дунёвий одамликдан худо даражасига кўтарилиши уни иудаизм ва исломдан фарқлайдиган асосий ақидалардир.

Илк христианлик расмий иудаизм ва Рим ҳокимияти кулдорлик мағкурасига қарши чиқаётган барча норози кучларнинг, айниқса, турли тилдаги ва диндаги барча мазлумларнинг орзу-умидларини ифодаловчи демократик

руҳдаги таълимот сифатида юзага келган. Аммо бу таълимот, хусусий мулк, бойлик ва тенгсизликка қарши чиқса ҳам, мазлум халқларни курашга чорламаган, аксинча, шукур қилиш ва итоатгүйликка чақирган. Бундай фоялар албатта ҳукмрон табақаларга қўл келган, шунинг учун христиан дини уч-тўрт асрдан кейин давлат динига айланади. Дастребки икки-уч асрда у эзилган ва қувфидаги омманинг дини сифатида юзага келиб, жуда кенг ҳудудга тарқалган ва мазлумларни ҳаракатга келтирган фоя сифатида ижобий роль ўйнаган. Аслида христианлик барча одамлар учун факат биргина тенгликни берар эди. У ҳам бўлса — энг биринчи гуноҳ тенглиги эди, бу эса христианликни қуллар ва мазлумлар дини бўлиши характерига мувофиқ бўлган. Шу билан бир қаторда христианлик, жуда деганда, яна мумтоз кишиларнинг тенглигини ҳам эътироф қиласан, лекин бу тенглик христианликнинг энг дастребки даврида илгари сурилган. Охиратда тенглик вадда қилиниши ва дунёвий азоб-уқубатларга чидаш, жабр-зулмларга ҳеч қаршилик кўрсатмай итоат қилиш — илк христианликнинг энг муҳим фояси эди.

Шундай қилиб, антик даврда, политеистик динлар ичида якка худолик (монотеистик) динлари юзага келади. Аммо шуни ҳам қайд қилиш лозимки, янги дин якка худоликни тарғиб қилиб, анча кенг оммани фоявий жиҳатдан бириктирган бўлса-да, бошқа монотеистик динлар сингари тафаккур эркинлигини бўғиб кўйган. Аксинча, масалан, қадимги Юнонистон ва Римда политеистик динлар ҳукмронлик қиласан даврда, илмий тафаккур ва фалсафа анча эркин ривожланган.

**Антик Юнонистон ва Рим.** Энг қадимги Шарқ афсоналарида одамларнинг оғир турмушини енгиллаштириш учун олов кашф этган, уй ҳайвонларини тақдим қиласан, курол-аслаҳа ясашни ва уй-жой қуришни, касб-хунар ва билим ўргатган буюк инсонпарвар образлар яратилган. Улар баъзан яратувчи, сахий худолар шаклида, баъзан ҳеч нимадан, ҳатто худо фазабидан, улимдан ҳам қўрқмайдиган, аммо инсон бахти учун барча қийинчилкларга бардош бериб, ўзини қурбон қилишга тайёр қаҳрамонлар сифатида намоён бўлади. Буюк "Шоҳнома"да куйланган, дунёни бошдан оёқ обод қиласан, ҳамма ёқни

адолатга түлдирган, тошдан олов чиқариб, равшанлик сочган адолатпаноң Ҳушанг ва унинг фарзанди, "жаҳонда фойдалы ҳар нимаики бор, банддан ечиб уни этган ошкор", йигирмоқни ва тұқимоқни, мато ё гилам ясамоқни одамға ўргатған дөвбанд Тахмурас каби қаҳрамонлар асли ҳалқ ижодидан олинган образлардир. Зулм ва адолатсизликка, золим шохға қарши исён күтартған, юқорида қайд қилинганидек, ҳалқ қаҳрамони темирчи Кова ҳам, қадим афсоналарда аждархога қарши курашған, қүёш каби покиза Фаридун ҳам ҳалқ оммасининг эзгу орзулатарини үзіда ифодалаган образлардир. Адабиётта инсонларнинг ғамхұр ҳомийиси ва ҳалоскори, "fal-safa kalendari"даги әңг олижаноб авлиё ва жафокаш киши", деб таърифланған қадимги афсонавий юнон қаҳрамони Прометей ҳам инсонпарварлық фазилатлари учун, ривояттарға күра, Олимп худолари ҳұмки билан дағшатли азоб-уқубатта учрайди.

Аслида бу ривоятларда инсон тафаккурининг құдратли чироги нодонлик ва хурофтота қарши күтарилған ақп исёни сифатида намоён бұлади. Инсон ақли ва тафаккури қанча узоқ нур сочса, киши ҳаёти шунча ёрқин ва енгил бұлған, нодонлик ва хурофт орқага чекинган. Аммо бу олижаноб кураш йўлида қанча ҳақиқий прометейлар азоб чеккан, ҳақиқат йўлида қурбон бұлған ёки фожиали ҳаёт кечирған. Бу кураш, айниқса, илмий билимлар анча ривожланған, маданият ва санъат равнақ топған қадимги Юнонистон ва Римда яққол намоён бұлади.

Антик дунё диний тасаввурларининг әңг асосий хусусиятларидан бири шундаки, улар теология (илохиёт)ни, Авесто, Таврот ва Инжил сингари муқаддас китобларни билмаганлар. Мифологияга асосланған бу динлар жiddий талабчан ақыдалардан ва күр-күрона итоатлардан ҳам нисбатан озод бұлған. Қадимги Юнонистонда ҳатто худолар, маъбудалар тұғрисида эркін мулоҳаза юргизиб, баъзан уларни танқид қилиб турғанлар. Оқибатда кохинлар алоҳида каста ёки ижтимоий табақа бұлиб ажralиб чиқмagan, уларнинг таъсири ҳам анча чекланған. Күп худоларнинг образлари одамсимон шаклда бұлиб, баъзан тотемистик тасаввурларни ифодаловчи зооморф (хайвонсимон) белгиларни ҳам сақлаб қолған.

Маъбудалар ичидә ҳосилдорлик, дәҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ худолар жуда муҳим ўринни эгаллаган. Ер ҳаёт бошланғичи, бутун борлиқнинг онаси, барча нарса ердан чиқиб, ерга қайтади, деган тушунча асосида маҳсус ҳосилдорлик худоси Деметрага сифинганлар. Олимп худолари ичидә фахрий ўринни эгаллаган Деметра қонунчилик, никоҳ ва оила ҳомийси деб танилган. Унга атаб ҳар хил байрамлар ўтказилган, тантаналарда катта гулхан ёқиб, хўқиз, сигир, чўчқа, мева, асал ва бошқа нарсалар курбон қилинган. Деметра Италия дәҳқонларининг маъбудаси Церера билан, кейинчалик Шарқда кенг тарқалган барча худоларнинг ва мавжудотларнинг онаси, табиатни тирилтирувчи ва ҳосил берувчи "Буюк Она" деб ном қозонган Кибела билан уйғунлашиб, қандайдир нафис ва гўзал аёл образида тасвирланган. Қулдорлик жамияти инқизорзга учраган даврда (милоднинг I асрларида) қадимги Мисрнинг буюк табиат худоларидан опа-сингил Ўсиприс ва Йисида ибодати ниҳоятда кучаяди, юон-рим оламида бутун империяда Шарқ худоларидан Кибела, Аттис, Митра ҳам фахрий ўринни эгаллади.

Асосий худолардан ташқари қадимги юононлар жуда кўп иккинчи даражали маъбудалар — табиат кучлари ва ҳодисаларини ифодаловчи нимфаларга, ярми одам, ярми от образидаги афсонавий ўрмон девлари — кентаврларга, худоларнинг оддий аёллар билан алоқасидан туғилган ярим маъбуд деб танилган қаҳрамонларга ҳам сифинганлар. Уларнинг номига атаб маҳсус ибодатхона (героон)-лар қурилган, умумхалқ байрамлари ўтказилган, қурбонликлар берилган. Шаҳар ҳомийлари — қаҳрамонларга сифиниш аслида Юнонистондаги сиёсий тарқоқликтининг акс садоси эди. Айнан айрим шаҳарлар хукмронлиги ўрнатилиб, маданий ва иқтисодий бирлик жараёни кучайган пайтда хукмрон шаҳар худоси майдада маъбудаларни ўзига сингдириб, барча умумдавлат қонун-қоидаларини қўриқловчи буюк худо деб танилган. Бу, айниқса, Олимпия худоларида ўз ифодасини топади.

Қадимги юонон афсоналарига қараганда, энг асосий худолар Фессалия яқинидаги баланд Олимп тоғларида бир оила бўлиб, ҳар бири мис ва тилладан ясалган қасрларда яшаганлар. Бу худолар оиласининг энг каттаси барча ху-

доларнинг отаси Зевс булиб, ҳамма худолар унга сўзсиз бўйсунган. Ундан кейинги ўринларни унинг укалари денгиз ҳокими Посейдон ва ер ости подшолигининг ҳокими Аид эгаллаган. Зевснинг сингиллари Гера, Деметра, Гестия ва унинг барча фарзандлари ҳам муайян илоҳий мансабларни эгаллаб, инсон фаолиятининг айрим соҳалари устидан ҳомийлик қилганлар. Аслида, Олимп худоларининг турмуши ва иерархияси, яъни оила тузуми ҳаёти қадимги юонон патриархал уруғ зодагонлари оиласи тузилиши ва ижтимоий ҳаёти намунасининг аксидир.

Олимпия ибодати ва маросимлари бутунлай давлат назорати остида бўлган. Коҳинлик вазифасини муайян бир даврга сайлаб қўйилган полиснинг эркин фуқаролари бажариб турган. Олимпиядаги муқаддас ибодатхоналар бутун антик дунёда катта обрўга эга эди. У ерда махсус байрамлар ва ўйинлар милоддан аввалги 776 йилда ўтказилган бўлиб, ўша даврдан бошлаб умумюонон йил ҳисоби бошланади. Кейинчалик эллинизм замонасида шарқий худоларнинг таъсири зўрайиб, ҳар йил махфий диний удумлар ўтказиш кучаяди.

Қадимги Римда ҳам деҳқончилик ва чорвачилик асосий хўжалик фаолияти бўлганлиги туфайли диний тасаввурлар табиат кучлари, қишлоқ ҳаёти ва деҳқончилик меҳнати билан боғлиқ бўлган. Даставвал, ҳар хил табиат ҳодисалари ва кучларини, инсон фаолиятини ифодаловчи ҳомий арвоҳларга сифиниш кучли бўлган. Худолар ҳам гўё турли вазифаларни адо этганлар. Масалан, дастлаб, деҳқончилик ва чорвачилик ҳомийси, баҳор ва уйғониши худоси Марс кейинчалик уруш маъбудасига айланган. Илк боғдорлик ва узумчилик худоси ҳисобланган Венера (Чўлпон) кейинчалик юонон Афродитаси сингари муҳаббат ва гузаллик маъбудаси вазифасини бажаради. Осмон худоси Юпитер юононларнинг Зевси ёки мисрликларнинг Омўни сингари деҳқончиликини ва хунармандчиликини ҳомийликка олган энг катта худо деб танилган. Аслида, Римда давлат худоларининг сони 30 та бўлган, уларнинг устида Рим давлатининг қудратини ифодаловчи энг олий маъбуд, яъни "худоларнинг отаси" Юпитер турган.

Аммо майда худолар ҳам жуда кўп бўлган. Шунинг учун ҳам I асрда яшаган рим сатириги Петроний биз-

нинг Италияда одамларга қараганда худоларни кўпроқ учратиш мумкин, деб ҳазил қилган. Дарҳақиқат, қадимги Римда табиатнинг ҳар бир ҳодисаси, ҳар бир буюм, одамнинг ҳар бир фаолияти ва ҳис-туйғулари ҳам ўз худосига эга бўлган. Фақат гўдак билан боғлиқ 43 та худо бўлган: унинг биринчи овоз чиқаришида бир худо, биринчи сўз айтишида иккинчи худо бош бўлган, маҳсус худолар гўдакни овқат ейишга, суюқлик ичишга, ётишга ўргатган, туртта худо уни ўйнатишга олиб чиқсан. Инсон фаолияти ва туйғуларини ифодаловчи тушунчалар — Умид, Жасорат, Бахт, Такдир, Адолат, Тинчлик каби мавҳум худолар қадимги рим динларининг хусусиятидир. Ҳатто эркакларнинг шахсий ҳомийси бўлган худо (гений)лар, аёлларнинг оиласи турмуши, бола туғилиши, баҳт-саодатини қўриқловчи шахсий маъбуда (юнона)лар ҳам мавжуд бўлган. Дастлабки даврларда римликлар худоларни тасвиrlамаганлар, ибодатхоналар қурмаганлар. Фақат эллинизм давридан бошлаб юонон маданияти ва дини таъсири остида худоларнинг ҳайкаллари ва расмларини ясанганлар, дабдабали муқаддас ибодатхоналар қурганлар.

Милоддан аввалги даврнинг охириги асрларида Рим жамиятида жиддий ижтимоий ўзгаришлар таъсири остида икки қарама-қарши ғоявий ҳодиса рўй беради. Бир томондан, эллинизм даврида халқ оммасининг оғир аҳволи ҳар хил хурофиий иримлар ва Шарқ худолари тўғрисидаги ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келган; эски дин инқизога учраб, худоларга "манслаблар теккан".

Кўп римликлар Кичик Осиёга зиёратга — худоларнинг Буюк Онаси Кибелага топиниш учун сафар қилганлар. Энг кенг тарқалган Фортуна (Омад) худоси дастлаб ҳосилдорлик ва экин ҳомийси деб танилган булиб, кейинчалик у тақдир маъбудасига айланган. Тўхтовсиз урушлар, қирғин ва талон-тарожлар кишиларни ўз уйидан, оиласидан, мол-мулкидан ажralиш хавфини туғдириб, уларда умидсизлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини пайдо қилган. Шунинг учун бугун бирорнинг баҳтини, эртага яна бошқанинг баҳтини, омадини ҳал қилувчи тақдир худоси Тихи ўша даврда энг машҳур худолар даражасига кўтарилилган. Эски даврнинг худолари ҳеч қандай најот ва енгиллик келтирмаганлиги туфайли илгариги об-

Қадимги Юнонистон ва Римнинг жўшқин иқтисодий ва сиёсий ҳаёти анча жонли, ҳаракатчан ва бой фалсафий даҳрийлик руҳидаги тафаккурини яратган эди. Юқорида қайд қилинганидек, антик даврда фалсафий ва даҳрийлик тафаккурининг ривожланишида жиддий диний ақидалар ва сиёсий кучга эга бўлган коҳинлар табақасининг бўлмаганлиги муҳим роль ўйнаган. Ҳамма нарсани билишга ва ўрганишга ёрдам берадиган инсон ақлига ишончнинг кучлилиги бу даврга хос ҳодисадир. Қадимги юнонларнинг эркин фикрли драматургларидан Эпихарм айтган эди: "Ҳушёр бўл, ишонмасликни ўрган, танангнинг барча моҳияти ўшандა!".

Милоддан аввалги VI асрда йирик савдо, денгизчилик ва маданият маркази ҳисобланган Милетда пайдо бўлган энг қадимги фалсафий мактабда даҳрийлик ғоялари кучли бўлган. Шу мактабнинг Фалес, Анаксимандр ва Анаксимен каби атоқли намояндалари математика, география ва астрономия соҳасида қилган ажойиб кашфиётлари билан диний таълимотларга қаттиқ зарба берганлар. Милет мактабига асос солган Фалес ҳамма нарсани ташкил этадиган моддий субстанцияни излаб, барча мавжудотнинг бош асоси сув деган таълимотни тарғиб қилган. У худоларга ва файритабиий кучга кўр-кўrona итоат қилишга қарши чиқиб, материянинг ва ҳаракатнинг абадийлиги ғоясига асосланган стихияли диалектика тарафдори бўлган.

Анаксимен эса олам, шу жумладан одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги диний афсоналарни мутлақо инкор қилган. У одамнинг бошқа бир мавжудотдан келиб чиққанлигини исботлашга интилган. Анаксимандр таълимоти бўйича коинот тузилувчи ва емирилувчи жуда кўп атомлардан иборат, коинотнинг марказида Ер жойлашган, унинг атрофига уч осмоний ҳалқа: Қуёш, Ой ва Юлдуз ҳалқалари доимо айланиб туради.

Файритабиий кучлар табиат ҳодисаларига таъсир қила олмайди, деган фикрни Милет мактабининг йирик вакили Анаксимен ҳам айтган. Унинг фикрича, барча мавжудот ҳаводан вужудга келади ва ҳавога қайтади, қуюқлашган ҳаво дастлаб булутга, сўнгра сувга, кейин тупроқ ва тошларга айланиб, майдаларидан олов пайдо булади. Жон ҳам, коинотнинг барча оламлари ҳам ҳавонинг ўзиdir,

бу ерда худога үрин йўқ. Хуллас, Милет мактаби файла-суфлари худоларнинг яратувчилик фаолиятини инкор қилиб, барча буюм ва ҳодисаларнинг табиий, қонуний характерда эканлигини исботлаб, олам тўғрисидаги диний тасаввурларни пучга чиқаришга ҳаракат қилганлар.

Кичик Осиё (Эфес) даги зодагонлар зотидан чиққан буюк файласуфлардан Гераклит ҳам үша даврларда оламни худолар яратган, деган таълимотни рад этган. Унинг фикрича, табиатнинг бош моддаси энг ўзгарувчан ва серҳаракат оловдир, бутун олам, ҳатто тирик жонлар ҳам ундан келиб чиққан. "Бутун мавжудот учун айни бир яхлит бўлган бу оламни ҳеч қандай худо ва ҳеч қандай инсон яратмаган, у қонуний равишда бир меъёрда ўчиб турадиган абадий жонли олов тарзида ҳамиша бўлган, мавжуд ва ҳамиша бўлади", дейди Гераклит. У худоларга багишлиган афсоналар ва шоирларнинг асарларига салбий муносабатда бўлган, беъмани курбонликларни ва худоларнинг ҳайкалларига сажда қилишни масхаралаган.

Қадимги юонон демократияси даври (милоддан аввали V аср)да ҳурфикарлилик айниқса ривожланган эди. Бу даврнинг энг йирик намояндадаридан Анаксагор ўзининг буюк истеъоди ва донишмандлиги билан замондошларини ҳайратда қолдирган. Табиатшунос, файласуф сифатида уни жонли ва жонсиз табиат қонунлари ва ҳодисалари қизиқтирап эди. Анаксагор учун Қуёш қурбонлик талаб қиласиган Гелиос худоси эмас, балки абадий "олов шар". Ой тутилиши ва айланишининг ҳеч қандай файритабиий кучга алоқаси йўқ, балки у муайян табиат қонунлари асосида ҳаракат қиласиди ва содир бўлади. Қуёш ва юлдузлар — "осмондаги жонли худолар" эмас, балки метеорга ўхшаш моддий жисмлар — "осмон тошларидир". Унинг фикрича, ҳаётнинг келиб чиқиши коинотдаги заррачалар — "буюм уруғлари" билан боғлиқ, улар ҳаво орқали ёмғир билан ерга тушган ҳамда жонли маҳлуқлар, ўсимлик ва ҳайвонлар пайдо бўлган. Мазкур фикрлар худоларнинг яратувчилик қобилиятини инкор қилиб, диний эътиқодни обруғизлантирап эди, албатта. "Худоларни ҳақорат қилгани" учун Анаксагор худосизликда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинган эди. Аммо Афина республикасининг бошлиғи Перикл ҳимояси туфайли ўлим жазоси

бадарға қилиш ҳукми билан алмашинади. Буюк донишманд сургунда вафот этади.

Диний ривоятларга ишонмагани учун атоқли файласуф Протагорни ҳам Афина суди үлим жазосига ҳукм қилған эди. Унинг "Худолар ҳақида" номли асари күйдирілген, үзи Афинани ташлаб, қочиб кетишга мажбур бұлған. Атеист Диагор эса диний удумларни масхара қилғани учун сиртдан үлимга ҳукм қилиниб, унинг боши учун катта мукофот әзілген этилған. Ажайиб драматург Эврипид ҳам Афинадан ҳайдалиб, чет әлда бошпана топған. У үткір сатирик трагедияларыда худоларни ахлоқсиз деб тасвирлаган. Унинг асарларыда Гера, Аполлон, Афродита ва бошқа худолар бузуқ ниятлары билан қанча бегуноқ кишиларнинг үлемига сабаб бұладилар. Эврипид ҳатто худоларнинг борлигига очық шубҳа билан қарайди. Унинг "Беллерфонт" номли трагедияси қаҳрамонларидан бири осмонга күтарилиб, худоларни ахтарып топа олмаганлигини айтади:

Осмонда худо бор дейдилар!..

Йүқ! Йүқ! Улар йүқ. Агар кимдаки,  
Бир томчи ақл бұлса, у ишонмайды  
Үтмиш ривоятларига.

Бу даврда ҳам инсоннинг қалби ва онги учун кураш илмий тафаккур билан хурофий тасаввурлар орасидаги муросасиз курашда ўз ифодасини топди. Қадимги юонон демократияси яшнәётган замонда ҳаёт, табиат ва жамият ҳодисаларини динга зид ҳолда илмий жиҳатдан үрганиш кучаяди. Бунга иккита буюк мутафаккир — Гиппократ ва Фукидид ёрқын далил бұла олади.

Машхұр врач ва мутафаккир олим, "тиббиётнинг отаси" Гиппократ касалликларнинг пайдо бўлиши ёвуз рухлар ва худо ғазаби билан боғлиқ эмаслигини, балки маълум сабабларга кўра келиб чиқишини тушунтирган. Унинг айтишича, тиббиёт масалаларыда арвоҳлар ёки худолар иродаси билан эмас, балки киши баданидаги табиий холатни үрганиш асосида мuloҳаза юритиш мумкин. Гиппократ табиблар тавсия қиласында қылалығында қаралған қаралғанда да воланиш йўлларини, сеҳргарлик усул ва воситаларини

фош қиласы. У ит, эчки, от каби ҳайвонларни ёриб очиш асосида эпилепсия ва бошқа асаб қасалликларининг сабаби файритабиий күч ёки худо fazabi эмаслигини исботлаб берган.

Унинг замондоши тарихчи Фукидид эса ижтимоий ҳодисаларнинг пайдо бўлиши сабабларини илмий жиҳатдан изоҳлаган. Геродот тарихий воқеалар сабабини ҳар хил афсона ва ривоятлардан ахтарган бўлса, Фукидид унга қарама-қарши ҳолда воқеаларнинг ривожланишида файритабиий кучларнинг ҳеч қандай роли йўқ дейди. Унинг фикрича, кўрқинч, уруш келтирадиган социал оғат ва бошқа мусибатлар диний эътиқоднинг манбаидир.

Табиат ҳодисаларининг моҳиятини илмий тушунтиришда ажойиб файласуф, фанда юнонлар орасида биринчи энциклопедик ақл-заковот соҳиби деб танилган Демокрит алоҳида ўрдинни эгаллади. Атомистиканинг асосчиларидан бири ҳисобланган бу донишманд икки бош ибтидони — атомлар ва фазони эътироф этиб, атомлар бирикмасидан буюмлар ҳосил бўлади, уларнинг парчаланиши жисмларнинг ҳалок бўлишига олиб боради, деган фикрни илгари суради. Бениҳоя кўп, "туғилиб ва ўлиб турадиган" оламларни худо яратган эмас, улар табиий йўл билан, зарурият юзасидан пайдо бўладилар ва ўладилар. Демокрит сабабият зарурият билан бир, атомлар абадий ҳаракатда, барча жонли мавжудотлар ҳам атомлардан ҳосил бўлади, деган муҳим foяни илгари суради. Унинг айтишича, жон ҳам атомлардан ташкил топган, аммо у маҳсус турда — доирасимон ва тез ҳаракат қиласидаган атомдир. У ўлмас жонни инкор қилиб, "жон ўладиган тана билан бирга йўқолади", дейди.

Инсоннинг билиш қобилиятини эътироф қилиб, Демокрит киши борлиқни ўз ҳиссий органлари орқали сезади, билим буюмларнинг моҳиятини аниқлаб, бизга атом ва бўшлиқ тўғрисида маълумот беради, дейди. Бу билимга ақл орқали эришилади. Кишининг ҳиссий идроки билимнинг асосий манбаи ҳисобланса ҳам, чинакам "ёруғ", нозик билим ақл воситаси билан юксалиб туради ва бу билим оламнинг моҳиятини: атомлар ва бўшлиқни билишга олиб боради. Бу фикр, албатта, динга тубдан қарама-қарши. Демокрит диний таълимотга мутлақо хилоф

фикрлар айтган. Унинг таърифика, худолар ҳам бошқа буюмлар сингари атомлардан ташкил топган. Нисбатан узоқ яшашса-да, худолар ҳам үлади. Демокрит диннинг келиб чиқиши сабабларидан бири қўрқинч дейди. Демокрит ўзининг сиёсий қарашларига кўра антик дунё демократиясининг ёрқин намояндаси, қулдорлик зодагонларининг жиддий мухолифи эди.

Демокритнинг хурфиксиллилк фоялари эллинизм замонасида ижод қилган доно файласуф Эпикур томонидан янада ривожлантирилган. У ички ҳаракат манбаига эга бўлган материянинг абадийлигини эътироф этиб, худоларнинг дунё ишларига аралашувини инкор қилади. Демокрит атомизмини қайта тиклаган Эпикур унга оригинал ўзгартишлар киритади: бўш фазода бир хил тезликда ҳаракат қиладиган атомларнинг тўқнашуви мумкинлигини изоҳлаш учун у атомнинг тўғри чизиқдан ички сабабли оғиши тушунчасини киритади. Бу ҳаракатнинг ички манбаи тўғрисидаги фаразга йўл очиб берган эди. Унинг айтишича, инсон учун билишнинг мақсади — уни жаҳолат ва хурофотдан, худолардан ва ӯлим ваҳимасидан халос қилишдан иборат, бусиз инсон баҳтга эриша олмайди. Ахлоқ масалаларида Эпикур кишига оқилона ҳузур-ҳаловат, завқ-сафо зарурлигини асослаб, бу ҳузур-ҳаловат замирида азоб-уқубатлардан четлашиб, осойишта ва қувноқ руҳий ҳолатга эришишдан иборат бўлган идеални қўяди.

Теран тафаккур эркинлиги ва даҳрийлик фоялари қадимги юонон драматурглари асарларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларда олижаноб, жафокаш прометейлар жаҳлдор, золим илоҳий зевсларга қарама-қарши қўйилади. Аристофан ва Лукиан комедияларида, Эврипид трагедияларида ва бошқа драматик асарларда қадимги юонон маъбудаларининг ярамас хатти-ҳаракатлари зўр маҳорат билан дадил танқид қилинади. Ўтган аср мутафаккирларидан бирининг таърифика, илоҳий кучлар Эсхилнинг "Кишанланган Прометей"ида бир марта трагедия шаклида — ӯлгудек жароҳатланган бўлса, Юнонистон худолари Лукианнинг "Суҳбатларида" яна бир марта — комедия шаклида "улишига тўғри келади".

Демократиянинг гуллаган давридаги қадимги Юнонистон эркин тафаккурининг энг ажойиб ютуғи шундан

иборат эдики, бу даврда фалсафада ҳам, санъатда ҳам кишиларнинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқарувчи омил — файритабиий куч эмас, балки, даставвал, ердаги ҳаёт, инсон узи яратган ахлоқ нормалари деган ғоя пайдо бўлади. Протагор: "Инсон — барча нарсаларнинг мөъёридир", деган эди. Кеосслик мутафаккир Продик эса, диний эътиқоднинг илдизи инсоннинг ўзига фойда келтирадиган барча нарсанни илоҳийлаштиришида, дейди. Бу инсоннинг табиат ва ижтимоий кучлар олдида ожизлиги ва қарамлиги диний тасаввурлар пайдо бўлишининг сабабидир, деган гапнинг ўзидир.

Ўша даврда зодагонлар манфаати ва мафқурасиниifo-даловчи машхур Сократ ва унинг издошлари, чунончи, энг йирик идеалистик файласуф Платон материализмга, табиий-илмий билимлар ва даҳрийликка қарши чиққанлар. Сократ диний-ахлоқий таълимотида оламнинг тузилишини, нарсаларнинг физик табиатини билиб бўлмайди, биз фақат ўз-ўзимизни билишимиз мумкин, дейилади. Унинг фикрича, билим — умумийлик ҳақидаги тушунча, билимнинг олий вазифаси назарий эмас, амалий мақсадга қаратилган яшамоқ санъатидан иборат. Бу ғояни Сократ "ўз-ўзингни бил" деган формула билан ифодалайди. У дин ва ахлоқ негизи руҳ ва ақлда, деб билади. Сократнинг таърифика, ёмон қилиқлар фақат билмасликдан келиб чиқади ва ҳеч ким ўз хоҳиши билан ёмон бўлмайди. Гарчи Сократ шу тариқа диний тасаввурларни ёқласа-да, уни динсизлик ва ахлоқсизликда айблаб қатл қилганлар.

Платон ҳам материалистик таълимотларга қарши актив кураш олиб борган, идеалистик қарашни ҳар томонлама тарғиб қилган. Платон борлиқни изоҳлаш учун нарсаларнинг жисмсиз шакллари мавжудлиги ҳақидаги назарияни ривожлантиради, бу нарсаларни "шакллар" ёки "гоялар" деб атаб, уларни абадий борлиқ билан бирдай қилиб кўрсатади. Унинг космологиясининг марказида "оламий руҳ", дунёни яратган худо ҳақидаги диний таълимот туради. Билишнинг турларини у ўрганилувчи буюмларнинг тафовутларига қараб бир-биридан фарқ қилган ва чинакам билишнинг манбаи — ўлмас руҳнинг олам ҳақидаги хотиралари деб ҳисоблаган.

Платон афсоналарда куйланган Олимп худоларининг антропоморф, яъни одам шаклидаги образларини, хушчақ-чақ, кулги, кайф-сафо тұла ҳаётини рад қылған. У тасвиrlаган аристократик жамиятда юмор, кулги ва кайф-сафо ман қилиниши зарур, бадий адабиётда фақат худоларни ва қаҳрамонларни улуғлайдиган күйлар булиши мумкин. У мифологияни рад қылса ҳам, инсон тақдирини бошқарувчи худолар борлигига ишонған. Унинг фикрича, нариги дунёда үлғанларнинг жонлари суд қилиниб, гуноҳига яраша ёмон бұлса даҳшатли азоб берилар, тақводор бұлса ҳузур-ҳаловотда лаззатли ҳаёт кечирар әмиш. Платон таърифика, ёмонарни дұзахда олов танли қабиқ маҳлүқлар құл-оёғини боғлаб, ерга ётқизиб қамчилайдилар, тиканлик ва тошлоқлардан судраб, ернинг эңг чуқур туби Тартарга ирғитиб ташлайдилар. Платон үзининг гоявий душманлари — материалистларни шафқатсиз жазолашга, қамоққа олишга, калтаклашга, қашшоқликка маҳкүм ва бадарға қилишга чақырган. Христиан дини Платон гояларини, айниқса, худо йулида ва қиёмат учун бу дунё лаззатларидан воз кечиб, тақводор булиш гоясини тұлық қабул қылған.

Платоннинг идеалистик таълимотига унинг шогирди, ажойиб файласуф ва қомусий олим Аристотель қарши чиқади. У устознинг жисмсиз шакллар ("гоялар") түғрисидеги таълимотини танқид қиласы. Платон идеализмини бутунлай бартараф қила олмаган бұлса-да, Аристотель материализмға яқынроқ турған. Унинг "шакл" ҳақидаги объектив идеалистик таълимоти Платон идеализмiga қаралғанда күп жиҳатдан объективроқ ва умумиyroқ, шунинг учун ҳам, натурфилософияда күпроқ материализмға олиб келади. Аристотель таълимотининг материалистик гоялары феодализм даврида илмий гояларнинг ривожланишида муҳим роль үйнади, идеалистик элементлари эса Аристотель таълимотини "үлк схоластика"га айлантирган, ундан үрта асрнинг дин арбблари "диалектиканинг жонли күртаклари ва талаблари"ни бутунлай чиқарып ташлаб, идеалистик гояларини бүрттириб күрсатғанлар.

Милод бошларыда (I – II асрларыда) антик атеизм буюк рим файласуфи ваншири Лукреций Кар ва ажойиб сатирик ёзувчи Лукиан асарларыда үзининг олий ифодасини топған әди. Поэтик жанрда ёзилған "Нарсаларнинг

табиати ҳақида" номли асарида Лукреций материалистик ва атеистик ғояларни ўртага ташлади. У атомистик таълимотга асосланиб, барча нарсалар атомлардан ташкил топган, улар доимо ўзгарувчан, абадий ва йўқолмайдиган характеристерга эга, деб таъкидлайди. Унинг жонли дунёнинг тадрижий ривожланиши түғрисидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Барча жондорларни табиат ўз қонунлари асосида яратди, шунинг учун ҳам ерга она номи берилган, дейди у. Демак, дунё илоҳий таълимотда айтилганидек, худо томонидан яратилганилиги қуруқ гап. Лукреций Кар инсониятнинг келиб чиқиши ва тараққиётида одамнинг қурол ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлиши муҳим роль ўйнаганлиги түғрисида кенг мулоҳаза қиласди. "Даставвал, кишига қурол бўлиб унинг кучли қўллари, тирнофи, тишлари, тошлар, дараҳтларнинг синган шоҳлари ва олов хизмат қилган. Кейин мис ва темир ишлатилган" — дейди у. Агар одам дастлабки даврда пассив ҳолатда табиатга мослашган бўлса, кейинчалик меҳнат қуроллари туфайли фаол кун кечирадиган бўлган, сўнгра тикищ, уй-жой қуриш, шаҳар ва қальъалар тиклашни ўрганган.

Лукреций Кар диннинг илдизи кишиларнинг дунёвий ҳаётида, айниқса, уларнинг табиатнинг құдратли кучлари олдида қўрқувида, дейди. Ҳодисалар сабабини ўрганиш орқали бу қўрқувдан қутулиш мумкин. "Ҳар хил даҳшат ва руҳнинг хираланишини бартараф қилиш зарур, бунга табиат қонунларини ўрганиш ва изоҳлаш йўли билан эришилади". Демак, Лукреций таърифича, динга қарши курашда асосий восита — фан, биринчи галда табиатшунослик фани. Дин ва фан бир-бирига зид, фан бор ерда хурофотга, динга ўрин йўқ ва аксинча. Теварак-атрофда нарсаларнинг муайян тартиби ўрнатилган. Шу тартиб асосида яшин, момақалдиrok, бурон, шамол ва бошқа табиат ҳодисалари рўй беради. "Одамлар, — деб ёзади Лукреций Кар, — мазкур ҳодисаларнинг сабабини тушуна олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар барча нарсалар худо иродаси билан бўлади деб ўйлайдилар". Унинг фикрича, одамлар ўзининг нодонлиги туфайли худодан мадад ахтарадилар. Эпикурдан юқори кўтарилиган Лукреций Кар ўз ғояларига содик бўлиб, худоларнинг борлигига мутлақо ишонмаган. Унинг таърифича, худоларнинг борлигига ишонган киши

ноилож хурофотга берилади. Мазкур дадил эркин фикрлар динга қарши қаттиқ зарба эди.

Қадимги антик даврнинг Вольтери, деб танилган буюк сатирик Лукиан диннинг барча томонлари ва шакллари ни жиддий танқид қилган. II асрнинг энг кўзга кўринган даҳрийси ва жасур мутафаккири ҳисобланган суряялик бу олим "Худолар сұхбати" ва бошқа ажойиб асарларида одам образидаги худоларнинг салбий томонларини дадил тасвирлайди. Унинг таърифика: барча худолар ёлғончи, ўғриликдан ҳам қайтмайдиган муғомбир, ҳирсга берилган. Худолар ва одамларнинг отаси ҳисобланган Зевс шаҳватпараматликка берилиб, хотинига бевафолик қилиб, ҳатто баччавозлик қиласи, шу мақсадда у Олимп тоғига ердан чиройли ва нодон Ганимед номли баччани олиб келади. Зевснинг ўғли ҳисобланган худо Гермес эса отасининг салтанат ҳассасини (скипетри), Афродитанинг камарини ўғирлайди. Лукиан, айниқса, худоларнинг ҳайвонсимон образлари устидан завқланиб кулган. У Зевснинг ё бургут, ё ҳўқиз, ё оқкуш шаклида намоён бўлганилиги тўғрисидаги ривоятларни, қўчқорбошли ва итбошли Миср худолари образларини қаттиқ масхара қилган.

Лукиан, айниқса, қурбонликларни ва шу одат орқали таъмагир худоларни масхара қиласи. Худолар ҳам бадалсиз бирон иш қилмайдилар, улардан бир ҳўқиз, қўй, ҳуроз ёки бир ҳовуч донга соғлиқни ҳам, ҳокимиятни ҳам, омадни ҳам сотиб олиш мумкин, дейди Лукиан. У беҳуда урф одат ва маросимлар, сон-саноқсиз бемаъни хурофий тасаввурлар, охират тўғрисидаги уйдирма, афсоналар, ҳар хил ёлғончи авлиёлар ва фирибгар доухонларни шафқатсиз фош қилган.

Шундай қилиб, антик даврдаги хурфикрлилик ва даҳрийлик асосан мавхум тафаккурга ва антик диалектикага таяниб ривожланган. Кулдорлик даврида ҳали етарли даражада илмий замин бўлмаганлиги, яъни фан-техника билимлари ҳали ўсиб етишмаганлиги сабабли бу замондаги илмий foялар стихияли, содда ва кўпинча исбот қилинмаган эди. Аммо антик замондаги илм-фан ва илоҳий таълимотлар орасидаги буюк зиддият асли ҳукмрон ижтимоий тузум ва қарама-қаршӣ турли табақалар орасидаги шафқатсиз зиддиятнинг акс садоси эди.

**Ислом.** Кейинги бир асрдан ортиқ давр давомида Farб ва Шарқ мұаллифлари ислом ва унинг келиб чиқиши, тарихи ва ривоятлари, ибодат ва ақидалари, Аллоҳ ва пайғамбарлар тұғрысиса жуда күп асарлар яратғанлар. Улар мазкур муаммоларни ўз асарларидә асосан илоҳиётта, даставвал Куръон ва ҳадисларга таяниб баён этгандар. Диний масалаларга оид қайси бир асарни олманг, барчаси ўрта асрлардаги Аллоҳ исми ва Куръон суралари билан бошланади. Күпчилік мұаллифлар ҳозиргача этник (миллий) бирлик билан диний бирлик (мусулмон-чилик)ни аралаشتыриб, янгича замонага мослашған фояларини күтариб чиқмоқдалар.

Шуны алоҳида қайд қилиш лозимки, кейинги ўн йилліктерде жаҳон исломшунослиги анча салмоқли тадқиқоттар үтказиб, күп ноаниц, چалкаш муаммоларни ҳал қилишга мұяссар бўлди. Ҳатто энг йирик исломшунос олимларнинг эскирган, چалкаш, аммо жуда кенг тарқалган фикрларига аниқликлар киритилди. Айниқса, ниҳоятда қоронғу, илмий жиҳатдан кам ёритилган араб халқининг исломгача маданийти, адабий мероси, дунёқараши ва оғзаки ижоди соҳасида самарали иш олиб борилди. Мазкур тадқиқотлар исломшунослик фанини анча бойитди ва тұртинги жаҳон дини тарихининг сирли саҳифаларини, Аллоҳ, пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар, муқаддас китоб ва ривоятлар тұғрысидаги жумбокқарни ечишга имкон берди. Биз ҳам ушбу ютуқлар туфайли қўлга киритилған хулосалар асосида ислом тарихининг баъзи саҳифаларини варажтаймиз.

Ҳозир жаҳонда, юқорида қайд қилинганидек, ўзини мусулмон (муслим) деб ҳисобладыған аҳолининг сони аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 800 миллиондан бир миллиардгача, яъни ер куррасида тахминан ҳар олтинчи киши мусулмон. Айрим илоҳиётчилар таърифича, вақти келиб, сон жиҳатдан мусулмонлар жаҳонда биринчи ўринга ўтармиш. Улар асосан Осиё, Африка ва Қисман Европа қитъаларида жойлашған. Аммо ўзини "мусулмон" деб атаганларнинг ҳаммасини диндорлар қаторига киритиш нотұғри. Чунки ислом кенг тарқалған ёки ҳукмрон бўлган мамлакатларда ҳам диний ақидалар ва ибодатлар бутун ижтимоий ва оиласиң майиши ҳаётнинг барча ҳужайрасига сингиб кетган, ҳар кунги урф-одат,

одоб ва турмуш тарзини ифодалайдиган қонун-қоидалар даражасига күтарилиган. Шунинг учун айрим кишилар ўз эътиқоди билан диндор бўлмаса ҳам ўзини мусулмон деб ҳисоблайди ва барча диний (асли миллий тусга кирган) одат ва маросимларга риоя қиласидилар. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган мусулмон мамлакатларида диний ақидаларга тўла риоя қиласидиган ва ҳар кунги ибодатни адо этадиган кишилар кам учрайди. Уларнинг кўпчилиги мусулмончиликнинг биринчи талаби — калима келтиришни, яъни қуръон сураларидан баъзи ибораларни айтишни биладилар, турмуш тарзига айланган қонун-қоидалаштирилган расм-удумларга ва маросимларга риоя қиласидилар, холос. Араб бўлмаган файри миллатли мусулмон мамлакатларида эса кенг омма шариат қонунларини яхши билмайдилар, Қуръон сураларининг моҳиятини тушунмайдилар.

Ислом динининг таъсири кўп жиҳатдан у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий дараҷаси билан бевосита боғлиқ. Илк Ўрта асрларда пайдо бўлган асосан феодал ва қисман жамоа-қулдорлик тузуми мафкураси сифатида юзага келган ислом ҳозир ҳам асосан илоҳиётчи консерватив тузумларга тўла хизмат қилиб келмоқда. Масалан, Осиё ва Африкада жойлашган 28 мамлакатда ислом давлат дини ҳисобланади, учта мамлакат эса (Эрон, Покистон, Мавритания) ўзини Ислом Республикаси деб эълон қиласидиган. Саудия Арабистони феодал-ѓеократик давлат сифатида бутун ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаётини шариатга бўйсундирган.

Ислом динининг вужудга келиши ва қисқа муддат ичida узоқ юртларга, чеккага, кўшни мамлакат ва элатларга кенг тарқалиб, жаҳон динига айланишининг асосий сабабларидан бири — унинг энг қадимий Евropa ва Шарқ оралиғидаги элементлари — юонон фалсафаси ва рим ҳуқуқшунослиги, қадимий форс маъмурий тадбирлари, кўхна зороастризм, индуизм ва буддизм таълимоти муқаддаслаштирган айрим ибодат ва урф-одатларини ҳамда халқ ижоди намуналарини ўзида мураккаб синкетик (аралашма) тарзда мужассамлаштирганилигидадир. Албатта, бундай синтез қадимги араб маданияти, этник бирлиги ва

маъмурий-давлат тузуми негизида юзага келган эди. Яқин Шарқда милоднинг V-VI асрларида Рим империяси емирилган, узоқ вақт давомида туганмас қон тўкишлар, чет эл ва ички зулмлар, жабру жафолардан доду фарёди кўкка кўтарилиган турли элат ва халқларни, қул ва заҳматкашларни хаёлий (йлоҳий куч орқали) бўлса ҳам эркинлик ва тенглик, осойишталиқ ва аҳиллик ваъда берадиган таълимотга эҳтиёжи кучли эди. Илк христианликдаги сингари ислом дини ҳам даставвал мазлумларнинг оху фарёдини енгиллаштирадиган, анча такомиллашган, оддийроқ, баъзи демократик бояларга эга бўлганлиги туфайли тез вақтда кенг омма орасида тарқала бошлаганлиги ҳам бежиз эмас.

VII аср бошларида диний-сиёсий мағкура сифатида юзага келган ислом бир томондан инқизотга учраётган ва аста-секин емирилаётган ибтидоий жамоа тузуми демократик тартибларини, иккинчи томондан, энди куртак отаётган янги ижтимоий муносабатларни ифодаловчи турли табақаларнинг манфаатини, узаро низо ва курашлардан чарчаган сиёсий бирликка интилаётган араб қабилаларининг орзу-умид ва мақсадларини амалга оширишда энг муҳим восита бўлди. Янги диний тизим ўзидан олдин юзага келган замини ва маданий анъаналари бир бўлган яхудийлик ва христианлик сингари монотеистик бояга асосланган, аммо уни ниҳоятда такомиллаштирган ва тартибга солган таълимот сифатида шаклланган. Шунинг учун мусулмонларнинг муқаддас китоби Куръондаги тоат-ибодат қоидалари, мифологияси ва образлари, ахлоқ-одоб нормалари ва ҳоказолар христиан ва иудаизм билан жуда кўп умумийликка эга.

Аммо фалсафий-мифологик ва диний ибодат соҳасидаги умумийликларга қарамай, ислом дини ўз издошлирининг кундалик майший турмуши ва амалий фаолиятига, Осиё ва Африкадаги бошقا элатларнинг маданиятига таъсир қилишда ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Шу билан бирга жуда кенг ҳудудга тарқалган ислом маҳаллий халқлар ва элатларнинг ҳаётига жиддий таъсир қилибгина қолмай, аксинча узоқ тарихий анъаналарга эга бўлган юксак маданият намуналарини ўзига сингдириб, оқибатда қурама араб-ислом дунёсини юзага келтирган эди.

Ислом пайдо бўлгунча милоднинг бошларида анча кенг ҳудудда жойлашган араблар деҳқончилик, савдо ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар, давлат тузумидан хабардор Византия ва Эрон таъсирида бўлганлар. Яқин Шарқда узоқ даврлардан бери яшаётган араблар асли турли элатлардан иборат семит халқларидан бири эди. Куръонда таърифланишича, шунингдек, кейинги ривоятларга биноан араблар яхудийлар билан бир авлод, ягона отанинг болаларидан келиб чиққан эмиш. Тавротда тилга олинган Иброҳим пайғамбар яхудийлар ва арабларнинг катта отаси (бобоси) бўлиб, унинг ўғиллари Исаакдан — яхудийлар, Исмоилдан — араблар тарқалган, деб ҳикоя қилинади. Ота бир, она бошқа ака-укалардан пайдо бўлган яхудийлар ва арабларнинг афсонавий бирлиги тарихий жиҳатдан ҳам бир семит илдизидан келиб чиққанлиги исботланган.

Илк араб шаҳар ва давлатлари — Яман, Макка, Ясриб ва бошқалар Фарб билан Шарқ ўртасидаги муҳим савдо йўлида жойлашганлиги туфайли қудратли қўшнилар Византия ва Эроннинг доимо диққат марказида бўлиб турганлар. VI аср бошларида бирлашган араб давлатини ҳабаш подшолиги Оқсум босиб олиб, талон-тарож қилади, ундан сўнг 570 йили уни Эрон тортиб олади ва бутун савдони кўлга киритади. Араб элининг муҳим тирикчилик манбай ҳисобланган жанубий савдо йўли аста-секин Эрон давлати зўрлигига шимолга қўчирилади. Кетма-кет бўлиб турган босқинчилик урушлари, ички тўқнашувлар ва савдо йўлининг ўзгариши араб жамиятини жiddий иқтисодий-сиёсий инқизозга олиб келган эди. Бу оғир вазиятдан қутулиш йўлларидан бири ўтиш даврига хос мафкуравий жиҳатдан янги диний таълимотнинг юзага келиши муҳим омил бўлган эди.

Исломга қадар араб жамиятида турли ибтидоий динлар ва қўшни Месопотамия, Византия ва Эрон таъсиридаги диний эътиқодлар кенг тарқалган. Масалан, қуёш ва ойга, айрим худолар ва арвоҳларга, табиат кучлари ва ўлик аждодларга сифиниш, Жанубий Арабистонда, айниқса, фетишизм муҳим роль ўйнаган. Маккадаги муқаддас ибодатхона Каъбада энг катта қора тош ва унинг теварағида ўрнатилган ҳар бир қабиланинг арвоҳлари ва худо-

ларини ифодаловчи фетиши бўлган санамлар (умумий сони 360) муқаддас ҳисобланган. Куб шаклидаги машхур Қоратош барча қабилалар томонидан Олий худо рамзи сифатида танилган. Шубҳасиз, бундай тасаввурлар энди куртак отаётган монотеистик фоялар билан боғлиқ энг Олий худо образини ифодалаган.

Якка худолик, яъни монотеистик фоялар Арабистонда ҳам яхудийлик ва христианлик таъсирида Макка ва Ясриб (Мадина)да анча вақтдан бери маълум эди. Чунки кўп шаҳарларда, айниқса савдо марказларида яхудийлар жамоаси мавжуд бўлиб, улар ўз динларини тарғиб қилганлар. Ҳатто V-VI аср оралиғида Ясриб ва Яманда қисқа мuddат иудаизм давлат дини деб ҳам танилган. Яманни хабашлар босиб олгандан кейин иудаизм таъсири сусайиб, христианлик дини кенг тарқала бошлаган. Айниқса, Фаластин, Сурия ва Месопотамия араблари орасида унинг таъсири жуда кучли бўлган. Жанубий Арабистон шаҳарларида эса христиан жамоалари ва ибодатхоналари пайдо бўлган. Бу ерда қўшни Эрон таъсири остида зороастризм дини ҳам тарқала бошлаган, кейинчалик зороастризм христианлик билан аралашиб, маҳаллий диний эътиқодлар заминида монотеистик фояларга яқинлашган манихейлик — маздакизм таълимотини юзага келтирган эди. Мана шундай ниҳоятда мураккаб бир вазиятда, хилма-хил диний-маданий тасаввурлар ва эътиқодлар таъсири остида қолган араб қабилалари ўзига хос монотеистик диний таълимотга муҳтож эдилар.

Дастлаб яккахудолик фоялари VI асрда Жанубий Арабистонда тарқалган ҳанифийлар ҳаракатида ўз ифодасини топган. Ҳаниф сўзи ягона худога итоат қилувчи киши деган маънени англашиб, ривоятларга кўра уни даставвал Иброҳим (Авраам) пайғамбар тарғиб қилган ва ҳанифийлик кейинчалик ислом динининг фоявий манбаларидан бирига айланган. Баъзи маълумотларга қараганда, айрим ҳанифилар ўз фаолиятида ягона худо маъносида Аллоҳ сўзини ҳам ишлатганлар ва ҳар бир ҳаниф ўзини худо томонидан юборилган ваколатли шахс — наби (пайғамбар) деб ҳисоблаган.

Лекин, Куръон таърифлаганидек, одамлар ҳеч бир пайғамбарнинг ваъдасига эътибор қиласдан, фақат охирги

наби — Мұхаммадни "барча пайғамбарлар мұхри" (хата-му-н-набийин), Аллоҳнинг элчиси (расулу-л-лаҳ) сифатида тан олғанлар. Шундай қилиб, VII асрда пайғамбарлик ҳаракати юзага келган. Энг охирги ва катта бош пайғамбар деб танилган Мұхаммад таълимотининг асосий ғояси Аллоҳни ягона ва буюк деб тан олиш ва ҳамма унинг ирода-сига бўйсуниш, итоат қилиш эди. Аслида "Ислом" сўзи "итоатгўйлик", "муслим" — "итоатгўй" деган маънони англата-ди, яъни мусулмончилик итоатгўй бўлишдан бошланади. Тақводор диндор кишини "мўмин" деб ҳам атаганлар.

Аммо Мұхаммад даврида ўзини наби (пайғамбар), яъни худо томонидан юборилган воиз деб ҳисоблаган кишилар анча бўлган. Масалан, Яманда ҳанифа қабиласи бошлиғи Мусайлима соҳиб кароматли шахс ҳисобланган. Унинг билан иттифоқ бўлган тамим қабиласидан чиққан Сажаҳ номли аёл пайғамбар деб эълон қилинган. Нажждан чиққан пайғамбар Гулайҳа ҳам Аллоҳ номидан воизлик қилган ва асал қабиласига бош бўлган. Ямандан чиққан пайғамбар ал-Асвал бошлигидаги отлик-суворилар қисқа муддатда бутун Жанубий Арабистонни ўзига бўйсундирган. Мадинада набилик қилган ёш яхудий Ибн Сайёд Мұхаммад билан учрашган ва уни ўзининг пайғамбарлик фаолияти билан таништирган. Янги пайғамбарлар ягона қурдатли худо сифатида Аллоҳни, ё Раҳмонни (ўша вақтда кенг тарқалган якка худо образида) тан олғанлар.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бир ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахс муайян ижтимоий гуруҳлар ёки этник бирикма (қабила)лар манфаатини ифодаловчи сиёсий арбоб сифатида юзага чиққан. Улар ҳанифийлар сингари фақат шахсий ибодат билан чекланмай, ягона худо номидан актив ваъзхонлик фаолияти билан танилганлар. Пайғамбарлик ҳаракати исломгача қадимдан Арабистонда тарқалган экстаз, яъни жазавали ҳолатда ҳаяжон билан худога "яқинлашган" коҳинлар фаолияти билан боғлиқ бўлган. Қадимги араб коҳинлари на руҳоний, на сеҳргар бўлмасдан, балки оддий кишилардан ажралган пинҳоний дунё билан алоқадор "олий тоифа"даги шахслар ҳисобланган. Аслида араб коҳинлиги араб пайғамбарлигини юзага келтирган. Макка аҳли ҳам дастлаб Мұхаммадни коҳин деб қабул қилган. Демак, исломгача араб жамиятида ҳар

бир катта ҳудуд ёки ижтимоий-этник гуруҳ муайян сиёсий манфаатларини ифодаловчи ўз пайғамбарларига эга бўлган.

Мұхаммаднинг бошқа замондош пайғамбарлардан устунлиги тор маҳаллий манфаатлардан чиқиб, бутун араб аҳли келажагини ўйлаб, ўз мұхитининг уруғ-қабила анъаналярини сақлаб, куртак отаётган феодал муносабатларни ифодаловчи янги жамият (умма) тузиш мақсадида актив фаолият күрсатғанлигига. У барча соҳаларни қамраб олган ҳокимлик вазифасини Аллоҳнинг номидан унинг Расули сифатида биринчи бўлиб муваффақиятли адо эта бошлаган. Ҳижозлик пайғамбар илгари айрим шахслар бажаридиган ишларни: қабила бошлиғи (сайд), ҳарбий юришлар атамани (оқид), ҳакамлар суди (ҳаким), коҳинлик, кароматли вали (арраф) ва ҳатто нотиқ шоир вазифасини ўзида моҳирлик билан мужассамлаштирганлиги туғайли бошқа пайғамбарларни енгib чиққан. Илгари арабларда коҳинлик руҳоний сифатида эмас, худо билан яқин жазавали ҳолатда башорат құлувчи катта обрўли шахс, шоир эса фақат ижодкор эмас, балки коҳин сингари гайридуңё билан алоқадор, ундан бир погона паст турган "сехрли" зўр кучга эга сўзлардан таъсирчан ваъз айтадиган шахс ҳисобланган. Мұхаммад коҳинлар ва шоирлар хизматидан кенг фойдаланган, унинг ўзи ҳам баъзан шоирлик қилган. Уммага худо сўзини етказадиган махсус нотиқ (хотиб)лар ҳам бўлган. Мұхаммад ўз фаолиятида ҳотиблик вазифасини ҳам бажарғанлиги тўғрисида маълумот бор.

Мұхаммаднинг тарихий шахс эканлиги фанда тасдиқланган. Аммо унинг таржимаи ҳоли тўғрисида, айниқса, ёшлиқ даврига оид аниқ маълумотлар жуда кам. Энг илк биографик асарни Ибн Исҳоқ деган киши пайғамбар вафотидан 130 йил ўтгач яратган. Ундан кейин араб филологи Ибн Ҳишам (834 йили вафот этган) ўша Ибн Исҳоқ ёзган Мұхаммад таржимаи ҳолини қайтадан ишлаб чиққан. "Сира ар расул Аллоҳ" номли бу асар кейинги муаллифлар учун асосий манба бўлган. Аммо унда ҳам пайғамбарнинг туғилган йили ва куни аниқ кўрсатилмаган.

Барча ривоят (ҳадис)лар ва мавжуд адабиётдаги маълумотларни тадқиқ ва қиёс қилиш натижасида Мұхаммаднинг қисқача таржимаи ҳоли қўйидагича таърифланади. Масалан, миср илоҳиётчи олими Мұхаммад ал-Ху-

дарининг 1909 йили нашр этилган "Ҳақиқат нури" номли асарида кўрсатилганидек, мусулмонларнинг пайғамбари рабиъул-аввал ойининг 9-куни (571 йили 20 апрель) душанба эрталаб туғилган. Пайғамбарнинг ўлган куни ҳам 11 ҳижра йили душанба рабиъул-аввал ойининг 13-кунида (831 йил 8 июнь) деб тасдиқлайди. Аммо кўпчилик адабий манбаларга биноан Мұхаммад 570 йили Макка шаҳрида кудратли қурайш қабиласининг ҳошимийлар уруғ-жамоасида дунёга келди. Унинг отаси Абдулла фарзандини кўришга мусассар бўлмай вафот этади, онаси Аминадан эса у олти ёшлигида ажралади. Эрта етим қолган Мұхаммад аввал бобоси Абд-ал-Мутаалиб, икки-уч йилдан кейин бобоси ўлгач, бутпараст (мажусий)лар ибодатхонаси ҳисобланган Каъбада хизмат қилаётган амакиси Абутолиб қўлида тарбияланади. Дастреб амакисининг подасини боқади, сарбонлик қиласиди. 12 ёшлигида узоқ Суряяга амакиси билан кўп ойлик саёҳатга чиқади ва ўша ерда христианлар ва яхудийлар билан танишиб, унда ётдиний тасаввурларга қизиқиш уйғонади.

Вояга етгач, Мұхаммад амакисининг тавсияси билан бой савдогар бева хотин Ҳадичага ишга ёлланади ва унинг савдо ишларидағи ишончли кишисига айланади. Бир оз вақт ўтгач 25 яшар Мұхаммад ёши қирқларга борган бадавлат Ҳадичага уйланади. Аммо уйланишдан олдин сарбонлик қилиб, ёшлигида саёҳат этган йўл билан Суряяга бориб яна турли диний жамоалар билан танишади, христиан монахлари билан учрашиб сұхбатлашади. Шубҳасиз, бундай яқин муносабатлар кейин ҳам бўлиб, оқибатда Мұхаммаднинг монотеистик фояларининг туғилишига замин яратган эди. Албатта, файри дин вакиллари билан ўтган қаттиқ тортишувлар ва баҳслар унда янги "ҳаққоний йўл" топишга туртки ролини ўйнаган ва бу йўл кейинчалик Куръонда ўз ифодасини топган.

Уйланиб деярли чорак асрға яқин баҳтиёр оилавий турмуш қурган Мұхаммад Ҳадичадан икки ўғил ва тўртта қиз кўрган (илгариги эридан икки ўғил ва бир қиз қолган). Катта ўғли ал-Қосим ва иккинчиси Абдаллаҳ ҳам гўдаклигигидаёқ вафот этган. Қизларидан фақат кенжаси Фотима пайғамбар авлодини давом эттирган. Диний ривоятларда Мұхаммаднинг ўгай болалари ҳақида ҳеч қан-

дай маълумотлар йўқ. Севимли хотини Ҳадича тириклигида якка хотин билан яшаган пайғамбар рафиқаси ва-фот этгач, 14 марта уйланган (9 таси билан бир вақтда яшаган). Аммо ҳеч биттаси ҳам Ҳадичанинг ўрнини боса олмаган ва улардан фарзандлар ҳам сақланмаган.

Бадавлат хотинга уйланиб, иқтисодий жиҳатдан анча қудратли бўлиб қолган Муҳаммад қирқ (ёш)ларга боргач, савдо ишларини йиғиштириб, ўзини бутунлай диний-сиёсий фаолиятга бағишлидай. Дастлаб бу ишларда Муҳаммадга ёрдамчилик қилган Ҳадича, жияни ва куёви Али, асранди ўғли Зайд уни пайғамбар деб таниғанлар. Айниқса, жасурлиги, фаоллиги ва қудратлилиги билан танилган курайшийлардан Ҳамза ва Умарнинг янги диний жамоага қўшилиши Муҳаммадга катта мадад бўлган. Макканинг йирик савдогарларидан бири Абу Бакр унинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.

Ягона Аллоҳ таълимотини кўтариб чиқсан янги пайғамбар ўз издошларини ҳар куни яккахудолик йўлида ибодат қилишга, итоатгўй бўлишга, камбағалларга садақа беришга, закот тўлашга чақиради. У Маккада тахминан 610 йиллардан ўз таълимотини тарғиб қила бошлаган, мўминларни яхудий ва христианларнинг муқаддас шаҳри Иерусалимга қараб намоз ўқиш зарур деб курсатган. Кейин яхудийлар билан келишмасдан, уларнинг масхарашибдан fazablaniб, қиблани ўзгартирган, мусулмонларнинг диний марказига айлана бошлаган Маккага қараб юз ўғиришни тавсия қилган.

Лекин маккаликларнинг юқори, бой табақалари уни қўллаб-қувватламаган, аксинча, Муҳаммаднинг ўсиб бораётган обрусидан, муқаддас Каъба худоларининг таъсисири камайишидан чучиган Макка зодагонлари унга қарши чиқа бошлаган. Айниқса, 620 йили севимли хотини Ҳадича ва икки ойдан сунг амакиси Абутолиб (гарчи у мажусий сифатида ислом таълимотига қўшилмаган бўлсада) вафотидан кейин Муҳаммад ички таянчдан маҳрум бўлиб, 622 йили 26 июля бир гуруҳ издош (асҳоб)лари оиласлари билан Маккадан Ясриб (Мадина)га кўчиб ўтишга мажбур бўлади. Бу кўчиш (арабча "ҳижра") йили ва куни янги мусулмонлар тақвимининг бошланиши ҳисобланади. Маккага доимо қарши бўлган мадиналиклар Муҳам-

мадни кулоч ёйиб кутиб оладилар ва ўзларининг фоявий-сиёсий раҳбари қилиб кўтарилилар.

Қисқа давр ичида яхудийлар жамоасининг якка худолик фояси таъсирида бўлган мадиналиклар ягона Аллоҳга асосланган ислом таълимотини қабул қиласидилар ва ҳатто қўшни қабилаларга, айниқса, жанубий ва гарбий Арабистон аҳолисига ҳам уни тарқатадилар. Асли Муҳаммаднинг Ясирига кўчиши (кейинчалик у Мадина, яъни пайғамбар шаҳри деб аталган) унинг бутун турмуш тарзини тубдан ўзгаририб юборади. У Мадинадалик даврида оддий дин тарғиботчиси бўлибгина қолмай, одамларга худо қонун-қоидаларини етказувчи чинакам "Расули Аллоҳ" бўлиб танилади. Фақат Макка анча вақт бўйсунмай келган. Аммо жиҳод (диний фоя учун кураш) билан рағбатланган мусулмонлар қўшни маккаликларга ҳужум қилиб, кўп марта уларнинг карvonларини талаб, мағлубиятга учратиб турғанлар.

Курайш қабиласининг кўлчилиги Муҳаммад тарафига ўта бошлаган. Оқибатда 630 йили Муҳаммад ўз издошлиари билан Маккага тантанавор кириб келади ва қолган шаҳар аҳдини мусулмонлаштиради. Маккаликлар талабига биноан Каъба бутун мусулмонларнинг муқаддас жойи, деб эълон қилинади. Лекин барча санамлар йўқотилиб, фақат битта муқаддас Қора тош сақланиб қолади. Расмий равишда янги диннинг пойтахти деб танилган Маккадан Муҳаммад Мадинага қайтади. У 632 йилда маҳсус Каъбани биринчи марта расмий зиёрат қилиш (ҳаж)га бориб қайтгач, касал бўлиб, уч ойдан кейин Мадинада вафот этади ва ўша ерда дафн қилинади.

Муҳаммад тирик вақтида унинг шахсига сифиниши бўлмаган. У оддий шайх ёки катта бир жамоа бошлиги сифатида танилган. Қуръонда тилга олинган сураларга қараганда, Муҳаммад ўзини мӯжизакор қилиб кўрсатмаган, ҳар хил касалларни даволайдиган сеҳргарлик қобилиятига эга бўлган шахс қилиб таърифламаган. Ҳатто унинг афсонавий туғилиши ва турли мӯжизалар кўрсатиши тўғрисидаги ривоятлар пайғамбар вафотидан иккича аср кейин тўқилган. Чунки Муҳаммад тирик вақтида ўз мўминлари олдида оддий инсон сифатида, подачи ва сарбонликдан оила боши ва катта арбоб бўлиб кўтарилиларни аниқ эди. Ундан ташқари айрим шахсни — Му-

ҳаммадни тириклигига ҳаддан зиёд күтариш ягона худоғоясига путур етказиши мүмкін эди. Шунинг учун унинг тарафдорлари фақат IX-X асрларга келиб пайғамбар шахсини мұқаддаслаштириб, турли афсоналар ва ривоятлар тұқығанлар. Аммо Мұхаммад вафотидан кейин Арабистоннинг ва құшни мусулмонлашган давлатларнинг айрим ҳудудларыда сохта пайғамбарлар ҳам пайдо бўлган.

Мұхаммаднинг дастлабки энг катта хизмати шундан иборат эдики, у үзининг яхлит таълимоти билан инқиrozga учраган тарқоқ араб жамиятини бириктириди, ке-йинги бойиш ва кучайиш йўлини аниқ кўрсатиб берди. Пайғамбар ўзи тирик вақтидаёқ ислом байроби остида (жиҳод эълон қилиб), талон-тарож юришлар натижасида бойлик орттириб, ўз мўминларини амалда оёққа тиклаган эди. У қадимий маданият марказлари ҳисобланган, анча фаровон құшни мамлакатларни босиб олиб, кўлга киритган ҳарбий ўлжаларнинг бешдан бир қисмини үзи-га, қолганини лашкарларга тарқатиб бериш йўли билан ислом учун қурбон бўлишга рағбатлантирган эди.

Мұхаммад вафотидан кейин мусулмонларга бош бўла-диган, энди яратилган катта давлатга раҳбарлик қиласидан ҳам диний рутба, ҳам дунёвий ҳокимлик вазифасини бажарадиган муносиб халиф (пайғамбарга "үринбосар")-га эҳтиёж пайдо бўлди. Албатта, меросхўрлик нуқтаи назаридан пайғамбарнинг жияни ва куёви, севимли наби-ралари Ҳасан ва Ҳусанинг отаси Али халиф булиши мүмкін эди. Аммо араб жамоаси Мұхаммаднинг энг яқин сафдоши, бой тажрибали Абу Бакрни биринчи халиф қилиб сайди. У қисқа мuddat (632-634 йиллар) халиф-лик қилса ҳам, анча ишларни бажариб, ички талашувлар ва курашларни бартараф қилди, құшни ўлкаларни босиб олиш сиёсатини кучайтириди (айниқса Сурия ва Месопотамияга муваффақиятли юришлар ташкил қилди). Унинг ўрнига таҳтга келган иккинчи халиф Умар (634-644 йиллар) бу сиёсатни яна ҳам кучайтириб, катта ғалабаларни кўлга киритган эди. Умар лашкарлари сосонийлар Эронидаги ички низолардан фойдаланиб, бутун Эронни, Кавказоргини, Сурия ва Фаластинни эгаллаб, Византия маркази Константинополгача етиб бордилар, 639 йили эса Мисрни халифаликка қушиб олдилар.

Умарни эронлик христиан қул ўлдирғандан кейин тахтга Мұхаммаднинг яна бир яқын сафдоши, Курайш қабиласидан бадавлат Усмон үтиради (644-656). Янги халиф кучли шахслардан бұлмаса ҳам, арабларнинг босқинчилик юришларини давом эттирган. Улар халифаликка Кичик Осиё ва Арманистонни, Шимолий Африканинг бир қисмини құшиб олғанлар. Усмон уруғи тарафдорлари бутун даромадли мансабларни әгаллаб, күп ерларни үз мулкига айлантира бошлаган. Оқибатда халифга қарши кучлар пайдо бұлған. Ички низоларни тартибга солиш мақсадида Усмон Қуръоннинг охирги таҳририни ташкил қылған. Аммо унга қарши Али бошчилигидаги маҳсус гурух (шиа) бош күтарған.

Шиалар Усмон үрнига пайғамбарнинг авлоди, унинг жияни ва сафдоши Али халиф бұлиши шарт деб ҳисобланғанлар. Халифдан норози араблардан ташқари эронликлар ҳам шиаларни құллаб-құвватлаганлар. Оқибатда 656 йили Мадинаға зиёратта келған бир гурух шиалар халиф саройига бостириб кириб, Усмонни чопиб ташлаганлар ва Алини халиф деб эълон қылғанлар. Али пойтахтни Куфа (Месопотамия)га күчириб, Усмон тайинлаган барча ҳокимларни бұшатған. Аммо Сурия ҳокими Муовия Алиға бўйсунмаган ва унга қарши урушга тайёргарлик кура бошлаган.

Али тарафдорлари анча кучли бўлса-да, халиф энг ҳал қилувчи вактда бетарафлик қилиб, масалани манфаатдор бўлмаган ҳакамлар судига ўтказган. Алидан норози бўлған қаттиқ сиёсат тарафдорлари ундан юз ўғириб, унинг сағидан чиқадилар ва ўзларини хорижийлар деб ҳисоблаб, бошқа халиф сайлайдилар. Хорижийларга қарши кураш бошлаган Али масалани ҳал қила олмай, охирида 661 йили хорижий ханжаридан ҳалок бўлади. Янги халиф қилиб Муовия тайинланади ва 750 йилгача халифлик қилиб турған Ўмайялар сулоласига асос солади.

Аммо тахт учун бўлаётган ички курашлар исломнинг ҳужумкорлик билан олга қараб ривожланишини тұхтата олмади. Араблар Муовия давридаёқ Афғонистон, Бухоро, Самарқанд, Марвни олдилар. Улар VII-VIII асрларда Византияning күп қисмини, Грузиянинг бир бўллагини бўйсундирдилар. Үрта Осиёни халифаликка құшиб, Ҳиндистон ва Хитойгача етиб бордилар. Шимолий Африка-

да Ливия, Тунис ва Марокашни бўйсундириб, Гибралтар орқали Испанияга ўтиб, Франциягача етиб борган араб лашкарлари 732 йили Пуатьедаги жангда мағлубиятга учраб, орқага чекинишга мажбур бўлганлар.

Исломнинг бундай тез голибона тарқалиши жуда кўп омилларга боғлиқ эди. Дастребки даврларда савдонинг инқирози туфайли қашшоқлашган араблар бой ҳарбий ўлжага қизиқиб, қўшни ўлкаларни талон-тарож қилиб, ўзини бир оз тиклаб олган бўлса, қудратли халифалик давлати пайдо бўлгач, дин сиёсий маъмуриятчилик билан бирлашиб, бошқа халқларни мусулмон қилиш асосий шиорга айланади. Пайғамбар ноиблари халифлар империяга янги ерларни қўшиш билан чекланмай, босиб олинган ўлкалар аҳолисини мусулмонлаштиришни ўзининг бош вазифаси ва бурчи деб ҳисоблаганлар. Улар ислом байроби остида янги динни сингдирибгина қолмай, балки келиб чиқиши бир бўлган қўшни семит халқларини араблаштиришни ҳам амалга оширганлар, маҳаллий элатлар нисбатан енгиллик билан ассимиляция қилиниб, қисқа муддат ичидан асосан умумий араб тили, маданияти ва этник белгиларига эга бўлганлар. Аммо семит бўлмаган айрим халқларда бу жараён анча мураккаблашган. Масалан, Шимолий Африкада носемит халқлар (мисрликлар, ливияликлар) анча христианлашган бўлиб, исломни ўрнатиш ва араблаштириш бир оз қийинчиликлар билан ўтказилган.

Эрон, Афғонистон, Кавказорти, Ўрта Осиё каби қадимий маданият марказларида яшовчи файри тилдаги элатларни мусулмонлаштириш араблаштириш йўли билан эмас, асосан иқтисодий воситалар ва зўрлик билан амалга оширилган. Масалан, ички ва ташқи золимларнинг оғир зулмидан эзилиб келган кенг халқ оммасини дастребки даврлардан исломга ўтганларини ҳар хил соликлардан озод қилиб рағбатлантирганлар. Мусулмонлар фақат ушр (даромаднинг ўндан бир қисми), бошқалар эса хирож (ҳосилнинг учдан бир ёки икки қисми) ва жон бошига солик (жузъя) тўлаганлар. Савдо солиги ҳам фарқ қилган: мусулмонлар ўз молидан 2,5 фоиз, бошқа диндагилар 5 фоиз, яъни икки ҳисса кўп тўлашга мажбур бўлганлар. Шубҳасиз, бундай иқтисодий зўрлик исломнинг тарқалиши учун муҳим омил бўлиб, араб лашкарларини босқинчилик сиё-

сатининг муваффақиятини таъминлаган халифаликнинг яна ҳам кенгайишига сабаб бўлган. Кўп мамлакатларда араб истилоси арафасида ибтидоий жамоа ёки қулдорлик тузумининг инқизотга учраб, янги феодал тузуми куртак отаётганлиги ҳам халифалик диний-сиёсий ҳаракати учун қулагай келган эди. Бу даврда бутун Яқин Шарқда ва Европада оммавий ҳалқ ҳаракатлари кучайган бўлиб, улар одатда диний байроқ остида ўтган.

**Ислом тъалимоти ва Қуръон.** Чинакам мусулмон қўидаги бешта асосий қоидага амал қилиши шарт ҳисобланган. Даставвал мусулмон булиш учун исломнинг энг асосий марказий ғояси ҳисобланган "Аллоҳ ягона, ундан бошқа худо йўқ, Муҳаммад унинг расули" (Лаила-ллоҳ-у Муҳаммадан Расул Аллоҳ), яъни якка худолик эътиқодига эга бўлиш орқали киши ўзини шоҳид итоатгўй эканлигини исботлаши зарур. У бу ғояни тиловат қилиб, уч марта тақрорласа, ҳақиқий мусулмон ҳисобланади. Қандай иш бошламасин, мўмин киши ягона Аллоҳнинг раҳмдил ва шафқатли эканлигини тасдиқловчи муқаддас сўзларни айтиши шарт бўлган.

Мусулмоннинг иккинчи асосий вазифаси ҳар куни мажбурий беш вақт намоз ўқишдан иборат. Намоз арабча салот (ибодат) исломда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Уни бажармаган киши кофир деб қораланган. Ноғозни уйда, мачитда ёки далада ҳам ўқиш мумкин. Аммо мўмин намоз ўқишдан олдин ўзини тозалаши (таҳорат қилиши) шарт. Айрим кишиларнинг фикрича, таҳорат гигиена эҳтиёжи сифатида бажарилар эмиш. Асли таҳорат ҳам, тўшаладиган жойнамоз (сажжад) ҳам диндор кишини теварак-атрофдаги нопок фоний дунёдан ажратиб, уни бутун вужуди билан диний эътиқодга берилишига қаратилган ибодат элементидир. Шунинг учун, масалан, таҳоратни сув ёки бошқа шароит бўлмаган тақдирда ҳам муайян тартибга биноан унинг ўрнини босадиган иримга ("таяммум") риоя қилиш мумкин. Саҳрода ёки сувсиз чўлу биёбон ва тоғли жойларда қулини тоза тупроқса, қум ёки тошга суйкалаш таҳорат ўрнига ўтади. Энг муҳими – бу мусулмончиликда намоз ўқувчи қатъиян қоида турага кирган ирим ва ҳаракатларни қилиб, ўзининг бутун ўй-фикрини ибодатга йўналтириши шарт

бүлган. Фақат қиблага, яъни Каъба томон қараб номоз ўқиши ҳам иймонли булиш мақсадида бажарилган.

Мусулмончиликнинг учинчи энг муҳим вазифаси йилда бир марта ой давомида рӯза тутиш. Ўша муддат ичидагудак норасталар, сайёҳлар ва касаллардан ташқари ҳамма мусулмон тонг отгандан кун ботгунча ейиш, ичиш, чилим чекиш, турли майшат ва ҳоказолардан маҳрум булади ва бутун вужудини Аллоҳ таолога бағишлиади. Фақат қоронғи тушгач, муайян диний қонун-қоидага риоя қилиб, тонг ёришгунча спиртли ичимликлардан ва ҳаром ҳисобланган таомлардан ташқари истаган нарса истеъмол қилиш мумкин бўлади. Мусулмонлар тақвими — 354 кундан иборат бўлганлиги туфайли рӯза (рамазон) ойи йилнинг турли фаслига тўғри келиши мумкин: қиши кунлари анча қисқа ва салқин бўлса, баҳор ва айниқса, ёз фаслида узун жазирама кунларга тўғри келади. Бундай вақтда ҳам мўмин бандаси узоқ кун бўйи емай-ичмай, фақат "раҳмдил ва шафқатли Аллоҳ"ни ўлаши шарт. Рамазон ойидан ташқари мусулмон аҳд қилган бўлса ёки бир оғат келганда ҳам қўшимча рӯза тутиши мумкин. Рамазон ойида кундалик беш вақт намоздан ташқари кечки йигирма ракатли қўшимча (олтинчи) намоз ўқилиши тавсия қилинади. Рӯза тугагач, катта ҳайит сайиллари ўтказилади. Рӯза байрами (ийд-ал-фитр) кунлари мачитда жамоа тўпланиб ҳайит намози ўқилади.

Рӯза ҳайити исломда қурбон (ийд-ал-адҳа)дан кейин иккинчи аҳамиятли катта байрам ҳисобланади. Бу ҳайит рамазондан кейинги шаввал ойига тўғри келади ва уч кун давом этади. Ҳайитда камбагалларга атаб садақа берилади. Ўша давр ичидагу мўминлар рӯза ойи давомида тақвадор бўлганлиги, диний талабларга риоя қилганлиги, Қуръон ва ҳадисларни ўрганганлиги тўғрисида ўз виждони олдида ҳисоб берадилар. Агарки, виждони хатоларга йул қўйганлигига икрор бўлса, ўз гуноҳини ювиш учун жарима тўлаши (қўй ва тия қурбон қилиши ёки пул бериши) шарт ҳисобланади.

Рӯза ҳайитидан етмиш кун кейин энг катта ҳайит — Курбон байрами (ийд-ал-кабир ёки ийд-ал-адҳа) нишонланади. У мусулмон йил ҳисобича ҳажжа ойининг ўнидан бошланиб, уч-тўрт кун давом этади. Одатда, бу бай-

рамда катта сайиллар ўтказилиб, Аллоҳ номига қурбонлик сүядилар. Ривоятларга биноан қурбон байрами Иброҳим пайғамбарнинг ўз фарзанди Исмоилни худо йўлига қурбон қилишга тайёр бўлиб, Аллоҳ амри билан қолдирилганлиги муносабати билан ўтказилади. Бу ривоят асли исломга Тавротдан ўтган бўлиб, фақат унда Исоқ ўрнига Исмоил номи киритилган. Қурбон қилинган ҳайвон гўшти камбағалларга тарқатилади ва қисман байрам таомларига ишлатилади. Бу байрамда сарполар янгилаиди, ўзаро меҳмондорчилик кучаяди, маҳсус ҳайит намози ўқилади. Қурбон ҳайити мусулмончиликнинг яна бир муҳим шарти — ҳажга бориш вақтига тўғри келади.

Мусулмон учун фарз ҳисобланган тўртинчи шарт Маккага зиёрат (ҳаж)га бориш-зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигига бўлиб, Мина водийсида Қурбон байрами тантаналари билан тугайди. Ҳажга борганлар маҳсус оқ кийим (ихром)да Каъба мачитига бориб, муқаддас Қора тошни етти марта айланиб, унга сажда қиласидилар. Асли ҳаж одати ибтидоий бутпарастлик ва фетишизм динларига бориб тақалади. Каъбага сифингандан сўнг зиёратчилар муқаддас қудуқ — Замзам сувидан ичиб, Сафо ва Марва тепаликлари оралиғидан бир неча марта югуриб ўтадилар. Ривоятларга кўра Иброҳим пайғамбарнинг хотини Ҳажар гудак Исмоилга сув етказиб бериш учун шу ердан кўп ўтган эмиш. Кейин улар Арофот тоги этагида оммавий намозда иштирок этгач, Мина водийсига бориб, Иброҳим пайғамбар худога атаган ўғли Исмоил хотирасига гўёки Жаброил амри билан келтирилган қўй сўйилгандек тантанали қурбонлик сўйиш маросимини ўтказадилар. Маккадан кейин кўпчилик зиёратчилар Мадинага бориб пайғамбар қабрини зиёрат қиласидилар.

Буюк қурбонлик қунлари бир неча минг кишилик аҳолига эга бўлган Маккага келадиган зиёратчилар сони баъзан икки миллиондан ҳам ошиб кетади. Тарихий манбаларга қараганда, масалан, фақат Ўрта Осиё ва Қозоғистондан ўтган аср охирларида 1500 дан ортиқ (бутун Россиядан 3350) киши ҳажга борган экан. Маккага зиёрат бошқа ойларда ҳам ўтказилиши мумкин, унга кичик ҳаж (умра) дейилади. Маккани зиёрат қиласан киши ҳожи деган фахрий номга эга булади. Ўрта Осиё республикалар

ри, жумладан Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳажга боришига яхши шароит яратилди, ҳар йили минглаб фуқаролар ўзларининг мусулмончилик вазифаларини адо этиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳар бир мусулмон ўзининг даромадидан йилига бир марта камбағаллар фойдасига хайр-эҳсон сифатида муайян улуш ажратиши шарт. Мусулмончиликнинг бу охирги таби — мажбурий улуш "закот" деб аталади ва бир йиллик даромаднинг муайян қисмидан бадавлат кишилар гуноҳларини ювиш мақсадида ёки худодан тилаб, айрим авлиё-мачитларга ёки девона-дарвишларга ихтиёрий равишда улуш (садақа) берадилар. Садақа пул, мол ёки мулк (ер) сифатида берилиши мумкин. Ўзбек мумтоз адабиётида тақдир сўзи фараз, эҳтимол ёки баҳолаш, қиймат бериш маъносида, қисмат сўзи эса бўлиш, тақсим, ҳисса, улуш маъносида ишлатиб келинган. Асли исломдаги тақдир ҳам инсоннинг иродасини файритабиий куч билан боғлаб, унинг бутун ҳаёт-мамоти Аллоҳ атаган улуши, насибасида, деган foяга таяниб, "инсон заиф яратилган", "ҳаммаси худодан", "худонинг амрисиз кишининг бир туки ҳам тўкилмайди", у нақадар тақводор бўлса, Аллоҳ таоло унинг тақдирини енгиллаштиради каби илоҳий таълимотга асосланади.

Тақдири азал таълимоти, асли итоаттўйлика чорлайдиган файрилмий тасаввурлар билан боғлиқ бўлиб, аҳолининг айрим қисми онгига пессимизм, муросасозлик, тақдирга тан бериш сингари ҳис-туйғуларни сингдирали, кўпинча кишини фаол бунёдкорлик йўлидан чалғитиб, баркамол шахснинг шаклланишига халақит беради. Ислом ва бошقا жаҳон динлари тарғиб қиладиган "тақдири азал" foяси инсонни "нариги дунё"ни ўйлаб, бу дунёга кўнгил қўймасликка даъват этиб, турмушда ва оиласи муносабатларда учрайдиган ҳар хил эски муносабатларни сақлашга ёки уларнинг қайта тикланишига замин яратади.

Ислом ривожининг ilk даврида, Куръон тафсири энди пайдо бўлаётган, мусулмон ҳуқуқшунослиги назарияси (фиқҳ) илоҳиёт билан чатишиб кетган бир пайтда фатализм кенг омма онгига сингиб, халифаликнинг ҳарбий юришлари муваффақиятли ўтишига зўр омил бўлган эди.

VIII — IX асрларда Куръон ақидаларида суннатларга таянган ислом ҳуқуқшунослиги ортодоксал ислом доира-

сида ҳозиргача уз кучини сақлаган түрттә энг йирик мустақил мазҳабларни юзага келтирган эди. Уларга асос солған атоқли ҳукуқшунос имомлар Абу Ханифа (ханифизм), Малик (маликизм), Аш-Шафия (шафиизм) ва Ибн-Ханбал (ханбализм) таълимотлари бизнинг давримизгача ислом дунёсида муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур мазҳаблар ҳуқуқ, услугуб ва ибодат масалаларида ўзаро мунозара бўлса ҳам, шариатга тўла риоя қилиб, ҳозиргача осойишта яшаб келмоқдалар. Ҳар бир мазҳабга ислом соҳасидаги олий маълумотли мутахассис қонуншунослар (фақих) ва илоҳиётчи (муталлим) лар раҳбарлик қиласидилар.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Куръонда Муҳаммад пайғамбар таълимотининг асосий фоялари ва тамоилиллари баён этилган. Ривоятларга кўра, 610 йилдан бошлаб умрининг охиригача пайғамбар Аллоҳ номидан Жаброил орқали эшитган ваҳийларини умматларига етказиб турган. Унинг оғзаки ва ёзма "худо ҳақиқати"ни Муҳаммад ҳаёт вақтидаёқ сақлаб қолган ва ҳатто оғзаки, ёддан тарғиб қилган киши (қори)лар бўлган. Барча пайғамбар ваҳийларини тўплаб китоб тузиш Зайд ибн Собитга топширилган, у даставвал айрим варакларга кучирган ва биринчи халифлар учун қўлланма сифатида "Суҳуф" номли тўплам тузган. Бундай тўпламлардан яна тўрттаси маълум бўлган ва улар бир-биридан фарқ қиласидилар.

Мавжуд тўпламларни муайян тартибга солиш, номувоғиқликларини бартараф этиш мақсадида халиф Усмон буйруғи билан йиғишириб, ягона тўплам тузиш вазифаси яна Ибн Собитга топширилади. Яҳудий ва христиан матнларини кўп эшитган Муҳаммад ваҳийлари қофияли наср шаклида баён этилиб, Куръон оятларида ўз ифодасини топган. Пайғамбар тириклигида тўпламга эҳтиёж бўлмаган, чунки барча саволларга ўзи жавоб берган. Собит тўплами расмий қабул қилинганидан сўнг бир неча нусха кучирилган. Халифа Усмон Куръон ўқиётган пайтида қатл қилинган ва унинг қони тўқилган Куръон нусхаси бизгача етиб келган. Ҳатто Тошкентда дастлаб Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондида, ҳозир эса Мовароуннаҳр мусулмонлари диний назоратида Усмон "қонига" бўялган Куръон нусхаси мавжуд. Афсоналарга чулғангандай шундай нусхалар бошқа мамлакатларда ҳам бор.

Катта-кичик турли оялтардан тузилган 114 сурадан иборат Куръонда диний-ақидавий, диний-мифологик, лирик ва диний ҳуқуқшунослик мазмунидаги материаллар асосий ўринни эгаллади. Уни ҳаётда учрайдиган саволларга жавоб бера оладиган илоҳий энциклопедия, содда билимлар ва таълимлар берадиган қонун-қоидалар түплами, деб таърифлаш мумкин. Баъзи ҳисобларга қаранганды, унинг тўртдан уч қисми ҳар хил пайғамбарларнинг ҳаёти ва фаолияти тасвиридан иборат бўлиб, улар Таврот ва Библиядан олинган ва янгича талқин қилинган. Ҳатто афсонавий ҳазрати Одамота, машҳур тарихий шахс Александр Македонский (Искандар), Тавротдаги яхудий подшолари Соломон (Сулаймон) ва Давид (Довуд)лар пайғамбар деб танилган.

Ислом ва Куръоннинг яшовчанлиги ва таъсирчанлигининг сири шундаки, унда асрлар давомида түпланган араб жамияти амалий тажрибаси, анъаналари ва халқ ижоди яратган намуналар мужассамлашган ва диний руҳдаги қонун-қоида кодексига айланган. Инсон ҳаётидаги барча ҳужайраларни қамраб олган Куръон ақидалари тўқилган афсона ва ривоятлар орқали кенг заҳматкаш халқ оммасининг онги ва қалбига жо бўлган. Куръоннинг илоҳий-фалсафий қисми Таврот ва Библиядан олинган тасаввурларга тўла. Ўз навбатида яхудийлар ва христианларнинг муқаддас китоблари ҳам қадимий араб жамияти яратган мифологияни ва Марказий Осиёда тарқалган қадимий диний таълимотларни моҳирлик билан ўзида мужассамлаштирган эди. Аммо мусулмон мифологиясида Иброҳим, Мусо, Юсуф, Сулаймон, Довуд каби пайғамбарлар, ҳар хил шайтон ва дев-парилар каби халқ ижоди яратган, руҳонийлар тўқиган мазлум оммани итоат-гўйликка чорлайдиган даҳшатли образлар ҳам учрайди.

Кулдорлик тузумининг емирилиши ва унинг янги куртак отган феодал тузум билан алмашинуви инсон фаолиятининг барча томонларини ўз назоратига олган дин ва черков таъсирида пайдо бўлган ўтиш даврига хос жамиятнинг маънавий инқирози билан бир вақтда руй берган эди. Юқорида таърифланганидек, инқирозга учраган эски динлар ўрнига янги динлар келади. Барча мамлакатларда, айниқса, Фарбий Европада феодализм даврида дин

хукмрон мафкурага айланади, ҳаётнинг ҳамма томонларига кириб боради, руҳонийлар ва черков эса йирик ер эгалари булибина қолмай, маънавий-сиёсий ҳокимликни ҳам қўлга киритади.

Айниқса, илк Ўрта асрларда кенг тарқалган еретиклик (юононча ерес — дастлаб сараланган, кейинчалик таълимот, мактаб ёки мазҳаб деган маънони англатган) оммавий халқ ҳаракати феодал тузум ва унинг мафкураси — католицизм ва черковга қарши қаратилган кучли оқим бўлган. Бу ҳаракат негизида ҳар хил синфлар ва табақалар манфаати учун кураш ётади. Дастлаб бу сўзни Византия императори Феодосий (379-395) ортодоксал христиан дини ақидаларига қарши чиққан кишиларга нисбатан ишлатган. Биринчи энг катта Павликиан номли еретик ҳаракат VI-VII асрларда Арманистон ва Суриядаги пайдо бўлган. Уларнинг таълимотига биноан оламда икки куч мавжуд: осмонда эзгулик дунёси — у олий куч худо иҳтиёрида, ер остида ёвуз кучлар — уни шайтон бошқарди. Павликианлар черков тузуми ва диний ақидалардан воз кечишни талаб қиласланлар, чунки улар черков зодагонлар хукмронлигининг қуроли, шайтоннинг иттифоқдоши, деб ҳисоблаганлар. Улар ўз foяларини тарғиб қилиш билан чекланибгина қолмай, фаол ҳаракатга ҳам ўтганлар. IX асрда феодалларга қарши кўтарилиган йирик оммавий қуролли қўзголонлар бунинг мисоли бўла олади.

Павликианлар ҳаракати кейинчалик кенг тарқалиб, кўп мамлакатларда, чунончи, Озарбайжонда (хуррамитлар), Болгария ва бошқа Европа мамлакатларида (богомиллар), Кичик Осиёда ҳар хил деҳқон қўзголонларида ўз ифодасини топган. Бу даврдаги энг йирик еретик ҳаракат павликиан ва bogomillar таъсирида пайдо бўлган ва бутун Европага тарқалган катарлар ёки альбиғойлар (Жанубий Франциядаги Альба қишлоғи номи билан) ҳаракати эди. Альбиғой ереси XII асрга келиб айрим деҳқон қўзголонларининг очиқдан-очиқ диний байроғига айланади.

Еретик ҳаракатлар феодализм даврида барча динларда муҳолиф мазҳаб сифатида намоён бўлади. VII асрда пайдо бўлган энг охирги жаҳон дини ҳисобланган исломда ҳам пайғамбар авлодлари ва яқинлари орасидаги тож-тахт курашида мусулмонлар "шиа" ва "сунна" оқим-

ларига бўлиниб кетади. Исломдаги кейинги асрларда пайдо бўлган ҳар хил мазҳаблар ҳам феодализм давридаги социал зиддиятларнинг муҳим оқибати сифатида келиб чиққандир. Буни жуда кўп тарихий воқеалар асосида исботлаш мумкин. Феодализм тузуми инқизозга учраган қулдорлик тузумининг харобалари ўрнида пайдо бўлар экан, бу жараён ижтимоий онг шаклларининг халқ ҳараратлари билан чирмашиб кетган ҳар хил йўналишларида ўз ифодасини топади. Мазкур воқеалар истило қилинган мамлакатларда, даставвал, Ўрта Осиёга араблар келган даврда ҳам рўй берган эди.

Бутун Ўрта Осиё ҳудудида содир бўлган бу янги ижтимоий ва сиёсий жараён марказлашган қудратли давлатлар ўрнида тарқоқ майда подшолик ва хонликларнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келиб, юқорида қайд қилинганидек, араб истилосининг муваффақият қозонишига анча енгиллик туғдирган эди. Истилочи араб лашкарлари VII асрнинг ўрталарида Византияning Осиёдаги мулкларига ва Эронга ҳужум қила бошлайдилар ва Ўрта Осиё чегараларида пайдо бўладилар. Улар дастлаб шартномалар тузиш ва маълум даражада солиқ солиш билангира чекланганлар. Марв, Ҳирот, Балхдек чегарадош бой шаҳарларни аста-секин урушсиз қўлга киритиб олгандан кейин араблар бу шаҳарларни Ўрта Осиёни истило қилишда муҳим истеҳкомга айлантирганлар. 654 йилда Сүғдиёнага қилинган ҳужумда ҳам улар курол кучи билан талон-тарож қилиш ва тавон тўлтиш билан чекланганлар.

Ўрта Осиёнинг босиб олиниши VIII аср бошларида Хуросонда ноиблик қилган Кутайба ибн Муслим номи билан боғлиқ. Кутайба бошчилигидаги араб истилочилари ислом динини қурол кучи билан ўрнатибгина қолмай, туб аҳолининг барча маданий ва маънавий бойликларини ваҳшийларча йўқ қилганлар. Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккир олими Абу Райхон Беруний ёзганидек, 712 йилда Хоразмни забт қилган "Кутайба турли йўллар билан хоразмликларнинг ёзув ва ривоятларини сақлаган кишиларни ва шу қаторда барча олимларни тарқатди ва уларга барҳам берди. Натижада уларнинг ислом келгунинг қадар бўлган тарихи қоронгуликка айланиб, бу тўғрида ҳақиқий билим қолмади". Бундай ҳолат ажойиб мада-

ният яратган қадимги Бақтрия, Сүғдиёна ва Мовараун-нахрнинг ҳам бошидан кечган эди.

Хоразмнинг Кутайба томонидан босиб олинишига оид тафсилотлардан бири ниҳоятда диққатга сазовор. Араб муаллифларидан Табарийнинг хабар қилишича, Чагом номли Хоразм шоҳининг укаси Ҳурзод ўз тарафдорларига суяниб қўзголон кўтаради ва қонуний шоҳни мамлакатдан ҳайдаб, ҳокимиётни қўлга киритади. У шоҳ тарафдорлари булган аслзодаларни қаттиқ жабрлайди, уларнинг мол-мulkини, чорвасини, қизларини, сингилларини ва хотинларини тортиб олади. Аслида Ҳурзод қўзголони моҳияти жиҳатидан маздаклар ҳаракати каби диний тусдаги аксилфеодал характерга эга булиб, зодагонларга қаравали ҳарамларни йўқотиш, хотин-қизларнинг феодаллар томонидан тортиб олинишини тутгатиш ва қадимий жамоа анъаналарини тиклашга қаратилган эди. Бу қўзголондан қўрқсан Хоразм шоҳи Чагом қўзголончиларига бош бўлган ўз укаси Ҳурзодга қарши курашиш учун Кутайбадан ёрдам сўрайди ва унга ўз шаҳарларининг олтин калитларини юборади. Кутайба Хоразмга келиб Ҳурзодни тор-мор қиласди ва уни асир олади. Тўсатдан қўлга тушган Ҳурзод билан бирга тўрт минг асирни истилочилар ўлимга хукм қиласдилар. Шунинг ўзи ҳам Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши учун замин яратиб берган эди.

Кутайба бу билан чекланиб қолмай, юқорида қайд қилинганидек, хоразмликларнинг тарихий адабиётини ва маданий меросини яратган ва сақлаб қолган олимларни қириб юборди, кувфин қилди. "Кутайба ибн Муслим Бахилий, — деб ёзади Беруний. — Хоразм хаттотларини ҳало-катга дучор қилганидан, руҳонийларни ўлдириб, уларнинг китоблари ва ёзувларини куйдирганидан сўнг хоразмликлар саводсиз булиб қолдилар ва ўзларига лозим бўлган масалаларда ўз хотираларигагина ишондилар".

Бошқа жаҳон динларидағи сингари, ислом динида ҳам шайтон, ажина, иблис каби ҳар хил ёвуз руҳ ва парилар тўғрисидаги таълимот мухим ўринни эгаллайди. Барча мазҳаб тарафдорлари, илфор ғоялар ва халқ қўзголончиларининг бошлиқлари ислом арбобларининг қаттиқ ғазабига учраганлар, уларнинг фаолияти иблис билан боғлаб

талқын этилганки, Қуръонда ва ҳадисларда ҳар хил сонсаноқсиз ёвуз дев, ажина ва шайтонларнинг бошлиғи — ибليس кўп тилга олинади. Даҳрий (еретик) деб аталган барча донишманд алломаларни ислом дини ҳам христиан (католицизм) сингари ибليس йўлдан урган, шайтон йўлига ўтган кишилар деб айблаб, уларни худосизлар рўйхатига киритган.

Илк ўрта асрларда нодонлик ҳукмрон бўлса ҳам мусулмон оламида VII аср охирлари — VIII аср бошларида ислом ақидаларига қарши чиққан қодирийлар номли еретик ҳаракатлар вужудга келди. Қодирийлар инсон ҳамма нарсага қодир, яхшилик ва ёмонлик унинг эркин иродасига боғлиқ, тақдир, қисмат каби ҳеч қандай фаталистик куч йўқ, деган таълимотни тарғиб қилганлар. Уларнинг фикрича, киши ўз ҳаракати ва фаолияти, барча хулқ-атвори учун худо олдида ўзи жавоб беради. Бу foяни анча изчиллик билан ва қатъий эътироф қилган мұтазила мазҳаби бутун Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалқлари ҳаётида ва уларнинг араб халифаларига қарши курашида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган. VIII аср охирларида Бағдод халифалигида пайдо бўлган бу мұтадил рационалистик таълимот ўша даврда араб тилига таржима қилинган антик дунё файласуфларининг асарларига асосланган эди.

Адолатли ягона худо борлигини эътироф этган мұтазилачилар Аллоҳнинг одам шаклида эканлигини инкор қилганлар, тақдирни азал таълимотига қарши чиққанлар. Уларнинг фикрича, азал инсон эркини чеклабгина қолмай, балки ердаги ёвузликларнинг пайдо бўлишида худонинг иштироки бор, деган фикрни туғдиради ва бу фикр ўз навбатида "адолатли худо" тўғрисидаги ақидани пучга чиқаради. Шунинг учун улар қодирийлар сингари инсондаги ирода эркинлигини эътироф этган. Ўтган аср муаллифларидан бирининг "Инсоннинг ўзи барча эзгулик ва ёвузликларнинг бунёдкори, бу ерда худонинг роли йўқ", деган ибораси мұтазила таълимотини тўлиқ ифодалайди.

Илмий тафаккурни илоҳиёт таъсири ва бўғовларидан, ўринсиз васийлигидан озод қилиш учун илк Ўрта асрларда пайдо бўлган икки хил ёки "қўшалоқ ҳақиқат" таълимоти Осиёдагина эмас, Европада ҳам кенг тарқалган

эди. Бу таълимотга биноан фан ўзича ҳақ, дин ва илоҳият — ўзича ҳақ, улар орасида объектив зиддият бўлиши мумкин, аммо ҳар бири ўз йўлида ривожланади. Бу таълимотнинг тарафдорлари орасида ўзининг жасур илмий foялари билан танилган ўрта аср фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тафаккурининг буюк намояндалари Ал-Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Фирдавсий, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Носир Хисрав, Саъдий Шерозий, Ал-Кинди, Маарри, Ибн Рӯшд ва бошқалар мавжуд. Яқин ва Ўрта Шарқнинг мазкур ажойиб донишмандларининг илгор ва рационалистик илмий foялари бир неча асрлар давомида фақат исломнинггина эмас, балки католик черковининг ҳам илоҳиёт мафкурасига ва хурофотга қарши курашда муҳим восита вазифасини бажариб келди.

Кулдорлик жамияти емирилиб, янги феодал тузум қад кўтараётган бир даврда кучли ички ларзалардан тушкунликка учраган кўхна Шарқ нисбатан қисқа муддат ичida иқтисодий ва маданий инқизорзни енгиб, Уйғониш (ренессанс) даврини бошидан кечиради. IX-XII асрларда шарқий мамлакатларда, айниқса, Ўрта Осиёда йирик маданият марказлари ва буюк сиймоларнинг пайдо бўлиши бунинг ёрқин далилидир. Ўша даврдаги энг ажойиб ҳодиса хурфиксалик қандай шаклда (материалистик, атеистик, деистик, идеалистик ва ҳоказо) намоён бўлмасин, замонасининг забардаст мутафаккирлари ўз фикр-мулоҳазаларини дадил ва очиқ-оидин (баъзан диний ниқобда бўлса-да) изҳор қилиб, илмий-ижтимоий тафаккурнинг ривожига ва ижтимоий тараққиётга ўз ҳиссаларини кўшганлар.

## ЯНГИ ДАВР ДИНЛАРИ ВА ҲУРФИКРЛИЛИК

Жаҳон тарихида қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган классик қулдорлик жамияти инсониятнинг маданий ва маънавий тараққиётида ниҳоятда катта роль ўйнаган. Шарқ ҳалқарининг антик даврда яратган барча ижтимоий-иқтисодий ва маданий ютуқларини мужассамлаштирган ва уни яна ҳам юксак даражага кўтарган юнон-рим маданияти асли ривожланган қулдорлик жамиятининг маҳсули эди. Ўтган аср мутафаккирларидан бири одилона қайд қилганидек, қуллик бўлмагандан юнон давлати, юнон санъати ва юнон фани ҳам бўлмас эди; қуллик бўлмагандан Рим давлати ҳам бўлмас эди. Юнонистон билан Рим қуриб берган пойдевор бўлмагандан эса, ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди. Ана шу маънода биз антик замон қулдорлик тузуми яратган юксак маданият заминида илк феодализм даврида пайдо бўлган Шарқ Ренессанси бўлмагандан Farb Ренессанси юзага келмаган бўлар эди, десак хато бўлмайди. Чунки умуминсоний маданиятнинг энг муҳим ҳалқаларидан Шарқ ва Farb Ренессанси яратган буюк маданий мерос ҳозирги жаҳон цивилизациясининг бош омили бўлиб хизмат қилган ҳамда замонамизнинг қудратли кучига айланган илмий-техника инқилобига пойдевор қўйган эди.

Шубҳасиз, жаҳон динларидан энг кенг тарқалган христиан динининг Рим империясида муайян мафкура сифатида шаклнаби юзага келиши ва унинг кейинги ривожи умум тарихий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлган. Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг жаҳон динига айланиши ҳам мазкур жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган эди. Аммо барча жаҳон динлари феодализм тузуми даврида муайян таълимот даражасига кўтарилиб, ўзига хос

оқимларни юзага келтирган булса, буюк географик кашфиётлар ва Уйғониш давридан кейин шакллана бошлаган капиталистик муносабатлар жаҳон динларига ҳам уз таъсирини утказиб, янги йўналишларни юзага келтирган. Үз навбатида жаҳон динлари ҳам ижтимоий тараққиётга мослашган, ҳолда жамиятга, янги ижтимоий муносабатлар ва муайян тузумга хизмат қилиб келган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, янги ва энг янги даврда ҳам жаҳон динлари билан бир қаторда Осиё, Африка, Австралия, Америка, Хиндистон ва Океаниянинг айrim қисмларида қабилавий диний тасаввурлар сақланниб келган ва сақланиб келмоқда. Улар ниҳоятда мурakkab маҳаллий урф-одат, расм-удум ва тартиботларни үзида мужассамлаштирган, инсон ҳаётидаги турли воқеа (бона туғилиши, исм қўйиш, дафн қилиш ва ҳоказо)лар билан боғлиқ, ҳар хил коинот ва табиатдаги ҳодисаларни ифодаловчи диний-мифологик тасаввурлар шаклида намоён бўлмоқда. Ҳозиргача қабилавий динлар қадимдан сақланниб келган қадриятларни, ахлоқ тартиблари (қабила одатларига, тартиб-қоидаларига тўла риоя қилиш, шахс манфаатини жамоа манфаатига бўйсундириш, хун олиш кабилар)ни ифодалаб, уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. Аммо христиан ва ислом динларининг таъсири остида қабилавий динлар аста-секин анъанавий хўжалик ва ижтимоий тузумнинг емирилиши жараёнида үзгариб, синкретизм (курама) шаклида юзага келиб, үзига хос диний тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Шимолий Африка аҳолисининг этник бирлиги асосида кўпчилик, яъни 94-95 фоизи мусулмонлар, 4 фоизи христианлар, қолганлари ибтидоий қабилавий динларга итоат қилса, Фарбий ва Марказий африкаликларнинг деярли ярмиси маҳаллий диний эътиқодларга амал қиладилар. Буюк географик кашфиётлардан кейин бу қитъага христиан дини зўрлик билан киритила бошлаган. Мустамлакачилик емирила бошлагандан кейин бу ерда ислом динининг тарқалиши кучаяди. Ҳозир Фарбий Африка аҳолисининг 32 фоизи мусулмон, таҳминан 18 фоизи христиан, қолгани анъанавий диний тасаввурлар таъсирида. Айrim мамлакатларни мисол қилиб олсак, Либерияда аҳолининг тўртдан уч қисми, Фил суяги соҳилида учдан

икки қисми, Юқори Вольта ва Ганада түртдан уч қисми, Нигерия ва Гвинея-Бисауда деярли ярми маҳаллий анъанавий динларга, айниқса, аждодлар арвоҳига сифинадилар. Тропик Африка анъанавий динларидан энг кенг тарқалгани марҳум аждодлар руҳига сифиниш, шу муносабат билан арвоҳларга атаб ҳар ҳил маросимлар ўтказиш, қурбонликлар бериш каби урф-одат ва ибодатлар ҳозиргача кўпчилик әлатлар орасида муҳим уринни эгаллади. Олимлар орасида Африкани "аждодлар ибодатининг мумтоз намунаси" деб айтилиши бежиз эмас.

Сунна мазҳабидаги ислом Фарбий Африканинг асосан шимолида ва соҳил қисмида, айниқса, Сенегал, Гамбия, Гвинея, Мали, Нигер каби мамлакатларда ҳукмрон динга айланган. Масалан, Нигерда 96 фоиз аҳоли, Сенегал ва Гамбияда 80 фоиз аҳоли мусулмон. Маҳаллий анъанавий диний эътиқод ва ибодатларга амал қилувчилар Фарбий Африкада 38 фоизни ташкил қиласди. Марказий Африка аҳолисининг 14 фоизи анъанавий динларга риоя қиладилар. Ҳозир Мадагаскарда яшовчи малагасий ёки мальгашийларнинг ярмидан кўпи (54 фоизи) маҳаллий анъанавий динларга, асосан, аждодлар арвоҳига сифинадилар. Кўпчилик аҳоли турмушида одамнинг туғилишидан то ўлимигача уруғ-қабила ибодатлари ва маросимлари, айниқса, дағн қилиш ва хотиралаш одатлари алоҳида ўринни эгаллади. Булардан ташқари қитъада минтақавий христиан-африка аралашма диний эътиқодлари ҳам кенг тарқалган. Бундай қурама (синкетик) динлар таъсирига Фарбий Африканинг 26 фоиз аҳолиси, Марказий Африканинг 17 фоиз аҳолиси ўтган.

Мантиқан таажжуланадиган вазият шундан иборатки, ҳозир Африка мамлакатларининг кўпчилигида, айниқса, тропик қисмида, жаҳон динлари (христианлик ва ислом), тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, маҳаллий, қабилавий диний тасаввурларнинг, чунончи уруғ-оилавий аждодлар ибодатини қурамалаштирибгина қолмай, балки мустаҳкам сақланишига (консервациялашга) ёрдамлашаётир. Шунинг учун ҳам айрим синкетик христиан черковларида аждодлар ибодатининг уйғониши рўй бермоқда.

Қабилавий диний тасаввурлар Австралиянинг туб аҳолиси орасида, Ҳиндистоннинг қолоқ этник гуруҳларидан

рида, Жанубий Америка ўрмонларида яшовчи аҳолининг айrim қисмларида ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Ҳиндистондаги адиваси қабиласининг бошлифи (оқсоқоли) ўзининг файритабиий кучига ишониб, ўзини қабила-нинг бош коҳини ва ҳатто худоси деб ҳисоблайди. Машаллий аҳоли уни Вишну худоси образини ўзида мужас-самлаштирган олий мавжуд деб тасаввур қилади ва унга тегишили иззат-икромлар изҳор қилади. Масалан, қабила раҳбарини маҳаллий ҳокимият сайловларига депутат қилиб кўтарадилар, унинг вафотидан кейин фарзандига гүё ота-сининг руҳи ўтган, деб ҳисоблаб, меросхўр сифатида ўғил-ларидан бирини қабила бошлиқлигига тайинлайдилар.

Генетик жиҳатдан қабилавий динлар билан боғлиқ бўлган бизгача сақланиб келган иудаизм сингари миллий давлат динлари ва мазҳабчилик ҳам айrim мамлакатларда ўз моҳиятини йўқотмаган. Бундай диний тасаввурлар ҳар кунги ўзига хос ибодати, урф-одати, ҳар хил йўл-йўриқ ва қоидалари билан бошқа динлардан ажралиб туради. Ҳозирги миллий-давлат диний эътиқодларига ва иирик мазҳабларга тўла амал қилиш, аслида, миллатчилик ҳиссиётларини кучайтириб, халқлар орасида низо уйғотади ва улар орасидаги яқинликка путур етказади. Бундай миллий руҳдаги динлардан конфуцийчилик, даосизм, синтоизм, ҳиндуизм ва иудаизм ўз издошларида гўёки худо томонидан инъом қилинган миллий устунлик туй-фуварини уйғотишга интилади. Оқибатда мазкур туйфу-лар миллатчилик ҳиссиётларининг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат жаҳон динларида, айниқса, христианлик мазҳабларида ҳам намоён бўлмоқда ва унинг оқибатида жиддий миллий низолар вужудга келмоқда. Масалан, ҳозирги ирландияликлар билан инглизлар, Юго-славиядаги православлар билан мусулмонлар орасидаги қонли туқнашувлар, протестант, англикан, католик черковлар ва янги сектантлик (мазҳаблар) орасидаги келиш-мовчиликлар ва зиддиятлар ёки ислом динидаги мазҳабчилик, сунна ва шиалар, фундаменталистлар ва исло-ҳотчилар орасидаги, қарама-қаршиликлар туфайли давримизнинг турли фожиали воқеалари юзага келмоқда. Бу ҳам диний эътиқодларнинг таъсири ҳозиргача нақадар кучли эканлигининг ёрқин далилидир.

❖ / Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда ҳар хил неоҳиндуистик ибодатлар, башорат (каромат) құлувчи дайди ваъзхонлар, йога ва тантриклар, яғни мазҳабчилик тарафдорлари пайдо бўлган. Неоҳиндуизм йўналиши аслида диний синкремтизм сифатида юзага келган, айрим диний таълимотнинг устунлигини инкор қиласидиган, каста ёки диний тафовутларни рад этиб, кишиларни бириттирувчи фояларни тарғиб қиласиди. Замона талабига мослашган бундай диний тасаввурлар кенг ҳалқ оммасига маъқул тушиб, кўп издошларни яратган ва ҳозирги ҳинд жамиятига муайян таъсир ўтказмоқда. Неоҳиндуизм таълимоти бир неча хилдаги мактаб ва мазҳабларни юзага келтириб, улар фарбда — Европа ва Америкада ҳам тарқала бошлаган. Масалан, кришнуитлар (ёки "Кришнани билиш ҳалқаро жамияти") ҳаракати бутун жаҳонга, айниқса, Фарб мамлакатларига тарқалган. Япониядаги Синто ҳам бир неча йўналишларга — сулолалик, ибодатхоналилар ва хонакиликка бўлинган. Шу билан бирга умуммиллий ибодатхоналар сони кўпайиб, синтоист ва буддист диний байрамлари, мархумлар хотириасини нишонлаш кенг тарқалган.

Аммо Ҳиндистонда кам сонли элатлар ҳам борки, уларнинг бир қисми буддизмга, айримлари илк дин шаклларига амал қилиб келмоқдалар. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Ҳиндистон буддизмнинг ватани ҳисобланса-да, ўрта асрларга келиб мазкур дин қўшни мамлакатларга тарқалиб, жаҳон динига айланган. Буддизм қулдорлик жамияти даврида пайдо бўлиб, қисқа вақт ичиди Марказий Осиё, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёга тарқалган.

Буддизм дастлаб (милоддан аввалги VI асрлар) қулдорлик жамиятида кенг меҳнаткаш омманинг каста (табақаланиш) тузумига мослашиб, шафқатсиз жабр-зулмга қарши тенглик фоясини кўтариб чиққан диний эътиқод сифатида пайдо бўлган эди. Арий қабилаларининг кўчиб келиши туфайли узоқ давр мобайнида уларнинг диний эътиқодлари маҳаллий ибодат ва эътиқодлар билан аралашиб, ҳиндуизмни юзага келтирган эди. Бу таълимот асли политеистик (кўп худолик) характеристерга эга бўлиб, унинг ҳозиргача машҳур худоларидан муқаддас учлик — Браhma, Кришна ва Шивага сифиниш бутун Жанубий

Осиёда сақланган. Унда "абадулабад" яратилган каста тузумини илоҳийлаштирувчи фоялар ўз ифодасини топган. Ҳиндуистлар ўз кастаси (табақаси)га садоқати туфайли ахлоқий бурч ва бадали (карма)га қаттиқ итоат қиласидилар.

Ҳиндуизмда ягона марказ, ягона ақида ва маросимлар йўқ, аммо итоатгўйликни бошқарувчи коҳинлар ва каста кенгashi (панчаята) мавжуд. Бу динда турли йўналишлар ва мазҳаблар жуда кўп. Шулардан энг иириклиари — вишнуизм, шиваизм, шактизм. Янги мазҳаблар неоҳиндуизм сифатида намоён бўлмоқда. Ўрта асрларнинг охири (XVI-XVII асрлар)да мазкур таълимотнинг элементлари билан ислом, буддизм ва бошқа диний тасаввурлар аралашмасидан якка худолик диний таълимоти (сикхизм) юзага келади ва у асосан Панжобда ҳукмрон дин бўлиб танилади. Сикхалар буддистлар сингари каста тартибини инкор қиласидилар, дарвешлик ва худо тасвирини гуноҳ деб ҳисоблайдилар.

Ўзига хос майший турмуш ва маданият хусусиятларини сақлаб келган, асосан қабилавий тузум тартибларига риоя қилиб яшаётган айрим элатлар (санталлар, гондалар, мундалар, ведалар, нийкобўрлар, андаманлар, кхаси, курумба, бхил, магара ва ҳоказолар)да ҳозиргача ибтидой инициация маросимлари, уруғ-қабилаларда аждодлар ибодати, табиат кучларий (шамол, момақалдириқ, күёш, ой, фалати ҳоллар ва булоқлар) га сифиниш, тотемистик ва анимистик тасаввурлар сақланиб келмоқда.

Умуман олганда Жанубий Осиё ҳалқларининг диний эътиқодлари турли-туман бўлиб, масалан, Ҳиндистонда аҳолининг 83 фоизи ҳиндуистлар, 11 фоизи мусулмонлар, 3 фоизига яқини христианлар, 2 фоизи сикхалар, фақат бир фоизи буддистлар ва жойнистлар.

Мустамлакачи инглизлар иродаси билан бошқаришга қулагай ҳолда парчаланиб, Ҳиндистондан фақат диний жиҳатдан сунъий равишда ажратиб чиқарилган Покистон аҳолисининг 97 фоизини, Бангладешда эса 80 фоизини мусулмонлар, 18 фоизини ҳиндуистлар ташкил қиласиди. Непалда ҳам ҳиндуистлар кўпчилик — тахминан аҳолининг 89 фоизи. Шри Ланка аҳолисининг 66 фоизи буддистлар, 19 фоизи ҳиндуистлар, 8 фоизи христианлар

ва 7 фоизи мусулмонлар, қолганлари ибтидоий анъана-  
вий динларга итоат қиласидилар.

Ҳозиргача сақланиб келаётган миллий-давлат динла-  
ридан иудаизм ҳам янги даврда замонага мослашиб ислоҳ  
қилина бошлаган. Масалан, XVIII асрнинг бошларида  
Шарқий Европа ва Россия яхудийлари орасида антифео-  
дал чиқишилари натижасида халқ оммасининг норозили-  
гини ифодаловчи диний куриниш сифатида хасидизм  
пайдо бўлган. Бу оқим (қадимий яхудийча — "такводор")  
дастлаб жамоалардаги молиявий доираларнинг ва улар-  
ни қувватлаган раввинларнинг ҳукмронлигига қарши  
қаратилган эди. Лекин хасидизм ўзининг ilk моҳиятини  
йўқотиб, иудаизмнинг мазҳабига айланади. Бу таълимот  
тарафдорлари асли ягона худони рад қилиб, пантеистик  
ғояларни тарғиб қиласи, уларнинг тасаввурида худо (ше-  
хина) инсонни ўраб турган барча мавжудот. Мазкур таъ-  
лимотга биноан ибодат пайтида худо билан бевосита му-  
лоқот қилиш мумкин, одам раввинларнинг воситачили-  
гига муҳтож эмас, деган фикрни асослашга ҳаракат  
қилинади. Социал зиддиятлардан, хасидизм ғояларига  
кура, инсон индивидуал ҳолда ўзининг диний ахлоқий  
камолоти орқали қутулиши мумкин. Талмуд ақидаларига  
биноан "олимлик"ка ва раввин хизматига эҳтиёж йўқ. Ха-  
сидизм ёмонликни яхшиликнинг энг паст босқичи, деб  
ҳисоблайди ва бу қарашлар шоду ҳураммлик доктринаси  
деб аталмиш ғояларда намоён бўлади. Бу фикр мазкур  
диний эътиқоднинг қўшиқ ва рақсларида, зоҳидликни рад  
этишда ўз ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда хасидизм АҚШ ва Истроилда тарқал-  
ган бўлиб, унинг мистикаси замонавийлаштирилган нео-  
хасидизм шаклида иудаист маддоҳлар томонидан кенг  
тарғиб қилинмоқда. Асли бу маддоҳ (қадик)лар хасидизм-  
ни рад этган раввинлар ўрнини босган ва улар хасидис-  
тик тасаввурларнинг диний мистицизм ва фанатизм ру-  
ҳида айнишига сабабчи бўлганлар. Бундай замонавийлаш-  
ган хасидизм ғоялари ақидавий иудаизмга қайтиб, ҳозирги  
яхудий илоҳиётчилари томонидан фаол тарғиб қилиниб,  
иудаизм ақидаларига жиддий таъсир қилмоқда.

Ҳозирги замон иудаизмининг энг муҳим йўналишла-  
ридан бири Фарбий Европадаги яхудийларнинг XVIII аср

бошларида пайдо бўлган буржуа тузумига мослашган — ислоҳ қилингандар иудаизмдир. Бу йўналиш мессия (халоскор) ҳақидаги ақиданинг яхудийларнинг Фаластинга қайтиши ҳамда яхудий давлатининг тикланиши ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқлигидан воз кечиб, улар иудаизмда уни универсал этик таълимот деб эълон қилдилар. Асри-мизнинг бошларида иудаизмда яна бир оқим — консерватив йўналиш пайдо бўлади. Унинг тарифботчилари диний ақидавий анъаналарга қайтадан "ижобий" ёндашиш ва янги давр миллатчилик фоялари оқимида юзага келган реакцион назария — сионизм билан яқин иттифоқ тарафдори бўлиб чиқдилар. Бунга ҳамоҳанг 30-йилларда иудаизм янги йўналиш — реконструкционизм номи билан вужудга келади. Унинг тарафдорлари диний мавқенини мустаҳкамлаш мақсадида иудаизм гўё миллий мансубликни белгилаб берадиган "яхудийлар цивилизацияси" деб эълон қилганлар. Илоҳий сионистик тамойилларни асос қилиб олиб, иудаизм илоҳиётчи раҳбарлари кўпчилик диндорларнинг иродасига зид ҳолда сионизмни қўллаб-кувватлаб чиққанлар ва ҳатто 1976 йилдан Жаҳон сионистлар ташкилоти билан бирлашганлар. Ҳозирги пайтда яхудий илоҳиётчилари Исроилда энг қудратли позицияга эга бўлиб, сиёсатга ва ижтимоий ҳаётга зўр таъсир ўтказмоқдалар.

Жаҳон динлари муқаддас китобларининг ақидавийлиги ва итоатгўйлик фояларининг ниҳоятда кучлилигига қарамай, буддизм, христианлик ва ислом капиталистик муносабатлар пайдо бўлганидан бошлаб муайян ўзгаришлар ва ислоҳотларни бошидан кечирган. Мазкур динлар, айниқса, Буюк географик кашфиётлар ва Уйғониш (Ренессанс) давридан кейин мураккаб тадрижий тараққиётни босиб ўтган эди. Албатта, бундай жараён ҳамма динларда бир хил бўлмаган. Чунки жаҳондаги мамлакатларнинг ривожи турли даражада ва ҳар хил мавқеда бўлган. Айниқса, маддий ва маънавий тараққиёти, миллий хусусияти, нафос ва ҳиссий туйғуларининг хилма-хиллиги ҳам диний тасаввурларнинг характеристига таъсир қилган.

Афсуски, собиқ совет тузуми ва диншунослик фанининг динга бир ёқлама қараши, «жанговар материализм»га асосланган марксча-ленинча таълимотнинг сохта ақида-

вийлик ёндашуви туфайли инсон тафаккурининг муҳим томони ҳисобланган диний эътиқодга гүёки ёвуз душман, зарарли сарқит деб қараш натижасида ҳаққоний илмий хуласалар қилишга имкон бермаган эди. Бўрттириб курсатилган илмий атеизм назариясининг файри назарияларга қарама-қарши жанговар руҳдаги таълим сифатида намоён булиши ижтимоий онг шакллари ёки дунёқарашларни инкор қилиб, асли файрийлмий сохта тасаввурларни юзага келтирди. Оқибатда бизлар диний ҳамда марксизм-ленинизм таълимотига (синфий кураш нуқтаи назаридан) қарши бўлган барча foяларни, айниқса, анъанавий ва янги пайдо бўлаётган диний қарашлар ва ҳаракатларни нотўғри ёки бир ёқлама баҳолаб келганимиз. Уша вақтда илмий дунёқарашга зид бўлган назария ва foяларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий илдизларини топишга интилиб, уларнинг маънавий-ҳиссий ва руҳий томонларига кам эътибор берилиган. Ваҳоланки бутун жаҳонда рўй берадиган дунёқарашларнинг асли кучи ва таъсирчанлиги ҳам шу жиҳатларга боғлиқ эканлиги унтуилган.

Ҳозирги диндорлар орасида эмоционал-руҳий моҳијати кучли бўлган илк динларга қайтиш ҳаракатининг кучайиши сабабларини ҳам мазкур жараённи ўрганиш орқали билиш мумкин. Замонамизнинг ҳар хил мистик ва хурофий мазҳабчиликка берилиши, диндорлар орасида янги диний қарашлар, биз хурофий деб ҳисоблаган ибтидоий тасаввурларга қайтиш, уларни замонага мослаштириб тиклаш каби ҳолатлар мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий зиддиятларнинг, айниқса зиддиятли давримиз яратадиган маънавий қашшоқликнинг табиий маҳсулни эканлигини аниқлаш жуда муҳим вазифадир. Ҳозирги даврдаги янги диний тасаввурлар билан бирга эски архаик дин шаклларига қайтиш ёки тиклаш муайян ижтимоий гуруҳлар учун жаҳон динларидағи ақидавийликдан афзал деб қабул қилиниши тасодифий эмас. Масалан, Фарбий Европа ва Америка жамиятларида сеҳргарлик (маттия) ва шаманизм каби ибтидоий дин шаклларининг кенг тарқалиши, Германия ва Швецияда қадимги герман худолари ибодатларининг қайта тикланиши муайян ижтимоий-психологик ва миллий ҳиссиётлар билан боғлиқ эканлигини тушуниш қийин эмас. Мазкур жараённи жиддий

тадқиқ қылган Farb диншуноси М. Вебер "Дин социологияси" номли асарида янги диний тасаввурларнинг пайдо булиши ва эски диний қарашларнинг қайта тикланиши тасодифий эмас, балки муайян замонага хос тенденциядир, деган холосага келади.

Ёки Японияда пайдо бўлган "янги динлар" иккинчи жаҳон урушидан кейинги кўплаб қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келган (миграцион жараён билан боғлик) майда буржуа элементларининг қашшоқланиши ва хўрланиши оқибатида уларнинг "эски динлар"дан юз ўгириб нажот ахтариши натижасида юзага келган. Шаҳар фожиалари, япон тадқиқотчиларининг таърифича, янги ҳаётдан яхшиликлар умид қылган диний ҳаракатларни юзага келтирган. Бу «динлар»да яхши, фаровон турмушга интилиш ва унга эртаклардагидек умид боғлаш foялари илгари сурилган. Асли бундай жараён илк капитализм пайдо бўлгандаги буржуа реформаторлик ҳаракатини эслатади.

"Бюргер реформаторлиги" деб номланган Европадаги мазкур ислоҳотчилик ҳаракати ўзининг foявий оптимизми ва афсонавий бой имкониятларни яратиб "порлоқ келажак" тўғрисидаги таълимотга таяниши билан ажralиб турди. Янги дин асосларидан Эйтё-но-иэ яратган таълимотга биноан: "Одам худо фарзанди экан, демак, унинг учун амалга ошмайдиган нарса йўқ ва у оламни ўз ўй-фикрига монанд ҳолда, ўзининг қалб истаги билан эркин яратишга қодир". Худди шу маънода Япониядаги "янги динлар" таълимоти инсон эркинлиги ва бунёдкорлигини, янги замон талабига жавоб бера оладиган foяларни тарғиб қилибгина қолмай, балки ўзига хос "пайғамбар" ва "авлиё"ларни яратиб, цивилизациялашган оламга ҳам тарқалган. Тақводорлик ва тарқидунёчиликни рад этиб, дунёвий фаолиятни тарғиб қилувчи янги замонга мос диний таълимотлар нафақат Осиё мамлакатларида, балки Европа ва Америкада ҳам кенг тарқалмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, асли неоҳиндудизм ва япон "янги динлари"нинг пайдо булиши асримиз бошларида Россияда кенг тарқалган "худоизловчилар" оқимини эслатади. Бундай ҳолат маҳаллий зиёлиларнинг озодлик ва миллий уйғониш ҳаракати билан боғлик бўлиб, қадимий даврлардан келаётган инсонпарварлик foяларини

руёбга чиқариш мақсадида юзага келган таълимотлар деса бўлади. Буларнинг ўзига хослиги шундаки, агар япон диний ислоҳотчилиги шартли равишда бой фольклор руҳида ривож топган бўлса, хиндуизмдаги янги оқим Ауробинди Гхоин, Махатма Ганди каби машҳур тарихий шахсларнинг инсонпарварлик фоялари заминида пайдо бўлган диний ислоҳотлар маҳсулидир. Ҳиндуистик оқим романтизми негизида юзага келган мумтоз мавзу кучли иродага эга, Ватанга садоқатли қаҳрамонлар, рус декабристлари сингари ўзини омма учун қурбон қилишга тайёр эркин шахсларни тарғиб қиласиди. Япон "янги динлари" каби неоҳиндуизм ўзининг "авлиёлари" ва диний-идеал шахсларига эга бўлиб, улар анъанавий фольклор қаҳрамонларини эслатади. "Янги динлар" тасаввуррида шахс ва жамият орасида ҳеч қандай зиддият йўқ, романтик ҳиндуистлар бу зиддиятни очиқ сезган ҳолда, уни фидокорона хизмат орқали ва оммани раҳбарлар даражасига кўтариш йўли билан ҳал қилиш мумкин, деган фикрни илгари сурадилар.

Жаҳон динлари ҳам ўзининг янги даврдаги ривожида замонага мослашган ҳолда турли хилдаги йўналишлар ва мазҳабларни яратган ва яратмоқда. Масалан, буддизм ўзига хос янги диний тузум (мазҳаб)лар шаклида бошқа мамлакатларга тарқалмоқда. Маълумки, буддизмнинг энг қадимий шакли хинаянаидир. Хинаяна ("кичик арава" ёки "нажот топишнинг тор йўли")нинг асл моҳияти — яхши монахлик жамоаси (сангхи)га кириб, якка-ёлғизлиқда таркидунёчилик ва тақводорлик йўли билан кундалик ҳёт ташвишларидан халос бўлишга интилишдан иборат эди. Вақт ўтиши билан, яъни феодал муносабатларнинг ривожи туфайли мазкур таълимот ўзининг янги давр талашибига жавоб беролмаслигини кўрсатди. Янги йўналиш тантризм ёки важраяна турли йўналиш ва мактабларнинг умумий номи бўлиб, асосан эркак ёки аёлнинг жинсий курратига сифиниш ибодатини тарғиб қиласиди. Тантризм таълимотича, "инсон микрокосмос" деб тасаввур қилинади, унинг танаси космосга ўхшаш ва ундаги моддалар танада ҳам мавжуд. Бу таълимотга биноан киши йога амалиёти орқали улуғланиш ҳолатини тақлидий такрорлаш йўли билан табиатнинг ҳимматини яратиши ёки куҷайтириши мумкин.

Ҳиндистондан ташқарига кенг тарқалган буддизмнинг икки асосий оқимидан бири ҳисобланган маҳаяна ("ката арава" ёки "нажот топишнинг кенг йули") руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга инъомлар бериб ёрдам қилувчи ҳар қандай диндор киши илоҳиётдан нажот топиши мумкин, деган қоидага асосланади. Ҳар бир инсон "олий мутлақ" (нирвана) бирламчи ҳақиқат, қонун-қоида, бурч ва ҳиммат мажмуи дхармалар олами билан бир деб ҳисоблаб, унга эришиш орқали нажот топади. Бундай ҳаммабоп нажот йўли буддизмнинг жаҳон динига айланишига сабаб бўлган.

Маҳаяна йўналишининг бир тури сифатида ламаизм (маҳаллий динлар ва тантризм чатишмасидан вужудга келган) таълимоти тибет, бурят, қалмиқ, мӯғул ва тыва халқлари орасида ҳозиргача кенг тарқалган. Бу таълимот буддизмнинг барча ақидаларига таяниб, инсон фақат ламалар орқали нажот топади (гуноҳларидан покланади), уларсиз оддий бандалар жаннатга туша олмайди, нирванага етишиш у ёқда турсин, бу дунёга қайта келиш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди. Ламаизмнинг ўзига хослиги шундаки, олий руҳонийлар намояндаси — хубилган (тирик худо)лар ибодати ва шу асосда худоларнинг ердаги вакили ҳисобланган ламаларга ва дунёвий ҳокимииятга сўзсиз бўйсуниш энг муҳим фазилат ҳисобланади. Монахлик, дабдабали ибодатлар ва театрлашган турли маросим (мистерия)лар ўtkазиш ҳам ламаизмга хосдир. Худолардан раҳм-шафқат тилаб, уларнинг қаҳр-ғазабини ва ёвуз руҳларнинг зиён-заҳматларини қайтаришга қаратилган кўпгина расм-удумлар шаманлик фаолиятида ўз ифодасини топган ва ҳозиргача сақланиб келади.

Буддистлар ҳозирги Бирма, Таиланд, Лаос, Вьетнамда аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қиласди ва улар миллий-озодлик курашида фаол қатнашадилар. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, ҳар хил необуддизм оқимлари кенг тарқала бошлайди ва улар сиёсий тусга кириб диний-ислоҳотчилик ҳаракатининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ривожланган мамлакатларда ёшлар орасида дзэн-буддизм (асли V-VI асрларда Хитойда пайдо бўлган мазҳаб) таълимоти издошлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу мазҳабга асос солган афсонавий ҳинд мон-

нахи Бодхидхарманинг таълимотига кўра, инсон ички дунёсига мурожаат қилиш, Будданинг умумий, чин донолиги билан яқиндан алоқада бўлиш орқали ҳақиқатга ва барка-молликка эришиши мумкин. Мазкур мазҳаб қаттиқ тартибот ҳамда руҳий (психик) ва маҳсус машқларга амал қилишни талаб қиласди. Дзэн катталар обрўсини, ҳаттоқи Буддани инкор қилувчи нигилистик руҳдаги фоялари билан ёшларни ўзига жалб қиласди. Дзэнни мафкурачилар ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатби назар "ҳаммага мос жонли амалий ҳақиқат", деб номлайдилар. Бу таълимот 50-60 йилларда Фарбий Европада, айниқса, АҚШ ва Канадада кенг тарқала бошлаган. Ҳозир дзэн-буддистлар сони дунёда ўн миллиондан ортиқ, уларнинг қўпчилиги (тўқиз миллионга яқини) Японияда истиқомат қиласди.

Замонавийлашган янги мазҳаблар (шу жумладан дзэн-буддизм ҳам) диний назарияларга унчалик эътибор бермайди, улар амалий медитация, яъни фикрлаш орқали диққатни бир жойга тўплашга ёрдам берувчи психик (руҳий) машқларга катта эътибор беради. Медитациянинг энг машҳур тизими йога ҳисобланиб, "ақлий пешлашнинг" маҳсус услуги — психотерапия ва психоанализ куриниши сифатида намоён бўлади. Бу услуг христиан ва католицизм динларининг энг оммабоп оқимларида ҳам ўз ифодасини топади. Бу ислом сўфийлигидаги руҳий камолотга эришиш йўлидаги таълимот ва ҳаракатларнинг ўзига хос кўринишларидандир.

Рим империясининг Шарқ қисмида милоднинг I асррида пайдо бўлган христианлик бир нечта тарқоқ, майда мазҳаблардан IV асрга келиб қурратли мафкуравий оқим сифатида бутун жаҳонга тарқала бошлади. Оқибатда, у энг кенг тарқалган ва ўз издошларининг маънавий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётига улкан таъсир кўрсатган жаҳон динига айланди. Янги диннинг мафкураси Янги Аҳд ақидаларида ўз ифодасини топган ва 325 йили Никей шаҳрида тўпланган христиан черковининг I Жаҳон собори (кенгаши)да қонунлаштирилган эди. 1054 йили христиан дини икки йирик йўналишга — православ ва католицизм черковларига бўлиниб, кейинчалик Фарб Уйғониш даврига келиб, бир неча мустақил мазҳабларга ажралиб кетади. Иккала черковда ҳам ислоҳотчилик ҳара-

кати зүр бүлган. Айниңса, VI асрда пайдо бүлган құдратли антифеодал ва антикатолик ҳаракатлари бутун Европа мамлакатларыга тарқалиб, католицизм черковининг парчаланиб кетишига сабаб бүлган эди. Дастлаб Германияда ислоҳотчилар ҳаракати туфайли протестантизм, кейин лютеран (ёки евангелия) черкови юзага келади. Швейцарияда кальвинизм, Англияда англикан черковлари, Европанинг турли қисмида методистлар, меннонитлар ва баптистлар махсус мазҳаб сифатида, реформаторлик ҳаракатининг маҳсули сифатида юзага келган эди.

XIX асрнинг 30-йиллари АҚШ да баптистлар, адвентистлар, 70-йиллари бошида протестантлардан «иегово шоҳидлари», утган аср бошларидан пятидесятниклар, кейин «мармонлар» ёки "охират авлиёлари", "нажот", "христиан фани" мазҳаблари ажralиб чиқади. Протестантлар бирлашишга интилиб, 1948 йили «Жаҳон черковлари кенгаши»ни тузишда фаол иштирок қилғанлар. Протестант фалсафасига асосланған реформация ҳаракати диний эътиқод — инсоннинг худо билан шахсий алоқаси, деган таълимотни олға суради. Ҳозирги замон протестант илоҳиёти вакиллари худо фалсафий билишнинг объекти бұла олмайды, у эътиқод объектига айланиши учун ҳис-туйфулар ёки ақл-идрок хизматига муҳтож әмас, деб даъво қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон протестантлары (П.Тиллих фикрича) христианликнинг замонавий оң шакллари билан, шу жумладан фалсафа билан йўқолган синтезни (бирлашишини) қайта тиклаш зарур деб ҳисоблайди.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, агар протестантизм пайдо бүлгандан бүён бир неча хилдаги черков йұналишлари, мазҳабларга бўлинниб келган ва бу жараён ҳозиргача давом этиб келган бўлса, аксинча, католицизм анча жиддий марказлашган дин сифатида намоён бўлиб келмоқда. Фақат 1870 йили католиклардан кичкина бир гурӯҳ — Швейцария ва Жанубий Германияда эски католиклар ажralиб чиқди. Улар Рим папасининг "бегуноҳлиги" тўғрисидаги янги ақидага қарши бўлиб, черков иштирокига ва диний ибодатга бир оз демократик тартибларни киритгандар.

Православ черкови ҳам ўз тараққиётида бир неча даврни бошидан кечириб, ақидавий ва ташкилий жиҳатдан

баъзи ўзгаришларни киритган. Мазҳабчилик ҳаракати ҳам православ черковини чеклаб ўтмади. Православлар ҳозир 15 та мустақил (автокефал) черковдан иборат: Константинополь (Туркия), Искандария (Миср), Антиохия (Сурия, Ливан), Иерусалим (Қуддус), Кипр, Рус, Грузин, Серб (Югославия), Булғор, Эллада (Юнонистон), Румин, Албан, Поляк, Чехословакия ва Америка черковлари. Бундан ташқари, яна учта автоном православ черковлари мавжуд — Синай, Фин ва Япон черковлари. Уларнинг барчаси умумий ибодат ва таълимотга эга бўлса-да, аммо ақидавий жиҳатдан мустақил ҳисобланади.

Православ черковлари ягона бошқарув марказларига эга эмас, уларда маҳсус анжуман (собор) қонун чиқарувчи олий ташкилот мавжуд. Православ диний таълимотида черковнинг ташкилий масаласида ҳам ўзига хос хусусиятлар сақланган ва улар ўзаро мустақил фаолият курсатадилар. Константинополь (Истамбул) черкови Патриархи бошқа черковларга Бош (Вселенский) ҳисоблансада, у маҳаллий (поместный) черковларнинг ишига аралашмайди. Мазкур черковлар VIII асрдан бери умумий собор (анжуман)лар ўтказганлар, аммо уларнинг бариси учун Никон (325й.) ва Константинополь (381 й.) жаҳон соборларида қабул қилинган эътиқод муайян дастур тимсолида таърифлаб берилган. Православ таълимотининг асосини Библияда ифодаланган муқаддас ёзув ва муқаддас ривоятлар ташкил этади. Рус православ черкови Москва патриархияси сайлангандан сўнг (1589 йили) мустақил (автокефаль) черков деб эълон қилинди.

Православие таълимоти оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона худо эканлигини, охират (нариги дунё), дастлабки гуноҳ туфайли ажр ва азоб-уқубатлардан нажот топишига имкон берувчи Исо Масиҳнинг халоскорлик миссиясига ишониш каби эътиқодларни тан олади. Черковнинг худо ва пайғамбар ўртасидаги воситачилик ролига алоҳида эътибор бериб, христианларни етти сирли маросим (тайинство)-га итоат қилишни бандасидан талаб этилади. Православие диний байрамларга алоҳида эътибор беради.

Автокефаль черковларнинг ичida энг йириги Рус православ черковидир. Бу черков 988 йили Киев Руси хрис-

тианликка үтказилгандан сўнг пайдо булиб, 500 йилча Константинополь патриархига қарам бўлиб келган. 1589 йили Россияда патриарх бошчилигидаи черков бошқарув тузуми (патриархлик) таъсис этилган ва у XVIII аср бошларигача ишлаб келган. 1721 йилда Буюк Петр ҳукми билан мазкур черковга раҳбарлик қилиш Обер-прокурор бошчилигида ташкил этилган Синодга юкландган.

Рус православ черкови феодал тузумининг асосий мафкурачиси ва энг йирик мулкдори ҳисобланиб, ҳукмрон табақалар ва чор самодержавиесига бутун тарихи мобайнида таянч булиб хизмат қилиб келган. Ўз навбатида чор ҳокимияти ҳам черков ташкилотини қўллаб-қувватлаб, унинг ривожига катта эътибор берган. Черков ўз мавқенини мамлакатда ва ҳалқаро миқёсда мустаҳкамлаш мақсадида XVII асрда патриарх Никон даврида бир қатор ислоҳотлар үтказган ва бу тадбирлар Синод ва подшо томонидан маъқулланган. Масалан, айрим диний китобларга ўзгартишлар киритилган, баъзи ақидавий қоидалар янгиланган, чунончи икки бармоқ ўрнига уч бармоқ билан чўқиниш, ибодат пайтида руҳонийнинг ўзини тутиши ва ҳаракати белгиланган, "аллилуя" сўзини уч марта такрорлаш, ибодат вақтида ваъзхонлик мажбурий деб ҳисобланган ва ҳоказо. Аммо руҳонийларнинг, боярлар, савдогарлар ва деҳқонларнинг бир қисми янгиликларга қарши чиққан ва бу ҳаракат давлат ва черков сиёсатидан норозилик билан қўшилиб жиддий тус олган. Оқибатда кенг ҳалқ оммаси орасида мазкур зиддият кучайиб, диний байроқ остида антифеодал ҳаракатга айланган.

Аслида черков ислоҳоти масаласидаги келишмовчиликлар рус православ черковининг XVII асрнинг иккичи ярмида бўлиниши натижасида пайдо бўлган ва уни қабул қилишдан бош тортган гуруҳларнинг бирикиб, янги диний оқимларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бундай гуруҳлар мажмуи старообрядчилик мазҳабини пайдо қилган. Бу оқим черков ислоҳоти масаласидаги келишмовчиликда уч асосий куч ўзаро тўқнашувида намоён бўлади: 1) черковни давлатга бўйсундиришга интилган дворянлар монархияси; 2) феодал тарқоқликтин ва ўзларининг табақавий имтиёзларини сақлаб қолишга уринган боярлар; 3) феодал руҳонийлар ҳамда Никон раҳбарли-

года черковни марказлаштириш, дунёвий ҳокимиятни диний ҳокимиятга бўйсундириш мақсадларини кўзлаган руҳонийлардан иборат. Кейинчалик, старообрядчилик гуруҳларининг кўпчилиги тарқалиб, бошқа диний мазҳаб ва оқимларга қўшилиб кетган. Шулардан энг асосийлари попчилик (поповщина), попчилик мухолифлари (беспоповщина ва беглопоповщина) кабилар бутун Россияга тарқалган. Деярли уч аср давомида Рус православ черкови старообрядчиликни анафема деб эълон қилиб, яъни лаънатлаб черковдан четлаштирган. Натижада улар қатағон қилиниб, мамлакатнинг чеккасига сургун этилган.

Рус православ черковига Москва ва Бутун Рус патриархи раҳбарлик қиласи. У бутун ақидавий ва ибодат масалаларини бошқариш ва суд ишларини адо этишга қодир. Унинг қошида доимий ва муваққат аъзолардан иборат Синод (махсус анжуман) хизмат қиласи. Черковнинг қуий диний-маъмурӣ ташкилоти приход ҳисобланади, у руҳонийлар ва диндорлар жамоасига эга бўлиб, приходни бандалар умумий йиғилишида қавмлардан сайланадиган черков кенгаши бошқаради.

Православ черкови қанча қаттиқўллик билан диндорлар жамоасини бошқармасин, унга ва ҳукмрон тузумга қарши чиқишлиар тўхтамаган. Айниқса, XVIII асрдан бошлаб Россияда янги типдаги мазҳаблар пайдо бўла бошлайди. Улар аслида рамзий маънода помешчик самодержавиеси ва черковнинг зулмига нисбатан дехқон ва бошқаларнинг қарши чиқишининг ифодаси эди. Уша даврда пайдо бўлган "божи люди" (худо одамлари) ёки христианлар мазҳаби расмий ақидаларга, черков ибодати ва ҳоказога қарши чиққан. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан мазкур мазҳабдан ажралиб чиққан ахталар (скопцы) ўтакетган фанатик (мазҳабга кирганлар ўзларини бичиши шарт бўлган) диндорлардан иборат бўлиб, хурофот тарафдорлари бўлган.

Бундай мистик мазҳаблардан ташқари рационалистик руҳдаги гуруҳлар ҳам пайдо бўлиб, улар христиан таълимотига "оқилона" ёндашишни талаб қилганлар. Булар дуҳборлар, молоканлар, иеговистлар ёки ильянлар ва ҳоказо. Мазкур мазҳабларнинг таълимотида бир томондан дехқонларнинг стихияли равишда патриархал жамоачилик

тартибларига қайтиш бұлса, иккинчидан, эркин капиталистик муносабатларни ривожлантириш хусусиятлари үз ифодасини топган. XIX аср ўрталаридан бошлаб Россияга ғарбдан протестант мазҳабларидан — штундистлар, меннонистлар, кейинроқ баптистлар кела бошлайды ва улар рус мазҳаблари билан яқынлашиб, баъзан уларни сиқиб чиқарған.

XIX асрда Европа ва Америкада ишчилар ҳаракатларининг кучайиши ва улар орасида социалистик ғояларнинг тарқалиши диний таълимотларга ҳам таъсир күрсатди. 40-йиллардан бошлаб Франция, Англия ва Германияда "христиан социализми" оқими, 80-йиллардан бошлаб христиан касаба иттифоқлари (Бельгия, Франция ва ҳоказо) ташкил топади. Бундай иттифоқлар, айниқса, Бельгия, Италия, Германия каби мамлакатларда кучли бұлған, чунки бу ерда католик сиёсий партиялар мавжуд эди. Мазкур партияларнинг айримлари давлат бошига чиқсан ҳукмрон партия ҳисобланиб, кенг халқ оммасига, жумладан диндорларга таъсири катта бұлған.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, христиан черковлари XIX-XX асрларда фан-техниканинг гуркираб үсиши туфайли илм-фанга бұлған муносабат ҳам үзгарған. Ғарб рухонийлари орасида фанга қарши ақидавийчилар (айниқса АҚШда) мавжуд бұлса-да, христиан ақидаларини замона фани билан яқынластиришга интилаётгандар сафи анча күпайди. Улар Инжил ва Таврот ақидаларини янги-ча талқин қилиш йўли билан мосластиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, исломда иккى асосий йўналиш — суннийлик ва шиалик мавжуд. Статистик маълумотларга биноан, жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 фоизи суннийлар. VIII асрда пайдо бұлған исломдаги мистик-фалсафий, тақводорлик таълимоти — сўфизм ёки тасаввуфлик ҳам йирик диний оқим сифатида юзага келган эди. Дастреб сўфизм тарафдорлари шахсий истақдан тұла воз кечиш ғоясини тарғиб қылғанлар. Тасаввуфда неоплатонизм таълимоти, зардыштийлик, иудаизм, христианлик ва ҳатто шомонийликнинг жиддий таъсири сезилади. Үзига хос синкретизм таълимоти сифатида кенг тарқалған тасаввуфлик ижтимоий тараққиёт хусусиятла-

ри билан боғлиқ ҳолда хилма-хил шакл ва оқимларга эга. Сўфийликнинг асосий обьекти — инсон ҳамда унинг худога муносабати.

Руҳий камолотга эришиш учун сўфий тўртта босқичдан ўтиши керак: биринчиси шариат, унга биноан тасаввувуф аҳли унинг барча талабларига бўйсуниши зарур; иккинчи босқичда тариқатга кўтарилиш мумкин, бунда муридлар ўз пирларига итоат қилиши ва шахсий истакларидан воз кечиши шарт; учинчى босқичда тасаввувуф маърифатга кўтарилади, бунда у Коинотнинг бирлиги худода мужассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англашлари керак, деб ҳисобланади; тўртинчи босқичда сўфий ҳақиқатга эришади, яъни тақводор "шахс сифатида тугаб" худога етишиши, унга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришиши мумкин, деб қайд этилади. Бунга тасаввувчилар маҳсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар, сифиниш ва ибодатлар орқали етишишга интиладилар.

IX-XI асрларда сўфийлик ақидавий исломга зид бўлганлиги туфайли ҳукмрон табақалар томонидан қаттиқ танқид қилинган. Аммо сўфийлик таълимотининг мистик элементлари айрим илоҳиётчилар томонидан ортодоксал ислом тизимиға киритилган. Бу соҳада йирик мутафаккир илоҳиётчилар Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Ал-Фазалийнинг хизматлари катта. Масалан, Фазалий дунё қонуниятларини ақл орқали билишни инкор этмаса-да, худони ақл орқали англаш мумкин эмас, уни маҳсус руҳий, жисмоний ҳаракатлар, сифиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жон худо сингари коинотдан ташқарида, олам худо томонидан яратилган. Фазалий таълимоти сўфийликни ортодоксал ислом билан бирлаширишга интилиб, бу билан у амалда исломнинг ислоҳчиси бўлиб танилган эди.

Ўзбекистонда тасаввувлик IX асрнинг иккинчи ярмидан кенг тарқала бошлаган ва унинг ўзига хос образлари ва атамалари Шарқ мутафаккирлари, олим ва шоирларининг ижодида ўз ифодасини топган. Улар ўзларининг илфор фикрларини тасаввувлик қобигида тарғиб қилганлар. Масалан, Низомий, Навоий, Ҳофиз, Жомий,

Огаҳий, Мунис каби буюк шоирларнинг ижоди ҳам маълум даражада сўфийлик таълимоти билан боғлиқ бўлган. Сўфийлик тариқати Ўрта Осиёда асримиз 20-йилларига келиб асосан барҳам топган. Ҳозирги даврда хорижий мамлакатларнинг айримларида тасаввуф фоявий оқим сифатида қисман сақланиб, мафкуравий жиҳатдан муайян роль ўйнаб келмоқда.

Асли мазҳабчилик ҳаракати дастлаб исломдан бошланган бўлса-да, унинг энг авжга кўтарилиган ва оммавий халқ чиқишиларига сабаб бўлган ўрта асрларда Европада кенг тарқалган. Юқорида қайд қилинган еретиклик шаклидаги омма ҳаракати ҳукмрон тузум, дин ва черковга қарши қаратилган кучли оқим сифатида юзага келган эди. Шарқда бошланган дастлабки Уйғониш (Ренессанс) даври буюк мутафаккирлари, шоир ва адиларининг нодонлик ва хурофтга қарши чиқишилари ҳамда Фарб Ренессанси билан узвий боғлиқ ҳолда ўша вақтдаги диний қарашларнинг ҳукмронлиги туфайли барча халқ ҳаракатлари дин байроғи остида намоён бўлган. Қайси бир буюк шахснинг ижодий ёки амалий фаолиятини олманг, дунёвий муаммолар, эзгу ниятлар, ҳатто юксак фоялар муайян дин таълимоти ва фоялари таъсирида юзага келганинг гувоҳи бўласиз.

Аммо айрим исёнкор мутафаккирлар ўзларининг қалбни ларзага келтирадиган ўй-фикрларини яшира олмай, инсон эрки, баҳт-саодати ва фаровон ҳаёти учун курашиб, хурофт ва нодонликка қарши дадил чиқиш қилгандар. Улар ўзларининг жўшқин ва ўткир шеърий сатрларида инсонни ҳар томонлама улуғлаб, кишини ҳаёт вақтида дунё лаззатларидан баҳраманд бўлишга чорлайдилар, ўзида ажойиб инсоний фазилатларни мужассамлаштиришни тарғиб қиласидилар. Масалан, Шарқ классик адабиётининг забардаст намояндаси, машхур Абдулқосим Фирдавсий офтоб каби нурли, жўшқин асалари билан хурофт булутларини тарқатишга ўз ҳиссасини қўшган. У ўзининг ажойиб асари "Шоҳнома"да кишидаги ватанпарварлик, садоқат, жасурдик, инсонпарварлик каби юксак фазилатларни, шунингдек тинчлик ва осойиштаклини зўр маҳорат билан куйлаган.



Қиёматдан құрқиб, бунчалик ташвиш -  
Нима учун тортар бечора бу дил?  
Иблиснинг майини иблис жомидан  
Ичмоққа ундаиди иблис муттасил...

Носир Хисрав антик даврнинг буюк мутафаккири Ксенофан сингари худонинг "ниҳоятда адолатсизлигини" қоралаб, ҳалқларнинг ҳар хил ирқда яратилишини, ижтимоий тенгсизликни ўткир сатирик мисраларда ифодалайди.

Эй худоё, худолигинг туфайли агар,  
Ҳамма инсонлар тиноти тузук тузулмиш.  
Нега энди румликларнинг юзи чиройли,  
Хабашлар чехраси нечук хунук тузулмиш?

Хурларнинг юзидай, дўзахнинг дилидай  
Турк юзи оқу ҳиндий чехраси қорадир.  
Мехробнинг зоҳиди ва бутхона кошиши  
Недан баҳтиёру, нечун баҳти қорадир?

Сен бўла туриб ҳаммага доя — энага,  
Нима учун туғилишда бунча айирма?  
Бойларнинг мол-мулки дарё дарёю  
Камбагал на учун кема-кема?

Булар очиқдан-очиқ динга, хурофий тасаввурларга қарши қаратилган даҳрийлик руҳидаги ғоялар эди. Хурофотни фош қилган "адолат оламининг тожи", инсонпарвар Носир Хисрав ислом уламоларини шунчалик құрқитганки, улар шоирнинг ҳалқ олдидаги нуғузидан фойдаланиш мақсадида унинг вафотидан кейин "авлиё" деб эълон қилишган ва ажойиб сатирик асарларини йўқотишига интилганлар.

Ўша даврда яшаган қомусий олим, буюк мутафаккир, ажойиб шоир Умар Хайём (1040-1123) ўз замондошлари томонидан материалист ва атеист деб эътироф этилган эди. Европа тадқиқотчилари Ренан, Мюллер ва бошқалар уни эркин фикрли, диний эътиқодни бузувчи, худосиз ва мистицизмни масхараловчи, пантеистик ғояли шахс деб таърифлаганлар. Йириқ табиатшунос, математик ва астроном Хайём 1079 йилда Григориан тақвимидан ҳам

аниқроқ янги тақвим кашф этиб, ўз нөмини абадийлаштирган эди. Унинг ажойиб илмий асарлари ва ўткир рубоийлари ислом ақидаларини рад этиб, илфор фалсафий таълимотларнинг ривожланишига катта таъсир ўтказган. Хайём фалсафа масалаларига оид бешта асар яратган. Уларда оламнинг моддийлиги, ундаги ўзгаришларнинг абадийлиги ва қатъий қонуниятга эга эканлиги таъкидланади. Унинг таърифика, борлиқ — бошланиши ва охирни йўқ абадий оқим, ундаги нарсалар тұхтовсиз янгилашиб, ўзгариб туради, материянинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши, бир сифатдан иккинчи сифат ҳосил булиши борлиқнинг табиий ҳолатидир. Хайём табиатни билишда инсоннинг ақлий қобилиятларини улуғлаган, инсон табиатнинг энг етук маҳсули эканлигини, табиатни билишда ақл ва илмга асосланиш зарурлигини исботлаб берган.

Токай бутхонаю, масжиддан дейсан,  
Токай жаҳаннаму беҳиштдан дейсан?  
Тақдир лавҳасини кўр, қалам устоди —  
Бўлар ишнинг барин ўшанга чеккан,—

деб инсонни нодонлик ва хурофотдан озод булишга чақиради шоир. У ўзининг оташин рубоийларида охират тўғрисидаги уйдирма, афсоналарни, дўзах ва жаннат тўғрисидаги хурофий тасаввурларни фош қилиб, хушчақчак, жўшқин турмуш кечиришга, ҳаёт лаззатларидан баҳра олишга чорлайди.

Муҳтоjлик кўйида кўнгилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,  
Каъбада нима бор, бир дилни овла.

Гул узра қўкламнинг шабнами яхши,  
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.  
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,  
Кувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.

Хайём худони адолатсизликда, жоҳилликда ва меҳризлика айблайди, диний ақидалардан норозилигини

билдиради. Унинг ҳар бир рубоийсида хурфикрлилик элементлари, инсонпарварлик, ҳалол меҳнат ва адолат foяла-ри янграйди. Жўшқин ва шодиёна лаззатли реал ҳаётни дунё насия ваъдаларига қарама-қарши қўйган шоир ин-сон қадрини яна ҳам юқори кўтаради. Хайём ижтимоий тенгсизликни "яратган" худони қаттиқ танқид қилади:

Э чарх, нокасларни қилдинг фаровон —  
Ҳаммому уй бердинг, ер, сув, тегирмон,  
Тўғри киши гаров бир бурда нонга,  
Жиртакка арзимас бундайн даврон.

Умар Хайём ӯзининг "Рисолаи жабр" китобининг му-қаддимасида жоҳил ва мутаассиб уламоларга қарши қат-тиқ кураш олиб борганлигини шундай таърифлайди: "Биз илм аҳлининг инқизозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат бир кичик гуруҳгина қолди, холос... Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлғон билан яширадилар, билимда фириб ва шуҳратпа-растликдан нарига ўтолмайдилар. Агар илм бобида би-рор нарса билса, уни ҳам фақат тубан мақсадлар ва ўз майшатлари учун сарф қиласидилар. Агар бирор киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қиласа, тўғриликни афзал кўрса, фириб ва ёлғонни рад этишга ҳаракат қиласа, риёкорлик ва ҳийладан ҳалос бўлишга азм қиласа, уни ҳақорат қила-дилар, масҳаралайдилар".

Хайёмнинг жўшқин асарларида, айниқса, оламга маш-хур рубоийларида кучли хурфикрлилик foялари яққол намоён бўлганлиги туфайли уни динсизликда айблаб, қувфин қилганлар. Хайём ноилож, юзаки бўлса ҳам жо-ҳил уламолар олдида ӯзини "оқлаш" учун қариганда Мак-кага бориб келишга мажбур бўлган. Бу аҳволни унинг замондошлари ҳам тўғри тушунишган. Хайёмнинг рақиб-ларидан бири: "Замон аҳли унинг динсизлигини таъна қилиб, яширинча сирлари очилиб кетгач, ўз жонидан қўрқиб, қалами ва тилининг жиловини тортди ва худо-жўйликдан эмас, қўрққанидан ҳажга жўнаб, ӯзининг но-пок сирларини ошкор қиласи", деб ёзган эди. Юрт кезиб, мусофиричликни бошидан кечирган бу улуг олим умри-нинг охирида она шахри Нишопурга қайтиб келади ва фақирликда оғир умр кечиради. Аммо илмий тадқиқот-

ларини, ижодий фаолиятини тухтатмайди, янги асарлар ёзади, атрофига шогирдлар түплаб, дарс беради, бир гурух олимларни тарбиялаб етиштиради. Аммо ўз ҳаётида кўп муваффақиятсизликларга учрагани, кўп олижаноб орзуумидлари пучга чиққани сабабли Хайём пессимистик ҳолатга тушиб, бир қатор рубоийларида фатализмга бे-рилади, тақдири азалга бўйсуниш зарур деган холосага келади. Шундай бўлса-да, у қора булатли ўрта асрнинг хурофотли осмонида ярқираган йирик юлдуз эди.

Ўткир тафаккурнинг ёрқин нурлари билан нодонлик ва хурофот туманини тарқатишга ҳаракат қилган буюк гуманист Умар Хайём аслида охират, дўзах ва жаннат тўғрисидаги тасаввурларини "ясоғлиқ олам" деб мутлақо инкор қилган ва оптимистик фояларни куйлаган. Ўзининг жушқин, ҳаётбахш рубоийларида инсонни дунёning тилаги ва самари, ақл кўзин қораси-жавҳари, жаҳон узугининг гавҳари, деб таърифлаб, боғларда шилдираб оққан сувларни жаннатнинг кавсари, гуллаб-яшнаётган боғ-бўстонларини жаннатнинг ўзи, теварак-атрофдаги гўзал дилбарларини жаннатнинг ҳурлари, деб тасвиirlайди. Шоир "Насиясидан нақдрофи яхши, нофора товушидан узоги яхши", деб дунёвий ҳаётни жаннатдан афзал кўради. Адолатсизлик ва гуноҳни, барча ёмонликларни "яратган" парвардигордан норози бўлган исёнкор шоир дўзах азобларидан қўрқмайди. Чунки унинг таърифича:

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил,  
У дунё хабарин ким берган, э дил.  
Қўрқув, умидимиз шулардан, аммо  
Ному нишонасин ким билган, э дил.

Умар Хайём шум тарона тарқатувчи каъбаю бутхона қули бўлгунча Жайхундек жўшқин бўл, ёшлиқ даврони-ни сур, "ақлдан бегона бўлмай, жаҳлга хона бўлмай, ҳеч кимни ранжитмай" ҳалол турмуш кечиришни насиҳат қилади. Шоир ҳаётдаги ҳақсизлик, адолатсизлик, жабрзулмларни йўқотишни истаб, шундай ёзган эди:

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлганда,  
Майлимча ёзардим уни шу онда.  
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул,

Шодликдан бұларди бошим осмонда.  
Фалакка ҳукм этар тангридай бұлсам,  
Фалакни қиласадим үртадан барҳам,  
Яңгидан шундай бир фалак тузардим.  
Яхшилар тилакка етарди шу дам.

Лекин Хайём ижтимоий тенгсизлик, зүрлик ҳукм сурған бу замонда үзининг ожизлигидан афсусланиб, "Оlam тузогидан озод әмасмиз, бир нафас олмоқдан ҳеч шод әмасмиз", деб нолииди. "Қашшоқ, дилтант ҳаётдан" түйган Хайём қудратли Аллоҳга йүгини бор қилишни сұраб қанча ялинса-да, ҳеч қандай садо чиқмаганлиги сабабли ундан норозилигини билдиради. Мутафаккир шоир "Уликтитирик ишни тузатувчи, тарқоқ коинотни кузатувчи" худонинг дунёвий ишларни бошқаришдаги "ожиз"лигини танқид қилади:

Бир құлда Куръону биттасида жом,  
Баъзизда ҳалолмиз, баъзизда ҳаром.  
Феруза гумбазли осмон тагида  
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.

Бундай сатрларни ўрта асрларда факат чинакам жасур, доно, эркин тафаккур әгаси яратиши мүмкін эди. Табиат қонунларини илмий идрок этишга ҳаракат қылған ва бу соҳада анча ютуққа эришган, "кўп мушкул тугунни ечган ва англаған" бу буюк инсон учун "ечилмай қолгани — биргина ажал" ҳисобланған.

Шарқ Ренессанси осмонида порлоқ нур сочган, XII-XIII асрларда яшаб ижод қылған Озарбайжоннинг буюк фарзанди Низомий Ганжавий, балхлик шоир Жалолиддин Румий, улуғ италиялик шоир Данте ижодига таъсир кўрсатган "Худо бандасининг у дунё сайри" номли ажойиб асар яратган Абдулмажид Саноий, узоқ ҳаётининг учдан бир қисмини саёҳатда кечирган, үлмас асарлар ("Гулистон" ва "Бўстон") яратган улуғ мураббий шоир Сайдий Шерозий кабилар инсон қалби, онги ва эрки учун, унинг дунёвий баҳти учун ўткир қалами ва тафаккури билан фидокорона курашгандар. Бир оз кейинроқ, ривожланган феодализм даврида яшаб, илм ва бадиий адабиёт соҳасида самарали ижод этган, ҳурфиксалик ва гу-

манистик ғояларни тарғиб қилган Улугбек ва Алишер Навоий, Дурбек ва Абдураҳмон Жомий, Бадриддин Ҳилолий ва Фузулий, Абдуқодир Бедил ва Машраб каби улуғ сиймолар ҳам Шарқ Ренессанси заминида пайдо бўлган ёрқин тафаккур эгалари эди. Мазкур буюк инсонпарвар шоир ва мутафаккирларнинг ҳаётбахш асарларида нодонлик ва хурофот фош қилиниб, таркидунёчиликни тарғиб этувчи диний зоҳидлик таълимотларига тубдан зид ҳолда жўшқин қувноқ ҳаёт куйланади. Ҳаётсевар, қалби эзгу орзу-умидларга тўла, қувноқ инсон образи бу асарларнинг асосий негизини ташкил қиласди.

Ўрта аср мусулмон оламидаги энг йирик мутафаккир-файласуфлардан Ибн Рӯшд (тўлиқ исми Абул Валид Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Рӯшд Европада Аверроэс номи билан машҳур) ўз замонасида энг илғор ғояларни илгари сурган олижаноб шахс эди. Тадқиқотчиларнинг таърифича, Ибн Рӯшд ўтмишдошларининг илғор ғояларини ривожлантиришда юксак натижаларга эришибина қолмай, улардаги мавжуд материалистик хуносаларни максимал даражада хурофий уйдирмалардан озод қилган ва ўзининг илмий ғояларини тарғиб қилишда кенг фойдаланган. Ибн Рӯшднинг фалсафа тарихидаги энг катта хизматларидан бири шундаки, у қадимги юонон тафаккур меваларини йиғиб-териб, келажак авлодга етказиб берган. У, айниқса, Аристотель ва Ибн Сино асарларидағи илмий йўналишни чуқур ўрганиб, бу забардаст сиймаларнинг асарларини Европа илм хазинасига олиб кирди. Буюк рус демократи Герцен: "Қадимги дунё харобалари остида кўмилиб ётган Аристотелни бу араб (яъни Ибн Рӯшд — И.Ж.) қайта тирилтириб, хурофот ва нодонликка ботган Европага олиб келди", деб ёзган эди.

Ибн Рӯшд Испаниянинг Кордова шаҳрида 1126 йилда туғилиб, шу ерда униб-ўсди, ажойиб ақл-идроки ва ноёб истеъоди билан йирик олим даражасига кутарилди. У 72 йиллик умри давомида жуда кўп асарлар яратди, Аристотелнинг 18 асарига танқидий ва қиёсий тафсиллар берди, Платон, Птолемей, Гален, Форобий, Ибн Сино, Ибн Божий каби улуғ мутафаккирларнинг асарларига жиддий изоҳлар ёзди. Замондошларининг таърифича, Ибн Рӯшд ниҳоятда камтар, ахлоқий пок ва кечаки

учун ҳам XIII асрда Парижнинг бош епископи Темпъ аверроизм тарғиб қилаётган тезисларни диний анафема (лаънати) деб эълон қилган ва унинг тарафдорларини қувфин қилишга чақирган.

Ўша даврда Париж университетида таълим берувчи Сигер Брабантский ва унинг издоши Вильям Оккам, но-милист Дунс Скотт, йирик олим ва файласуф Рожжер Бэкон аверроизмни ёқлаб, католицизмнинг расмий фалсафаси ва илоҳиётига қарши чиққанлар, Католик черковининг энг йирик мафкурачилари Ансельм Кентерберийский, Абеляр, Альберт Буюк ва унинг истеъодли шогирди, илоҳиётчи файласуф Фома Аквинскийлар бўлса аверроизмга қарама-қарши ҳолда Аристотель таълимотига мослашишга интилганлар. Бироқ диний дунёқарашни назарий жиҳатдан асослаб беришга интилган схоластлар орасида ҳам черковнинг қаттиқ қувфин қилишига қарамай Ибн Рушд тарафдорлари пайдо бўлган.

Албатта, бундай мураккаб шароитда католик динини Аристотелнинг илғор фоялари таъсиридан сақлаб қолиш ва диний эътиқодни мустаҳкамлаш мақсадида бу буюк антик давр мутафаккири обрусидан фойдаланиш зарурити пайдо бўлади. Бу мушкул вазифани ўрта аср схоластикасининг йирик вакили, католик черкови ва феодал тузумининг танилган мафкурачиси, авлиё даражасига кўтарилган Фома Аквинский ўз зиммасига олган эди. Унинг яхлит фалсафий тизими диний эътиқод билан ақлни уйғунлаштиришга қаратилган бўлиб, ақл худонинг борлигини рационал исботлаш ва диний ҳақиқатларга қарши эътиrozларни рад этишга қаратилган деган таълимотни илгари суради. Фома Аквинский аверроизмга қарши чиқиб, ақл ҳақиқати билан илоҳий ҳақиқат зид эмас, балки бир-бирини қўллаб-қувватлаб тўлдириши зарур, деб таъкидлайди. У илмий ҳақиқатнинг илоҳий ҳақиқатдан чекиниши туфайли билимда хатолар рўй беради, дейди. Шу фоя асосида "фалсафа — илоҳиётнинг хизматкори" деган фикрни илгари суради. Черков олдидаги улкан хизматлари учун Фома Аквинский ўрта асрлардаёқ "черковнинг устози", "фаришта", "фаришта доктор" ва "фалсафа князи" деб ном қозонган. Бу "авлиё" "Исо пайғамбар эътиқоди" ва "худо шуҳрати" йўлида бар-

лаб ўлдирилганларнинг сони (XVIII аср немис ёзувчиси ва юриспруденция профессори Христиан Томазий берган хабарга қараганда) 9 миллион 440 минг кишидан ортиқ бўлган. Тадқиқотчи Росков ҳам 1869 йилда чоп этилган "Иблис тарихи" номли китобида жуда ваҳшиёна қийноқлар ва руҳий азоблар йўли билан 9 миллиондан ошиқ бегуноҳ эркак ва аёллар, гудак болалар ва ожиз қариялар қатъ қилинганлиги тўғрисида ёзган эди.

"Иблиснинг иттифоқдоши" деб айбланган юзлаб ажойиб донишманд олимлар, ҳалқ манфаати учун курашувчи буюк шахслар қувғин қилинган. 1415 йилда черков томонидан буюк реформатор, чех ҳалқининг миллий қаҳрамони Ян Гус хавфли еретик деб, тириклайн үтга ташланган эди. Жодугарликда ва иблис билан алоқадор деб айбланган француз ҳалқининг ажойиб фарзанди, инглизларга қарши озодлик курашининг қаҳрамони оддий деҳқон қизи Жанна д.Арк 1431 йил 30 майда Рауна шаҳридаги майдонда гулханда куйдирилган. 500 йил үтгандан кейин Ватикан бу жасур қизни авлиёлар рўйхатига киритади ва унга ҳалқ эътиқодини кучайтириш йўли билан черков қушимча даромад ола бошлаган. XVI асрда Германияда бўлган деҳқонлар қўзғолонининг раҳбари Томас Мюнцер ҳам "иблиснинг куроли" деб эълон қилинган.

Ўрта асрларда айрим илоҳиётчиларнинг динни дастак қилиб фан ва маърифат олдида қилган жиноятини тарих ҳеч вақт унутмайди ва кечирмайди. Гулханларда қанчаканча ажойиб инсонлар, буюк алломалар куйдирилган, асрлар давомида яратилган тафаккур мевалари — ажойиб китоблар кулга айланган. Масалан, Испанияда тулкидек маккор, оч бўридек йиртқич табиатли "буюк инквизитор" Торквемада буйруғи билан XV аср ўрталарида бир шаҳарда олти минг китоб куйдирилган. Чунки китоб, илм, маърифат католик черковининг энг ашаддий душмани эди. Атоқли дин арбоби Кальвин: "Донишманд жасурлигидан тақводорнинг нодонлиги минг марта афзал", деб таълим берган. Унинг фикрича, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун ҳалқни қашшоқликда сақлаш зарур. Чунки қашшоқлик бор жойда итоатгўйлик бор, акс ҳолда тафаккур Эркинлиги пайдо бўлади ва бу ҳол ҳалқни ҳаракатга келтириши мумкин.

қайтадиган ҳеч нимам йўқ", деб жавоб берган. Бу жавоб унинг тақдирини ҳал қилган эди. Инквизициянинг ҳукми билан Жордано Бруно 1600 йил 17 февралда Римнинг Гуллар майдонида куйдирилди. Фалакнинг гардиши билан юз йилдан кейин ўша Гуллар майдонида, худди гулхан ёнган жойда турли мамлакатлардан келган минглаб кишилар иштирокида бошқа бир катта тантана рўй беради: ўтмишнинг буюк мутафаккири Брунога ҳайкал тиклаш маросими ўтказилади. Шу муносабат билан унинг пайғамбарона айтган сўzlари қулоқда жаранглайди: "Улим мутафаккирни бир аср ичидаги келажак замонларда абадий яшайдиган қилиб қўяди".

Даҳшатли инквизиция ҳукми билан гулхан оловида буюк испан донишманди, медик Сервет, италиялик ажойиб мутафаккир, католицизмнинг ашаддий душмани Жордано Брунонинг издоши Ванини ва бошқа юзлаб мутафаккилар куйдирилган ва қатл қилинган. Бошқа жаҳон динлари, жумладан Ислом дини ҳам бундай даҳшатли қотилликларга ўз ҳиссасини кўшган. Масалан, Навоийнинг ажойиб замондошлари — истеъододли шоирлар Камолиддин Биной ва Бадриддин Хилолий қатл этилган, диний ақидалар ва руҳонийларни аёвсиз фош қилган улуғ олим ва шоир Машраб худосиз деб Балҳда дорга осилган.

Шуниси қизиқки, атом сирлари эгалланган, космос забт қилинаётган, фан-техника тараққий этаётган мамлакатларда иблис, шайтон, ёвуз руҳларга ишонадиган кишилар, жодугарлик қиласиган ва шу асосда судга тортилган шахслар ҳам кўп учрайди. АҚШдаги жамоатчилик фикрини ўрганувчи Гэлап институтининг 1971 йилда Европа мамлакатларида ўтказган тадқиқотларига қараганда, иблисга ишонадиганлар сўроқ қилинганларнинг Францияда — 17 фоизини, Англия ва Швейцарияда — 21 фоизини, Австрияда — 23 фоизини, ГФРда — 25 фоизини, Голландияда — 29 фоизини, Норвегияда — 38 фоизини, Юнонистонда 67 фоизини ташкил қилган. Инквизиция суди асосида "жодугарлик"да айбланиб, энг охирги марта 200 йил муқаддам Нюренбергда бир "гуноҳкор" гулханда куйдирилган эди.

Ўша замонларда асосан илфор фикри, динга шак келтирган кишилар жазога тортилган. Ҳозирги вақтда эса,

аксарият Farb мамлакатларида жодугарлик билан шуғулланиб, одамларни алдаб бойлик ортираётган товла-мачилар жуда күп. Бундай шахслар баъзан суд жавобгарлигига тортилади. Масалан, Германияда файритабиий кучлар билан алоқада, яъни жодугарликда айбланган кишилар устидан ҳар йили 70 га яқин суд процесси ўтказилади. У ерда "шайтонларни ҳайдаш"ни касб қилган 10 мингдан ортиқ эркак ва аёл замонавий жодугарлик билан шуғулланади. Католик черкови эса расмий равишида "Фаришталар ҳам, иблисларнинг борлиги ҳам чинакам ҳақиқат" деб эълон қилган. Бу фикр, худди ўрта асрлардаги сингари, 1972 йил 15 ноябрда ва 1975 йил 26 июня чиқарилган маҳсус ҳужжатларда тасдиқланган, уларда иблис реал одам шаклидаги маҳлуқ, деб таърифланган.

Маънавий қашшоқлик ва руҳий инқизорозни бошидан кечираётган айрим мамлакатларда, юқорида айтилганидек, янги худо изловчилар ва тузувчилар, даврга мос дин ижодкорлари ва янги пайғамбарлар ҳам онда-сонда пайдо бўлмоқда. Илмий-техника инқилоби таъсирида ҳатто ўрта асрлардаги сингари фан ва динни яқинлаштиришга интилаётган шахслар ҳам учрайди. Бундан юз йил муқаддам пайдо бўлган "Христиан фани" номли диний йўналишнинг ана шундай таълимотни тарғиб қилувчи ҳозирги тарафдорлари, Американинг "Тафаккур асли" журналининг ёзишича, 400 мингдан зиёддир. Булар жуда актив фаолият курсатадилар, аслида эса бутун жаҳонда мазкур таълимотнинг муҳлислари бир неча миллионга етади. АҚШда ҳар хил руҳий "шифокорлар" сони, айниқса, кейинги йилларда кўпайиб, баъзилари ўзларини пайғамбар даражасига кўтарганлар. Бундай ҳодисаларнинг яна бир сабаби, жаҳоннинг энг тараққий қилган мамлакатида яшовчи ҳар ўн иккинчи одам, муайян вақтларда психиатрия (жиннилар) касалхонасига тушади. Ўзини "осмондан юборилган" деб эълон қилган америкалик 68 ёшли фирибгар Рон Хаббард асаб касалликларидан қутулишга ёрдам берадиган янги черков (дин)ни кашф этиб, Кейптаун ва Нью-Йоркда, Мельбурн ва Мюнхенда диний марказ очган. Фақат ГФРда, бу черковнинг кассасига 100 миллион марка даромад тушган. Умуман жаҳон бўйича беш миллионга яқин киши унинг гирдобига тортилган.

Охирги пайтларда бу жамоа "Илмшунослик мазҳаби" номи билан машҳур. Хаббарднинг бир йилги шахсий даромади ўн миллион доллар.

Айрим мамлакатларда ҳозир ҳам дин ниқобидаги ақидапараастлар ўзларининг ёвуз ниятларига эришишга интилмоқдалар. Ундаги ички зиддиятлар, беадаблик ва ярамасликлар "янги" диний мазҳаблар орқали ҳам намоён бўлмоқда. Бунга жаҳон жамоатчилигини ларзага солган Гайанадаги фожиа ёрқин далил бўла олади. 1963 йили АҚШда "Халқ ибодатхонаси" номли диний мазҳаб юзага келган. Унга ўзини "воиз ва пайғамбар" деб эълон қилган Жим Жонс деган киши бошлиқ. Етмишинчи йилларда янги диний мазҳаб тарафдорларининг сони 20 мингга етган. Улар ўз "пайғамбари"га қатъиян бўйсунгандар. Бу янги масиҳ издошларидан 1200 киши билан Лотин Америкасидаги кичкина давлат Гайанага келиб, жунгли тӯқайзорларида ўз номи билан Жонстоун қишлоғига асос солади.

У ўзи тузган диндорлар жамоасини намунали христианлик принципидаги муҳаббат, тенглик ва биродарликка асосланган соф табиат манзарасида ишлаб яшайдиган қишлоқ барпо этишни мақсад қилиб қўйган. Жонсни АҚШнинг собиқ вице-президенти Ж.Мондейл, Калифорния губернатори Ж.Браун ва бошқа йирик арбоблар қўллаб-куватлаган. Қисқа муддат ичida концлагерь тартибини ўрнатиб, катта даромад олаётган "масиҳ пайғамбар"нинг Фарбий Европа, Лотин Америкаси ва АҚШ банкларида бойлиги 10 миллиард доллардан ошиб кетган. У АҚШнинг ўзидан жамоа аъзолари учун ҳар йили 65 минг доллар олиб турган. Чет эл матбуотининг берган хабарига қараганда, "Халқ ибодатхонаси" мазҳаби бошлигининг фақат Панама банкларидағи ҳисоб рақамида 15 миллион доллар сақланган. Шундай катта бойликка эга бўлган Жонс ўз жамоа аъзоларини қаттиқ зулм ва қашшоқликда сақлаган. У ҳар кунги ваъзида одамларни атом уруши келтирадиган "қисмат" билан қўрқитиб, нариги дунёга тайёрланиш зарурлигини тарғиб қилган. Бу ўтакетган фирибгар ўзининг фош қилинишини сезгач, 1978 йилнинг 18 ноябрида садоқатли мазҳабчилардан тузиленган "шахсий соқчилари" ва "ўлим эскадрони" ёрдами-

да бутун жамоа аъзоларини қиёмат бошланди деб, оммавий ўлимга хукм қилиб, заҳарлаб ўлдиради, ўзини ҳам қатл қиладилар. Оқибатда АҚШ гражданлари ҳисобланган "янги пайғамбар"нинг жамоа аъзоларидан 900 киши, шу жумладан 180 бола-чақанинг ёстиғи қуриган. Гайана пойтахтига қочиб кетган 72 кишидан жунгли тұқайзорларига яшириңган 37 киши тирик қолган, холос. Қолғанларнинг тақдирі номағым. Тирик қолғанларнинг гувоҳлигига қараганда, бундай ваҳшиёна оммавий ўз-ўзини ўлдириш, бўйсунмаганларни эса лимонадга ухаш ичимлик — ционистий калий қўшилган суюқлик ичириб, азоб билан ўлдирилишини таърифлаш қийин.

Бунга ухаша мазҳабларни Farbda ҳозир ҳам кўп учратиш мумкин. Масалан, чет эл матбуоти хабар берисича, фақат АҚШда бир неча миллион издошларга эга бўлган уч мингга яқин диний мазҳаблар мавжуд. Шуниси хавфлики, мазҳабчиларнинг ярмиси ёшлардан. Мазҳабларнинг хизматидан йирик арбоблар, концерн ва фирмалар кенг фойдаланади. Шунинг учун уларни ҳокимият ташкилотлари йўқотишга ожизлик қиласи. Айниқса, АҚШда ташкил топган ва бошқа мамлакатларга тарқаган ўн мингдан ортиқ ёш издошларга эга бўлган "Худо фарзандлари" номли диний мазҳаб ўспириналарни маънавий-ахлоқий жиҳатдан бузиб, пароканда қилувчи жуда хавфли ташкилот жаҳон жамоатчилигини газабга келтирмоқда. Масалан, Австрияда ушбу мазҳабдагилар жуда кўп ёш ўспириналарни "Тўла эркинликка эга мазҳаб коммуна"сига жалб қилиб жамоат нафратини уйғотдилар. "Янги дин" тарғиботчилари мураккаб индустрисал жамият яратган ижтимоий адолатсизлик натижасида пайдо бўлган норозиликлардан ташқари, мактаб ва ўқувчилар, ота-она ва болалар орасида юз берадиган зиддиятлардан ҳам моҳирлик билан фойдаланиб, ёшларни ўз тўрларига енгил илинтироқдалар.

Замонавий мазҳаблар ва "пайғамбар"лар фаолиятининг кучайиши, юқорида қайд қилинганидек, айрим мамлакатлардаги маънавий ҳаёт инқизозга учрашининг ёрқин далилидир. Кўп ўлкаларда мазкур жараён натижасида ижтимоий қарама-қаршіликларнинг кескинлашуви — кенг омма орасида ҳаётдан қаноатланмаслик, норози-

лик, келажакдан, яъни эртанги кундан қўрқиш ва умидсизлик, теварак-атрофдаги воқелик олдида ожизлик туйғуларини юзага келтиради. Ўзларининг оғир аҳволини яхшилашнинг реал йўлларини топа олмасдан руҳий тушкунликка учраган баъзи одамлар таскин берувчи восита сифатида хурофий таълимотларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Айниқса, собиқ Совет Иттилоғи емирилиб, мустақил республикалар пайдо бўлгач, эски жамиятнинг ўрнига янги бир тузум барпо қилишга киришган ўлкалар бозор иқтисоди гирдобига тортилиб, ҳалигача аниқ мақсадга эга бўлмай, оғир ўтиш даврини бошдан кечирмоқдалар. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб "қайта қуриш" деб аталган утопик ғоялар туфайли қисқа муддат ичida бутун бир иморат пойдевори билан емирилиб, ҳалигача кўплаб ўлкаларда лойиҳаси йўқ иморатни қуришга уринмоқдалар, ҳалқ оммаси эса умидсизлик, руҳий тушкунлик, маънавий қашшоқлик каби ҳис-туйғуларни бошидан кечирмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда келажаги буюк давлатни бунёд қилишга қаратилган сиёsat амалга оширилмоқда. Илмий-техника тараққиёти киши ҳаётини енгиллаштириб, унинг янада ривожланишини, ҳар томонлама камол топишини таъмин этишга, барча ижтимоий табақалар орасида илмий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қиласи. Оқибатда энг илфор, гуманистик ғоялар, умуминсоний қадриятлар, юксак ахлоқ нормалари кенг омманинг хурофий тасаввурлардан озод бўлган қалбига сингиб, зўр бунёдкор моддий кудратга айланиши шубҳасиз.

Албатта, Ўзбекистон шароитида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрни, мавқенини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофдаги муҳит олдидаги бурчи, масъулиятини ички ҳис-туйғулари ва виждони орқали чуқур тушуниб олса, бу мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг жуда зўр омили бўлиб хизмат қиласи.

## ДИН ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Тарихда янги ва энг янги давр деб аталган Farb ренесансидан кейинги асрлар ўзининг бош омили илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари жиҳатидан барча ўтмиш замонлардан фарқ қиласи. Чунки фан ва илмамърифатнинг гуркираб ўсиши нафақат бутун жамиятни, балки инсоннинг ўзини, унинг дунёқараши, онги ва табиатини тубдан ўзгартиришига сабаб бўлди.

Ҳар қандай жамият тарих саҳнасида пайдо бўлиши билан турли таълимотлар ва назариялар, мазҳаб ва йўналишлар пайдо бўла бошлайди. Улар асли ўз идеалларини, орзу-умидларини ва шу асосда яратилган мағкураларини байроқ қилиб, кенг халқ оммасини ўз тарафига тортишга ва шу орқали ўзларининг сиёсий мақсадларига эришиш учун курашиб келган. Бундай курашлар тараққий қилган юксак маданиятли демократик мамлакатларда нисбатан тинч ва осойишталикда намоён бўлса, қолок, хурофий тасаввурлар таъсирида нодонликда яшаб келаётган ўлка ва мамлакатларда жиддий тўқнашувлар ва ҳатто қонли урушлар шаклида ўтаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Афғонистоннинг фожиали аҳволи бунга ёрқин мисол була олади.

Деярли чорак кам бир аср давомида собиқ Совет Итифоқи даврида ўрнатилган социалистик тузум ҳам ўзининг кўп жиҳатдан умуминсоний қадриятларга асосланган утопик идеалларини амалга оширишга интилиб, диний ва бошқа файрийлмий foяларга қарши аёвсиз, баъзан ваҳшиёна курашиб, муайян ютуқларга эришган бўлса-да, давр синовидан ўта олмади. Аммо кенг халқ оммасининг ижтимоий-маданий ва сиёсий онг'ининг анча ўсишига, айниқса, илгари феодал-патриархал тузум занжирида эзилиб келган

қавм ва халқларнинг ҳозирги замон маданиятига етиб олишига ўз ҳиссасини қўшган собиқ социалистик тузум ҳам, энг ривожланган капиталистик тузум ҳам муайян тарихий ютуқларни қўлга киритишдаги бош омил илм-маърифат ва фан-техника эканлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Қандай сиёсий ёки ғоявий таълимот пайдо бўлмасин, у, албатта, тарих синовидан ўтади ва умуминсоний қадриятларни нақадар тұла ифодалашига қараб ўзининг яшовчанилигини тасдиқлайди. Диний эътиқодларнинг яшовчанлиги ва узоқ тарих синовидан ўтиши ҳам ўз таълимотида умуминсоний қадриятларнинг асосий ва муҳим томонларини мужассамлаштириб, ҳар бир даврда ўз моҳиятини сақлаб, моҳирлик билан замонавийлашиш қобилиятига эга бўлганилиги туфайлидир. Бунга жаҳон динлари, айниқса, буддайлик, христианлик ва ислом ёрқин мисол бўла олади.

Христианлик XI аср ўрталарида иккита катта оқимга — православие ва католицизмга бўлинниб кетгач, ҳар қайсиси ўзининг диний ақидалари, маросимлари ва диний ташкилотларининг тузилишида ўзига хос хусусиятларни юзага келтирган. Аммо иккала оқим ҳам дастлаб Farbий Европада феодализм тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик, янги даврда капиталистик муносабатлар пайдо бўлгач, янги тузумга мослашиб, унинг маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланган. Католицизмга кўпроқ ўрта аср ислохиётчи файласуфи Фома Аквинскийнинг диний қарашлари асос килиб олинган ва у ҳозирги замонга неотомизм таълимоти сифатида мослаштирилган. Католик черкови қатъий марказлашган ягона жаҳон маркази (Ватикан)га эга бўлиб, ҳозиргача бутун жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Европада капиталистик тузум ўрнатилган давр — XVI асрда католицизмга қарши мухолифат (оппозиция) тарзида пайдо бўлган протестантизм реформация ҳаракати билан боғлиқ диний эътиқод тарзида шаклланиб, жуда кўп мустақил черковлар ва мазҳабларни ўз ичига қамраб олади. Протестантлар фалсафасига биноан инсон худо билан шахсий алоқада бўлиб, диннинг ўзи дунёвий ақл-идрок билан мушоҳада қилиш объектига айлантирилади. Асризмизнинг 60-йилларида католицизм ва протестантизмда

ривожлантирилган янги сиёсий илоҳиёт таълимоти асосий дунёвий масалаларга бефарқ қарамай, христианликни шахсий нажот топиш таълимоти сифатида танқид қилиб чиққан: "ҳеч ким ўзи ёлгиз нажот топиши мумкин эмас, христиан эзгулиги фақат шахсни эмас, балки жамиятни ҳам эътиборга олиши керак". Сиёсий илоҳиёт тарафдорлари христианликнинг асосий тушунчалари — ҳақиқат, гуноҳ, муҳаббат ва ҳоказони қайта кўриб чиқиши, уларни "сиёсий" талқин қилишни тарғиб этмоқдалар.

Ҳозирги замоннинг ижтимоий онгдаги муҳим жараёнларидан бири секуляризация, яъни жамиятнинг турли соҳалари, ижтимоий гурӯхлар, индивидуал (шахсий) онг, кишилар фаолияти ва хулқ-автори, ижтимоий муносабатлар ва тартиботларнинг дин таъсиридан ҳолос бўлиш жараёнидир. Бу жараён уз навбатида жаҳон динларида, айниқса, христианликнинг протестантизм мазҳабида экumen ҳаракатини юзага келтирган эди. "Экумен" атамаси юононча "коинот, одам яшайдиган олам" маъносини англаради. Мазкур ҳаракат диний инқирознинг, чунончи христиан уюшмалари ва оқимлари инқирозининг олдини олиб, уларни бирлаштириш тарафдори булган оммавий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Дастреб бу Жаҳон Черковлари Кенгashi (ЖЧК) бошқариб турадиган барча христиан ташкилотларини бирлаштиришга қаратилган ҳаракат бўлиб, уни кўпчилик протестант ва православ, арман-григорян ва бошқа черковлар қўллаб-қувватлаганлар. Ватикан ҳам экumen ҳаракатига қўшилиб, ўзининг II Ватикан Соборида (1962-1963) бу туғрида маҳсус қарор қабул қилган. Экумен ҳаракатининг раҳбар ташкилоти 1948 йилда Амстердамда ўтказилган Бутун Жаҳон Черковлар ассамблеясида "Бутун Жаҳон Черковлар Кенгashi" номи билан сайланган, унинг маркази Женевада жойлашган.

Христиан экуменизми ноҳристиан диний ташкилотлар ва уюшмалар (Жаҳон Буддистлар Биродарлиги, Жаҳон Ислом Конгресси ва бошқалар)га ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мазкур ҳаракат мафкураси асосан барқарор характерга эга бўлган ҳолда, Фарб мафкураси, илоҳиёти ва диний социологиянинг турли концепцияларига таянади. Кўпгина экumen ташкилотлари фаолияти ҳалқаро кескинликни юмшатиш, тинчлик ва ҳалқаро хавфсизлик

учун курашга ўз ҳиссасини құшмоқда. Ҳозирги вақтда Жаҳон Черковлар Кенгашига дунёда жуда күп протестант, православ, қадимий Шарқ черковлари аъзо бўлиб кирган. Шу жумладан собиқ Совет Иттифоқидаги олтита христиан черкови: рус ва грузин православ черковлари, арман черкови, Латвия ва Эстониядаги евангелия-лютеран черкови, Бутуниттифоқ евангелия христиан баптистлар кенгashi тұла ҳукуқли аъзо ҳисобланган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, янги даврда протестант ва бошқа христиан диний йұналишлари ҳар хил ижтимоий-сиёсий позицияларда турган. Масалан, лютеранлар ва кальвинистлар Библияга асосланған муайян ижтимоий тузумни ҳимоя қила оладиган ягона ижтимоий доктрина тузиш мүмкін эмас, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга ижтимоий ҳодисаларни тұғри баҳолашда христиан ахлоқи мұхимлигини әттироф қиласылар.

70—80-йилларда мағкуравий кураш тұлқинида, айниқса, АҚШ протестантлари орасыда, консерватив ва фундаменталистик ташкилотларнинг фаолияти бир оз жонланған. Ұша даврда антикоммунизм ва антисоветизм бай-роғи остида турли ашаддий гуруҳлар бош күтариб, қуролланиш мусобақасини, охират бошланишиға сәнгени, Иоанн ваҳийномасыда ривоят қилинған барча подшолар иштирокида бутун жаҳонда сұнгги жанг іуз берадиган Армагедонға сәнгени өңелдейтчилар ҳам пайдо бўлган. Бундай сиёсий илоҳиётчилар АҚШни жаҳонда ҳукмронлик үрнатыш ва уни "худо танлаган" мамлакат сифатида гегемон бўлиб күтарилишға тарғиб қилған эдилар. Совет Иттифоқынинг парчаланиб кетиши ва АҚШнинг энг құдратли рақибдан қутулиши мазкур түшүнчаларга барҳам берди.

Ислом пайдо бўлган даврдан то бизнинг замонамизга-ча нафақат баязи ўзгаришларни бошидан кечирган, балки у тарқалған мамлакатларда маҳаллий элат ва халқарнинг қадимий әထို့နိုင်လူများ, турмуш тарзи ва анъанавий маданий ҳаётига ҳам мослашган. Ҳозирги исломда иккита йұналиш мавжуд — анъанавий ва модернистик, яъни янгила-ниш йұналишлари. Феодализм тузуми қолдиқлари сақла-ниб келаётган айрим Шарқ мамлакатларида анъанавийлик мустаҳкам илдиз отиб, эскенилийк (консерватив) тараф-

дорларига жуда құл келган. Мазкур оқимга ақидапасттар вә өзбектердің жүр бүлмоқда. Консерватив руҳонийлар барча янгиликтарға ва ғайри диндегиларға қарши чиқып, илк "пок ва жиддий" исломга қайтиш, жаһондаги фан ва техника ютуқларидан фойдаланмаслик ғояларини тарифиб қыладылар. Уларнинг фикрича, гүё жамиятда тараққиётни фақат Қуръон ва шариат таъминлаши мүмкін. Аммо айрим мамлакатларда, масалан Афғонистонда, ақидапастлик давлат сиёсати даражасига қутарилиб, катта фохиаларға сабаб бўлди.

Миллий буржуазия феодализм тартиботларини тугатиш тарафдори сифатида XIX аср бошларида исломни капиталистик муносабатлар даражасига "қутариш"ни, ислоҳотлар ўтказиши мақсад қилиб қўйган мағкурачиларни юзага келтирган. Улар шариатни Farb хуқуқшунослиги билан алмаштиришни, ибодатларни оддийлаштиришни, Farbий Европа мамлакатларидаги фан ва техника ютуқларидан фойдаланишини таклиф қилиб чиққанлар. Бундай тамойил ўтган асрнинг 20-йилларида Шарқда биринчилардан бўлиб капиталистик тараққиёт йўлига ўтган Туркияда амалга оширилган эди.

Модернистлар орасида қайтадан шариатга мурожаат қилиш зарур, деган ғояни илгари сурғанлар ҳозирги даврда ҳам мавжуд. Аммо улар илгаригидек фан ва динни муросага келтириш, бошқа динлар билан яқинлашиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Шу йўл билан модернист илоҳиётчилар исломнинг асл моҳиятини сақлаб қолиб, ўз умрини тутатган майда-чўйда эскиликлардан кечиб, замона талабларига мослашишни ўйлайдилар. Масалан, ҳозирги Саудия Арабистонида хукмрон ғоя ҳисобланган вахҳобийлик асли XVIII асрда диний-сиёсий оқим сифатида Арабистонда пайдо бўлган эди. Бу таълимот тарафдорлари яккахудоликни қатъий талаб қилиб, "динни тозалаш", исломни илк ҳолига келтириш, арабларни мусулмонларнинг яшил байроби остида бирлаштириш гояларини кутариб чиқишиган. Улар яккахудоликни ҳимоя қилиб, ҳар хил "муқаддас жойлар"га, мозор ва авлиёларга сифинишни, зоҳидликни қоралаганлар, оддий кийинишини, камтарона яшашни, айш-ишрат ва бойлик тўплашга берилмасликни тарифиб этганлар. Вахҳобийлар ҳозир ҳам Ҳиндистонда,

Африка, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кўп учрайди. XIX асрнинг ўрталарида Эронда пайдо бўлган бобийлик ҳаракати ва мазҳаби ҳамда унинг давоми тариқасида юзага келган беҳоийлик мазҳаби миллий мустақиллик манфаатига қарама-қарши ўлароқ, бутун инсоният учун ягона дин ва давлатни вужудга келтириш фоясини илгари суради. Беҳоийлик ўзини моҳияти жиҳатидан янги замонавий дин деб ҳисоблайди, мусулмон илоҳиётчилари эса уни исломнинг бир қисми деб тан олмайдилар. Беҳоийларнинг кўпчилиги Европа ва Америкада, қисман Осиёда тарқалган, уларнинг асосий марказлари Германия, АҚШ, Панамада жойлашган.

Янги даврда асосий аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган кўпчилик давлатларда ислом шиори остидаги сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлиб, улар турли назарияларнинг яратилишига сабаб бўлди. Ўтган аср бошларида давлат ҳокимиятининг дунёвий тамойилини ислом қонунчилиги негизида амалга ошириш, замонавий шароитларда ислом жамиятини қарор топтириш ва ислом жамоаси раҳбарлик усулини татбиқ қилиш назариялари кенг тарқалди. Бу назариялар, жамиятнинг анъанавий ислом модели асосида, ҳокимиятнинг олий хукмдори — худо, дунёвий ва диний таълимотларнинг бирикуви, худо иродаси, яъни Қуръонга амал қилиш орқали адолатли демократик тузум ўрнатишни кўзда тутади. Бу тузум ислом тамоилларига таянган иқтисод ва тартибот, даромадларни қайта тақсимлаш, аҳоли ҳамжиҳатлигини қарор топтириш каби фояларни ўзида муҷассамлаштирган ислом давлатини барпо этишни мақсад қилиб қўйган эди. Бундай давлатнинг ҳозирги назарий ва амалий моделини Эрон, Покистон, Ливия, Саудия Арабистони мисолида куриш мумкин. Янги замон мусулмон илоҳиётчилари Фарбий Европа йўлидан бораётган мамлакатларнинг кўпчилиги диндорларини илк ислом давридағи мусулмонлар жамоасини ҳамда тартибларини тиклашга даъват этиб, жамият ривожининг ягона йўли — ҳуқуқ ва ахлоқ соҳасига шариат талабларини киритишдан иборат деб ҳисоблайдилар. Мазкур жамоа тузуми Афғонистонда очиқ намоён бўлган эди.

Ҳозирги даврда ислом диний ва ижтимоий таълимотини янги замон шароитларига мослаштириш, ислом дини-

нинг сиёсий, ҳуқуқий, социал муаммоларига тааллуқли ақыдаларини янгича талқин этиш, ҳұжалик ҳәётини тартибға солищ ва мусулмончилик тамойиллари асосида янги тараққиёт йүлларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал этишни үзининг асосий мақсади қилиб қўйган учта оқим — традиционализм, яъни анъанавийлик, фундаментализм ва ислом модернизми кўп мамлакатларда фаол иш олиб бормоқда. Улар кенг маънода ҳозирги ижтимоий ҳаёт ва илмий-техника талабларига ислом таълимотини мослаштиришни үзининг бош вазифаси деб ҳисоблайдилар. Ислом модернизми тарафдорлари "ғайри ислом" олами билан ҳамкорликда иш олиб бориш, ҳатто ислом ва "ғайри ислом" маданиятларини умуминсоний қадриятлар асосида бириктириш ғояларини тарғиб қилмоқдалар.

Фарб тадқиқотчилари XX асрнинг 60-йиллар ўрталарида "сиёсий модернизация" ("замонга мослашув") назариясини кашф этган ва бу ҳозирги диншуносликда "ислом омили" тушунчасининг кенг ишлатилишига турткى бўлган эди. Мазкур назарияга кўра, илгари "ислом омили" мусулмон мамлакатларидаги жамиятнинг олий табақалари сиёсий фаоллиги ва мағкурасига хос бўлиб, кенг ҳалқ оммаси учун бу омилнинг унчалик аҳамияти йўқ, деб ҳисобланарди. Аслида кўпчилик диндорлар — олий табақаларнинг ўй-фикр ва кўрсатмаларига бўйсунувчи пассив оммадир, деган тушунча асосида туғилган тасаввур кенг тарқалган эди. Мазкур тадқиқотчилар бу хато тушунчаларидан кечиб, исломнинг кучайиб бораётганлигини сезиб, бу масалага оид назарияларни қайта кўриб чиқдилар. Кейинги вақтларда мусулмон мамлакатларида кенг ҳалқ оммаси миллий онгининг ўсиши натижасида "ислом омили" кучайиши билан бирга, энди "Ислом Уйғониши", "Исломлаштириш" каби сиёсий-ижтимоий концепциялар ҳам пайдо бўлди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, энг кам тарқалган клерикал назариялардан бири ҳар хил диний типдаги социализмнинг "миллий идеаллари"ни яратишдан иборат эди. Ўша вақтларда 53 та мустақил мамлакатларнинг (бутун жаҳон ҳудудининг 39 фоизини эгаллаган) ҳукуматлари ҳар хил моделдаги социализм қураётганликларини расмий баён қилганлар. Бундай "социализм" қура-

ётган мамлакатларнинг айримларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча тармоқларига дин ўз таъсирини ўтказган, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари хусусий мулк ҳисобланган, мерос, никоҳ, тарбия масалалари диний тартибга бўйсунган. Масалан, миср файласуфи доктор Жалолиддин Муҳаммад Саид ўзининг "Ислом социализми" номли асарида бу тузумнинг бешта тамойилини қайд қилади: 1) мулкни чеклаш усули; 2) социалистик ишлаб чиқариш усули; 3) кенг истеъмол маҳсулотларини социалистик тақсимлаш усули; 4) меҳнат қилишга даъват; 5) ҳаддан ташқари бойишга қарши кураш. Бошқа кўп мусулмон мафкурачиларининг асарларида мулкчилик, молия-кредит, меҳнат, ижтимоий адолат, тенглик, демократия каби масалаларда "ислом социализми"ни барча тузумлардан устун қўядилар. Улар исломдаги закот гўё мулкни чеклайди ва бойликни сунистеъмол қилишга йўл қўймайди, ислом озиқ-овқат, кийим ва бошқа буюмлардан фойдаланишда нобудгарчиликка ҳам йўл қўймайди, деб тасдиқлайдилар.

"Ислом социализми" тарафдорлари, сиёсий ва диний мафкурачилар турли, баъзан мутлақо қарама-қарши назария ва фикрлар билан чиққанлар. "Ислом социализми" байроби остида, бир томонда, мафкуравий жиҳатдан инқилобий ҳаракат, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга асосланса, иккинчи томонда, уни ўша даврда жиддий тус олган антикоммунизм ва антисоветизм тарафдорлари мафкуравий қурол сифатида фойдаланишга интилганлар. Янги ислом шиорларини тарғиб қилаётган Африкадаги мусулмон миссионерлари ўз олдига қуйидаги тўртта вазифани қўйганлар: 1) ибтидоий диний эътиқодларни тугатиш; 2) синкретик африкалаштирилган христианликни сиқиб чиқариш; 3) Исройл ва сионистик ташкилотларнинг таъсирига қарши кураш ва 4) марксизм, илмий атеистик дунёқарашиб ва атеистик тушунча ва эътиқодларнинг тарқалишига қарши кураш. Булар асосий дастур деб кўрсатилган.

"Ислом социализми" мафкурачилари турли далиллар билан социализм ва исломнинг асосий фоялари бир деб тасдиқлашга интилганлар. Масалан, миср журналисти Муҳаммад Ўда шундай деб ёзади: "Социалистлар худога энг яқин кишилар: социализм асли исломнинг моҳияти. Капитализм даврида инсон бозорга солинган товардир. Со-

циалист Фикрича, киши оч, ялангоч, ишсиз ва қашшоқ, муҳтожлиқдан қутила олмагач, оламни яратган (худо) тұғрисида үйлаш ва фикрлашга ҳамда унга эркин ибодат қилишга имкони бұлмай қолади. Шунинг учун социализм иқтисодий ва мәданий тараққиётни биринчи даражали вазифа, деб ҳисоблады", дейди. Турк мағкурачысы доктор Турхон Гүк-Гүз: "На дин, на миллатчилик социализмга зид әмас. Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари умумийлаштирилса, бас", деб қайд қилади. Айрим мусулмон рұхонийлари ислом ҳам социализм сингари бошқа кишининг меңнатидан фойдаланишга қарши, деб тасдиқлайдилар. Улар шу мұносабат билан қуйидаги ҳадисни келтирадилар: "Аллоҳ құл меңнатидан фойдаланишдан бошқа барча гуноҳлардан кечиши мүмкін". Мусулмон ислоҳотчилари XIX асрда ёк исломни замонавий тараққиёт даражасига "кұтаришни" мақсад қилиб, шарият ва фиқхни Farb ҳукуқшунослиги билан алмаштиришни, ибодатни осонлаштириб, Европа мамлакатларидаги фан ва техника ютуқларини дадил жорий қилишни тақлиф қылғандар. Ҳозирги модернистлар эса шариатта қайтиш ва лекин айрим эскирган ибодат қоидаларидан воз кечишиға мүмкін боладар. Бу ғояларға ҳозирги Марказий Осиё илоҳиётчилари ва рұхонийлари ҳам амал құлмоқдалар.

Ислом мағкурачиларининг күпчилігі ҳозирғи кунда ислом фанга қарши әмас, диний ва илмий қоидалар орасыда умумийлик мавжуд, замонавий фан ғояларининг күп қысмдері Куръон ва ҳадисларда ёки ислом илоҳиётчилари асарларыда учратыш мүмкін деб ҳисобладилар. Масалан, Куръони каримдаги сайёраларнинг ҳолати таърифи ҳозирғи фандаги Куёш атрофидаги планеталар ҳаралатын таърифига тұғри келади. Ёки фанда қабул қилинган эволюцион таълимот асли ислом илоҳиётчилари томонидан IX асрда таърифлаб берилген. Ҳатто буюк кашфиётчи олимлар Бор ва Эйнштейннинг баъзи фикрларидан фойдаланған ислом илоҳиётчилари үзларининг рационал билимларининг диний эътиқод олдиде чекланғанлығы тұғрисидеги файриилмий ғояларини асослашга интиладилар. Баъзи рұхонийлар Куръонни илмий билимларининг мажмуасы, адолат ва тенглик ғояларининг манбасы, ма-

даният ва маънавиятнинг асоси деган фикрни тарғиб қилмоқдалар. Айрим мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган "ислом социализми" назариясига биноан социалистик тамойилларнинг асосий қоидалари гўё дастлабки исломда мавжуд бўлган, Муҳаммад пайғамбар давридаги илк мусулмон жамоасидаёқ социалистик тузум қоидалари амалга оширила бошлаган.

Ислом динининг мафкуравий жиҳатдан йирик маркази ҳисобланган Мисрда 1978 йилда пайдо бўлган "Халқаро матбуот ва ахборот эркинлиги ташкилоти" янги назария ва фояларни кашф этишда ва тарғиб қилишда, айниқса, актив фаолият кўрсатмоқда. Асли учта мамлакат: Америка — Миср — Саудия Арабистони томонидан ташкил топган клерикал характердаги мазкур умумий муассасани Саудия Арабистони маблағ билан таъминлаган, унга тегишли фояларни асосан АҚШ етказиб берган, бевосита тарғибот билан эса Миср ўгуулланган эди. Мафкуравий жиҳатдан барча тадбирларнинг катта дастури ишлаб чиқилиб, бу дастурни амалга ошириш учун дастлаб 500 миллион доллар ажратилган.

Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги "Мусулмон биродарлар" ташкилоти ва Жаҳон Ислом уюшмаси, Покистондаги "Ислом тадқиқот институти", Париждаги ислом "Тарғибот маркази", Работ шаҳрида тузилган Ислом Конференцияси Ташкилоти ва шу каби бошқа халқаро мусулмон бирлашмалари ислом оламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келган. Индонезия, Туркия ва бошқа ислом дини хукмрон бўлган мамлакатлардаги турли мусулмон уюшмалари ва ташкилотлари ҳам бу йўлда фаол ҳаракат қилмоқдалар. Шу муносабат билан Фарбий Европа ташвиқотининг барча штаб ва марказлари ҳозиргача Шарқдаги ҳамкасларининг мазкур ҳолатларига мос келадиган фояларни тарғиб қилиб келмоқдалар. Натижада адабиётда яна бир йўналиш пайдо бўлган эди. Миллий-озодлик ҳаракатининг моҳиятини ўзгартириш ва уни собиқ советларга қарши ўзанга буриб юборишга уринишдан иборат бўлган бу йўналиш адабиётда "мусулмон миллий коммунизми" номини олган. Унинг фояси А.Бенингсон ва шогирди Э.Уимбунинг 1979 йили Чикагода нашр этилган

"Совет Иттифоқида мусулмон миллий социализми" асарыда очиқ баён қилинганд.

Фарб миллатчилиги ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг сақланиб қолишини, социал тенгсизликнинг янада чуқурлашувини, миллатлар тенг ҳуқуқлигини сўздагина тан олиб, амалда шовинизмни авж олдириш ва ночорроқ миллатларни камситишни назарда тутади, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун у шахсий, миллий бидъатни, миллий шуҳратпарастлик, миллий манманлик хислатларини кенг оммага ўтказишни мақсад қилиб қўяди. Асли Фарб миллатчилиги қарам мамлакатларда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва абадийлаштириш ҳамда мустамлакачилик сиёсатини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Айрим мусулмон мамлакатларида 70-йилларда тарқалган "Миллий социализм" концепцияси ҳам янги замон ҳукмрон табақаларининг мағкураси бўлиб, маҳаллий миллатчиликнинг турли кўринишдаги аралашмасидан иборатдир. У қандай қиёфада бўлмасин, миллатчилик тартибларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Чунончи, "Африка социализми", "Араб социализми", "Ислом социализми"ни амалга оширишга дастлабки уринишлар муйайн мамлакатдаги йирик мулкдорнинг, банкир ва саводогарларнинг равнақ топишига ёрдам бериш билан бирга, элат ва миллатлар, синф ва табақалар, турли партия ва уюшмалар, ватанпарвар юртдошлар ҳамда хорижийлар орасида низо ва курашлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин, социалистик фоялар ҳам аста-секин обрусланниб, инқирозга учрай бошлади.

Жаҳонда диний рақобат кун сайин кучайиб, ҳар бир дин кенг халқ оммасини ўз фоясига тортишга ҳаракат қилмоқда. Ислом таъсирини кучайтириш ва секуляризация жараёнини сусайтириш мақсадида ривожланган мусулмон давлатлари ҳатто иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз таъсирини ўтказишга интиладилар. Масалан, 1980 йили Араб Мамлакатлари Лигаси Осиё ва Африка мамлакатларининг 40 тасига молиявий ёрдам кўрсатиб, шу орқали ислом дини ва унинг анъаналарини экспорт ҳам қилганлар. Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларидан Африка қитъ-

асига келаётган капитал улар миллий даромадларининг 50-60 фоизини ташкил қиласди.

ХХ асрнинг 60-йиллари охирида юзага келган Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) 1980 йилда мустам-лакачиликдан озод бўлган 42 мамлакат (21 араб, 14 африка ва 7 та Осиё мамлакатлари)ни бириттирган. Унинг маркази Саудия Арабистони (Жидда)да жойлашган. Бу ташкилотнинг аъзолигига 1986 йили энг катта Африка мамлакати Нигерия кирган. Ислом Конференцияси Ташкилотини 1975 йили БМТ тан олган, Нью-Йоркда марказий қароргоҳи очилган. ИКТ бошқа ислом ташкилотлари — Умумжаҳон Ислом Конгресси, Ислом Олами Лигаси, Африка Бирлиги Ташкилоти ва ҳоказолар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ҳозиргача фаол иш кўрсатётган ашаддий жаҳолатпаст "Мусулмон биродарлар" ташкилоти 1928 йилда Мисрда ташкил топган эди. Бирлашманинг шиори: "Худо — бизнинг идеал, пайғамбар — бизнинг доҳий, Куръон бизнинг конституция, жиҳод бизнинг восита, дин ва худо йўлида қурбон бўлиш — бизнинг эзгу ниятимиз". Афсуски, бундай тажовузкор ташкилотлар Жазоир ва Мисрда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг кўпчилигига очиқ фаолият юритмоқда. Уни Саудия Арабистони, Қувайт каби бой мамлакатлар моддий томондан қўллаб-куватламоқдалар. Мазкур шиорни ҳозирги афғон толибонлари ва ўлкамизга тажовуз қилган ислом жангарилари ҳам ўзига байроқ қилиб олганлиги ҳаммага аён. Ҳозирги пайтда АҚШда яшаётган беш миллион мусулмон, Европа мамлакатларидағи, Япония ва Австралиядаги мусулмон жамоалари бундай ҳаракатларга тубдан қаршидир. Улар жаҳон терроризмига қарши курашда якдиллик намоён қилмоқдалар. Айниқса бу кураш 2001 йил 11 сентябрда АҚШ да рўй берган фожиали воқеадан кейин авж олди.

Албатта, диндорлик масаласи энг мураккаб ижтимоий ҳодисалардан биридир. Бу тушунчага диний дунёқараш ва диний ҳиссиёт, урф-одат ва маросимлар, диний фаолият ва бошқа нозик масалалар киради. Диндорликини тулиқ аниқлаш ҳам осон эмас. Айниқса, диний статистика кўп мамлакатларда бўлмаганлигидан, аҳоли диндорлигини фақат социологик тадқиқотлар орқали тахминий

аниқлаш мумкин, холос. Айрим мамлакатларда диний статистика мавжуд бўлса-да, у ёки бу диндорларнинг сони чинакам ҳақиқатни акс эттиrmайди. Чунки баъзи аҳоли рўйхатига айрим кишилар у ёки бу динга алоқадор, деб кўrsатиб, асли диндан қайтганлигини ёки даҳрийлигини асло билдиrmайди. Атеистлар рўйхатига эса фақат диннинг ашаддий душманлари, яъни фаол даҳрийлар киритилади, бефарқ қаровчилар ёки иккиланувчилар одатда диндорлар, деб кўrsатилади.

Кенг оммага доимо жумбоқ бўлиб туюлган табиатни ва ижтимоий ҳодисаларни тушунишда илмий билимлар қурратли воситадир. Бундан уч аср муқаддам атоқли инглиз файласуфи Фрэнсис Бэконнинг дастлаб Шарқ Ренессанси мутафаккирлари қайд қилган "куч-куват — билимда" деб айтган ибораси шу кунгача кенг тарқалган қанотли афоризмлардан ҳисобланади. Инсон фаолиятининг тарихи илмий билимларнинг нақадар зўр қурратга эга эканлигини кўп марта намойиш қилиб келган. Киши билимсиз бўлса, атрофидаги ўраб олган муҳитнинг сирли кучлари олдида бўйин эгади. Кишининг ишончи чуқур билим асосида, яъни бир нарса ёки ҳодисанинг ҳақиқийлигини ва унинг моҳиятини аниқлаб, тушуниб олиш мақсадида пайдо бўлса, ижтимоий муносабатлар ривожланади ва инсонни яхши ниятлар ва зўр режалар сари олдинга чорлайди.

Республикамиз фуқароларининг эркинликларини, уларнинг онгида демократик қадриятларни ва миллий мағкуруни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳозирги пайтда энг долзарб вазифалардан бири. Юртбошимиз кўrsатганидек, "уз ҳақ-хуқуқини танийдиган, уз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, уз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш даркор."<sup>1</sup> Хуқуқий давлат тузиш моҳиятини чуқур англамагунча, унинг қонун-қоидаларини ҳурмат қилмагунча тараққиёт булиши амримаҳол.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 9-бет.

Үтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланган динимизнинг хулқ-атворимизни, анъанавий турмуш тарзимизни мустаҳкамлашдаги хизматини асло унутмаслигимиз даркор. "Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Ҳалқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимида. Динга ҳурмат ва эътиқод — биз учун ўлмас қадриятдир"<sup>1</sup> — деган эди Ислом Каримов. Аммо катта сиёsat, давлат ишларида, замонавий ҳалқаро муносабатларни самарали бошқаришда умуминсоний дунёвий қонун-қоидаларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун Конституциямизнинг 31-моддасида: "Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга", деб ёзилгани жуда ўринлидир. Афсуски кейинги вақтларда деярли барча ривожланган мамлакатлар амал қилаётган "Виждан эркинлиги" қонунини ифодаловчи мазкур моддага зид ҳолда баъзан бир томонлама хатти-ҳаракатлар намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат маънавий бойлигимизнинг муҳим соҳаси — ислом дини номидан ўз ёвуз ниятларини амалга оширишга интилаётган айрим шахсларга жуда кўл келмоқда. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳатто урта асрларда Шарқ Ренессанси, яъни Уйғониш даврида ҳам "икки хил ҳақиқат" назарияси кашф этилиб, дин ўзича ҳақ, фан ва сиёsat ўзича ҳақ эканлигини буюк мутафаккирлар исботлаб берган ва унга ўша даврдаги давлат ва дин арбоблари амал қилганлиги юқорида қайд этилди.

Бизда қайта қабул қилинган "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ти қонун ҳаммага — ҳукумат идоралари, диний ташкилотлар ва барча фуқароларга тааллуқли. Унга ҳаммамиз ҳурмат-эҳтиром билан амал қилишимиз зарур. Чунки тарих синовидан ўтган виждан Эркинлиги қонунига тўла риоя қилиш кенг омма билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг яққол намоён

<sup>1</sup> Ўша асар, 21-бет.

бўлишига хизмат қилади. Бунга ўлкамизда сўнгги йилларда динга ва диндорларга нечоғлик катта эътибор берилаётганлиги ёрқин дадил бўла олади.

Конституциянинг 18-моддасида жуда ҳам уринли таърифланганидек, бизда "барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар". Унда ҳар ким фикр, сўз, эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга ва бу эркинлик Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади, деб аниқ кўрсатилган (13 ва 28-моддалар.)

Хурофот ва нодонлик доимо ҳалқ оммаси бошига оғир фожия ва мусибатлар келтирган. Қасоскорлик инсон табиатига зид ҳолда доимо фожиага сабаб бўлганлиги тарих тажрибасидан маълум. Шунинг учун нафақат ҳукумат идоралари ва матбуот ходимлари, барча илгор зиёлилар аҳли дин ва диндорлар орасида виждан эркинлиги қонуни тўғри ва ҳақ, унинг Конституция моддасига киритилиши табиий эканлигини тушунтириб тарғиб қилишлари лозим.

Илм-маърифат ҳалқнинг, айниқса, ёшларнинг маданий савияси, унинг саводлилиги ва билимдонлиги билангина эмас, балки умуминсоний қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам Туркистан ўлкасининг асримиз бошларида инқилобий кураш тўлқинларида пайдо бўлган ажойиб фарзандлари — жадидлар ўзларининг ватанпарварлик бурчларини вақтли матбуот орқали илм-маърифатни тарғиб қилишга, мактаб, маориф ва маданият ишларида жиддий ислоҳотлар ўтказишга киришганлар.

Хур Ўзбекистонимизнинг чинакам порлок келажагини ўйласақ, Асосий Қонун (Конституция)га таяниб, ҳалқимизнинг маданий ва маънавий ҳаётига, давримизнинг қудратли кучига айланган фан ва техника тараққиётига, маърифатнинг барча соҳаларига катта эътибор беришимиз, уни моддий жиҳатдан янада қўллаб-куватлашимиз зарур. Чунки замондошимизнинг ҳаёт-мамоти ва турмуш тарзи ҳам, равнақи ва келажаги ҳам, даставвал, илм-фан ва маърифат билан узвий боғлиқ. Заҳматкаш ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларга ва илмий билимларга

асосланган эътиқодини мустаҳкамлаш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга ишонч ҳосил қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Мустақилликка эришган дастлабки йиллардаги ва ўтиш даврига хос қийинчиликлар орқада қолмоқда. Ҳозир республикамиз катта қурилиш майдонига айланган. Қай томонга қараманг, ҳамма ерда фаол бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Атоқли адабимиз Одил Ёкубовнинг "Ўзбекистон овози" газетасида чоп этилган "Келажак йўли" номли ҳаяжонли мақоласида келтирилган доно ўй-фикрлар кишига оптимистик рух бағишлади. "Инсон ҳаёти шундай эканки, у вақт қандай ўтганини сезмай қоларкан, — деб ёзади адаб. — Бугун ўйлаб қарасам, ўлкамиз осмонида миллий байроғимиз ҳилпиллаб, юртимиз истиқдолига ҳам — ўн йил бўлибди... Назаримда, мустақилликка эришганимиздан кейинги ўтган давр буюк бунёдкорлик йиллари бўлди. Бундан ўн йил муқаддам асос солинган кўркам боғимизнинг илк ниҳоллари гулга кирди, яна бир-икки йилдан кейин бу гулга кирган ниҳоллар мева бера бошлади". Муаллиф ўз фикрини тасдиқлаб, Асака автозаводи, Бухородаги нефтни қайта ишлаш корхонаси, Тўйтепада қад кўтарган газмол фабрикаси, Қашқадарёдаги "Шуртангаз" комбинати каби "ниҳолларнинг" бир-икки йилда мева бера бошлаганини мисол қилиб курсатади. Унинг таърифича, "албатта, дарё тошганда унинг юзига хас-хашак ҳам чиқади. Булар — ўткинчи. Ва бизнинг келажагимиз кўп тўфонларни енгиб ўтиб, бепоён денгизга чиқиб олди. Денгиз — беқиёс, лекин манзил аниқ. Йул — ойдин... Мен ич-ичимдан шукрлар айта-айта Аллоҳдан сўрадим: "Илоё, кемамизнинг йўли бехатар, Дарагамизнинг қўли баланд, иродаси мустаҳкам бўлсин!" Севимли адабимизнинг қалб тилагига ўзбек элининг ҳар бир чинакам фарзанди тўла қўшилади.

## МУҢДАРИЖА

Мұқаддима .....	3
Илм-фан, мәннавият ва эътиқод .....	10
Диннинг келиб чиқиши ва унинг илк шакллари .....	33
Миллий-давлат динлари, ҳурфикарлык ва даҳрийлик .....	70
Жаҳон динлари ва тафаккур эркинлиги .....	113
Янги давр динлари ва ҳурфикарлык .....	169
Дин ва замонавийлик .....	206

**Исо Жабборов, Санжар Жабборов**

**ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТАРИХИ**

Муҳаррир *Г. Каримова*

Бадиий муҳаррир *У. Солихов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳид *Н. Умарова*

Компьютерда тайёрловчи *А. Юлдашева*

Теришга берилди 5.11.2001. Босишга рухсат этилди 01.05.2002.  
Қоғоз формати  $84 \times 108^1/_{32}$ . Шартли босма т. 11,76. Нашр т. 11,55.

Тиражи 2000. Буюртма № 91. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30,  
Нашр № 185-2001

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси  
1-босмахонасида босилди.  
700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2 уй.

**Ж 13** Жабборов Исо, Жабборов С  
Жаҳон динлари тарихи: Оли  
юртлари талабалари, ўқитувчил  
ма/ Масъул муҳаррир: М. М. Ха  
қистон", 2002. 224 б.  
I. Муаллифдош.

